В общественных зданиях следует предусматривать, как правило, системы водяного отопления, присоединённые к тепловым сетям системы централизованного теплоснабжения. Возможно также отопление от индивидуальной котельной, предназначенной для теплоснабжения одного или нескольких зданий или сооружений одного потребителя теплоты.

Для каждой функционально единой зоны общественного здания рекомендуется проектировать отдельную систему отопления с индивидуальным автоматизированным узлом присоединения к тепловой сети, поставляемым в виде заводского комплекта изделий. Такой узел включает, как правило, электронный контроллер, который управляет работой отопительной системы в соответствии с изменяющимися погодными условиями, и имеет прибор учёта потребляемой тепловой энергии.

Наибольшую экономию энергии при отоплении получают, дополняя объектное регулирование производительности, осуществляемое электронным контроллером, индивидуальным регулированием теплоотдачи каждого отопительного прибора в зависимости от температуры внутреннего воздуха данного помещения.

Индивидуальное регулирование осуществляют установкой на входе теплоносителя в отопительный прибор терморегулирующего клапана с термостатной головкой (рис. 19).

Различные энергосберегающие решения, рекомендуемые к использованию в системах отопления зданий, изложены в "Пособии по проектированию новых энергосберегающих решений по отоплению, вентиляции и кондиционированию (к КМК 2.04.05-97*)".

7.5. Вентиляция – искусственно организованное удаление из помещений загрязнённого воздуха и подача (или организованное поступление) взамен него наружного воздуха в требуемом количестве. Вентиляцию не следует путать с инфильтрацией, то есть неорганизованным самопроизвольным поступлением в здание минимально необходимого расхода наружного воздуха через неплотности или специально предусмотренные незакрываемые отверстия в ограждениях здания (см. п.4.5).

Плохая вентиляция ухудшает самочувствие людей, снижает работоспособность, вредно отражается на здоровье.

В таблицах 25÷38 ШНК 2.08.02-09* занормированы минимальные значения расхода наружного воздуха, которые необходимо обеспечивать за счёт вентиляции и, которые должны проходить через помещения общественных зданий в период их рабочей загрузки дополнительно к инфильтрационным расходам.



Рис. 19. Индивидуальное регулирование теплоотдачи радиатора при помощи клапана с термостатной головкой, установленного на входе теплоносителя

Вентиляция бывает механической и естественной, приточной и вытяжной. Внутри здания воздух, как правило, перетекает из одних помещений в другие через подрезы дверных полотен и переточные вентиляционные решётки. Поэтому зачастую воздухообмен организуют с подачей наружного воздуха в одни (наиболее чистые) помещения и удалением загрязнённого воздуха из других (наиболее загрязнённых) помещений.

Схему воздухообмена в помещениях общественного здания разрабатывает специалист по вентиляции, основываясь на классификации помещений, приведённой в п.4.11* ШНК 2.08.02-09*. Он же, используя рекомендации, изложенные в прил.17* ШНК 2.08.02-09*, определяет, где следует запроектировать механическую вентиляцию: приточную, вытяжную или приточно-вытяжную; в каких случаях достаточна естественная вытяжная канальная вентиляция и где можно организовать регулирующую естественную приточную вентиляцию через форточки и фрамуги в светопроемах.

Проектные решения по механической вентиляции должны обеспечивать их высокую энергетическую эффективность. Важнейшими направлениями при достижении данной цели являются:

- применение безкалориферных приточных систем;
- количественное регулирование воздухообмена по уровню потребности с управлением из обслуживаемого помещения;
- применение современного высокоэффективного вентиляционного оборудования.


Пример безкалориферной децентрализованной приточно-вытяжной вентиляционной системы представлен на рис.20.

В подшивном потолке размещена приточно-вытяжная установка с рекуперацией тепла, в которой наружный приточный воздух нагревается до $+10\div 15$ °С в воздухо-воздушном теплообменнике от потока удаляемого вытяжного воздуха. Недогрев приточного воздуха компенсируют увеличением теплоотдачи отопительного прибора. К установке не требуется подводить трубопроводы системы теплоснабжения калориферов, она максимально децентрализована, а величина воздухообмена регулируется по потребности с помощью датчика "качества воздуха" установленного в помещении. Миниатюрные приточный и вытяжной вентиляторы установки в сумме потребляют электроэнергию в количестве до 100 Вт.

Главным для обеспечения энергосбережения при вентиляции является правильный выбор зон обслуживания и типов вентиляционных систем и применение максимального количества энергосберегающих решений. Такие решения подробно описаны в "Пособии по проектированию новых энергосберегающих решений по отоплению, вентиляции и кондиционированию (к КМК 2.04.05-97*)".

7.6. Кондиционирование – предусматривают для создания в помещениях метеорологических условий и качества воздуха в тёплый период года. К кондиционированию относят также охлаждение, то есть удаление из помещений теплоты с помощью рециркуляционных воздухоохладителей.

a)



б)




Рис. 20. Безкалориферная прочно-вытяжная вентиляция с рекуперацией тепла

- а) вентиляционная установка HVR с теплоутилизатором;
- б) схема организации вентиляции больничного помещения

При выборе типа системы кондиционирования следует соблюдать принципы обеспечения высокоэффективного, экономически и энергетически эффективного кондиционирования:

- децентрализация систем по функционально единым зонам здания;
- подача наружного воздуха только в размере санитарной нормы;
- разделение функций подачи наружного воздуха и удаления из помещения избытков теплоты;
- количественное регулирование кондиционирования по уровню потребности из обслуживаемого помещения;
- реализация в системах наилучших энергосберегающих решений.

Выполнение функции кондиционирования путём одновременного охлаждения помещения и подачи наружного воздуха без его охлаждения наиболее предпочтительно для большинства общественных зданий. Практически именно такой приём реализуется сегодня повсеместно в общественных зданиях, за исключением уникальных. Экономия энергии по сравнению с воздушным кондиционированием создаётся за счёт резкого сокращения расходов перемещаемого воздуха, исключения систем приготовления и подачи в воздухоохладители холодной воды, снижения потерь холода с удаляемым отработанным воздухом.

К преимущественному применению в общественных зданиях рекомендуются хладоновые системы охлаждения, включающие сплит-кондиционеры и мультисплит-кондиционеры (рис.21).

Сплит- и мультисплит-кондиционеры (рис.21) состоят из наружного компрессорно-конденсаторного (1, 6) и внутренних испарительных (3, 4, 5) блоков, соединённых трубопроводами (пар-жидкость) (2), по которым циркулирует хладон.

Внутренние блоки изготавливают настенными, потолочными, напольными для соответствующего размещения в помещении. Наружные блоки устанавливают на наружной стене, в аэрируемом подсобном помещении, на крыше или на отмостке у здания.

Если к одному наружному блоку подключают два и более (до шести) внутренних блоков – то это мультисплит-кондиционер (split – раздельный). Все внутренние блоки при этом работают по одной программе от одного пульта управления.

Сплит-кондиционеры выпускаются полной заводской готовности. Каждый кондиционер имеет пульт управления, с помощью которого потребитель задаёт нужный режим работы.

Для крупных престижных общественных зданий вместо сплит-кондиционеров могут проектироваться центральные водяные системы охлаждения с фэнкойлами с использованием водоохлаждающей автоматизированной холодильной установки – чиллера.

Энергосберегающие решения по кондиционированию в полном объёме, необходимые специалистам-разработчикам систем, изложены в "Пособии по проектированию новых энергосберегающих решений по отоплению, вентиляции и кондиционированию (к КМК 2.04.05-97*).




Рис. 21. Системы охлаждения с применением сплит- и мультисплит-кондиционеров

1 – наружный блок сплит-кондиционера; 2 – хладопроводы (подающий и обратный); 3 – внутренний настенный блок; 4 – внутренний напольный блок; 5 – внутренний потолочный блок; 6 – наружный блок мультисплит-кондиционера.

Содержание

	Стр.
ПРЕДИСЛОВИЕ	3
1. ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ	4
2. РАЗМЕЩЕНИЕ ЗДАНИЙ В ЗАСТРОЙКЕ	8
3. ЭНЕРГОЭКОНОМИЧНЫЕ ОБЪЁМНО- ПЛАНИРОВОЧНЫЕ И ДРУГИЕ РЕШЕНИЯ	10
4. ОРГАНИЗАЦИЯ ЭНЕРГОСБЕРЕГАЮЩЕГО ЕСТЕСТВЕННОГО ОСВЕЩЕНИЯ И ЕСТЕСТВЕННОГО ВОЗДУХООБМЕНА НАРУЖНЫМ ВОЗДУХОМ	20
5. ИНСОЛЯЦИЯ И СОЛНЦЕЗАЩИТА	29
6. ПАССИВНЫЕ И АКТИВНЫЕ ГЕЛИОСИСТЕМЫ	35
7. ЭНЕРГОСБЕРЕЖЕНИЕ ПРИ ОТОПЛЕНИИ, ВЕНТИЛЯЦИИ И КОНДИЦИОНИРОВАНИИ	38

Подготовлены к изданию
институтом ОАО “ToshuyjoyLITI” и ИВЦ «АКАТМ»



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 2.177*-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексига асосан буюраман:

1. ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 2.177*-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2.177*. Иссиқ сув таъминоти мақсадлари учун том тепасига ўрнатиладиган қуёш коллекторларини қўллаш тавсия этилади. Бунда, қуёш коллекторлари ҚМҚ 2.04.16 га мувофиқ лойиҳалаштирилиши лозим.

Қуёш коллекторлари бино фасадларида қўлланилганда, уларни ўрнатиш учун маҳкамлаш жойлари назарда тутилиши керак.

Қуёш коллекторларини том тепасига, фасадларга ёки ер сатҳига жойлаштириш жойини танлаш лойиҳа топшириғига асосан маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Жамоат бинолари ва иншоотларини лойиҳалаштиришда йилнинг илиқ даврида иссиқ сув таъминотининг камида 25 фоиз миқдорини, таълим ташкилотлари ҳамда даволаш-профилактика муассасалари биноларида иссиқ сув таъминотининг камида 50 фоиз миқдорини қуёш коллекторларини қўллаган ҳолда қоплаш назарда тутилади.”.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қурилиш вазири



Тошкент ш.
2022 йил 16 август,
145 сон

Zakirov B. I.

Келишилди:

Бош директор

Тошкент ш.
2022 йил 15 август,

**Олий ва ўрта махсус таълим
вазир**

Тошкент ш.
2022 йил 11 август,

**Соғлиқни сақлаш вазирининг
биринчи ўринбосари**

Тошкент ш.
2022 йил 15 август,

Мактабгача таълим вазир

Тошкент ш.
2022 йил 09 август,

Вазирнинг биринчи ўринбосари

Тошкент ш.
2022 йил 10 август,

Тошкент ш.
2022 йил 16 август,



Sattarov D. N.



Ташкуллов А. Х.



Иноятлов А. Ш.



Shin A. V.



Axmedxadjayev A. I.



Saidov B. O.

ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар бўйича

ТАҚҚОСЛАМА ЖАДВАЛИ

Амалдаги тахрир	Таклиф этилаётган тахрир	Асос
-----------------	--------------------------	------

<p>2.177*. <i>Йилнинг илиқ даврида</i> иссиқ сув таъминоти мақсадлари учун иссиқ сувнинг “<i>қуёш нурли</i>” коллектор-гелиогенераторларини том тепасига ўрнатиб актив гелиотизимларни қўллаш тавсияланади. Иссиқ сув ҳосил қилиш учун қуёш нури қурилмаларини лойиҳалашни ҚМҚ 2.04.16 га мувофиқ амалга ошириш зарур.</p> <p>Актив гелиотизими учун бинонинг тарзи фойдаланилганда махсус қуёш нури коллекторлари ўрнатилиши назарда тутилиши шарт.</p> <p>У ёки бу гелиогенераторларни (қуёш нури қурилмаларини, коллекторларини) қўллаш, уларни том тепасига, тарзларга, ер сатҳига ёки қандайдир бошқа иншоотларга жойлаштириш ўрнини танлаш лойиҳа топшириғига асосан маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши лозим.</p> <p>Тўлдирилмоқда.</p>	<p>2.177*. Иссиқ сув таъминоти мақсадлари учун иссиқ сувнинг қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини том тепасига ўрнатиб қуёш коллекторларини қўллаш тавсия этилади. Қуёшли иссиқ сув таъминоти учун қуёш коллекторлари ҚМҚ 2.04.16 га мувофиқ лойиҳалаштирилиши лозим.</p> <p>Қуёш коллекторлари учун бинонинг фасадларидан фойдаланилганда махсус қуёш коллекторлари ўрнатилиши назарда тутилиши керак.</p> <p>У ёки бу қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини ва қуёш коллекторларини қўллаш, уларни том тепасига, фасадларга, ер сатҳига ёки қандайдир бошқа иншоотларга жойлаштириш ўрнини танлаш лойиҳа топшириғига асосан маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда бажарилади.</p> <p>Мазкур ШНҚда назарда тутилган жамоат бинолари ва иншоотларида иссиқ сув таъминотининг камида 25% миқдори, мактабгача таълим ташкилотлари, таълим ташкилотлари ҳамда даволаш-профилактика муассасаларида иссиқ сув таъминотининг камида 50% миқдори қуёш коллекторларини қўллаш ҳисобига қопланиши лозим.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 6 май куни ўтказилган кенгайтирилган йиғилишнинг 42-сонли баёнининг 17-банди билан: Қурилиш вазирлигига (Закиров), Энергетика вазирлиги (Ходжаев) Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Саттаров) билан биргаликда икки ой муддатда янги қурилаётган ва реконструкция қилинаётган бино ҳамда иншоотларнинг энергия самарадорлигига нисбатан талабларни тубдан ошириш мақсадида муқобил энергияда ишлайдиган сув иситиш тизимлари жорий этиш бўйича шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини қайта қўриб чиқиш ва аниқ таклифлар киритиш топшириғи берилган. Киритилаётган ўзгартириш (қўшимча)лар бино-иншоотларнинг энергия самарадорлигини оширишга ва иссиқ сув билан таъминлашда энергия ресурслари (газ, электр) тежалишига имкон яратади.</p>
---	---	--

Ўзбекистон Республикаси
қурилиш вазирининг
2021 йил 28 июлдаги
136-сон буйруғига
ИЛОВА

**ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига киритилаётган қўшимча**

1. Қуйидаги мазмундаги 3.130¹-банд билан тўлдирилсин:

“3.130¹. Янги қуриладиган савдо майдони 15 000 м²дан ортиқ савдо-қўнғилочар комплексларида жами ўриндиқлар сони 300 тадан ва кинозаллари сони 4 та кам бўлмаган кинотеатр ташкил этиш мажбурий ҳисобланади.”.



BUYRUQ

№ 136

“08” 07 2021

**ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари”
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилган
5-сон ўзгартиришни тасдиқлаш тўғрисида**

Шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни янада такомиллаштириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодексига асосан буюраман:

1. ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилган 5-сон ўзгартириш иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ адлия вазирлигида ҳисобга олингандан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. Закиров



**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI**

**TEXNIK JIHATDAN
TARTIBGA SOLISH
SOHASIDAGI NORMATIV
HUJJATLARNING
HUQUQIY EKSPERTIZASI
NATIJALARI BO‘YICHA
X U L O S A**

33-сон

1. Хужжатнинг тури:

Шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари

2. Хужжатнинг номи

ПННҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қўшимча киритиш тўғрисида

3. Хужжатни тасдиқлаган орган ва у киритилган сана ҳақидаги маълумот

Мазкур хужжат Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири томонидан 2021 йил 28 июлда 136-сон билан тасдиқланган.

4. Хужжат бўйича таклиф ва эътирозлар

Мазкур хужжат техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга қўйиладиган талаблар асосида киритилганлиги сабабли, у бўйича таклиф ва эътирозлар мавжуд эмас.

5. Қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинганлиги

Ушбу хужжат “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон Фармони ва Идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг (рўйхат рақами 2565, 28.02.2014 й.) талабларига жавоб беради ва қонунчиликка зид эмас.

6. Масъул ишрочи

Управление правовой экспертизы правительственных протокольных решений и ведомственных нормативных актов

Хужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижаси бўйича

ХУЛОСА:

Мазкур ҳужжат Шаҳарсозлик кодекси ва “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 апрелдаги ПҚ–5060-сон “Кинематография соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳа вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шароит яратиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалдаги ППНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қўшимча киритиш назарда тутилган.

Хусусан, савдо майдони 15 000 м²дан ортиқ савдо-кўнгилочар комплексларни куришда кинозалларни ташкил этиш мажбурийлиги белгиланмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “ППНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қўшимча киритиш тўғрисида”ги буйруқни ҳисобга олиш мумкин деб хулоса қиламан.

Министр



Davletov R. K.

2021 года «29» июля

**ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари”га
4-сон ЎЗГАРТИРИШ**

ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари”нинг 3-қисм “Ўқув муассасалари” кичик қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Таълим ташкилотлари ва муассасалари

3.11. Умумий ўрта таълим ташкилотларини бир сменали машғулотларга ҳисоблаб лойиҳаланиши, синфда ўқувчилар сони 30 нафардан ошмаган ҳолда, келажакда 25 нафарга мўлжалланган бўлиши керак.

Умумий ўрта таълим ташкилотининг лойиҳавий қуввати тегишли таълим босқичлари: I–IV синфлар – бошланғич таълим, V–IX синфлар – таянч ўрта таълим ва X–XI синфлар – ўрта таълим патоклари сонини ҳисобга олган ҳолда, синфлар сони бўйича аниқланади. Маҳаллий шароитдан келиб чиқиб патокларнинг ҳар хил нисбати кўзда тутилиши мумкин. Умумий ўрта таълим ташкилотининг энг катта лойиҳавий қуввати, қоидага кўра, 44 синф/1320 ўқувчидан ошмаслиги лозим. Бошланғич таълим ташкилотлари умумий ўрта таълим ташкилотларидан алоҳида жойлаштирилиши мумкин.

Йирик шаҳарларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларида техник-иктисодий асослаш асосида умумий ўрта таълим ташкилотлари бир синфда ўқувчилар сони 35 нафар ҳисобидан 48 синф/1680 ўқувчи лойиҳавий қуввати билан лойиҳаланиши мумкин.

Бошланғич таълим ташкилотлари мактабгача таълим ташкилотлари билан бирлаштирилиши ҳамда ушбу ШНҚнинг 2.26, 3.8, 3.13 ва 3.14 бандлари талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши мумкин.

Асосланган ҳолларда, маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, умумий ўрта таълим ташкилотларда синфларнинг сифими камайтирилган ҳолда лойиҳаланиши мумкин: таянч ўрта таълим ва ўрта таълим ташкилотларида – синфда 20–24 нафар ўқувчига, бошланғич таълим ташкилотларида – синфда 10–12 нафардан 20–30 нафаргача ўқувчига мўлжалланган ҳолда. Бунда синфларнинг сифими камайтирилган умумий ўрта таълим ташкилотлари бир патокдан ошмаслиган ҳолда лойиҳалаштирилиши лозим.

3.11.1. Иқтидорли ва истеъдодли болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда мактаб-интернатлар I–XI синф ўқувчилар сони синфда 20–24 нафар қилиб бир-икки патокка мўлжаллаб лойиҳаланади.

3.11.2. Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки рухий нуқсонлари бўлган болалар, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар учун ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим ташкилотлари – инклюзив шаклда таълим бериш мактаб-интернатлари ШНҚ 2.08.07 ва ШНҚ 2.07.02 талабларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

3.11.3. Инклюзив шаклда таълим бериш мактаб-интернатларида:

- кириш жойларида, холларда, йўлакларда, ўқув синфларида, дам олиш хоналарида, ошхоналарда ва ўқувчилар ташриф буюрадиган жойларда видеокузатув ускуналари;

- кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун кўшимча ёриткичлар (доска тепасида, стол устида, зиналар ва йўлакларда) ўрнатилиши, зиналарнинг периласи ва деворларда йўналишни кўрсатувчи, шунингдек синф ва хоналарга кириш жой (эшик)ларида “Брайль” шрифтли (бўртма ҳарфли) ёзув ва белгилар;

- нутқида ва эшитишида нуқсони бўлган болаларга ҳар бир ўқувчи учун алоҳида стол устида жойлашган замонавий овоз кучайтирувчи аппарати мавжудлиги, ўқув фанлари бўйича аудио-видео материаллари мавжудлиги, алоҳида коррекцион хона;

- таянч-ҳаракатида нуқсони бўлган болалар учун:

- бинога кириш қисмида ва остонали эшикларда пандуслар;

- ўқувчиларнинг юқори қаватларига чиқиб тушишлари учун кўтариш мосламалари (лифт, эскалатор, кўтаргич (подъёмник) ва ш.к.);

- спорт залда даволовчи жисмоний-соғломлаштириш машқларини бажариш учун жиҳозланган бурчак ҳамда даволовчи махсус бўртма йўлакчалар;

Инклюзив шаклда таълим бериш мактаб-интернатларида таълим бериш муҳити коррекцион ускуналар, таълим бериш техник воситалари ва махсус мебеллар билан жиҳозланиши назарда тутилиши лозим.

3.11.4. Инклюзив таълим бериш шакллари бюўлган бошқа таълим ташкилотлари ва муассасаларида 3.11.3-бандида назарда тутилган чоратadbирлар лойиҳа топшироикларига мувофиқ кўзда тутилиши лозим.

3.12. Умумий ўрта таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатларнинг таркиби ва хоналарининг майдонлари ўқув дастурларини, ўқув-тарбия, ижтимоий-педагогика ва технологик талабларини ҳисобга олган ҳолда идоравий қурилиш нормаларига асосланиб қабул қилинади.

3.13. Умумий ўрта таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатларнинг ўқув хоналари майдони 14-жадвал кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши зарур.

Ўқув хонасининг 10–15 нафар ўқувчига мўлжалланган майдони 36 м² дан, 15–30 нафар ўқувчига мўлжалланган майдони 40 м² дан кам бўлмаслиги лозим.

Ўқув-тўғарак машғулоти ва узайтирилган кун учун универсал хоналар, мактаб-интернатларда ўйинлар учун хоналар майдони 30 м² дан кам бўлмаслиги керак. Хоналар сони умумий ўрта таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатларнинг сифимидан келиб чиқиб лойиҳа топшириғи асосида қабул қилинади.

3.14. Бошланғич мактаб хоналарининг ўқув секциялари – I–IV синфлар учун бошқа ёшдаги гуруҳ ўқувчилари ўтиб юрмайдиган, алоҳида жойлашган бўлиши шарт; қуйи синфлар ўқув секциялари – I–II синфлар учун биринчи қаватда, III–IV синфлар учун хоналарни иккинчи қаватда жойлаштириш тавсия этилади.

3.15. Меҳнат таълими устахоналари, жумладан металл ёки ёғочга ишлов бериш, матога ишлов бериш ҳамда овқат тайёрлаш хоналари, 14-жадвал кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, 1/2 синф ҳисобидан қабул қилинади.

3.16. Ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари таркибига қуйидагилар киради:

академик лицейлар – аниқ фанлар (физик-математика, техник йўналишлар), табиий фанлар (химия, биология), филология, иқтисодиёт, чет тиллари каби фанлар чуқурлаштириб ўргатиладиган ўрта махсус таълим муассасалари.

касб-хунар мактаблари – умумий ўрта таълим ташкилотларининг IX синф битирувчиларидан шакллантирилган гуруҳларда, кундузги таълим шакли бўйича умумтаълим ва мутахассислик фанларининг икки йиллик интеграциялашган дастурлари асосида ошириладиган бошланғич профессионал таълим муассасалари;

коллежлар – умумий ўрта, ўрта махсус таълим ҳамда бошланғич профессионал таълим негизида касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги икки йилгача бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга ошириладиган ўрта профессионал таълим муассасалари;

техникумлар – умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал ва ўрта профессионал таълим негизида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги камида икки йил бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга ошириладиган ўрта махсус профессионал таълим муассасалари;

Ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари, қоидаги кўра,

360 ўрин (12 гуруҳ)дан кам ва 900 ўрин (30 гуруҳ) дан кўп бўлмаган, бир гуруҳда ўқувчилар сони 30 нафардан ошмаган, бир сменали машғулотларга ҳисоблаб лойиҳаланиши лозим.

Ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларининг хоналари таркибий ижтимоий-педагогик ва технологик талаблардан, ўқув дастурларидан ҳамда идоровий қурилиш нормалари талабларидан келиб чиқиб лойиҳалаш топшириғида аниқланади.

Ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларининг ўқув хоналари 14-жадвалга мувофиқ қабул қилинади.

Эслатма: Профессионал таълим муассасаларининг ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарини идоровий қурилиш нормаларига, ишлаб чиқариш-технологик лойиҳалаш тармоқ нормалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини инобатга олган ҳолда лойиҳалаш даркор.

3.17. Умумий ўрта таълим ташкилотларида ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида фаоллар залларининг сифими ўқувчилар сонининг 25–35% га, мактаб-интернатларда эса 50% га етарли равишда кўзда тутилиши керак.

Залнинг майдони 90 м² дан кам бўлмаслиги шарт. 100 ўринга мўлжалланган залнинг майдони 120 м² дан, 150 ўринга мўлжалланган залнинг майдони 160 м² дан кам бўлмаслиги керак. Ўринлар сони 200 ва ундан ортиқ бўлган залларнинг майдони томошабинлар заллари учун белгиланган нормалар бўйича ҳисобланади.

Фаоллар залида инвентар хонаси билан эстрада (30-36 м²), артистлар хонаси, техник марказлар (диктор хонаси билан радиоузел, аппаратурани таъмирлаш хонаси) кўзда тутилади. Заллар катта экранли видеопроекторлар ва акустик тизими билан жиҳозланиши зарур.

Фаоллар залининг баландлиги технологик талаблардан келиб чиқиб (лекин 4,5 м дан кам бўлмаган) белгиланади.

3.18. Умумий ўрта таълим ташкилотларида, қоидага кўра, 12 x 24 м дан кам бўлмаган ўлчамда, спорт заллари учун белгиланган норматив талабларга мувофиқ, тегишли ёрдамчи хоналари бўлган универсал спорт заллари кўзда тутилиши шарт.

Ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида 30 x 18 м ўлчамли спорт заллари қўлланиши тавсия этилади.

Спорт залларни, одатда, биринчи қаватда жойлаштириш тавсия қилинади.

Эслатма: 1. Спорт заллари таркибда қуйидаги ёрдамчи хоналар кўзда тутилади – омборхоналар, инвентар хоналари, душ хонаси бўлган ечиниш хоналари.

2. Ечиниш хоналарининг майдони бир кишига 1 м² дан кам ва ҳар бир

хонаси 15 м² дан кичик бўлмаган ўлчамда қабул қилиниши (синфларнинг сифими камайтирилган умумий ўрта таълим ташкилотларида – 12 м² дан кам бўлмаган); ҳар бир ечиниш хонаси қошида хожатхона ва душхона (2 та шоҳли) бўлиши керак.

3.19. Умумий ўрта таълим ташкилотларида ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларида ахборот марказлари (кутубхоналар) ўз таркибига абонемент, каталог ва адабиёт бериш зоналари, мутаола қилиш зали, китобларни сақлаш хонаси, дарсликларни сақлаш ва таъмирлаш хоналарини олиши шарт.

Мутаола қилиш залида ўтириш жойларининг сони: умумий ўрта таълим ташкилотларида – 20 ўриндан, ўрта махсус профессионал таълим муассасаларида – 30 ўриндан, бунда майдонлар бир жой учун 2,5–3,0 м²дан, компьютер олдидаги ўрин учун 4–6 м²дан кам бўлмаслиги лозим.

Китобларни сақлаш хонасининг майдони: очиқ фойдаланиш мумкин бўлган жойларда – 1000 китобга 5 м² ва ёпиқ сақланадиган жойларда – 1000 китобга 2,5 м² ҳисобидан қабул қилинади. 25 минг бирликгача сақланадиган кутубхона фонди битта хонага жойлаштирилиши мумкин.

Кутубхона қошида бир синф ёки гуруҳ ўқувчиларига мўлжалланган “Маънавият ва маърифат” ўқув кабинети (майдони 50–60 м²) назарда тутилиши зарур.

Эслатма: Ахборот марказининг умумий майдони 19–жадвалда келтирилган кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда бир ўқувчи ҳисобидан умумий ўрта таълим ташкилотларида – 0,15–0,3 м², ўрта махсус таълим ташкилотларида – 0,5–0,6 м² қабул қилиш тавсия этилади.

3.20. Умумий ўрта таълим ташкилотлари ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ошхоналарининг сифими ўқувчиларни умумий сонининг 20-30% га (технологик асосланган ҳолатларда лойиҳа топшириғи бўйича аниқлаштирилади) ҳисобланади. Овқатланиш заллари майдони бир ўринга умумий ўрта таълим ташкилотларида – 0,7–0,8 м², ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида – 1,3 м² ҳисобида (технологик ҳисоб-китоб асосида аниқлаштирилади) кўзда тутилади.

Овқатланиш блоклари таркиби ва майдонлари тайёрланадиган овқатлар ҳажми ва технологиясига асосланиб (лойиҳалаш нормалари бўйича) ҳисобланади.

Технологик ҳисоб-китоблар асосида идиш-тавоқ ювиш жойи, электр плита ва музлатгич билан жиҳозланган ёрдамчи хонаси бўлган буфетлар кўзда тутилиши мумкин; буфет залининг майдони 20 м² дан, ёрдамчи хона эса 6 м² дан кам бўлмаслиги лозим.

Эслатма: Талабалар турар жойлари бўлган таълим ташкилотларида ошхоналар овқатланишни ташкил этиш технологик асосларига кўра санитар-гигиеник нормаларни ҳисобга олган ҳолда назарда тутиладилар.

3.21. Мактаб-интернатларнинг ётоқ хоналари бир ўринга 4,5–6 м² ҳисобидан кўзда тутилади. Ётоқ хоналари (майдони 12–24 м²) яшовчилар сони 24–36 нафардан бўлган секцияларга гуруҳланади ҳамда зарурий санитар-маиший хоналар (юз-кўл ювиш, хожатхона, душ, кир ювиш хоналари) билан таъминланади. Ҳар бир яшаш секцияси ҳисобидан навбатчи тарбиячи хонаси (8 м²) кўзда тутилади.

Дам олиш ва дарс тайёрлаш учун хоналар мактаб-интернатда яшовчи ўқувчилар сонининг 50% ҳисобидан ва бир кишига 1,25 м² майдони ҳисобидан келиб чиққан ҳолда назарда тутилади; бунда ҳар бир хонанинг майдони 20 м² дан кам бўлмаслиги керак.

3.22. Умумий ўрта таълим ташкилотлари ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ўқувчилари сони 600 нафаргача бўлганда битта тиббиёт хонаси (14–16 м²), ўқувчилар сони 600 нафардан кўп бўлганда – муолажа хонаси (14 м²), терапевт-шифокор (12 м²) ҳамда стоматолог кабинет (14 м²)лари кўзда тутилиши лозим.

Мактаб-интернатлари ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларининг ётоқхоналарида изоляторлар (100–200 ўринга – 2 та койка, 200–300 ўринга – 3 та койка) кўзда тутилиши зарур.

3.23. Умумий ўрта таълим ташкилотлари, мактаб-интернатларнинг ўқув корпусларида, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида рекреация хоналари бир ўқувчига 0,6 м² ҳисобидан кўзда тутилиши зарур. Ички рекреация йўлакларининг кенглиги, ўқув хоналари бир ёқлама жойлашганда 2,4 м дан (2,8 м тавсия этилади), икки ёқлама жойлашганда 2,6–2,8 м дан (3,2–4,0 м ўлчамда, “зал” кўринишида рекреация жойини ташкил этилиши тавсия этилади) кам бўлмаслиги лозим.

3.24. Ўқув биноларида санитар ускуналарининг сони умумий ўрта таълим ташкилотлари ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларини лойихалаш бўйича идоравий қурилиш нормаларида белгиланган ҳисобий кўрсаткичларга мувофиқ қабул қилинади.

3.25. Олий таълим ташкилотлари хоналарининг сиғими, таркиби ва майдонлари бир вақтда шуғулланувчи талабалар, магистрлар ва аспирантларнинг сонидан келиб чиқиб, идоравий қурилиш нормаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади; бошқа ўқув муассасалари – малака ошириш институтлари, ўқув комбинатлари учун технологик асослар бўйича лойихаланади.

Ўқув хоналарининг: кабинетлар ва лабораториялар, чизмачилик заллари, курс ва диплом лойиҳалаш заллари, поток аудиториялари майдонлари 14-жадвалда келтирилган кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда (технологик асослар бўйича ўқиш дастурига мос) белгиланади.

3.26. Ўқитишда аудио-видео воситалари билан жиҳозланган, сиғими 50 ўрин ва ундан ортиқ бўлган лекция заллари, катта ўлчамдаги жиҳозлар билан жиҳозланган лабораториялар, икки тахмонли жавонли китоб сақлаш хоналари, шунингдек ўқув-ишлаб чиқариш хоналарининг баландлиги технологик жиҳатдан асосланиб қабул қилинади.

3.27. Амфитеатрли аудиторияларда кўргазма столи бўлганда, пол сатҳи аудитория доскасидан иккинчи қатор ўриндиқларигача горизонтал текис бўлиши шарт. Аудитория доскасидан кўргазма столигача бўлган масофа 1,6 м дан кам бўлмаслиги керак.

Ўқув кабинетларда ва сиғими 50 ўрингача бўлган аудиторияларда кўргазма доскаси ўқув столларининг олдинги қаторигача бўлган масофа, коида бўйича, 1,8–2,0 м, кўргазма столи бўлган лабораторияларда ва поток аудиторияларида эса 2,55 м дан кам бўлмаслиги керак. Поток аудиториялари ва лекция залларида экрандан биринчи қатор ўриндиқларининг суянчиғигача бўлган масофа 3,0 м дан кам бўлмаслиги керак.

Лекция заллари қошидаги препарат хоналари тўғридан тўғри аудиторияга ва корридорга чиқишга эга бўлиши шарт. Препарат хоналарининг майдони улардаги жиҳозларни ҳисобга олган (лекин 18 м² кам бўлмаган) ҳолда белгиланади.

Эслатма: Кўргазма столи ва видеопроектор экранининг кўриниш шартлари технологик талаблардан келиб чиқиб белгиланади.

3.28. Олий таълим ташкилотларининг ахборот-ресурс марказлари (кейинги ўринларда АРМ деб юритилади) ўз таркибига аванзал, кўргазма фонди ва каталог хоналари, абонемент, мутаола қилиш зали, китобларни сақлаш ва янги келганларини саралаш хоналарини олади.

Мутаола қилиш заллари сиғими талим ташкилотининг жами талабалари сонининг 10–15% қисмига бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатиш ҳисобидан қабул қилиниши; залда компьютерлардан фойдаланган ҳолда шуғилланиш жойлари, шунингдек Wi-Fi тармоғининг уланиши назарда тутилган бўлиши керак (1 ишчи жой учун камида 4 м²).

АРМдан таълим ташкилотининг бошқа хоналарига кесиб ўтилишга йўл қўйилмайди. АРМ хоналарнинг умумий майдони, қоидага кўра, олий таълим ташкилотларнинг сиғимидан келиб чиқиб бир талабага камида 1,0 м² ҳисобдан аниқланади. АРМ хоналарининг майдонлари 19-жадвалда келтирилган кўрсаткичлардан келиб чиқиб аниқланади.

3.29. Ректорат, деканат, кафедралар, ўқув қисмлари, илмий бўлимлари, маъмурий-хўжалик бошқармалари ҳамда илмий-текшириш бўлимларининг хоналари лойиҳа топшириғига асосан бир нафар штат ходими учун майдон 4–8 м² ҳисобидан қабул қилинади; маъмурий блок хоналари маъмурий биноларга қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

3.30. Олий таълим ташкилотларининг ўқув биноларида рекреация жойлари, қоида бўйича, бир талабага 0,5 м² майдон, хожатхоналар эса – маъмурий бинолар нормалари бўйича назарда тутилади”.



№ 82

BUYRUQ

“13” 04 2021

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4860-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Техник кенгашининг 2021 йил 2 апрелдаги 5-2021-сонли баёнига мувофиқ

БУЮРАМАН

1. ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари”га 4-сон ўзгартириш иловага мувофиқ тасдиқлансин ва ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳисобга олингандан сўнг амалга киритилсин.

2. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Д.Адилов зиммасига юклансин.

Вазир

Б.Закиров



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI**

**TEXNIK JIHATDAN
TARTIBGA SOLISH
SOHASIDAGI NORMATIV
HUJJATLARNING
HUQUQIY EKSPERTIZASI
NATIJALARI BO‘YICHA
X U L O S A**

ШНҚ 2.08.02-09-сон

1. Хўжжатнинг тури:

Шаҳарсозлик нормалари ҳамда қондалари

2. Хўжжатнинг номи

ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари”га 4-сон ЎЗГАРТИРИШ

3. Хўжжатни тасдиқлаган орган ва у киритилган сана ҳақидаги маълумот

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири томонидан 2021 йил 15 апрелда 82-сон билан тасдиқланган.

4. Хўжжат бўйича таклиф ва эътирозлар

Мазкур ҳужжат техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга қўйиладиган талаблар асосида киритилганлиги сабабли таклиф ва эътирозлар мавжуд эмас.

5. Қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинганлиги

Ушбу ҳужжат “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳукукий снѳсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон қарори ҳамда Идоравий норматив-ҳукукий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) талабларига жавоб беради ва қонунчилик ҳужжатларига зид эмас.

6. Масъул ижрочи

Управление правовой экспертизы правительственных протокольных решений и ведомственных нормативных актов

Хужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижаси бўйича

ХУЛОСА:

Мазкур ҳужжат билан “Жамоат бинолари ва иншоотлари” ШНКнинг “Ўқув муассасалари” қисмига “Таълим тўғрисида”ги Қонунга кўра ўзгартириш киритилмоқда.

Хусусан, бошланғич мактаблар, умумий типдаги ва қобилиятли болалар учун интернат мактаблар, махсуслаштирилган мактаблар ва жисмоний, ҳамда ақлий ривожланишида нуқсонлари бор (эшитиш ва нутқида, кўриш, таянч-ҳаракатлантирувчи органларида нуқсонлари бор ҳамда ақлий қолоқлик, эслаш қобилияти нуқсонли) болаларни ўқитиш учун интернат мактаблар, умумтаълим мактаблари сўзлари мазкур Қонунга асосан бошланғич таълим, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар, шунингдек узок вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ҳамда профессионал таълим таълим сўзлари билан алмаштирилмоқда.

Шунингдек, йирик шаҳарларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларида техник-иктисодий асослаш асосида умумий ўрта таълим ташкилотлари бир синфда ўқувчилар сони 35 нафар ҳисобидан 48 синф 1680 ўқувчи лойиҳавий қуввати билан лойиҳаланиши мумкинлиги, инклюзив шаклда таълим бериш мактаб-интернатлари биноларининг қурилишига қўйиладиган талаблар, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари таркибига кирувчи муассасалар аниқ кўрсатилмоқда.

Тақдим этилган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида ҳуқуқий нормалар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга кўра, “ШНК 2.08.02-09. Жамоат бинолари ва иншоотларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни ҳисобга олиш мумкин деб хулоса қиламан.

Министр



Davletov R. K.

2021 года «12» мая

**ҚМҚ 2.08.02-09* «Жамоат бинолари ва иншоотлари» га
3-сонли ўзгартириш**

1. “Норматив манбалар” бўлимида:
“ҚМҚ 2.01.04-97*” сўзлари “ҚМҚ 2.01.04-2018” сўзлари билан алмаштирилсин;
“ҚМҚ ҚМҚ 2.01.18.2000*” сўзлари “ҚМҚ 2.01.18-2018” сўзлари билан алмаштирилсин;
қуйидаги матндаги хатбошилар билан тўлдирилсин:
“ИКН 03-18/ЎзР МТВ "Мактабгача таълим муассасалари";
ҚМҚ 2.04.16-2018 "Қуёш иссиқ сув таъминоти"”.
2. 1-жадвалнинг 1-бандига “қаватлик” устунида “2” рақами “3” рақамига ўзгартирилсин.
3. 2.167*-бандда “болалар боғча-ясли биноларга” сўзлари “мактабгача таълим ташкилотлари” сўзлари билан алмаштирилсин.
4. 3-бўлимдаги “Мактабгача муассасалар” кичик бўлимнинг сарлавҳаси “Мактабгача таълим ташкилотлари” сўзларига ўзгартирилсин.
5. 3.1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«3.1 Болалар мактабгача таълим ташкилотлари (кейинги ўринда МТТ) – умумий ва соғломлаштириш типидagi ясли-боғчаларни мос равишда 385 ва 300 ўриндан кўп бўлмаган миқдорга лойиҳалаш лозим. Мавжуд қурилишларни қайта қуриш ҳудудларида ер участкалари чекланган шароитда 600 ўриндан кўп бўлмаган умумий типли МТТни лойиҳалашга йўл қўйилади. МТТ қуввати ошириш Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Фавқулотда вазият вазирлигининг Давлат ёнғин назоратини ташкил этиш бош бошқармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидимиологик осойишталик агентлиги билан аввалдан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.
Гуруҳларни тўлдириш ясли гуруҳларида (3 ёшгача бўлган болалар) 20 та ўриндан ва мактабгача ёшдаги гуруҳларда (3 ёшдан 6-7 ёшгача бўлган болалар) 30 ўриндан кўп бўлмаслиги бўлиши керак.
МТТда ёшга оид гуруҳлар сонини қурилиш ҳудудидаги демографик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалашга топшириқда аниқлаш лозим.
МТТ мажмуаларини овқатланиш блоки, кир ювиш, маиший-хизмат, тиббиёт хоналари, шунингдек болаларнинг жисмоний тарбия ва мусиқа машғулотлари учун хоналарини марказлаштириш асосида лойиҳалаш лозим. Алоҳида турган озиқ-овқат блокани, кир ювиш хонасини иситилган йўлак орқали асосий блок билан уланишини кўзда тутиш тавсия этилади.

МТТ мажмуасининг сифими ва таркиби мазкур меъёрлар талаблари ҳамда ИҚН 03-18/ЎзР МТВ талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалашга топшириғи билан аниқланиши лозим.

Умумий типли, соғломлантириш ҳамда жисмоний ва ақлий ривожланишида нуҳсонлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган МТТ лойиҳалашда ушбу нормалар билн бир қаторда амалдаги санитария норма ва қоидалари ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Жисмоний ва ақлий ривожланишида нуҳсонлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган МТТ да гуруҳлар санитария нормалари ва ШНҚ 2.08.07 га асосан сифими камайтирилган ҳолда – 12 ўрндан ошмаган қилиб лойиҳалаш лозим.

Ҳар бир ёш гуруҳи гуруҳ хонаси, ётоқхона ва ҳожатхонадан ташкил топган гуруҳ ячейкаси хоналарида жойлашиши мумкин. Гуруҳ ячейкасининг барча хоналарини битта қаватда жойлаштириш лозим. Болалар ясли-боғчаси гуруҳларининг ячейкалари хоналари 13-жадвал кўрсаткичларига мос равишда (юқорида келтирилган ҳисобий тўлдиришларни эътиборга олган ҳолда) лойиҳаланиши лозим.

Умумий ёки соғломлаштириш типдаги нодавлат МТТ да тўлдирилиши қисқартирилган – 10-12 болага мўлжалланган гуруҳларнинг гуруҳ хонаси майдони 30 м² дан, ётоқ хонаси 20 м² дан, ечиниш хонаси 12 м² дан, ҳожатхонаси 10 м² дан кам бўлмаган миқдорларда бўлиши шарт.

Соғломлантириш типдаги болалар ясли-боғчаси умумий типдаги ясли-боғчалардан қўшимча соғломлаштириш хоналарининг мавжудлиги билан фарқланади (лойиҳалаш топшириғига кўра).

Барча типдаги МТТ ларда кичик ёшдаги болалар учун бир ўринга 2 м² ҳисобидан, бироқ 20 м² дан кам бўлмаган, асосий бинога бириктириб қурилган ёзги хона-айвончалар кўзда тутилиши тавсия этилади.

Кўп квартирالي уйларда, одатда 1-қаватда жойлашган киритиб ёки бириктириб қурилган хоналарда сифими 100 ўрндан ошмаган, шунингдек, яқка тартибдаги уй-жойларда сифими 30 ўрндан кўп бўлмаган МТТ ларни жойлаштиришга йўл қўйилади.

МТТ лар квартирани иситиш тизимида индивидуал қозонлар қўлланилган кўп квартирالي уйнинг биринчи қаватида жойлаштирилганда ёпиқ ёниш камерали қозонлар уйнинг ошхоналари остида жойлашган қозонхоналарда ўрнатилишига йўл қўйилади. Қозонхона ҳовлидан алоҳида кириш йўли билан бошқа хоналардан ажратилиши лозим.

Чекланган ер участкаларида иккита гуруҳ учун майдони 28 м² дан кам бўлмаган битта соябон ўрнатишга йўл қўйилади.

13-жадвал

Гуруҳ ячейкаси хоналарининг номи	1 бола ҳисобига хоналарнинг майдони, м ²		
	Умумий ва соғломлантириш типлари		Ихтисослаштирилган
	ясли	боғча	
Қабул қилишда кийим алмаштириш хонаси	1,0	0,8	1,5

Гуруҳ хонаси (шу жумладан: овқатланиш ва машғулотлар, ҳаракатли ўйинлар, сокин дам олиш жойлари)	2,7-3,0 (40-45 м ²)	2,5-3,0 (50-60 м ²)	4,5 (54 м ²)
Ётоқхона (ётоқ айвони)	2,0	2,0	2,4
Хожатхона (15-16 м ²)	1,0	0,8	1,2
Ногирон болалар реабилитацияси учун махсус машғулотлар хонаси (20-30 м ²)	-	-	2,5-3,0
Буфет хонаси 5-6 м ²	+	+	+

МТТ лари учун ўрнатилган майдон меъёрлари болалар учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган санитар меъёрларига мувофиқ минимал меъёрларга тўғри келади.

МТТ лар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига қурилганда хоналар майдонлари учун белгиланган минимал кўрсаткичлар ёки лойиҳалаш топшириғига мувофиқ каттароқ майдонлар қабул қилиниши мумкин”.

6. Қуйидаги мазмундаги 3.1.1-банди билан тўлдирилсин:

«3.1.1 МТТ ни жойлаштириш ва ер участкаси ўлчамларини қабул қилиш ШНҚ 2.07.01 ва ШНҚ 2.07.04, шунингдек, тегишли СанПиН ва ИҚН 03-18/ЎЗР МТВ талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

МТТ ларни магистраль кўчалар, коммунал ва саноат корхоналаридан, шунингдек, гаражлар ва автотураргоҳлардан узоқликда, кичик мавзеларда, алоҳида ер участкаларида жойлаштириш лозим. Шаҳар (қишлоқ) аҳамиятига эга бўлган магистраль муҳандислик коммуникациялар (сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, электр таъминоти, газ таъминоти) МТТ худуди орқали ўтмасликлари керак.

МТТ биноларини жойлаштиришда асосий хоналар, гуруҳ хоналари ва гуруҳлар ячейкалари деразалари томонидан қарама-қарши турган энг баланд турар-жой ва жамоат бинонинг 2,5 баландлигидан кам бўлмаган санитар масофаларга риоя қилиниши лозим.

Алоҳида биноли янги қуриладиган МТТ ер участкасининг майдони 100 ўрингача сифимда бир ўринга 40 м², 100 ўриндан юқори сифимда – бир ўринга камида 35 м², бинолар таркибига киритиб қурилган МТТ лар учун эса, – бир ўринга камида 29 м² ҳисобидан қабул қилиш тавсия этилади.

Киритиб ёки битиктириб қурилган ҳамда яқка тартибдаги уйларда жойлашган МТТ ер участкаларининг майдонини бир ўринга 12 м² ҳисобидан қабул қилиш тавсия этилади.

Худуди чегараланган шароитда алоҳида биноли янги қуриладиган МТТ ер участкасининг майдони 100 ўрингача сифимда бир ўринга 25 м², 100 ўриндан юқори сифимда – бир ўринга камида 20 м² ҳисобидан қабул қилишга йўл қўйилади.

МТТ ер участкаларида гуруҳлар, жисмоний тарбия ва хўжалик майдончалари жойлаштирилиши лозим.

МТТ худудини кўкаламзорлаштириш майдони қурилишдан ҳоли бўлган худуднинг 30% дан кам бўлмаган миқдорда назарда тутилиди.

Гуруҳлар ва хўжалик ҳамда умумий жисмоний тарбия ва хўжалик

майдончалари орасидаги санитария масафаларини таъминлайдиган ер участкаси элементларининг эни 6 м дан кам бўлмаслиги лозим.

Дов-дарахтлардан гуруҳ майдончаларини хўжалик зонасидан ажратиш мақсадида фойдаланилади.

Кўкаламзорлаштириш майдони таркибига дов-дарахтлар, газонлар, гулзорлар, гуруҳлар ва жисмоний тарбия майдончаларининг ўт қопламалари киради. Барча типдаги МТТ ларининг бутун ҳудудида асфальт қопламасини ишлатишга йўл қўйилмайди.

Умумий типдаги МТТлар баландлиги уч қаватдан ошмаган алоҳида турган биноларда жойлаштирилиши лозим. Зич қурилиш ва ер участкалари майдонлари етишмаслик шароитида тўрт қаватгача бўлган биноларни қуриш ёки МТТга мослаштиришга йўл қўйилади. Тўртинчи қаватда хизмат, маиший ва рекреацион хоналар, болалар билан ишлаш учун қўшимча хоналар (психолог, логопед кабинетлари ва болалар билан якка тартибда ишлаш учун бошқа кабинетлар) жойлаштирилади”.

7. 3.2-бандни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“3.2 МТТ биноларида энг кўп ўринлар сони, болалар бўладиган хоналарнинг чегаравий жойлашиши бинонинг конструктив ёнғин хавфи классини ҳисобга олган ҳолда қаватлар бўйича 13.1-жадвал асосида қабул қилиниши лозим.

13.1-жадвал

Бинодаги ўринлар сони	Асосий контингент учун хоналар жойлашининг чегаравий қавати, баланд бўлмаган	Конструктив ёнғин хавфи классификацияси, паст бўлмаган
До 50	1-қават 2-қават	C1-C3 C1
До 100	1-қават	C1
До 150	2-қават	C1
До 385	3-қават	C0, C1
До 600	3-қават	C0, C1

Йўл қўйилган ўринлар сонидан қатъий назар бино қуйидагидан баланд бўлмаслиги лозим:

икки қават – ихтисослаштирилган МТТлар учун;

бир қават – кўриш қобилияти бузилган болаларга учун МТТлар.

Ушбу бинолар ёнғинга бардошлик даражаси II дан паст бўлмаган C0 классга мансуб бўлиши лозим.

МТТ нинг икки ва уч қаватли биноларида ясли ёшидаги болалар учун гуруҳ ячейкаларини биринчи қаватда жойлаштириш лозим. Учинчи қаватда катта ёшдаги гуруҳлар учун гуруҳ ячейкалари, мусиқа ва жисмоний тарбия машғулоти учун заллар, сайр қилиш учун айвонлар, маиший-хизмат хоналари жойлаштиришга йўл қўйилади.

Иккинчи ва учинчи қаватларда жойлашган ҳар бир гуруҳ ячейкасида икки зинапоёга иккитадан кам бўлмаган алоҳида чиқишлар бўлиши керак.

Иккинчи қаватдан чиқишларнинг бирини 3-типдаги очик зинапоя бўйича кўзда тутишга йўл қўйилади .

МТТнинг турли ёшдаги гуруҳлар учун гуруҳ ячейкаларини ва бошқа хоналарни бир-биридан алоҳида жойлаштириш лозим. Иккинчи ёки учинчи қаватларда жойлашган мактабгача ёшдаги гуруҳлар учун кийим алмаштириш хоналарини биринчи қаватда кўзда тутиш мумкин.

Сифими 25 ўрндан ортиқ бўлган МТТ мактаб биноси (ёки ходимлар учун тура-жой хоналари) билан бириктириб қурилганда ва уларнинг умумий сифими 50 ўрндан зиёд бўлса улар ўзаро ЕІ 45дан паст бўлмаган ёнғинга бардошлик чегарасига эга ёнғинга қарши тўсиқлар билан ажратилиши лозим.

Ясли гуруҳлари алоҳида кириш жойларига эга бўлиши лозим, катта ёшидаги ясли гуруҳлар учун эса иккита гуруҳга битта кириш жойи бўлишга рухсат этилади. Ясли гуруҳларига кириш жойида коляскалар учун жой кўзда тутилиши лозим.

Мактабгача ёшдагилар гуруҳларининг 3-4 тасига битта кириш жойини ташкил қилишга (2.109 банд, 8-жадвал ва 2.131 банд талабларини инобатга олган ҳолда) йўл қўйилади.

Ихтисослашган МТТ учун ШНҚ 2.08.07 талаблари инобатга олиниши лозим.

Бинога ташқаридан киришлар чуқурлиги 1,6 м дан кам бўлмаган тамбурга эга бўлиши керак.

МТТ биноларининг эвакуация қилиш йўлларидаги йўлаклар ва галереяларда ечиниш жойлари ташкил этилганда уларнинг кенглиги 2,4 м.дан кам бўлмаслиги лозим”.

8. 3.4-банд қуйидаги таҳрирдаги биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“МТТ биноларида мусиқа ва жисмоний тарбия машғулотлари учун заллар кўзда тутилиши лозим.

Умумий типдаги МТТ да мусиқа машғулотлари учун зал майдони мактабгача гуруҳдаги битта ўрин ҳисобидан – 2 м² дан кам бўлмаган, гимнастика машғулотлари учун зал майдони – 3 м² дан кам бўлмаган, мусиқа ва жисмоний тарбия машғулотлари учун универсал зал – бир ўринга 4 м² дан кам бўлмаган ўлчамда қабул қилиниши лозим”;

биринчи-тўртинчи хатбошилари иккинчи-бешинчи хатбошилари деб ҳисоблансин.

9. 3.5-бандининг иккинчи хатбошидаги “болалар муассасасининг” ҳамда учинчи хатбошидаги “болалар муассасаларида” сўзлари, шунингдек, 3.6-бандининг биринчи хатбошидаги “болаларнинг мактабгача муассасаларининг”, иккинчи хатбошидаги “мактабгача муассасалар” ва учинчи хатбошидаги “боғчалари” сўзлари “МТТ” қисқартма билан алмаштирилсин.

10. 3.9-бандининг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сузиш бассейларини лойиҳалаштиришда уларни қуришга ва фойдаланишга, сузиш бассейнлари суви сифатига ва сифат назоратига амалдаги СанПиНлар билан белгиланган талабларга риоя қилиниши лозим”.

11. “Мақтабгача таълим ташкилотлари” кичик бўлими қуйидаги таҳрирдаги 3.10-1 банди билан тўлдирилсин:

“3.11 МТТ биноти қурилиши учун лойиҳа ҳужжатлари ШМҚ 1.03.01 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва энергия самарадорликнинг меъёрий кўрсаткичларига жавоб берадиган “Энергиясамарадорлик” бўлимини ва энергетик паспортини ўз таркибига олиши лозим”.

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ЖАМОАТ БИНОЛАРИ ВА ИНШООТЛАРИ

ШНҚ 2.08.02-09*

РАСМИЙ НАШР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Тошкент – 2011

ЎДҚ/69+725/(0.83.74)

ШНҚ 2.08.02-09* Жамоат бинолари ва иншоотлари / Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш – Тошкент, ИВЦ АҚАТМ, 2011-282 бет

ШНҚ 2.08.02-09* тасдиқланган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ШНҚ 2.08.02-09 нинг қайта нашридир.

ШНҚ 2.08.02-09 «Жамоат бинолари ва иншоотлари»/Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўм

Ишлаб чиққанлар: «ЎзЛИТТИ» ЁАЖ (Турар-жой ва жамоат биноларини намунавий ва экспериментал лойиҳалаш ўзбек илмий-тадқиқот институти - ёпиқ турдаги аксиядорлик жамияти): меъм. Т.П. Зимакова (мавзу раҳбари), меъм. М.М.Шагаев, т.ф.н. Ш.Ш.Шожалилов, т.ф.н. Е.А. Насонов, мух. Р.Р. Қодиров, мух.А.В.Бубнов

ЎзР ИИВ ЁҲББ: М.М.Мирфайзиев, А.А.Султонов, Н.Р.Султонаев, М.А.Қодиров, А.А.Пугин

ЎзҚИШЛОҚЛОЙИХА: меъм. М.У. Умаров.

Иштирок этганлар:

ЎзР СВ СГКк ИТИ: ЎзР ФА академиги, проф. Т.И.Искандаров, м.ф.к М.Р. Қўчқорова, д.м.н. Г.Т.Искандарова.

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўм га «ЎзЛИТТИ» ЁАЖ томонидан киритилган

Муҳаррирлар: М.М.Шагаев, Л.А. Мухамедшин, Т.П.Зимакова ("ЎзЛИТТИ" ЁАЖ)

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўмнинг лойиҳа-қидирув ташкилотларининг фаолияти ва мониторинги бошқармаси томонидан тасдиқлашга тайёрланган

ШНҚ 2.08.02-09 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» амалга кириши билан ҚМҚ 2.08.02-96 “ Жамоат бинолари ва иншоотлари ” ўз амал қилиш кучини йўқотади.

КЕЛИШИЛГАНЛАР: ЎзР СВ, ИИВ ЁҲББ, ФВВ.

Мазкур нашр матнида қурилиш объектларини энергосамарадорлигини ошириш мақсадида «ToshuyjoyLITI» ОАЖ томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишнинг 2011 йил 12.07 да 46 сонли буйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.08.09-09 га 1 сонли Ўзгариш (ишлаб чиқувчилар: Т.П.Зимакова, т.ф.н. Е.А.Насонов, Р.Р.Қадиров, А.В.Бубнов) ҳисобга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўм рухсатисиз ушбу хужжат қисман ёки тўлиқ қайта ишланиши, ҳамда ундан нусхалар кўчирилиши ва тарқатилиши ҳаракатлари мумкин эмас ва тарқатилиши ҳаракатлари мумкин эмас

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давархитектқурилишқўм)	Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари	ШНҚ 2.08.02-09*
	Жамоат бинолари ва иншоотлари	ШНҚ 2.08.02-09 ўрнига

Мазкур нормаларга баландлиги 50 метрдан¹ ошмаган жамоат бинолари ва иншоотларининг янги қурилиши ва реконструкция қилиниши лойиҳаларини ишлаб чиқишда амал қилиниши зарур. Нормалар амал қилиш доираси барча ташкилий-ҳуқуқий мулкдорлик шакллариининг бино ва иншоотлари лойиҳаланишини ўз ичига олади.

Нормалар йиғма-бўлинувчан, кўчма ва инвентар объектларга таълуқли эмас.

Ноёб жамоат бинолари ва иншоотлари параметрларининг ушбу нормалар талаблари чегарасидан ташқари ҳолатлар, янги технология хизмати, ҳамда ер остига бутунлай жойлаштириладиган объектлар бўйича лойиҳалаш махсус тузилган қурилиш техник шартлари асосида амалга оширилади.

Ушбу нормалар одамлар хавфсизлигини таъминлаш ва бино ва иншоотларнинг мўътадил самарали ишлашига, атроф муҳитни муҳофаза қилишга, ҳамда буюртмачиларни (истеъмолчи) у ёки бу техник-иқтисодий кўрсаткичларга эришишга йўналтирувчи, юқори ёки баланд комфортли биноларнинг айрим хусусиятлари ва параметрларини белгилашга (майдон таркиби ривож ва оширилиши, муҳандислик жиҳозлари билан таъминланиш даражасини ошириш ва бошқалар) йўналтирилган мажбурий талаб ва параметрларни ўз ичига олади.

Бино ва иншоотлар лойиҳаланишида I бўлим “Норматив манбалар” ва мазкур нормалар матнларига мувофиқ амалдаги қурилиш нормаларида келтирилган талаблар қўшимча ҳисобга олиниши шарт.

Ушбу нормалар қатори турар-жой уйлариининг ҳажмидаги, ҳамда олд қисмида ҳажмига кириб турадиган жамоат хоналарини лойиҳалашда ШНҚ 2.08.05 “Турар-жой бинолари” нинг талаблари ҳам ҳисобга олиниши шарт.

Лойиҳалашда ногиронлар бино ва иншоотлардан фойдаланиши учун меъморий-режа ва техник чора-тадбирлар ШНҚ 2.07.02. талабларига асосан амалга оширилади.

Жамоат бинолари ва иншоотларининг асосий гуруҳлари ва хиллари (ШНҚ 2.01.02 га асосан ёнғин хавфи классификациясини ҳисобга олган ҳолда) мажбурий 1- иловада келтирилган.

Жамоат бинолари ва иншоотларининг ҳажмида А ва Б категорияли портлов-ёнғин хавфи юқори хоналар жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

Жамоат бинолари ва иншоотларининг ҳажмида бошқа мақсадли хоналар, жумладан функционал ёнғин хавфи классификациясини Ф5.1 ва Ф5.2 ли у ёки бу муассасаларнинг ишлаб чиқариш ва омбор хоналари жойлаштирилиши, йўналиши бўйича идораларнинг норматив ҳужжатларида (қарорларида) рухсати борлигига асосланган ҳолатларда йўл қўйилади (амалдаги санитар-гигиеник, экология, ёнғинга қарши нормалар ва бошқа талаблар бажарилиши шарт билан).

Терминлар маъноси 2 - мажбурий иловада келтирилган.

¹Эслатма: Бино ва иншоотлар баландлиги ШНҚ 2.01.02-04 га асосан белгиланади.

* 2011 йил августда қабул қилинган ўзгаришлар билан қайта нашр қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўм “ЎзЛИТТИ” ЁАЖ томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг “03” июл 2009 йил 75- сонли қарори билан тасдиқланган	Амалга тадбиқ этилиш санаси “1 “ <u>октябр</u> 2009 йил
---	---	--

1. НОРМАТИВ МАНБАЛАР

- ШНК 2.07.01-03* –Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш.
- ШНК 2.07.04-06- Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларининг меъморий режалаштирилишини ташкил этиш.
- ШНК 2.01.02-04- Бино ва иншоотларнинг ёнғин ҳавфсизлиги.
- ШНК 2.08.01-05- Турар жой бинолари.
- ШНК 2.07.02-07- Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжини ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш.
- ШНК 2.08.07-09- Жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун махсус ўқув-тарбиявий муассасалар.
- ШНК 2.08.04-04*-Маъмурий бинолар.
- ШНК 2.08.03-09- Санаторийлар.
- ҚМҚ 2.08.05-97*- Даволов муассасалари сифатида мослаштириладиган бино ва иншоотлар.
- ҚМҚ 2.08.06-97- Санитария-эпидемиология станциялар.
- ҚМҚ 2.01.01-94- Лойиҳалаш учун климатик ва физикавий-геологик маълумотлар.
- ҚМҚ 2.01.11-97- Ҳудудлар, бино ва иншоотларнинг ҳавфли геологик жараёнлардан муҳандислик ҳимояси. Лойиҳалаштиришнинг асосий низомлари.
- ҚМҚ 2.01.17-95- Фавқулудда ҳолатлар ва фуқаро муҳофазаси. Техник-муҳандислик чора-тадбирлари.
- ҚМҚ 2.01.03-96- Зилзилавий ҳудудларда қурилиш.
- ҚМҚ 2.01.05-98- Табиий ва сунъий ёритиш.
- ҚМҚ 2.01.04-97*- Қурилиш иссиқлик техникаси.
- ҚМҚ 2.01.08-96- Шовқиндан ҳимоя.
- ҚМҚ 2.01.07-96- Юклар ва таъсирлар.
- ҚМҚ 2.01.18-2000*- Бинолар ва иншоотларни иситиш, вентиляция, кондициялаштириш учун энергия сарфи меъёрлари.
- ҚМҚ 2.04.16-96- Қуёш нуридан иссиқ сув таъминлаш қурилмалари
- ҚМҚ 2.04.01-98*- Бинолар ички водопроводи ва канализацияси.
- ҚМҚ 2.04.05-97*- Иситиш, вентиляция ва кондициялаштириш.
- ҚМҚ 2.04.08-96*- Газ таъминоти. Лойиҳа меъёрлари.
- ҚМҚ 2.04.17-98 - Турар-жой ва жамоат биноларининг электржиҳозлари.
- ҚМҚ 2.04.20-98- Турар – жой ва жамоат бинолари муҳандислик ускуналарининг алоқа, сигнализация ва диспетчерлаштириш қурилмалари.
- ҚМҚ 2.04.09-07- Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси
- ҚМҚ 2.03.13-97- Поллар.
- ҚМҚ 2.03.10-95*- Томлар ва томқопламалар.
- ҚМҚ 3.05.01-97- Ички санитария ва техник тизимлари.
- ҚМҚ 3.03-01-98- Юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар.
- ШНК 2.01.19-09 - Портлабёниш ва ёнғин ҳавфи бўйича хоналар, бинолар ва ташқи қурилмаларнинг категориясини аниқлаш
- ГОСТ 25772-83* - Зинапоялар, балконлар ва томларнинг пўлатли тўсиқлари. Умумий техник талаблар
- РД 34.21.122-87 - Бино ва иншоотларнинг яшинқайтаргич қурилмалари бўйича низом.
- СанПиН № 0231-07 – Даволаш – профилактика муассасаларининг лойиҳаланиши, қурилиши ва эксплуатациясининг санитар қоидалари.
- СанПиН№0241-07-Ўзбекистон Республикасида болалар мактабгача тарбия муассасаларининг қурилмаси ва сақланишининг санитар талаблари
- СанПиН № 0266-09 - Турар-жой ва жамоат бинолари, бола ва катта ёшдаги ногирон ва кам ҳаракатланувчи аҳоли фойдаланувчи турар-жой тузилмалари лойиҳаланишларининг санитар нормалари.

2. УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

2.1. Жамоат бинолари ва иншоотларининг янги қурилиши ва реконструкция

қилиниши ушбу ҳужжат талабларига ва бошқа Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган қурилиш лойиҳаси нормаларига асосланиб ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида амалга оширилиши шарт. Лойиҳалаш нормалари инсонларнинг хавфсизлиги ва соғлиғи ҳимояси, бино ва иншоотлардан юқори сифатли функционал фойдаланиш даражасининг оширилиши, уларнинг узоқ сақланиши ва таъмирланишга яроқлиги, энергия тежамкорлиги, ҳамда атроф муҳитнинг ҳимоя қилиниши тадбирларининг таъминлашига қаратилган.

2.2. Жамоат бинолари ва иншоотларининг ер майдонига жойлашуви ва режаланиши, ШНК 2.07.01 талаблари доирасида, қурилиш лойиҳаси бўйича амалга оширилиши шарт. Қишлоқ жойларда жамоат бинолари ва иншоотларини лойиҳалашда қўшимча ШНК 2.07.04 талаблари ҳам ҳисобга олинishi керак.

2.3. Бино ва иншоотларни лойиҳалашда ҚМҚ 2.01.01 га (лойиҳалаш учун иқлимий ва физика-геологик шартлар) асосланган Ўзбекистон Республикаси ҳудуди қурилиш-иқлимий зоналарининг табиий-иқлим шароитлари ҳисобга олинishi зарур. ШНК 2.08.01 да Ўзбекистон маъмурий туманлари бўйича қурилиш-иқлим зонаси ва зона ости ҳудудлари келтирилган.

I қурилиш-иқлим зонада- экстремал шароитли ярим дашт ва даштли ҳудудларда асосий хоналарни ортиқча қуёш таъсиридан ва қизиб кетишидан, ёзда қизиган шамол ва қишда совуқ шамол таъсиридан эффектив ҳимоялашни таъминлаш зарур; ички муҳитни ноқулай ташқи таъсирлардан максимал ҳимоялашни таъминловчи бино ва иншоотларнинг компакт композицион-режали ечимларини қўллаш, эффектив қуёш ва чангли шамоллардан ҳимояловчи қурилмаларни қўллаш, ҳамда хоналарда қулай микроклимат ҳосил қиладиган техник воситаларни қўллаш усуллари таклиф этилади.

II қурилиш-иқлим зонада-воҳа ва тоғолди ҳудудларда бино ва иншоотларнинг композицион-режали ечимлари қулай табиий-иқлим шароитларидан максимал тўлиқ фойдаланишга қаратилган бўлиши, асосий хоналарни ортиқча қуёш таъсири ва қизиб кетишидан ҳимояловчи (соябон, хоналарни шамоллатувчи) қулай очик майдонли жойлар билан боғланиши ҳисобларига таъминланиши шарт.

III қурилиш-иқлим зонада-чўзилиб кетадиган совуқ қишли тоғлик ҳудудларда компакт композицион-режали ечимлари, аввалом бор, бино хоналарининг қиш мавсумида иссиқлигини таъминлашга қаратилиши керак.

2.4. Бино ва иншоотларнинг композицион-режали ечими, уларнинг қавати, бино ва блокларнинг бўй кўлами, блокларни жойлаштириш вариантлари комплекс талабларни ҳисобга олган ҳолда, жумладан бино ва иншоотларни хавфли геологик жараёнлардан, zilзила ва ёнғин хавфларидан (ҚМҚ 2.01.11, ҚМҚ 2.01.03, ШНК 2.01.02 ва бошқ. асосан) ҳимоясини таъминлаш билан аниқланиши шарт.

Жамоат бино ва иншоотларининг қаватлилиги функционал-типологик талаблар, zilзила ва ёнғин хавфсизлигини таъминловчи талаблар (ушбу нормаларнинг 2.20 бандига асосан бинолар конструкциясининг оловбардошлиги эътиборга олинган ҳолда) ҳисобга олиниб белгиланади; асосий оммавий бино турлари бўйича қаватлик 1-жадвалда берилган.

№№ т/б	Бино турлари	Қаватлик (қўпи билан)
1	2	3
1.	Ҳамма турдаги болалар боғча-ясилари; бошланғич ва кам комплектлашган мактаблар; болалар боғчалари-бошланғич мактаблар	2
2.	Умумтаълим мактаблар, интернат-мактаб ўқув корпуслари, ўрта-махсус ўқув юртлари - академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, мактабдан ташқи муассасалар	3
3.	Махсус мактаблар ва жисмоний ва ақлий ривожланиши заиф болаларнинг интернат-мактаблари	2
4.	Мактаб интернатларининг ётоқ корпуслари, болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг ётоқ корпуслари	2
5.	Ногиронлар ва қариялар учун ижтимоий марказлар, болалар ижтимоий марказлари, болалар уйлари, интернат уйлар	2
6.	Даволаш муассасаларининг(касалхона) стационарлари	3
7.	Болалар ва ўсмирлар учун санатория ётоқ корпуслари	3
8.	Амбулатория-поликлиника муассасалари	3
9.	Махалла бошқаруви ва микротуман уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти муассасалари	2
10.	Савдо ташкилотлари, умумий овқатланиш, оммавий маиший хизмат бинолари (ноёб тоифали бинолардан ташқари)	3
<p>Эслатма: 1. Қаватлик ҚМҚ 2.01.03 га асосан ҳудуд зилзилавийлиги ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Жадвалда берилмаган бино ва иншоотлар лойиҳаланишида қаватлик ушбу норманинг кейинги матнларидаги талаблари бўйича аниқланади.</p> <p>2. Махсуслашган болалар ўқув-тарбиявий муассасалари, болалар боғчалари ва кўр, нафас олиш аъзолари хаста болалар учун мактаб-интернатлар бир-икки қаватлик қилиб лойиҳаланади (қаватликни аниқ қилиб лойиҳа топшириғида берилади).</p> <p>3. Мавсумий иншоотлар 1-2 қаватлик бўлиши шарт; болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг ётоқ павильонлари бир қаватлик бўлиши шарт.</p>		

2.5. Жамоат биносининг хоналари баландлиги пол сатҳидан шип сатҳигача 3.0 м дан кам бўлмаслиги керак.

Ҳар-хил вазифали заллар, аудиториялар, лабораториялар, спортзаллар, манежлар ва бошқа хоналарнинг баландлиги функционал-технологик жараёнларни ва ушбу лойиҳалаш нормалари матнларида келтирилган технологик асос ва талабларга асосан, жиҳозларнинг габаритларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Жамоат хоналарининг сиғдираолишлик миқдори 30 кишидан ошмаганда, ҳамда турар-жой бинолари ҳажмида қурилган хизмат кўрсатиш муассасалари, жумладан дўконлар, кафелар хоналарининг баландлиги 2.8 м бўлиши мумкин.

Хоммом ва ўрни 100 ва ундан ортиқ хоммом-соғломлантириш мажмуалари асосий хоналарининг баландлиги 3.3 м дан, кир ювиш ва кимёвий тозалаш ишлаб чиқариш хоналарининг баландлиги 3.6 м дан кам бўлмаслиги даркор.

Кишилар доимий равишда бўлмайдиган айрим иккинчи даражали хоналар, шу қатори бинонинг ҳажмий-режавий ечимига монанд йўлаклар ва ўтиш йўлақлари хоналарининг баландлигини камайтиришга йўл қўйилади, лекин 2.2 м дан паст бўлмаслиги керак.

Илова: 1. Қия шипли ёки баландлиги бўйича ҳар хил қисмли (поғонали) хоналар баландлигининг энг кичик жойи 2.5 м дан кам бўлмаслиги шарт.

2. Инсонлар доимий равишда бўлмайдиган, мўлжалланиши техникавий бўлган хоналарнинг баландлиги 1.9 м бўлиши мумкин.

2.6. Техник қаватларнинг баландлиги (жумладан техник ерпости ҳам) ҳар бир

конкрет ҳолатда муҳандислик жиҳозларининг габаритларига асосланиб ва улардан фойдаланиш шароитларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жиҳозларга қараш ва таъмирлаш йўлакларида баландлик конструкциянинг пастга чиқиб турган сатҳигача 1.8 м дан кам бўлмаслиги шарт. Техник қаватда ёки ерполостида баландликни 1.6 м қилиб олиш фақат у хоналарда ёнмайдиган, изоляция ашёси ўралган, қопламали қувурўтказгич муҳандислик тармоқлари жойлашгандагина рухсат этилади.

2.7. Бино остини кесиб ўтувчи транспорт йўлаги кенглиги (конструкция ташқи сатҳлари оралиғи) 3.5 м дан, баландлиги 4.25 м дан кам бўлмаслиги керак; ушбу талаб автотранспортга, ёнғин машиналарига мўлжалланмаган йўлакларга тадбиқ этилмайди.

2.8. Бинога кираверишдаги хона пол сатҳи киравериш ташқи йўлак сатҳидан 0.15 м дан кам бўлмаган баландликда бўлиши керак. Бу баландликни камайтиришга хонага ёнғингарчилик тушмаслиги учун махсус ҳимоя воситалари қўлланилгандагина йўл қўйилади.

2.9. Бино ва иншоотларнинг умумий, фойдали ва ҳисобий майдонлари, қурилиш ҳажми, қурилма майдони миқдорларини ҳисоблаш қоидалари мажбурий 3- иловада келтирилган.

2.10. Барча жамоат бинолари ва иншоотларида, мулкдорлик шаклидан қатъий назар, ногиронлар кресло-коляскада қулай кириб-чиқишлари учун қия йўлакчалар, ҳамда ногиронларнинг қулай фойдаланишлари учун бошқа тадбирлар ШНК 2.07.02 га асосан кўзда тутилиши шарт (кўтаргич қурилмалар, махсус жиҳозланган ҳожатхоналар ва бошқалар).

2.11. Ертўла ва цокол қаватида жойлаштиришга рухсат этилган хоналарнинг рўйхати мажбурий 4-иловада келтирилган. Ертўлани икки ва ундан ортиқ қаватли қилиб қуриш тақиқланган.

Поли отмоствадан пастга ҳисобланганда 0.5 м дан ошмаган цокол қаватда, яшаш, болалар учун жамоат ва ўқув, даволов муассасаларининг асосий хоналаридан ташқари (яъни, палатали бўлимлар, врач кабинетлари, даволовчи хона, операция хонаси), барча хоналарни жойлаштириш мумкин.

2.12. Фуқоро ҳимояси хоналарининг габаритлари ва жойлаштирилиши ҚМҚ 2.01.17 талабларига мувофиқ тузилган лойиҳа топшириғи бўйича белгиланади.

2.13. Бино ҳажмидаги индивидуал иссиқлик пунктларини (ИИП) алоҳида кириш жойи бор хоналарга ёки хона ҳавоси иқлимини мўътадил қилувчи ва шамоллатувчи ускуналар ўрнатилган хоналарга жойлаштириш зарур. Хонада шипдан пастга чиқиб турувчи конструкциягача 1.8 м дан кам бўлмаган баландлик бўлиши шарт.

2.14. Шамоллатиш камералари, насос жойлаштирилган хоналар (ёнғинга қарши қўйилган насосхоналардан ва автомат ёнғинўчиргичлар учун насосхоналардан ташқари), иссиқлик пунктлари, машина бўлимлари ва бошқа шовқин ва вибрация берадиган жиҳозли хоналар инсонлар доимий бўладиган хоналарга ёнбош қилиб, тепасига ёки пастига жойлаштирилишига рухсат этилмайди, шулар қатори томоша ва репетиция заллари, ўқув хоналари, врач кабинетлари, операция хоналари ҳам юқоридагилар жумласидандир.

2.15. Бино ва унинг хоналарига, ертўла ва том бўғотида жинойий мақсадда ва бошқа мақсадларда бегоналарнинг киришини чеклаш учун нигоҳий ва техник назорат ўрнатиш назарда тутилади; лойиҳа топшириғи асосида кучайтирилган тўсиқ конструкциялари, махсус ойна ва эшик конструкциялари ва бошқа тадбирлар қўлланилади.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, қўлланилган киришни чеклаш ва мулкни

қўриқлаш тадбирлари ёнғин ва бошқа фавқулодда содир бўладиган ҳодисаларда одамларни эвакуация қилиш шароитини ёмонлаштирмаслиги керак.

Одамлар доимо фаолият кўрсатадиган хоналардаги ойналарда решеткали қурилмалар ўрнатилишига (барча қаватларда) йўл қўйилмайди, махсус асосланган ва лойиҳа топшириғи бўйича ашъёвий қадриятларни (мулкни) сақлайдиган ва инсонлар доимо бўлмайдиган хоналар бундан мустасно.

2.16. Қимматли буюмларни тажовуздан сақлаш мақсадида ва лойиҳа топшириғи маълумотида асосан лойиҳалашда ҳар хил қўриқлаш ва сигнал берадиган, техник назорат воситалари, махсус девор, перегородка, эшик, облицовкалар, ҳимоя ашъёлари ва бошқалар ҳисобга олинади.

2.17. Йўл қўйиладиган шовқин даражаси, хоналарнинг шовқиндан ҳимоясини таъминлаб бериш ҚМҚ 2.01.08 талабларига мос бўлиши шарт.

2.18. Биноларнинг (иншоотларнинг) том усти, шунингдек фойдаланишдагиларининг таъмири ҳам, ҚМҚ 2.03.10-95* талабларига мос лойиҳаланиши даркор.

Бинонинг баландлиги ер сатҳидан том тепа қиррасигача 10 м ва ундан юқори бўлса томда қор тутқич мосламалари назарда тутилиши керак.

2.19. Жамоат биноларида, уларнинг том бўғотида, ажратилган блокларида бинонинг асосий жамоавий муассасалик фаолиятдан бошқа объектларни (алоқа объектлари, транспорт, ишлаб чиқариш ва коммунал ташкилотларини, бошқаларни) жойлаштириш масаласи муассаса асосий фаолияти йўналишидаги вазирлик, қўмита ёки идоралар норматив актларига асосан аниқланади. Шундай объектлар жойлаштирилган тақдирда, бино учун санитар нормаларда ўрнатилган, зарарли моддалар концентрацияси ва ушбу жамоат биносида, ҳамда яқин атофидаги қурилмаларда нурланиш даражаси меъёрлардан ошиб кетмасликни таъминлаш шарт.

Бино ҳажмидаги, ҳажмига кириб турадиган олд қисмидаги, жумладан ер ости гараж-тўхтаб туриш жойи қурилмаларини лойиҳалаш юқоридаги талабларни ҳисобга олган ҳолда, амалдаги санитар, ёнғин хавфсизлиги ва автоуловларга хизмат қилиш корхоналарини лойиҳалаш нормалари талабларини бажарган ҳолда амалга оширилади.

Гараж-тўхтаб туриш жойи қурилмаларини даволовчи муассаса, болаларнинг мактабгача, мактаб ва ижтимоий муассасалари, ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари-академик литсей ва касб-хунар коллежлари биноларининг ертўла ёки сокол қаватларига жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ёнғин хавфсизлиги

2.20. Жамоат бинолари ва иншоотлари ва улардаги инсонларнинг ёнғиндан хавфсизлиги, ШНК 2.01.02 талабларига мос, бино ва иншоотларнинг фаолияти йўналиши бўйича ёнғин хавфи классификациясига асосан таъминланиши даркор (мажбурий 1-иловага қаранг). Ёнғин ҳақида ва бошқа фавқулодда шароитларни маълум қилиш муҳандислик тизимлари ШНК 2.04.09 талабларига мос назарда тутилиши шарт.

Биноларнинг оловбардошлик даражаси ва қаватига боғлиқ 1-типли REI 150 ёнғинга қарши девор оралиғидаги қават майдони 2-жадвал кўрсаткичларига асосан қабул қилиниши керак (савдо ва майший хизмат корхоналаридан ташқари); майший хизмат корхоналари учун кўрсаткичлар 3-жадвал бўйича қабул қилинади; савдо корхоналари учун 4-жадвал бўйича қабул қилинади.

2 - жадвал

Оловбар дошлик	Бинонинг конструктив	Қаватлар нинг	Қаватлар ҳисоби бўйича ёнғинга қарши деворлар оралиғидаги рухсат этилган қават майдони, м ²
----------------	----------------------	---------------	--

даражаси	ёнгин хавфлилиги классификацияси	юқори чегаравий сони	1-қ.	2-қ.	3-5-қ.	6-9-қ.	10-16-қ.
I	CO	16	6000	5000	5000	5000	2500
II	CO	16	6000	4000	4000	4000	2200
II	C1	9	5000	3000	2000	1200	-*)
III	CO	5	3000	2000	1200	-	-
III	C1	4	2000	1400	800	-	-
IV	CO	2	2000	1400	-	-	-
IV	C1	2	2000	1400	-	-	-
IV	C2, C3	2	1200	800	-	-	-

*) Жадвалдаги чизиқча маноси - ушбу оловбардошлик даражасидаги бино кўрсатилган қават сонига эга бўла олмайди.

Эслатма: 1. Ушбу жадвалда келтирилгандан фарқли, кўрсаткичларнинг бошқа бирикмаларида қават майдони ва баландлигини ушбу тоифадаги бинолар учун энг кам миқдорлилари бўйича қабул қилиш даркор.

2. Оловбардошлик даражаси I ва II бўлган автомат ўт ўчиргич ускунаси бор биноларда ёнгинга қарши деворлар оралиғи майдонини, икки баравардан ошмаслик шарт билан, оширилишига рухсат этилади.

Туташ қаватлар қопламасида очиқ туйнуқлар бўлса қаватлар майдонлари йиғиндиси 2-жадвалдаги майдон миқдоридан ошмаслиги шарт.

3. Икки қаватлик оловбардошлик IV даражасидаги биноларда юк кўтарувчи конструкциялар элементларининг оловбардошлик меъёри R 45 дан кам бўлмаслиги керак.

4. Бир қаватли, майдони бўйича бино майдонининг 15 % кам икки қаватлик қисми бор, биноларнинг ёнгинга қарши деворлари оралиғи майдони бир қаватлик бинолар майдонидек қабул қилинади.

5. Бино олд қисмига қурилган соябон, пешайвон, тим, ҳамда алоҳида ёнгинга қарши деворлар билан ажратилган бино ва иншоотларнинг хизмат ва бошқа хоналарининг оловбардошлик даражаси асосий бинонинг оловбардошлик даражасидан бир поғона паст қилиб қабул қилинишига йўл қўйилади.

6. Вокзал биноларида ёнгинга қарши деворлар ўрнига, 0.5 м масофада жойлашган икки ипли ва 1 м тўсиқ узинлигига 1л/с дан кам бўлмаган сув қуйилиши жадаллигини таъминлаб берувчи, осма сув-дренчер тусиқлари қурилмаси назарда тутилишига рухсат этилади (ишлаш вақти 1 соатдан кам бўлмаган).

7. Ёнгинга қарши I даражали аэровокзал биноларида ёнгинга қарши деворлар оралиғи майдони 10000 м² оширилиши мумкин, агарда ертўла ёки цокол қаватларда ёнувчи ашёлар сақланадиган омборхона, омборча ва бошқа хоналар жойлашмаган бўлса (ходимларнинг кийим-кечаги ва юки камераларидан ташқари). Бу ҳолда ертўлада ёки сокол қаватида жойлашган ҳожатхоналари билан 1-қават алоқаси очиқ зинапоялар орқали, ходимларнинг кийим-кечак ва юк камералари эса алоҳида ёпиқ зинапоялар орқали амалга оширилади. Ёртўладаги сақлаш камераларини (автомат бўлимчалар билан жиҳозланмаганларидан ташқари) ва кийим-кечак хоналарини бошқа хоналардан I типли EI 45 ёнгинга қарши перегородкалар ва автомат ёнгинўчиргич қурилмалари билан, команда-диспетчер пунктлари эса ёнгинга қарши перегородкалар билан ажратилиши керак.

8. Автомат ёнгин ўчиргич қурилмалари билан жиҳозланган аэровокзал биноларида ёнгинга қарши деворлар оралиқ майдони чегараланмайди.

9. Агарда лойиҳалашда 2-жадвалдаги чегараланган майдонлар қийматидан катта габаритли хоналар ва заллар, шу қатори томошагоҳ, спорт-кўрсатув, кўргазма, спорт манежлари, ёпиқ сув хавзалар ва сирпанчиқ училадиган заллар (томошабинлар бўлса-бўлмаса), ёпиқ ўқ отувчи зонали тир заллар ва шунга ўхшаш бошқа хоналар қиймати катта бўлса ёнгинга қарши деворлар ушбу хоналар билан ёндош хоналар орасига қўйилади. Дахлиз ва фойе хоналарида майдон ўша жадвалдаги чегара қийматдан катта бўлса ёнгинга қарши деворлар ўрнига ёнгинга қарши 2-типни EI 15 бўлган шаффоф ойнали перегородкалар қўйилади.

Бинонинг оловбардошлик даражаси	Конструктив ёнгин хавфи классификацияси	Қаватларнинг энг катта сони	Қаватлик бўйича ёнгинга қарши деворлар оралиғи қават майдони, м ² .
I, II	CO, C1	5	3500
II	C1	5	2500
III	CO	2	2000
III	C1	2	1000
IV	C2; C3	1	500

Эслатма: оловбардошлик даражаси I ва II бўлган автомат ўт ўчиргич ускунаси бор биноларда ёнгинга қарши деворлар оралиғи майдонини икки барабар ошириш мумкин.

4-жадвал

Бинонинг оловбардошлик даражаси	Қаватларнинг энг катта сони	Ёнгинга қарши деворлар оралиғи қават майдони, м ² .		
		Бир қаватлик	Икки қаватлик	3-5 қаватлик
I, II	5	3500	3000	2500
III	2	2000	1000	-
IV	1	500	-	-

Эслатма: 1. III оловбардошлик даражаси озиқ-овқат ва “Супермаркет” ёки “Универсам” типдаги магазинлардаги ёнгинга қарши 1 типли REI 150 деворларнинг оралиғи қават майдонини, савдо залини бошқа хоналардан 2-типли REI 45 ёнгинга қарши деворлар билан ажратган ҳолда, икки барабарга оширишга рухсат этилади.

2. Оловбардошлик даражаси I ва II бўлган автомат ўт ўчиргич ускунаси бор биноларда ёнгинга қарши деворлар оралиғи майдонини, икки барабардан ошмаслик шarti билан, оширишга рухсат этилади.

3. Оловбардошлик даражаси I ва II бўлган магазинларнинг омборхонаси, хизмат, маиший ва техник хоналари юқори қаватларда жойлаштирилган ҳолларда бино баландлигини бир қаватга ошириш мумкин.

2.21. Бинолар (корпуслар) оралиғидаги ўтиш йўлакларини тўсuvчи конструкцияларнинг оловбардошлиги чегаралари асосий бино (корпус) никига мос бўлиши шарт.

Ер ости пиёда ва коммуникация туннелари КО ёнгин хавфи классификациясига эга бўлиши шарт. Бино деворларининг ўтиш жойи, туннелларга қўшиладиган жойидаги ёнгин хавфи классификацияси КО, оловбардошлик чегараси REI 120 бўлиши керак. Ушбу деворлардаги ўтиш жойига ва туннелларга ўтуvчи эшиклар ёнгинга қарши 2-типли EI 30 бўлиши даркор.

Фойдаланишдаги том усти қопламаси, том усти ва очик террасса, балкон, зинапоя ташки тўсиқлари НГ гуруҳи ашъёларидан назарда тутилиши зарур.

2.22. I, II ва III оловбардошлик даражасидаги биноларда юк кўтарувчи элементларнинг талаб қилинадиган оловбардошлик чегарасини таъминлаш учун конструктив ёнгиндан ҳимояланувчи қўллаш керак: бетонлаш, сувоқлаш, юз қисмини қоплаш, қоплама, ёнгиндан ҳимояловчи таркиблар, бўёқлар, чаплов ва бошқалар.

2.23. Болохонали бинолар учун бино баландлигини аниқлашда болохона қавати ҳам ҳисобга олинади (ШНК 2.01.02 талабларини ҳисобга олган ҳолда).

I, II, III оловбардошлик даражасидаги биноларда болохона қавати учун ноли ёнгин тарқалишидаги REI 45 дан кам бўлмаган оловбардошлик чегарасидаги юк кўтарувчи қурилиш конструкциялари қабул қилинишига рухсат этилади, ёнгинга қарши, пастки қаватни ёпиб турадиган, қоплама эса 2-типли REI 60 бўлиши зарур. Бунда болохона қавати, бино қаватлари сони қандайлигидан қатъий назар, ёнгинга

қарши 2-типли REI 45 бўлган деворлари бор, бўлинмаларга ажратилиши керак, ушбу ёнғинга қарши деворлар оралиғи майдони: I ва II оловбардошлик даражасидаги бинолар учун - 2000 м² дан ошмаслиги, III оловбардошлик даражасидаги бинолар учун – 1400 м² дан ошмаслиги керак. Агар болохона қаватида автомат ёнғин ўчиргич қурилмаси бўлса ушбу майдон оширилиши мумкин, лекин 1.2 баравардан кўпга эмас.

2.24. Ертўла ва цокол қаватларининг устки қопламаси REI 60 дан кам бўлмаган оловбардошлик чегарасида бўлиши керак.

Бинонинг ертўла ва цокол қаватлари EI 45 дан кам бўлмаган оловбардошлик чегарасида ёнғинга қарши девор ёки перегородкалар билан бўлинган бўлиши керак. Бўлинган қисм майдони 700 м² дан катта бўлмаслиги, автомат ёнғин ўчиргич билан жиҳозланган ертўлаларда эса 900 м² дан ошмаслиги даркор.

Поли 0.5 м дан ошган чуқурликдаги ертўла ва цокол қаватларининг ҳар бир бўлинган қисмида иккитадан кам бўлмаган авария ҳолати учун ташқи туйнуқлар – кичик ҳандак қурилмаси ўрнатилган ўлчами 0,75x1,5 м дан кам бўлмаган дераза (чикиш) лар назарда тутилиши зарур.

Ертўла ва цокол қаватларида механик узатмали тутунйўқотгич қурилмаси бор бўлсада, бу авария ҳолати учун ҳар бир бўлинган қисмга туйнук қилинишини бекор қилолмайди (фуқоро ҳимояси ташкилотларининг топшириқларида таъкидлаганлари мустасно).

ШНК 2.01.02 га мос ҳолда, техник ерполостида муҳандислик тармоғи ўтказилган бўлса авария ҳолати учун ташқарига чиқадиган ҳандак қурилмаси бор эшик, дераза (ёки люклар) бўлиши шарт.

2.25. Аудитория, мажлислар, конференциялар ва томошабинлар залларини 5-жадвал кўрсаткичларига мос ҳолда қаватларга жойлаштириш зарур. Ўқитишга мўлжалланган биноларнинг мажлислар заллари, маъруза аудиторияларини иккинчи қаватдан баландликда бўлмаган қаватларга жойлаштириш шарт. Мажлислар заллари, маъруза аудиториялари тепа қопламаси ёнғинга қаршилиги 2-типли REI 60 бўлиши керак.

Полида нишаблик ёки зинасимонлилиги бор аудитория ёки заллар жойлаштирилишининг юқори чегаравий қаватини аниқлашда пол сатҳининг отметкаси биринчи қатордаги ўриндиқлар сатҳи бўйича қабул қилинади.

5-жадвал

Бинонинг оловбардошлик даражаси	Конструктив ёнғин хавфи классификацияси	Залда ўриндиқлар сони	Жойлаштирилишининг юқори чегаравий қавати
I, II	CO, C1	до 300	9
	CO, C1	св.300 до 600	5
	CO, C1	св. 600	3
III	CO	до 300	3
III	CO	св. 300 до 600	2
III	C1	до 500	1
III	C2	" 300	1
IV	C2-C3	" 100	1

2.26. Гаркибида жойлаштирилиши бўйича 50 нафардан ортиқ болалар боғчаси ва бошланғич синфлар мактаби бор уюшган ўқув-тарбия биноларида ҳамда жойлаштирилиши бўйича 25 нафардан кўп, лекин 50 нафардан кам болалар боғчасининг хоналари мактаб хоналаридан (ходимлар турар-жой хоналаридан ҳам) оловбардошлиги EI 45 дан кам бўлмаган ёнғинга қарши девор ёки перегородкалар ва оловбардошлиги чегараси REI 60 дан кам бўлмаган тепақопламалар билан ажратилган бўлиши керак; болалар боғчаси ва мактаб хоналаридан эвакуация йўлаклари ушбу

лойиҳалаш нормаларининг 2.131 ва 2.132 бандлари бўйича қабул қилинади.

Уюшган ўқув-тарбия биноларининг оловбардошлиги даражаси 2.29 банди талаблари бўйича ўрнатилади, бунда ёнғинга қарши девор билан ажратилган болалар мактабгача муассасалари ва умумтаълим мактабларида бинонинг ҳар бир қисмидаги ўринлар ҳисобга олинади.

Ўқув-тарбия муассасаси биносининг олд қисмига қуриладиган турар-жой блокининг (ходимлар учун) оловбардошлик даражаси асосий бинонинг оловбардошлик даражасидан кам бўлмаслиги шарт.

2.27. Болалар муассасасининг сайл қилишга мўлжаллаб қурилган олд айвон ёки террас қисми оловбардошлик даражаси асосий бинониқидек бўлиши керак.

2.28. Болалар мактабгача муассасасининг деворлари, панелли деворлари учун қўлланиладиган иссиқлик ушловчи ашёлар сифатида ноорганик ашёлар қўлланилиши керак; полимер иссиқлик ушловчи ашёлар қўлланилганида улар 50 мм қалинликдаги моноклит бетон ҳимоя қавати билан қопланиши зарур.

2.29. Болалар мактабгача муассасасининг биноси барча типлари (соғломлантириш ва махсулаштирилганлари билан), умумтаълим мактаблар ва мактаб-интернатлар, мактаб қошидаги интернатлар, махсулашган мактаб-интернатлар ва маиший болалар муассасалари (болалар уйи, ёш болалар уйи), академлицейлар, касб-хунар коллежлари, мактабдан ташқари муассасаларнинг оловбардошлик даражаси II дан кам бўлмаслиги шарт, рухсат этилган қаватлилиги I-жадвалда кўрсатилган.

Бир қаватли 100 ўрингача болалар мактабгача муассасасалар ва 630 ўриндан кўп бўлмаган икки қаватли мактаблар учун оловбардошлик даражаси III бўлган биноларни лойиҳалашга рухсат этилади; Қишлоқ турар-жой худудларида бир қаватли, сигдираолишлик миқдори 200 ўқувчигача бўлган мактаблар учун оловбардошлик даражаси - IV.

Эслатма: Болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонлари бор махсулаштирилган мактабгача муассасалар ва махсулаштирилган мактаб-интернатлар (“тиклантирувчи” типдаги муассасалар деб ҳам айтилади) ШНК 2.08.07 нинг талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши шарт.

2.30. Нормаланган қаватлик чегарасида ўқув биноларига қўшимча устки қават, шу қатори болохона қавати қуриш бинонинг техник ҳолатини ҳисобга олган ҳолда рухсат этилади. Қўшимча тарзда қурилган болохона қаватида ўқув хоналари, ҳамда мактаб интернатларининг ётоқ хоналарини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

2.31. Ўқув-тарбия ва ўқитиш йўналишидаги биноларда ертўла ва болохона қаватларининг, мос равишда, тепа ва пастки қават қопламалари, ҳамда зал хоналарининг пастки қават қопламасининг ёнғинга қарши оловбардошлик чегараси REI 60 бўлиши шарт.

2.32. Бир бино таркибидаги интернат-мактабнинг ётоқ (турар-жой) блоки ёки махсулаштирилган интернат-мактабларда ўқув турар-жой секцияси мактаб-интернатнинг бошқа хоналаридан 2-типли REI 45 бўлган ёнғинга қарши деворлар ёки 1-типли EI 45 бўлган перегородкалар билан ажратиш лозим.

2.33. Болалар мактабгача муассасалари, мактаблар ва интернат-мактабларнинг ҳамма типлари биноларида, интернат ва болалар ижтимоий муассасалари, болалар мактабдан ташқари соғломлаштириш муассасалари ва санаториялари биноларида, академ лицей ва касб-хунар коллежлари биноларида сауна (куруқ парли хоммом) жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

2.34. Олий ўқув юрти бинолари оловбардошликнинг II даражасидан кам бўлмаслиги шарт. Ўқув-лаборатория корпуслари 4 қаватдан юқори бўлмаган ҳолда лойиҳаланиши лозим. Ректорат маъмурий биноларини 9 қаватгача лойиҳалашга рухсат

этилади.

2.35. Даволов ва амбулатория-поликлиника муассасалари, диспансерлар, барча типли касалхона-стационарларни оловбардошлик II даражасидан кам бўлмаган ва 3 қаватдан юқори бўлмаган қилиб лойиҳалаш шарт (махсуслаштирилган муассасалар учун қаватлик лойиҳа топшириғига асосан ўрнатилади).

Болалар учун касалхоналарнинг палата бўлимларининг жойлаштирилиши 2-қаватдан баландда бўлмаслиги керак.

Қишлоқ аҳоли пунктлари учун III оловбардошлик даражасидаги амбулатория-поликлиникаларга мўлжалланган бинолар лойиҳаланиши мумкин.

2.36. Амбулатория-поликлиникалар муассасаларининг даволашга мўлжалланган хоналари, ҳамда дори ишлаб чиқарувчи аптекалар (медпункт, ҳамда тайёр дори савдоси билан шуғилланувчи аптекалар хоналари бундан мустасно) бошқа йўналишга мўлжалланган биноларда жойлаштирилса 1- типли REI 150 бўлган ёнғинга қарши деворлар билан бошқа хоналардан ажратилиб улардан ташқарига алоҳида чиқадиган жой назарда тутилиши даркор.

2.37. Санаториялар, санатория - профилакториялар, курортдаги меҳмонхоналар ва пансионатларнинг бинолари оловбардошлик даражаси II кам бўлмаслиги шарт. Оловбардошлик даражаси II бўлган катталар учун санаторияларнинг турар-жой (ётоқ) корпуслари 5 қаватдан юқори, сигдираолишлик миқдори 500 ўрндан кўп, болалар санаториясининг ётоқ корпуслари 3 қаватдан юқори, сигдираолишлик миқдори 300 ўрндан кўп бўлмасликлари зарур.

Ёнғинбардошлик даражаси I ва II бўлган курорт меҳмонхоналари биносини 9 қават баландликкача ва сигдираолишлик миқдори 1000 ўринлигача лойиҳалаш мумкин.

Пансионатларнинг – дам олиш уйлари, йил давомида фаолият кўрсатадиган туристик базалар - турар-жой корпуслари оловбардошлик даражаси II ва сигдираолишлик миқдори 500 ўрингача 5 қаватдан баланд бўлмаган ҳолда назарда тутилиши лозим.

Сигдираолишлик миқдори 150 ўрндан кўп бўлмаган катталар учун 2 қаватлик санатория ва дам олиш муассасаларининг конструкцияларини оловбардошлик даражаси III қилиб қўллашга рухсат этилади. Сигдираолишлик миқдори 50 ўрндан кўп бўлмаган бир қаватлик дам олиш муассасаси ва туризм корпуслари учун оловбардошлик даражаси IV қилиб қўллашга рухсат этилади.

Мавсумий фаолият олиб борадиган дам олиш муассасаларининг бинолари - дам олиш базалари, туристик базалар, балиқ овловчилар ва ов қилувчилар базалари ва шу каби бошқалар бир-икки қаватлик қилиб лойиҳаланиши шарт.

2.38. Санаторияларнинг, дам олиш ва туризм муассасаларининг бинолари ётоқ хоналари хизмат кўрсатишга, даволаш, маданий-оммавий ва маъмурий-хўжаликка белгиланган хоналардан REI 150 бўлган ёнғинга қарши деворлар билан ажратилиши лозим.

Ёзги хоналар - ёпиқ айвон ва балконлар тутун бўлмайдиган ёнғиндан бежавотир зоналар сифатида фойдаланилади.

Болали оилалар учун ётоқ хоналарни 3-қаватдан юқори бўлмаган алоҳида эвакуация учун зинапоя катаги бўлган алоҳида секция ёки блокларга жойлаштириш шарт.

Болалар санаториясининг ётоқ корпусларида ётоқ хонаси олдида ёзги хоналарни жойлаштираш керак; ёзги хоналар умумий типли бўлиб, холлар ёки меҳмонхоналар олдида жойлаштирилади.

2.39. Мавсумдан ташқари болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг биноларидан катталарнинг дам олиш базаси сифатида фойдаланиладиган бўлса уларни лойиҳалашда оловбардошлик даражаси III дан кам ва 2 қаватдан юқори бўлмасликлари шарт. Ётоқ хоналари алоҳида корпусларга (ёки алоҳида блокларга) жойлаштирилиши керак. 2 қаватли ётоқ корпусларининг (блокларининг) оловбардошлик даражаси II лик бўлганда сиғдираолишлик миқдори 150 ўриндан кўп бўлмаслиги шарт; III даражалик бўлганда – 100 ўриндан ошмаслик керак. Ётоқ хоналари 30-35 ўринлик қилиб, ташқарига эвакуация чиқиш жойлари таъминланган ҳолда, турар-жой блок-секцияларига гуруҳланиши шарт. Блок-секциялар 2- типли REI 45 ёнғинга қарши деворлар ёки 1-типли EI 45 перегородкалар билан ажратилиши зарур.

Болалар ётоқ хоналари қошида ёзги хоналар назарда тутилмайди.

Ёзги соғломлантириш оромгоҳларининг ётоқ павильонларини оловбардошлик даражаси IV бир қаватлик қилиб лойиҳаланишига рухсат этилади; ҳар бир павильон сиғдираолишлик миқдори, қоида бўйича, 50 ўриндан ошмаслиги шарт.

2.40. Ёпиқ спорт иншоотларининг оловбардошлик даражаси, қоида бўйича, II дан кам бўлмаслиги керак.

Иккинчи қаватда фақат ёрдамчи хоналарни жойлаштириб оловбардошлик даражаси III бир ва икки қаватлик корпуслар лойиҳаланиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ёрдамчи хоналар зал хоналаридан 1- типли REI 150 ёнғинга қарши деворлар билан ажратилиши шарт.

2.41. Оловбардошлик даражаси I ва II бўлган, томошабинлар ўринлари бор спорт корпусларининг томошабинлар учун кўчмас ва вақтинчалик ўриндиқларининг сиғдираолишлик миқдорлари йиғиндиси (залнинг қиёфасини ўзгартирилишлиги билан) чегараланмайди; оловбардошлик даражаси III бир қаватлик корпусларда томошабинларнинг ўриндиқлари йиғиндиси 600 дан ошмаслиги зарур.

2.42. Сиғдираолишлик миқдори 300 томошабиндан ортиқ ёпиқ спорт иншоотларининг кўчмас трибуналари юк кўтарувчи конструкциялари ёнмас ашёлардан бажарилиши шарт. Трибуналарнинг юк кўтарувчи конструкциялари оловбардошлик даражаси R 45 дан кам бўлмаслиги керак. Сиғдираолишлик миқдори 300 томошабиндан кам трибуналарнинг кўчмас конструкциялари Г1 дан юқори бўлмаган ёнувчи ашёлардан қабул қилиниши мумкин. Ўзгартириладиган трибуналарнинг, жумладан сурилма, сиғдираолишлик миқдоридан қатъий назар оловбардошлик даражаси R 45 дан кам бўлмаслиги шарт.

Келтирилган талаблар томоша залининг - аренанинг поли устига қўйиладиган вақтинчалик томошабинлар ўриндиқларига тадбиқ этилмайди. Ёпиқ спорт иншоотларида томошабинлар ўтириши учун вақтинчалик ўриндиқларнинг ағанаб кетиш ёки сурилиш ҳолатлари йўқотилиши шарт.

Ҳар қандай сиғдираолишлик миқдоридаги очиқ ва ёпиқ спорт иншоотларининг трибуналаридаги ўтиргичларини Г1, Г2 гуруҳидаги ёнувчан ашёлардан бажарилишига рухсат этилади, лекин ёнишида захарли моддалар ажралиб чиқармайдиганлари; ашёлар Т1 гуруҳига (категориясига) таълуқли бўлиши шарт.

Спорт-томоша залларида эстрада қисмининг ёғоч поли қопламасига ҳимоя таркибли ишлов бериш йўли билан ёнувчанликни Г1 ёки Г2 гуруҳига етказиш керак.

2.43. Ҳар қандай сиғдираолишлик миқдоридаги очиқ спорт ва томоша иншоотларининг трибуна ости қисмига ёрдамчи хоналар икки ва ундан ортиқ қаватларда жойлаштирилса трибунанинг оловбардошлик даражаси II дан кам бўлмаслиги даркор, бир қаватлик қилиб жойлаштирилганда эса оловбардошлик даражаси III бўлишига рухсат этилади.

Очиқ спорт ва томоша иншоотларининг трибуналари қаторлари сони 20 дан ортиқ бўлганда трибуна ости қисми фойдаланилмас юк кўтарувчи конструкциялари ёнмас ашёлардан оловбардошлик даражаси REI 45 дан кам бўлмаган ҳолда бажарилиши шарт.

Қаторлар сони 20 дан кам бўлган ҳолда ости фойдаланилмайдиган очиқ трибуналар учун оловбардошлик даражаси IV бўлиши назарда тутилишига рухсат этилади.

2.44. Ёпиқ ва очиқ спорт иншоотларининг трибуналари остидаги хоналар трибунадан ёнғинга қарши тўсиқлар – оловбардошлик даражаси REI 45 дан кам бўлмаган қопламалар, ўзаро оловбардошлик даражаси 1-типли EI 45 дан кам бўлмаган перегородкалар билан ажратилиши шарт, бунда перегородкалардаги эшиклар ўзи зич ёпилиб қолувчан бўлиши керак (ёнувчан ашёлардан рухсат этилади).

Трибуналар остида тир учун ўқ-дорилар омборхонасини, ҳамда ёнувчан ашёларнинг омборхоналарини жойлаштириш тақиқланади (инвентар ва томошабинлар ўриндиқлари омборхоналаридан ташқари).

Очиқ ва ёпиқ спорт иншоотларининг трибуна остига ўқ отадиган тир жойлаштирилиши мумкин, бунда қурол-яроғ сақлаш хонаси ва қурол-яроғ устахоналарини бошқа хоналардан ёнғинга қарши 2- типли REI 45 деворлар ва 3- типли REI 45 бўлган тепа қопламалар билан ажратилиши шарт.

2.45. Томошабинлар зали бор маданий-томоша бинолари 6-жадвал кўрсаткичларига мос равишда лойиҳланиши керак. Икки ва ундан ортиқ томошабинлар зали бор маданий-томоша бинолари оловбардошлик даражаси II дан кам бўлмаслиги даркор.

III ва IV оловбардошлик даражаларидаги биноларнинг қўлланилиши қишлоқ жойлардаги клуб муассасалари учун рухсат этилади.

Оловбардошлик даражаси II бўлган ёзги киноконцерт залларида томошабинларнинг ўринлари сони нормаланмайди, оловбардошлик даражаси III бўлган ҳолатда ўринларнинг сони 800 дан кўп бўлмаслиги шарт.

6-жадвал

Бинолар, иншоотлар	Оловбардошлик даражаси	Қаватлиликнинг юқори сони	Залнинг энг катта сиғдираолишлик миқдори, ўринлар
Йил давомида фаолият кўрсатувчи кинотеатрлар	I, II III	нормаланмайди 2	600 ва кўпроқ 500
Клублар	I, II III IV	нормаланмайди 2 (зал - 1) 1	600 ва кўпроқ 500 200
Театрлар	I, II	нормаланмайди	нормаланмайди

Эслатма: 1. Оловбардошлик даражаси III бўлган биноларда, оловбардошлик ва олов тарқалиши чегаралари оловбардошлик даражаси II бўлган бинолар учун талаб қилинадиган, ёғоч конструкцияли тепа қоплама, деворлар, устунлар, зинапоялар ва қаватлар ора қопламалари бор, 1-қаватга жойлаштириладиган томошабинлар залининг сиғдираолишлик миқдори 600 ўриндан кўп бўлмаслиги шарт.

2. Йил давомида фаолият кўрсатадиган кинотеатрга очиқ майдонли мавсумий фаолият кўрсатадиган қисми блокировка қилиб қурилганда (оловбардошлик даражалари фарқли) улар орасига ёнғинга қарши 2- типли REI 45 бўлган девор қилиниши даркор.

2.46. Томошагоҳ биноларда томошабинлар залини ва фойени 2-қаватга жойлаштирилса остки қаватлараро қоплама ёнғинга қарши 2- типли REI 60 бўлиши керак. Оловбардошлик даражаси III ва IV лик ертўла ва цокол қаватларининг тепа

қопламаси ёнғинга қарши 2- типли REI 60 бўлиши шарт.

2.47. Оловбардошлик даражаси III бўлган биноларда томошабинлар залининг тепасидаги бўғот бўшлиғи қолган бўшлиқлардан ёнғинга қарши REI 45 деворлари ёки EI 45 бўлган перегородкалар билан ажратилиши керак.

2.48. Театр, ҳамда сахнали (15x7,5 м; 18x9 м; 21x12 м ва кўпроқ) клубларнинг сахна ва томошабинлар зали тепа қопламаси (фермалар, тўсинлар, тўшамалар ва бошқа шунга ўхшашлар) НГ гуруҳидаги ашъёлардан тайёрланиши шарт.

2.49. Кўрғазма мажмуаларининг технологик хизмат кўрсатиш хоналари томошагоҳ қисмидан оловбардошлик чегаралари EI 45 дан ва қавтлараро қопламаси REI 45 дан кам бўлмаган ёнғинга қарши тўсиқлар билан ажратилиши зарур (сахна қаватлараро қопламаси майдони чегарасида жойлашган сахнани ёритувчи хоналардан ташқари).

2.50. Сахна планшети юк кўтарувчи элементлари НГ гуруҳидаги ашъёлардан бўлиши керак. Ушбу элементларга настил сифатида ёғоч ашъёси қўлланилса, шунингдек панжарали дор ва ишчи галереяларнинг настилларидагиси учун ҳам, оловдан ҳимоя таркиблар билан ёғочга ишлов (шимдириш) бериб, улар ёнувчанлиги бўйича Г1 ва Г2 гуруҳлари таркибига келтирилиши керак.

2.51. Томошабинлар зали балконлари, амфитеатр ва партер тепасида керакли нишабни ёки зинасимон полни ҳосил қиладиган ёнмас юк кўтарувчи конструкцияларнинг устига қуриладиган синч НГ гуруҳидаги ашъёлардан бўлиши шарт.

Устқурилиши тепа бўшлиқлари 100 м² дан ортиқ бўлмаган майдонли бўлақларга диафрагмалар билан ажратилган бўлиши керак; бўшлиқ 1.2 м дан юқори бўлса диафрагмаларда кириб кўриш учун жойлар назарда тутилиши керак.

2.52. Томошабинлар зали тепасидаги осма шиплар синчлари ва синчларни тўлдирувчи ашъёлар, сиғдираолишлик миқдори 800 ўриндан кўп сахнали клублар, театр заллари, ёпиқ спорт иншоотларининг шипи ва деворлари уст қопламасининг ушловчи катак-катак ўрнатилувчи рейкалари НГ гуруҳидаги ашъёлардан бажарилиши керак; сиғдираолишлик миқдори 800 дан кам ўринли бўлса Г1 гуруҳидаги ашъёлар қўлланилиши мумкин.

Ёппасига қилинган осма шиплардаги овозкучайтиргичлар, ёритгичлар ва бошқа ускуналар учун қолдирилган тешиқлар тепаси, оловбардошлик даражаси EI 30 бўлган, ёнмас қопқоқлар билан ҳимояланиши шарт.

2.53. Томошабинлар залларининг тепасида хоналар жойлаштирилса, қаватлараро қопламанинг юк кўтарувчи конструкциялари (ферма, тўсин ва бошқалар) оловбардошлик чегараси REI 60 дан кам бўлмаган НГ гуруҳидаги ёнмайдиган ашъёлардан бўлган настил билан тепа ва остки қисмлари ҳимояланиши шарт.

Томошабинлар залининг тепа қопламаси габаритида жойлашган сахнани ёритиб турувчи хоналар ёнғинга қарши 1- типли REI 45 бўлган перегородкали бўлиши керак.

2.54. Томошабинлар залларида юмшоқ ўриндиклар, стуллар, скамейкалар ёки улардан таркиб топган бўғинларнинг (12 ўринга мўлжалланган балкон ва ложалардан ташқари) полга маҳкамланиши учун мосламаси назарда тутилиши зарур. Томошабинлар учун арена-зал полида кўчувчан ўриндиклар сурилмаслиги, ағанаб кетмаслигини олдини оладиган мосламалар назарда тутилиши керак.

2.55. Рипроксион хоналаридан сахнага ёки арьерсахнасига, агар кинопроектор ўрнатилган бўлса кинопроексион, аппарат ва ёруғликпроексион хоналаридан томошабин залларига дераза ва тешиқлар оловбардошлик чегараси EI 15 дан кам бўлмаган штор ёки қопқоқлар билан ҳимояланган бўлиши шарт.

Динамик проексия учун жиҳозланган ёруғликпроексион хонаси дераза ва тешиклари тобланган ойна билан ҳимояланган бўлиши керак.

Чўғланма лампали кинопроекторлар билан жиҳозланган кинопроексион хоналарини, деворлари, перегородкалари, қаватлараро қопламалари ва тепа қопламалари қийинёнувчан ашъёли НГ ва Г1 гуруҳидаги оловбардошлик чегараси REI 45 дан кам бўлмаган, оловбардошлиги IV даражали бинолар олд қурилмаларида жойлаштирилишига рухсат этилади.

2.56. Томошабинлар зали билан чуқурликдаги колосникали сахна орасига 1-типли REI 150 бўлган ёнғинга қарши девор (ёки махсус ёнғинга қарши қурилма) назарда тутилиши керак.

2.57. Сифдраолишлик миқдори 800 ўрин ва ундан кўп бўлган залларда сахнанинг қурилиш портали эшик ўрни оловбардошлик чегараси EI 60 (1 соат) дан кам бўлмаган ёнғинга қарши дарпарда билан ҳимояланган бўлиши шарт.

Дарпарда иссиқлик ҳимояси ёнмайдиған захарли моддалар чиқармайдиған ашъёлардан бўлиши керак. Ёнғинга қарши дарпардалар қурилмасига қўйилган талаблар 12-мажбурий иловада келтирилган.

2.58. Ёнғинга қарши деворларда трюм ва сахна планшети сатҳида бўлган эшик ўринлар, ҳамда трюм ва сахнага колосника зинапояларидан чиқадиған жойлар (ёнғинга қарши дарпарда бўлгани ҳолда) 1-типли тамбур – шлюзлар билан ҳимояланиши зарур.

2.59. Омборхоналар ва омборчалар, устахоналар ва станок ва ҳажмли декорацияларни йиғувчи хоналар, ёнғинга қарши дарпардаларнинг лебедкаси ва тутун люклари хоналари, чанг ҳайдовчи камералар, шамоллатиш камералари, аккумулятор хоналари, трансформатор подстанциялари 1-типли REI 45 бўлган ёнғинга қарши перегородкали, 3- типли REI 45 бўлган оралиқ қопламали, оловбардошлик чегараси EI 30 бўлган эшикли бўлиши шарт.

Кўрсатилиб ўтилган хоналарни томошабинлар зали ва сахна планшети тағ қисмларига жойлаштиришга рухсат этилмайди, фақат ўралган декоратциялар сейфлари, ёнғинга қарши дарпардалар лебедкаси ва тутун люклари, ёғ тўлдирилмаган кўтариб-туширгич қурилмалари бундан мустанно.

Сейфнинг эшик ўрни оловбардошлик чегараси EI 60 дан кам бўлмаган шитлар билан ҳимояланиши керак.

Сахна томонидан ва кармонлардан декоратция омборхоналарининг эшик ўринларида 1-типли EI 60B бўлган ёнғинга қарши эшиклар (ёки дарвозалар), колесника зинапояларидан эса 2- типли EI 30 бўлган эшиклар кўзда тутилиши шарт.

2.60. Оркестр чуқурлигидаги тўсувчи конструкциялар ёнғинга қарши бўлиши керак (перегородкалар- 2- типли EI 15, оралиқ тепа қопламаси - 3- типли REI 4).

Оркестр чуқурлигида отделка ва пол настили учун қўлланиладиган ёғочга оловдан ҳимоя таркиблар билан, 2.50 банди талабларини ҳисобга олган ҳолда, ишлов берилиши керак

2.61. Тутун люкли сахналар тепа қопламасини ўрнатишда 12-мажбурий иловада келтирилган талабларни ҳисобга олиш зарур.

Тутун люклари устига қурилмалар НГ гуруҳидаги ёнмас, клапанлари эса Г1 гуруҳидаги қийин ёнувчан ашъёлардан бўлиши керак. Уст қурилмалари тутун люкларини шамолдан сақлаб туришни таъминлашлари керак.

2.62. Ёнғин пост-диспетчерлиги хонасини табиий ёруғлик тушадиган қилиб лойиҳалаш керак ва сахна планшети (эстрада) сатҳида, ёки бир қават пастда ташқарига чиқиш яқинида ёки ташқарига чиқарадиған зинапоя яқинида жойлаштириш керак.

Ёнғин ва хўжалик насоси хонасини, автоматик ёнғинўчиргич станциясини ёнма-

ён ёки ёнғин пост-диспетчерлиги хонаси остига жойлаштириб, улар орасида қулай алоқани ва ташқарига чиқишни таъминлаш керак.

2.63. Театр ва клуб асосий биноларида устахона ва бошқа ишлаб-чиқариш хоналарини, ҳамда резерв омборхоналарни жойлаштирилишида уларни бошқа хоналардан оловбардошлик чегараси REI 150 бўлган ёнғинга қарши деворлар билан ажратиш шарт.

2.64. Кутубхона ва архив биноларини оловбардошлик даражаси II дан кам бўлмаган 5 қаватдан ошмаган ҳолда лойиҳалаш керак.

Кутубхоналарнинг китоблар сақланадиган ва архивларнинг хужатлар сақланадиган хоналарини 600 м² майдондан оширмай ёнғинга қарши перегородкалари EI 45 бўлган ҳолда қисмларга бўлиб, ҳар бир қисмдан иккитадан кам бўлмаган эвакуация чиқишлари қолдирилиши керак; чиқиш эшиклари 2- типли EI 30 бўлган ёнғинга қарши бўлиши керак.

Нодир ва ноёб нашрлар сақланадиган хоналар бошқа хоналардан оловбардошлик чегараси REI 150 бўлган ёнғинга қарши девор ва оралик тепа қопламалари билан ажратилиши шарт.

2.65. Кутубхоналар, архивлар, омборхоналар ва 36 м² дан ошиқ майдонли омборчаларда деразалар бўлмаса хона пол майдонининг 0.2 % идан кам бўлмаган майдонли сўриб чиқарувчи, ҳар бир қаватда автомат ва масофадаги узатмали клапанлари бор каналлар кўзда тутилиши зарур. Тутун чиқариб ташловчи клапанлардан энг узоқ хона нуқтасигача масофа 20 м дан ошмаслиги керак. Сўриб чиқарувчи каналлар КМК 2.04.05 талабларига мос бўлиши шарт.

2.66. Лойиҳа ташкилотларининг макет яшаш устахоналари тўсувчи конструкциялари оловбардошлик чегараси EI 60 дан кам бўлмаган ёнмас ашъелардан бўлиши керак.

Бўяш хоналари деразалари ҳар бир 1 м³ хона ҳажмига 0,03 м² дан кам бўлмаган майдонли бўлиши лозим.

2.67. Бошқа вазифага мўлжалланган биноларда жойлашган, савдо майдони 100 м² дан кўп дўконларни бошқа ташкилот ва хоналардан ёнғинга қарши 2- типли REI 45 бўлган деворлар ва 2- типли REI 60 бўлган тепа орақопламалар билан ажратиш керак.

Дўконларни бошқа вазифали биноларда жойлаштирилганда, кўп функцияли биноларда савдо залига умумий даҳлиздан киравериш эшик ўринларида ўзи ёпилиб қоладиган эшиклар кўзда тутилишига рухсат этилади, бунда алоҳида эвакуация чиқиш жойлари жойлаштирилган бўлиши керак (умумий даҳлиздан чиқиш жойини ҳисобга олмаган ҳолда).

2.68. Табиий шамолланувчи ва ёруғлик тушувчи бўлмаган савдо заллари тутун чиқаргич қурилмалари билан таъминланган бўлиши шарт.

2.69. Тез ёнувчан ашъелар, ҳамда ёнувчан суюқликлар (ёғлар, бўёқлар, эритгичлар ва шунга ўхшашлар) билан савдо қилувчи дўконлар бир қаватлик алоҳида жойлашган биноларга жойлаштирилиши керак. Бу биноларда бошқа дўконларни ва маиший хизмат ташкилотларини, алоҳида кириш жойлари ташкил этилиши ва ёнғинга қарши 1- типли REI 15 бўлган девор ва 1- типли REI 150 тепа ораликқопламалари бўлиши шarti билан, жойлаштирилишига йўл қўйилади.

2.70. Дўконларнинг савдо заллари ёрдамчи хоналардан ёнғинга қарши перегородкалар билан ажратилиши, перегородкаларнинг жойлашув ўрни савдо залини келажакда каталаштирилиши ҳисобга олинган ҳолда аниқланиши даркор. Савдо залини омборча хоналаридан ёнғинга қарши перегородка билан ажратмасликка, агарда у ерда ёнмас, упаковка қилинмаган товарлар сақланса, рухсат этилади.

2.71. Ёнувчан товар ва ёнувчан упковкали товарлар омборчалари, коида бўйича, бинонинг ташқи деворига туташ қилиб, уларни 250 м² ва ошиқ майдонли савдо залларидан ёнғинга қарши 1-типли EI 45 перегородкалар билан ажратган ҳолда жойлаштирилади.

Омборча хоналар 700 м² майдондан ошмаган қисмларга ажратилиши зарур, қисмлар орасида тўрсимон ёки шипга етказилмаган EI 15 ли перегородкалар билан ажратилиши мумкин; бу ҳолда тутун чиқаргич бутун ҳамма қисмга кўзда тутилади. Қисмлараро перегородкалар 1- типли EI 45, ёнғин хавфи конструкция классификацияси КО бўлиши керак.

Майдони 50 м² дан кўп бўлган омборчалар хонасидан тутун чиқаргич дераза ёки махсус шахталар орқали амалга оширилиши назарда тутилади.

Майдони 50 м² дан кам бўлган, йўлакка чиқиш жойи бор, омборчалар хонасидан тутун чиқаргич йўлакда жойлашган дераза орқали амалга оширишга рухсат этилади. Юк тушурувчи хоналарга туташ, эшик ёки деразаси билан боғланган, омборча хоналаридан тутун чиқаргич кўзда тутилиши талаб этилмайди.

2.72. Ёнғин ва портлаш хавфи бор ашёлар, ҳамда рентген плёнкалари ва бошқа тез ёнувчан ашёлар (суюқликлар) сақланиши учун оловбардошлик даражаси II дан кам бўлмаган алоҳида бинолар кўзда тутилиши шарт.

Тез ёнувчан ашёлар ва ёнувчан суюқликлар сақланадиган товарлар омборчалари деразаси бор ташқи деворларга туташ ва бошқа хоналардан 1- типли оловбардошлик чегараси EI 45 бўлган ёнғинга қарши перегородкалар ва 3- типли REI 45 бўлган тепа орақопламалари билан ажратилган, у ерга кириш тамбур-шлюз орқали бўлиши назарда тутилган бўлиши керак.

2.73. Ёнувчан ашёларни сақлаш учун фойдаланиладиган икки ва ундан кўп қаватли ертўла бўлимларининг ҳар бир секция ёки қисмларида, ҳамда 50 м² дан кўп майдонли алоҳида хоналарида олд хандакли дераза ёки ўзаро қаватларда боғланмаган тутун чиқаргич шахталар (шахта ўлчамлари ҳисоб бўйича) ўрнатилиши зарур.

Тутун чиқаргич шахталарини ёки ҳар хил қаватларнинг олд хандаги конструкцияларини блокировка қилиб ўрнатилса, ёндош шахталарнинг перегородкалари EI 60 (1 соат) дан кам бўлмаган оловбардошлик чегарали бўлиши шарт.

2.74. Цокол ва ертўла қаватларда жойлаштирилган маданий-маиший йўналишга мўлжалланган барча хоналар (жумладан овқатланиш ва савдо, маданий дам олиш ва жисмоний тарбия - машқ қилиш билан шуғилланувчи корхоналар хоналари ва бошқалар) олд хандакли деразалари (ушбу нормаларнинг 2.24 бандига асосан) ва мустақил блокдан ташқарига чиқувчи жойлари бўлиши шарт.

2.75. Савдо марказлари ёки бошқа йўналишга мўлжалланган жамоат бинолари таркибида жойлаштирилган майдони 200 м² дан кўп маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарни бошқа хоналардан 2- типли REI 45 ёнғинга қарши деворлар ва 2-типли REI 60 тепа орақопламалар билан ажратиш шарт.

Маиший хизмат корхоналарининг бошқа муассасалар билан бирлашмаси бўлган ҳолатларда умумий дахлиз ёки мижозлар учун кутиш жойи худудчалари кўзда тутилишига рухсат этилади, бунда асосий хоналарга кириш эшиклари ўзи ёпилувчан бўлиши шарт.

Тез ёнувчан моддалар қўлловчи маиший хизмат корхоналарини (сартарошхона, гўзаллик уйлари, майдони 300 м² гача бўлган соат тузатиш устахоналари, майдони 60 м² гача бўлган кир ювиш ва кимёвий тозалаш қабулхоналари пунктлари, майдони 200 м² гача бўлган пойафзал тузатиш ва расм олиш устахоналари булардан мустасно)

бошқа йўналишга мўлжалланган жамоат биноларида жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

Эслатма: Таъмирлаш устахоналарини, кир ювиш ва кимёвий тозалаш биноларини лойиҳалашда кўшимча, ишлаб чиқариш биноларига қўйиладиган норматив талаблар ҳисобга олиниши керак.

2.76. Аҳолидан иккиламчи хомашъёни қабул қилиб олувчи пунктларни алоҳида биноларда (павильонларда) ёки маиший хизмат корхоналари бинолари олд қурилма-блокларда (таъмирлаш устахоналари, кимёвий тозалаш, кир ювиш бинолари) жойлаштирилиши даркор.

2.77. Хоммом ва сиғдираолишлик миқдори 20 ўриндан ошиқ хоммомли соғломлантириш мажмуалари биноларининг оловбардошлиги III даражадан кам бўлмаслиги шарт.

Ертўлаларда, 2.33 банда кўрсатилган биноларда, стационарларнинг (касалхоналарнинг) палата корпусларида, томошабинлар учун трибуналар остки қисмида, ҳамда 100 одамдан кўп жойлашган хоналарнинг остига ёки уларга туташ қилиб сауналар жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

Қуриқ иссиқлик (сауналар) берадиган хоммомларнинг бино ичига киритилиб қурилган хоналари оловбардошлик даражаси I ва II бўлган жисмоний тарбия - соғломлантириш ва спорт йўналишларига мўлжалланган, меҳмонхоналар, маиший хизмат корхоналарининг биринчи ва цокол қаватларида жойлаштирилиши мумкин.

Бино ичига киритилиб қуриладиган сауналарни жойлаштиришда қуйидаги талаблар бажарилиши зарур:

- буғхона ҳажми 8 м³ кам, 24 м³ кўп бўлмаслиги;
- сауна хоналари мажмуаси I типли EI 45 бўлган ёнғинга қарши перегородкалар ва 3- типли REI 45 бўлган тепа орақопламалари билан ажратилиши;
- сауна хоналари мажмуаси хоналаридан алоҳида ташқарига эвакуация чиқиш жойи бўлиши;
- 8 соат тинимсиз ишлатилганидан сўнг ўчирилгач тўлиқ совийдиган ва автомат ҳимояли заводда ишлаб чиқарилган печка жиҳози бўлиши;
- печка-электртош бошқарув пултини буғхона олдидаги қуруқ хонага жойлаштирилиши, кабель тармоғи ҳимояси иссиққа чидамли ва буғхона руҳсат этилган максимал иссиқлигига ҳисобланган (110°С дан ошмаган) бўлиши;
- электртош жиҳозидан буғхона девори қопламасигача 20 см кам бўлмаслиги, электртош жиҳози тепаси шип остига ёнмас иссиқлик ҳимояси шити ўрнатилиши, шит билан шип обшивкаси ораси масофаси 5 см дан кам бўлмаслиги;
- буғхона поли билан эшиги ости қисмида 30 мм дан кам бўлмаган оралик бўлиши;
- буғхонани периметри бўйича ички сувқувурига уланган, буғхонага кираверишда бошқариладиган “перфорирован”ли қуруққувур дренчерли қурилмаси билан жиҳозлаштирилиши;
- буғхонани игнабаргли тилоғоч дарахти тоифасидаги ёғоч билан қопланиши, серелим дарахтларининг ёғочини қўллашга йўл қўймаслик;
- буғхонани, ечиниш, дам олиш, массаж хоналари билан бирга тутун хабарини берувчи жиҳоз билан таъминлашлари шарт.

2.78. Болалар мактабгача муассасаларида, болалар уйларида, болалар санаторияларида, интернат-мактабларда (мактаблар қошидаги интернатларда) ижтимоий муассасаларнинг ва даволовчи стационарларнинг турар-жой корпусларида, меҳмонхоналарда архивларнинг сақлайдиган хонаси, кутубхоналарнинг китоб сақлайдиган хоналари, ёнувчан ашъёлар сақлайдиган омборчалари, ёнувчан ашъёлар қўллайдиган устахоналари, электршит хоналари, шамоллатиш камералари, бошқа

ёнғин хавфи бор техник хоналари эшикларининг оловбардошлик даражаси EI 30 дан кам бўлмаслиги шарт.

2.79. Турар-жой (ётоқхона) ва ўқув хоналари, маданий-маърифат ва даволов-соғломлаштиришга мўлжалланган хоналари таги ва устига юқори ёнғин юки бор хоналарни жойлаштиришга йўл қўйилмайди; ёнғин ашёларни сақлаш учун ёки қайта ишлаш учун устахоналар, омборча хоналарини томошабинлар ва активлар заллари остига, болалар муассасалари ва мактаблар, интернат-мактабларнинг ётоқ корпуслари ва мактаблар қошидаги интернатлар, ногиронлар ва қариялар учун ижтимоий марказлар, даволов муассасалари стационарлари, санаторияларнинг ётоқ корпуслари ва дам олиш муассасалари биноларининг ертўла ва цокол қаватларига жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

2.80. Бир вақтнинг ўзида 50 дан ортиқ кишига мўлжалланган хоналарнинг остки қисмида В категорияли ишлаб чиқариш хоналари ва омборхоналар жойлаштирилишига йўл қўйилмайди, шу жумладан омборчалар, устахоналар, лабораториялар (ўқув лабораторияларидан ташқари), ёғ тўлдирилган жиҳозли трансформатор подстансиялари ва бошқалар.

2.81. Автоматик ёнғин ўчиргич қурилмалари назарда тутилган оловбардошлик даражаси I-II бўлган жамоат биноларида 9 қават баландлигигача (тепасигача) бўлган ички ёпиқ ҳовли-атриум қурилишига, ички очик зинапояларга қўйиладиган талабларга монанд (ушбу нормаларнинг 2.101 бандига асосан), рухсат этилади.

Тутун чиқаргич фонарларининг очик кесими майдони ҳисоб бўйича аниқланади.

Лойиҳада юқори ёритгичлар фонарлари сексияларининг автомат ва масофадан очилилиши кўзда тутилиши керак. Фонарлар сецияларининг очилишини масофадан бошқариш ёнғин пости ёки биринчи қаватда жойлашган бино бўйича навбатчининг хоналаридан амалга оширилиши даркор.

Даҳлиз ёки атриум тепа қопламаси ойнали бўлса синиб тушишидан ҳимоя назарда тутилиши даркор.

2.82. Кенг корпусли, ёпиқ атриумли ва майдони 600 м^2 гача ички очик ёруғлик аэрацияли ҳовлиси бор биноларда композицион-режавий ечимлар қўлланилганда ёнғин ўчиргувчи машиналарнинг ўт ўчириши учун бино ташқи ҳар бир томонидаги машина йўлакларидан бино ҳар қайси хонасига кира олиш шароитини таъминлаш керак, бунда бинонинг фасад қисмига ёнғин ўчиргувчи машинага улаш учун чиқарилган патрубкали ёнғинга қарши сувқувири кўзда тутилиши керак. Бино деворларининг бир йўналиши бўйича машина кириш йўлакларини орасидаги масофа 60 м дан ошмаслиги шарт.

Биноларнинг ички ҳовлисига, жумладан майдони 600 м^2 дан ошиқ атриумларга ёнғин ўчиргувчи машина кириши учун йўлаклар кўзда тутилиши керак.

2.83. Баландлиги 4 қават ва ундан ортиқ биноларда эшикларга, фрамугаларга (эшикларда, перегородкаларда ва деворларда, зинапоя катаги деворларини ҳисобга олган ҳолда) ва перегородкаларга шаффоф ёруғлик ўтказувчи қисмлар сифатида, оловбардошлик чегараси EI 15 дан кам бўлмасликни таъминловчи, тобланган ёки арматурали ойна ва ойнаблоклар қўлланилиши керак. Баландлиги 4 қаватдан кам бўлмаган биноларда шаффоф ёруғлик ўтказувчи қисмлар тури чегараланмайди.

Баландлиги 4 қаватдан ортиқ биноларда зинапоя катаги эшикларини, умумий йўлакка олиб борувчи лифт холлари ва тамбур-шлюз эшикларини шаффоф қисмларсиз ёки арматурали ойна қисмларидан иборат бўлиши керак.

2.84. Г1-Г4 гуруҳидаги ашёлардан бўлган икки томонга суриладиган перегородкаларнинг икки юзаси, оловбардошлик чегараси EI 30 ни таъминлайдиган

ёнмас НГ гуруҳидаги ашъёлари билан ҳимояланиши шарт.

2.85. Жамоат бинолари ва иншоотларининг интерьерлари отделкасида полимер ашъёлардан қўллаш учун, фойдаланишда ёнғин хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда, ЎзР давлат санитар назорати рухсатини олиш шарт.

2.86. Болалар мактабгача муассасаларининг мусиқа ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш заларининг ва эвакуация йўлакларининг девор ва шиплари НГ гуруҳидаги ёнмас ашъёлардан бўлиши керак; бошқа хоналарда пардозлаш Г1 гуруҳидаги ёнувчан ашъёлардан бўлиши мумкин.

2.87. Ўриндиқлари сони 1500 тагача бўлган ёпиқ спорт залларининг, фаоллар залларининг, томошабинлар залларининг, конфренц-залларнинг, сиғдраолишлик миқдори 50 ва ундан ортиқ аудиторияларнинг, ҳамда оловбардошлик даражаси I ва II бўлган чакана савдо корхоналарининг бинолари хоналаридаги девор ва шипларининг отделкаси НГ ва Г1 гуруҳидаги ашъёлардан кўзда тутилиши шарт.

Ўриндиқлар сони 1500 дан кўп залларда, кутубхона ва архивларнинг сақлаш, архивларда хизмат каталоглари ва рўйхат хоналарида пардоз НГ гуруҳидаги ёнмас ашъёлардан бўлиши керак.

Мусиқа театри залларида (сиғдраолишлик миқдоридан қатъий назар) девор ва шипларнинг беаки ёнмас ёки кийин ёнувчан НГ ва Г1 гуруҳларидаги ашъёлардан бўлиши шарт.

2.88. Ёртўлада ёки цокол қаватларда, ҳамда трибуна ости қисмларга жойлаштирилган ўқ отар галереялар ва тирларнинг ўқ ёнғинли зоналари девор ва шипларининг обшивкаси учун НГ ва Г1 гуруҳидаги ашъёлар қўлланиши керак.

2.89. Йўлаклар, фойелар, даҳлизлар, зинапоя катаги ва бошқа эвакуация йўллариининг шипи, деворлари ва поли отделкаси ШНК 2.01.02 бўйича параметрларга (кўрсаткичларга) мос бўлиши керак. Енгил аланга олиб кўп миқдорда тутайдиган ва ёнганда хавфли захарли моддалар чиқарадиган пол қопламалари қўлланишига йўл қўйилмайди. ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ёнғин хавфсизлиги органлари томонидан рухсат этилган ашъёлар ва қопламалар қўлланилиши шарт.

Сигими 800 ўрингача бўлган томоша залларида полларга гиламли қопламаларни шундай ашъёлардан қўллаш керакки, уларнинг тавсифи бўйича ШНК 2.01.02 асосан ёнғин хавфлилиги: Г2 (аста ёнувчан), В2 (аста ўт олувчан), РП2 (кучсиз атрофга тарқалувчан), Д2 (аста тутувчан қобиляти бор) ва Т2 (аста-секин ёнишда хавфли захарли моддалар чиқарувчан) гуруҳларидагилардан юқори бўлмасин. Бунда гиламли қопламаларнинг ости ёнмас НГ гуруҳидаги ашъёлардан бўлиши шарт.

Эвакуация йўллари

2.90. Эвакуация йўллари – горизонтал ва тик жойлашган (ички йўлаклар, галереялар, зинапоялар), ташқарига чиқиш жойлари, жумладан авария пайтида чиқиладиган, ШНК 2.01.02 ва ушбу нормалар талабларига жавоб бериши шарт. Эвакуация йўллари лифтларни ва эскалаторларни, ҳамда ШНК 2.01.02. санаб ўтилган худудчаларни ўз ичига олмайди.

Эвакуация йўллари ҚМҚ 2.01.05 га асосан ёритиладиган ва асосий электр таъминоти ўчирилганда 1 соатдан кам бўлмаган вақтда ёруғлик чиқариб йўналиш кўрсатувчи жиҳозлар билан таъминланган бўлиши керак.

2.91. Бинога кириш олди жойи, қоида бўйича, атмосфера ёмғиргарчиликларидан ҳимояланган, кириш майдончаси горизонтал, сирпаниб кетиш ҳолати бўлмайдиган, сув тушиш панжараси кичик катакли (катак ўлчамлари 1.5 смдан ошмаган), панжара сатҳи майдонча поли сатҳи билан бир хил даражада бўлиши керак.

Бино қанотининг ташқи зинапояларига (ёки уларнинг қисмларига) баландлиги 0.8-0.9 м ён қўл ушлагич тўсиқлари ўрнатилиши керак (тўсиқлар тури аниқ шароитдан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади). Ногиронларнинг кресло-аравачаси билан киришлари учун ШНК 2.07.02 асосан қўл ушлагич тўсиқлари билан пандуслар кўзда тутилиши шарт.

Бино қаноти очик зинапоялари кенглиги 2.5 м дан ошиқ бўлса қўшимча ажратувчи қўл ушлагичлар ўрнатилиши даркор.

Бинога асосий кириш жойи эшиги олдидаги майдонча ва асосий кириш жойи тамбури, қоида бўйича, 2,2x1,8 м дан кам бўлмаслиги керак; бинодан чиқиш эвакуация жойи майдончаси 1,6x1,6 м дан кам бўлмаслиги даркор (ШНК 2.07.02 га асосан ногиронларнинг киришлари учун талабларни ҳисобга олган ҳолда).

2.92. Зинапоя катагида жойлаштириладиган ички зинапоялар қурилмаси (1 тип) ва очик (2 тип) ШНК 2.01.02 талабларига жавоб бериши керак (жумладан эвакуация йўлакларидagi зинапояларнинг қиялиги, чиқиш кенглиги ва поғоналари баландлиги, бошқалари). Зинапоя маршида ҳар хил баландлик ва кенгликдаги поғоналарни қўллаш мумкин эмас.

Қийшиқ чизикли асосий зинапоялар қўлланилишига рухсат этилади, аммо бурилишдаги поғоналарнинг тор қисми чиқиш кенглигининг энг кам миқдори 22 см дан кам бўлмаслиги шарт.

Эвакуация йўлакларида чиқиб қолган жойлар ва зина 3 та поғонадан кам ўрнатиладиган (ёки 0.45 м дан) баландликларнинг бўлишига рухсат этилмайди. Баландликларнинг кам бўлган ҳолатларида пандус кўзда тутилиши керак (2.94 бандига асосан).

Зинапоя горизонтал майдончалари орасидаги битта маршда 3 тадан кам бўлмаган ва 16 тадан ошмаган поғоналарда кўтарилиш кўзда тутилишига рухсат этилади (қийшиқ чизикли зинапоялар бундан мустасно). Биттагина маршли ёки 3 маршли зинапоянинг 1-қават сатҳидаги битта маршида 18 дан кўп бўлмаган поғоналарда кўтарилиш кўзда тутилиши мумкин.

2.93. Зинапояларнинг маршлари ва майдончаларининг баландлиги 0.8-0.9 м (мактабгача болалар муассасаларининг биноларида 0.5 м, мактаб биноларида 0.6-0.7 м) бўлган тўсиқ ва қўл ушлагичлари бўлиши керак.

Мактабгача болалар муассасалари, мактаблар ва биринчи синфлар жойлашган интернат-мактаб ўқув кўрпусларида зинапояларнинг қўл ушлагич ва тўсиқлари қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- болалар фойдаланадиган зинапоялар тўсиқларининг баландлиги 1.2 м дан кам бўлмаслиги, ақлий ривожланишида нуҳсон бор болалар учун муассасаларда тўсиқлар 1.8 м ёки бутунлай ёпиқ 1.5 м бўлиши керак.

- зинапоялар тўсиғининг тик элементлари оралиқ бўшлиғи 0.1 м дан катта бўлмасли керак (горизонтал оралиқ бўшлиқларга бўлишга йўл қўйилмайди).

Очиқ ва ёпиқ спорт иншоатларининг трибуналарида зинапоя, ўтиш йўлаклари ва люкларининг ҳисобий кенглиги 2.5 м дан кўп бўлса 0.9 м баландликдан кам бўлмаган ажратиб турувчи қўл ушлагичлар кўзда тутилиши керак. Люк ва зинапояларнинг ҳисобий кенглиги 2.5 м гача бўлса ажратиб турувчи қўлушлагичлар талаб этилмайди.

2.94. Ер усти қаватларида зинапоялар маршининг қиялиги 1:2 дан ошмаслиги зарур (спорт иншоатларининг трибуна зинапоялари бундан мустасно).

Инсонларнинг эвакуациясига мўлжалланмаган ёртўла ва цокол қаватларига олиб тушувчи, том бўғотига олиб чикувчи, ҳамда ер усти қаватларидаги зинапоялар маршининг қиялигини 1:1.5 қилиб олишга рухсат этилади.

ШНК 2.07.02 бўйича ногиронларнинг кресло-аравачада юриш йўлакларига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб бино, иншоат ичидаги ва ташқарисидаги одамлар ҳаракати йўлакларида кўза тутиладиган пандусларнинг қиялиги, қоида бўйича, 1:12 дан 1:10 оралиқларида бўлиши шарт.

Эслатма: Алоҳида ҳолларда талаб этилган қияликни таъминлаш мумкин бўлмай қолса пандусларнинг қиялигини бино ичида 1:6, ташқарисида 1:8 қилиб олишга йўл қўйилади.

2.95. Ички йўлакдан зинапоя катагига эвакуацияда чиқиш жойи кенглиги, ҳамда зинапоя маршларининг кенглиги ушбу жойларнинг ҳар 1 м чиқиш кенглигидан (эшикнинг) эвакуация қилинаётган одамларнинг чиқиш сони ҳисоби ва оловбардошлик даражаси бўйича ўрнатилади (Класси Ф 2.1 бўлган томошабинлар заллари бор ва томошабинлар учун ўриндиқлари бор спорт залларининг бинолари бундан мустасно):

- | | | |
|--------------------------------|---|-------------------------------|
| - I, II оловбардошлик даражаси | - | 165 киши/дақиқа дан ошмаган.; |
| - III - "- | - | 115 -"- дан ошмаган; |
| - IV - "- | - | 80 -"- дан ошмаган. |

2.96. Зинапоя марши кенглиги энг кўп одами бор қаватдан зинапояга чиқиш жойи кенглигидан кам бўлмаслиги ва қуйидаги миқдорлардан кам бўлмаслиги шарт:

- 1,35 м - Ф1 классдаги биноларда, одамлар энг кўп бўладиган қаватда уларнинг сони 100 нафардан ошмайдиган биноларда, ҳамда сиғдираолишлик миқдоридан қатъий назар, клуб, кинотеатр, даволаш ва ўқув муассасаларининг биноларида;

- 1,2 м – бошқа биноларда, ҳамда клуб, кинотеатр, даволаш муассасалари биноларининг блокларидаги келувчиларга (жумладан томошабинлар ва касалларга) мўлжалланмаган хоналарга олиб борувчи зинапоялари учун;

- 0,9 м – бир вақтда келувчилар сони 5 нафардан ошмаган хоналарга олиб борувчи зинапоялар учун (бир кишили хоналарга олиб борувчи зинапоялар учун 0.7 м бўлиши мумкин).

Касалхоналар (стационарлар), олий таълим муассасаларининг ўқув корпусларида (маъруза аудиториялари, лабораторияларда) зинапоялар маршининг кенглиги, қоида бўйича, 1.5 м дан кам бўлмаслиги шарт.

Зинапоя майдончаси кенглиги марши кенглигидан кам бўлмаслиги, оралик майдончасининг марш йўналишидаги кенглиги 1 м дан кам бўлмаслиги даркор.

Эслатма: Жамоат бинолари ва иншоатларининг асосий зинапоялари кенглиги функционал ва меъморий- композицион масалаларни ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади.

2.97. Очиқ ва ёпиқ спорт иншоатларининг трибуналари зинапоялари қиялиги 1:1.6 дан ошмаслиги, 0.9 м баландликда қўл ушлагич (ёки бошқа ўхшаш қурилма) ўрнатилган бўлса 1:1.4 қиялик руҳсат этилади.

Спорт иншоатларининг эвакуация йўлакларида люкларда зинапоя ва кўтарилиш поғоналари бўлишига йўл қўйилмайди.

2.98. Одамларни эвакуация қилишга мўлжалланган зинапоя катагида, жумладан ер устки, цокол ва ертўла қаватларида, ертўла ёки цокол қаватларидан алоҳида ташқарига, бир қават баландлигида I-типли EI 45 бўлган ёпиқ ёнғинга қарши перегородка билан ажратилган, чиқиш жойлари кўзда тутилиши шарт.

Ертўла ёки цокол қавати билан биринчи қават алоқаси учун мўлжалланган, биринчи қаватнинг йўлагига, холлига ёки даҳлизига олиб чиқадиган, алоҳида зинапоялар одамларни ертўла ёки цокол қаватидан эвакуация қилишни ҳисоблашда эътиборга олинмайди.

Агарда зинапоя ертўла ёки цокол қаватидан биринчи қават даҳлизига олиб чиқса, бинонинг барча ер устки зинапояларидан, ушбу даҳлизга чиқишдан ташқари, ташқарига тўғридан тўғри чиқадиган жойи бўлиши шарт.

2.99. Эвакуация йўлларида винтсимон зинапоялар, югириб чиқадиган поғоналар, ҳамда қирқимсимон зинапоя майдончалари қўлланилиши мумкин эмас.

Эвакуация йўлларида очиқ зинапоялар, жумладан қийшиқ чизикли зинапоялар қўлланилса ШНК 2.01.02 талабларига мос бўлиши керак (даволаш ва амбулатория-поликлиника йўналишига мўлжалланган бинолардагидан ташқари).

2.100. Зинапоя катаклари, қоида бўйича, ташқи деворлардан табиий ёруғлик тушиб турадиганли бўлиши керак (ертўла ва томоша кўрсатадиган бинолардаги колосникали зинапоялар бундан мустасно), сунъий ёритиш ҚМҚ 2.01.05 га асосан кўзда тутилади.

Л1 ва Л2 зинапоя катаklarининг ёруғлик дарчаси майдони 2.143 банди талабларига мос бўлиши керак.

Тепа зенитдан ёруғ тушувчи зинапоя катаклари – Л2 ни оловбардошлик даражаси I ва II бўлган 2 қаватли биноларнинг умумий зинапоя катаклари сонининг 50% идан ошмайдиган, 3 қаватли биноларда зинапоя маршлари оралиғининг бўшлиғи 1.5 м дан кам бўлмаган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда, ёнғин бўлганда фонарлар автомат очилиб кетишлиги кўзда тутилиши шарт.

Вокзал биноларида, эвакуация учун мўлжалланган, 50% ва ундан ортиқ зинапоя катаклари ташқи деворлар деразасидан тушувчи ёруғликли бўлиши керак.

Н1, Н2 ва Н3 “ёнғин тутунидан ҳоли” зинапоя катаклари ШНК 2.01.02 ва ушбу лойиҳалаш нормаларининг 2.139-2.140 бандлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

Эслатма: ШНК 2.01.02 га асосан Ф2, Ф3 ва Ф4 классли биноларда зинапояларнинг 50% игача табиий ёруғлик тушмайдиган, ёнғин пайтида ҳаво бериладиган Н2 ёки Н3 типли зинапоя катаклари қўлланилиши мумкин.

2.101. Оловбардошлик даражаси I ва II бўлган 9 қаватлигача биноларнинг ички битта зинапояси бинонинг ҳамма баландлиги бўйича очиқ бўлиши мумкин, шарти шуки у жойлашган хона ички йўлақлардан ва бошқа хоналардан ёнғинга қарши EI 45 типли перегородкалар билан ажратилган бўлиши керак.

Бинонинг ҳаммасида автомат ёнғин ўчиргич қурилмалари ўрнатилса очиқ зинапоя хоналари ички йўлақлардан ва бошқа хоналардан ажратилмаслиги мумкин.

Даволаш муассасаларининг стационарларида очиқ зинапоялар одамларнинг ёнғин пайтида эвакуация қилиш ҳисоб-китобида назарга олинмайди.

Оловбардошлик даражаси I-III бўлган биноларда даҳлиздан иккинчи қаватгача ички зинапоя очиқ бўлиши мумкин, агарда даҳлиз ички йўлақлардан ва бошқа хоналардан ёнғинга қарши EI 45 бўлган оддий эшикли перегородкалар билан ва REI 45 бўлган ёнғинга қарши тепа оралиққопламалари билан ажратилган бўлса.

Оловбардошлик даражаси I ва II бўлган чакана савдо ва умумовқатланиш корхоналарининг биноларида биринчи қаватдан иккинчи қаватгача ёки цокол қаватидан биринчи қаватгача зинапоялар очиқ бўлиши мумкин, даҳлиз бўлмаган ҳолларда ҳам. Бунда чакана савдо корхоналарининг ушбу зинапоялари (ёки пандуслари) савдо залига келувчиларнинг 50% учун эвакуация йўллари ҳисоб-китобида назарда тутилиши мумкин, қолган келувчилар учун иккитадан кам бўлмаган ёпиқ зинапоялар катаги назарда тутилиши шарт.

Очиқ зинапоянинг (ёки пандуснинг) узунлиги полнинг энг узоқ нуқтасидан эвакуация чиқиш жойигача бўлган масофага киритилади, лекин унинг майдони асосий эвакуация ўтиш йўлақларининг майдонига қўшилмайди.

Театрларнинг томошабинлар хоналари комплексида иккитадан кўп бўлмаган зинапоялар очиқ бўлиши мумкин, бироқ қолган (иккитадан кам бўлмаган) зинапоялар

ёпиқ зинапоя катакли бўлиши шарт.

Очиқ зинапоялар, эвакуацияга мўлжалланган, даҳлиз поли сатҳидан кейинги қават поли сатҳигача ҳисобга олинади. Кейинги қаватларда томошабинлар хоналари комплексида ёпиқ зинапоялар катагига холис эвакуация ўтиш йўллари кўзда тутилиши зарур.

Жамоат биноларининг хоналаридан, ўрнатилган йўналишидан қатъий назар, (томошабинлар ва ўқув залларидан, аудиториялардан, ўқув, савдо хоналаридан ва бошқалардан, ёнувчан ашъёлар омборчалари ва устахоналардан ташқари) чиқиш жойларининг биттаси тўғридан тўғри даҳлизга, очиқ зинапояга туташ қаватлардаги холлга ёки фойега бўлиши мумкин.

Цокол ёки ертўла қаватларида фойе, кийим-кечак алмаштириш хонаси, чекиш хонаси ва хожатхоналар жойлаштирилса цокол ёки ертўла қаватларидан биринчи қаватга очиқ зинапоялар кўзда тутилиши мумкин.

2.102. Клуб биноларида эвакуация учун мўлжалланган зинапоя катакларидан тўғридан тўғри ёки даҳлиз орқали ташқарига чиқиш жойлари назарда тутилиши керак. Бунда даҳлиз орқали эвакуация қилинишга биттадан ортиқ бўлмаган, ташқарига тўғридан тўғри чиқиш жойи йўқ зинапоя катагидан рухсат этилади.

2.103. Театр биноларида томошабинлар хоналарининг мажмуасида иккитадан кам бўлмаган зинапоя ва иккита – сахнанинг хизмат хоналарининг мажмуасида табиий ёритишли, бўғотга ёки том тепасига чиқадиган жойи бор, ёпиқ зинапоя катаклари, ҳамда иккита колосникова зинапоялари кўзда тутилиши зарур.

2.104. Бир ёки туташ хоналарда (перегородка билан ажратилмаган бўлса) полларнинг сатҳи м дан ортиқ фарқ қилса тепа қисм периметри бўйича одамларнинг йиқилиб тушиш эҳтимолини олдини оладиган тўсиқ назарда тутилиши шарт (баландлиги 0.8 м кам бўлмаган ёки бошқа қурилма); кўрсатилган талаб томошабинлар залига қараган сахна планшети томонига тадбиқ этилмайди.

2.105. Эвакуация йўли кенглиги ҳисоб-китобини қилишда мактаблар, интернат-мактаблар ва интернатларнинг бинолари қаватига бир вақтда келадиган одамларнинг энг кўп сони ушбу қаватда хоналарнинг (ўқув хоналари, зал хоналари, меҳнатга ўқитувчи устахоналар, бошқа хоналар) умумий сифимидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

2.106. Ички йўлаклар (рекреация учун йўлаклардан ташқари) кенглиги, қоида бўйича, 1.8 м дан кам бўлмаслиги шарт (ШНК 2.07.02 талабларини ҳисобга олган ҳолда). Ўқув хоналари олди рекреация йўлаклари, кутиш жойлари бор йўлаклар, тез тиб ёрдами қабул қилиш бўлимлари йўлаклари кенглиги 2.4 м дан кам бўлмаслиги керак. Ўқув биноларида рекреация йўлакларининг икки томонида ўқув хоналари жойлашган бўлса йўлак кенглиги, қоида бўйича, 2.6 м дан кам бўлмаслиги (мактабларда 2.8 м) шарт; ўқув хоналари бир томонлама жойлашганда рекреация йўлаги кенглиги 2.2 м.

Эслатма: 1. Хизмат хоналари (келувчилари йўк) блокларида йўлак узунлиги 30 м гача бўлса йўлак кенглиги 1.6 м олинishiга рухсат этилади.

Хусусий бюро ва офисларда йўлак узунлиги 10 м гача бўлса йўлак кенглиги 1.2 м олинishi мумкин.

2. Даволов муассасаларининг ички йўлаклари кенглиги 3.44 - бандда берилган.

2.107. Хоналардан чиқиш эшиклари кенглиги 0.9 м дан кам бўлмаслиги керак. Ўқув хоналарининг эшиги ташқарига – ички йўлакка очилиши шарт.

Ўзгартирилиб туриладиган перегородкалар билан қисмларга бўлинадиган хоналарнинг лойиҳаланишида эвакуация чиқиш жойларини ҳар бир қисмда назарда тутиш керак.

2.108. Ҳар хил ҳажмли томошабинлар ўриндиқларисиз залларнинг ҳар қайси нуқтасидан энг яқин эвакуация чиқиш жойигача энг узоқ масофа 7-жадвал бўйича аниқланади. Асосий эвакуация ўтиш йўллари умумий ўтиш йўллари билан қўшилган ҳолатларда унинг кенглиги қўшилаётган ўтиш йўллариининг йиғиндисидан кам бўлмаслиги шарт.

7-жадвал

Залларнинг мўлжалланган йўналиши	Бинонинг оловбардошлик даражаси	Масофа, м да, заллар ҳажми, минг м ³ ҳисобида, зарурий вақт қийматлари, дақиқада		
		5 гача	5 дан юқори 10 гача	10 дан юқори
1	2	3	4	5
1. Келувчилар учун кутиш заллари, касса олд хоналари, кўргазма заллари, рақс заллари, дам олиш заллари ва бошқалар	I, II III, IV	30/2,0 20/1,5	45/3,0 30/2,0	55/3,5 -
2. Ҳар бир асосий ўтиш йўли майдони ундан ҳар бир эвакуация қилинаётган кишига 0,2 м ² ҳисобидан кам бўлмаган овқатланиш, ўқув заллари	I, II III, IV	65/2,0 45/1,5	- -	- -
3. Савдо заллари асосий эвакуация ўтиш йўли зал майдонининг % ини ташкил қилганда:				
25дан кам бўлмаган	I, II III, IV	50/1,5 35/1,0	65/2,0 45/1,5	80/2,5 -
25дан кам	I, II III, IV	25/1,5 15/1,0	30/2,0 20/1,5	35/2,5 -

2.109. Эвакуация йўллари бўйича жамоат биноларининг энг узокда жойлашган хоналарининг (хожатхона, юз-қўл ювиш хонаси, чекиш хонаси, душхона ва бошқа одамлар доимо бўлмайдиган хизмат кўрсатувчи хоналар бундан мустасно) эшикларидан, болалар мактабгача муассасаларида – гуруҳ ячейкасида чиқиш жойидан ташқарига чиқиш ёки зинапоя катагига кириш жойигача масофалар 8-жадвалда кўрсатилганлардан катта бўлмаслиги шарт.

Боши берк йўлакка ёки холлга чиқадиган хоналарнинг сигдираолишлик миқдори 80 кишидан ошмаслиги керак.

Оловбардошлик даражаси I-III бўлган мактаб ва ўрта махсус билим юртларининг боши берк йўлакка ёки холлга чиқадиган хоналарининг сигдираолишлик миқдорини 125 кишигача қабул қилиниши мумкин. Бу ҳолда энг узокда жойлашган хоналарнинг эшигидан зинапоя катагига кириш жойигача бўлган масофа 100 м дан ошмаслиги зарур.

8-жадвал

Бинонинг оловбардошлик даражаси	Масофа, м да, эвакуация пайтида одамлар оқимининг зичлиги*, киши ҳисобида				
	2 гача	2 дан кўп 3 гача гача	3 дан кўп 4 гача	4 дан кўп 5 гача	5 дан кўп
1	2	3	4	5	6
I-III	А. Зинапоя катаклари ёки ташқарига чиқиш жойлари оралиғларидаги				

IV	60	50	40	35	20
	40	35	30	25	15
Б. Боши берк йўлакка ёки холлга чиқадиган хоналардан					
I-III	30	25	20	15	10
IV	20	15	15	10	7

* Хонадан эвакуация қилинувчилар сонини эвакуация йўлидаги ички йўлак майдонига нисбати.

Эслатма: масофа қуйидаги бинолар учун қабул қилиниши керак: болалар мактабгача муассасаларини 6 - устун бўйича; мактаб ва ўрта-махсус билим юртларини 3- устун; меҳмонхоналарни 4 – устун; даволаш муассасаларининг стационарларини 5 – устун; бошқа жамоат биноларининг йўлагига одамлар оқими зичлиги лойиҳа бўйича аниқланади.

2.110. Ўриндиқсиз томошабинлар залларидан эвакуация чиқиш жойлари (эшиклари) кенглиги эвакуация қилинувчиларнинг 1 дақиқада чиқиш жойидан ўтиш сони бўйича 9-жадвалга мос, лекин 50 кишидан ортиқ сиғдираолишлик миқдори бўлган залларда 1.2 м дан кам бўлмаслиги зарур.

9-жадвал

Залларнинг мўлжалланган йўналиши	Бинонинг оловбард ошлик даражаси	Залларда, ҳажми минг м ³ ҳисобида, 1 м кенгликдаги эвакуация чиқиш жойи (эшиги) дан ўтувчи одамларнинг сони, вақтнинг зарурий миқдорида, дақиқа.		
		5 гача	5 дан кўп 10 гача	10 дан кўп
1. Савдо заллари – асосий эвакуация ўтиш йўллари майдони зал майдонининг - 25% и ва ундан кўп, овқатланиш ва ўқув заллари – ҳар бир асосий ўтиш жойида 5 киши/м ² оқим зичлигида	I, II III, IV	165/1,5 115/1,0	220/2,0 155/1,5	275/2,5 -
2. . Савдо заллари – асосий эвакуация ўтиш йўллари майдони зал майдонининг - 25% дан кам, бўлак заллар	I, II III, IV	75/1,5 50/1,0	100/2,0 70/1,5	125/2,5 -

Эслатма: Овқатланиш ва ўқув заллари сиғдираолишлик миқдори заллардаги ўриндиқлар сони бўйича, савдо залларида эса 1 нафар келувчи-ҳаридорга ҳисобий майдон ҳисобга олиниб ушбу нормаларнинг 2.112 бандига мос аниқланади.

2.111. Савдо залида асосий эвакуация ўтиш жойи кенглиги қуйидагилардан кам бўлмаган: 1.6 м – савдо майдони 150 м² гача; 2.0 м – 150 дан 400 м² гача ва 2.5 м – 400 м² дан кўп савдо майдони – миқдорларда бўлиши керак.

Эслатма: Асосий эвакуация ўтиш жойлари майдонига турникетлар оралиғи ўтиш жойлари, контролёр-кассир кабиналари оралиғи ўтиш жойлари ва савдо залининг орқа томонидаги ўтиш жойлари майдони қўшилмайди.

2.112. Савдо-маиший корхоналари биноларида эвакуация йўлларининг ҳисоб-китобида, бир вақтнинг ўзида савдо залларида ва хоналарида бўладиган харидорлар учун, харидорлар (келувчилар) сони бир нафар келувчига зал майдонининг ҳисоб – китобидан қабул қилинади:

- 3,0 м² шаҳар дўконлари учун, ҳамда маиший хизмат кўрсатиш корхоналари харидорларининг асосий заллари (жиҳозлар билан банд қилинган майдонларни қўшган

Колосникалисиз сахна заллари	2	3	3,5	3,5	4	4,5	6
Колосникали сахна заллари	1,5	2	2,5	2,5	-	-	6
* Зал ҳажми ички тўсувчи конструкциялар бўйича аниқланади (трибуналари бор залларда – трибуна ҳажмини ҳисобга олмаган ҳолда); ҳажмнинг оралиқ миқдорларида зарурий эвакуация вақти интерполяция бўйича аниқланади.							

Залнинг ҳажми (W) 60 минг m^3 дан юқори бўлса унинг ичидан зарурий эвакуация вақти куйидаги формула билан аниқланади:

$$t = 0.115 \cdot \sqrt[3]{W}, \text{ аммо 6 дақиқадан кўп бўлмаслиги шарт.}$$

Формула билан ҳисобланган зарурий эвакуация вақтини эвакуация чиқиш жойлари хона баландлигининг ярмида жойлашганида 35 % га ва залнинг баландлигининг 0.8 қисмида жойлашганда 65% га камайтириш керак. Зарурий эвакуация вақти оралиқ ёки кичик миқдорларда бўлганда интерполяция бўйича, а катта миқдорларида экстраполятсия бўйича қабул қилинади.

Ҳажми 60 минг m^3 дан ошиқ залли бинолардан зарурий эвакуация чиқиш вақти 10 дақиқадан ошмаслиги шарт.

Сахнадан (эстрададан) инсонларнинг зарурий эвакуация вақти 1.5 дақиқадан ошмаслиги, эвакуация қилинадиганларнинг сони 2 m^2 сахна планшети майдонидан 1 киши ҳисоби бўйича қабул қилиниши даркор.

Тутун киришига йўл қўйилмайдиган калосникали сахналар зинапоя катакларидан эвакуация вақтини томошабинларнинг бино ичидан эвакуация қилиниши вақтининг ҳисоб-китобига қабул қилиш керак эмас.

2.116. Ёпиқ спорт иншоатларида зал хоналари ҳар бир чиқиш жойидан (люк, эшик) эвакуация қилинувчи томошабинларнинг сони 600 кишидан ошмаслиги керак.

Спорт аренаси партери жойлаштирилаётганда ва фақат иккита чиқиш жойи бор бўлса улар орасидаги масофа зал узунлигининг ярмидан кам бўлмаслиги шарт.

2.117. Эвакуация йўллари кенглиги куйидаги миқдорлардан кам бўлмасин, м:

1,0 – ёпиқ ва очик спорт иншоатларининг трибуналаридаги горизонтал ўтиш йўллари, пандуслари ва зинапоялари;

1,35 – ёпиқ спорт иншоатларининг трибуналаридаги эвакуация қилиш люклари;

1,5 - очик спорт иншоатларининг трибуналаридаги эвакуация қилиш люклари.

2.118. Томошабинлар залларига туташган кулуарларнинг кенглиги (томошабинлар учун йўлак) 2.4 м дан кам қабул қилинмаслиги керак.

Томошабинлар залларида эшик ўрни ўтиш жойлари кенглиги 1.2 м дан кам бўлмаслиги шарт. Ложага чиқадиган эшик ўрни жойлари кенглиги 0.8 м дан кам бўлмаслиги зарур.

Томошабинлар залидан ва спорт иншоатларининг эвакуация йўлларида (жумладан люкларда) чиқиш эшиклари ўзи притвориға зичланиб ёпилиб қоладиган бўлиши даркор.

2.119. Томошабинлар креслолари (ўриндиғи ёки стули) шундай ўрнатилиши керакки, қаторлар оралиғида 0.45 м дан кам бўлмаган йўлакча ҳосил бўлсин. Қаторлар суянчиқлари орасидаги масофа 0.9 м дан кам бўлмаслиги шарт.

Чиқиш бир томонлама бўлган қаторларда ўрнатиладиган ўриндиқлар сони 26 тадан кўп бўлмаслиги, чиқиш икки томонлама бўлмаса 50 тадан ошмаслиги керак.

2.120. Бир вақтнинг ўзида 50 кишидан ортиқ одамларга мўлжалланмаган

хоналарда (томошабинлар залининг амфитеатр ва балконларини ҳисобга олган ҳолда), ўтиш йўллари бўйича энг узоқ ўриндикдан эвакуация чиқиш (эшиги) жойигача масофа 25 м дан ошмаса, иккинчи эвакуация чиқиш (эшигини) жойини кўзда тутиш шарт эмас.

Балкондаги томошабинларни эвакуация қилиш томоша ёки спорт заллари орқали амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

2.121. Ертўла ёки сокол қаватларининг даҳлизидан алоҳида жойлаштирилган кийим-кечак алмаштириш хоналарининг ечиниш хоналаридан эвакуация чиқиш жойларининг кенгликлари йиғиндисини тўсиқ олдида йиғилиб қолувчи кишилар сонидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш керак (улар сони тахминан кийим-кечак алмаштириш хонасининг сигдираолишлик миқдорининг 30% и – илгаклар сони бўйича). Кийим-кечак алмаштириш хонасининг тўсиғи олдидаги хона кенлиги 3 м дан кам бўлмаслиги шарт.

2.122. Саҳнадан (эстрадан), ишчи галерея ва колосника пол тўшагидан, оркестрларнинг чуқурлиги ва йиғиб қўйилан декорацияларнинг сейфидан эвакуация чиқиш жойлари иккитадан кам бўлмаслиги шарт.

2.123. Кинотеатрлар ва клубларнинг томошабинлар залларидан томошабинларни эвакуация қилиш йўллари бир вақтда 50 кишидан ортиқ одамларга мўлжалланган хоналар орқали бўлишига йўл қўйилмайди.

Фойесиз мавсумий кинотеатрлар лойиҳаланишида иккинчи эвакуация чиқиш жойи сифатида томоша залига кириш жойи олиниши мумкин.

2.124. Эстрадали, сигдираолишлик миқдори 500 кишидан ортиқ томоша залларида, сигдираолишлик миқдоридан қатъий назар, кинотеатрларда эстрададан иккинчи эвакуация чиқиш жойи сифатида зал орқали ўтган ўтиш йўлаги олиниши мумкин.

2.125. Аппарат ва ёруғлик проексияси хоналаридан томошалар мажмуаси хоналарига чиқиш оловбардошлик даражаси Е1 30 дан кам бўлмаган ёнмас, эшиги ўзи ёпилиб қоладиган, тамбурлар орқали ёки ички йўлаклар орқали амалга оширилиши шарт.

2.126. Вокзал биноларида жойлаштириладиган меҳмонхоналарнинг мустақил эвакуация йўллари бўлиши керак.

Тўғридан тўғри ташқарига, очик эстакадага ёки платформага чиқиш жойлари бор қўшилган йўловчилар залига чиқувчи вокзал биноларидаги зинапоя катакларининг 50% идан чиқиш, ҳамда ички йўлаклар эвакуация йўлаларига киритилади.

2.127. Ички йўлаклар узунлиги 60 м дан кўп бўлган ҳолларда ўзи ёпилувчан эшикли перегородкалар билан ораси ва йўлак охиридан 60 м дан ошиб кетмаган масофаларда ажратилиши зарур.

Даволаш муассасаларининг палата корпусларида ички йўлакларни оловбардошлик даражаси 2- типли Е1 45 бўлган ёнғинга қарши перегородкалар билан 42 м дан ошиб кетмаган масофаларда ажратиш керак.

2.128. Спорт-томоша ва томоша залларининг балконлари ва тепа қавати сатҳлари олди қатори рўпарасига ўрнатиладиган тўсиқлар баландлиги 0.8 м дан кам бўлмаслиги шарт; тўсиқда пастга предметларни тушиб кетмаслиги учун химоя тадбирлари кўзда тутилиши керак.

2.129. Спорт иншоатларининг трибуналарида ёндош қаторлар пол сатҳлари 0.55 м дан кўпга фарқ қилса, қатор олдидаги ўтиш йўлакчаси бўйлаб кўришга халақит бермайдиган, баландлиги 0.8 м дан кам бўлмаган тўсиқ ўрнатилиши керак.

2.130. Саҳна каробкаси иккита 2-типли П2 бўлган, саҳна том тепасигача ва ишчи галерея ва колосникалар билан боғловчи ёнғин зинапоялари билан таъминланиши

керак. Ишчи галереялардан ва колосника пол усти қопламаларидан, колосника зинапоя катаги бўлмаганда, эвакуация қилиш учун ташқаридаги ёнғин зинапоялари билан таъминланиши мумкин.

2.131. Болалар мактабгача муассасаларининг ҳар бир гуруҳий ячейкасидан иккитадан кам бўлмаган, қарама қарши ораликда жойлаштирилган чиқиш жойлари бўлиши зарур. Болалар учун мўлжалланган хоналар бўйича бошқа йўналишга мўлжалланган хоналардан эвакуация қилишда ўтишга йўл қўйилмайди. Эвакуация йўллари ташкил қилиш 2.109-бандига ва 8-жадвал кўрсаткичларига мос бўлиши керак (эвакуация йўллари бўйича масофа).

Умумий типли муассасаларнинг ясли ва соғломлантириш гуруҳлари, коида бўйича, ҳар бир гуруҳ ячейкасига алоҳида кириш жойи билан биринчи қаватга жойлаштирилиши шарт (катта ясли гуруҳлари учун 2 та гуруҳга кириш жойи рухсат этилади). Мактаб ёши яқинлашиб қолган гуруҳлар учун учта-тўртта гуруҳлар ячейкасига битта умумий кириш жойи назарда тутилишига рухсат этилади; тўртта гуруҳлар ячейкаси учун битта кириш жойи гуруҳлар ячейкасини бири ёки иккитаси биринчи қаватда қолганларини иккинчи қаватга жойлаштирилишига рухсат этилади.

Гуруҳлар ячейкасидан иккинчи эвакуация чиқиш жойлари тўғридан тўғри ташқарига ёки умумий ички йўлак орқали, ҳамда тўғридан тўғри ташқарига ёки зинапоя катагига олиб борувчи ички йўлакка чиқадиган чиқиш жойи бор, қўшни хоналар орқали кўзда тутилиши мумкин. Мактаб ёшига яқинлашиб қолган 5-7 ёшли болалар учун иккинчи қаватдан ташқи зинапоя орқали эвакуация чиқиш жойи кўзда тутилишига йўл қўйилади (жисмоний тарбия ва мусиқа билан шуғилланувчи гуруҳлар ёки универсал заллардан).

Махсуслаштирилган муассасаларда мактаб ёшигача болалар учун гуруҳлар ячейкалари – кўриш ҳасталиги, нафас олиш аъзолари ҳаста, аклий ривожланиши нуҳсонли болалар учун биринчи қаватда кўпи билан икки гуруҳга битта кириш жойи ва қўшимча эвакуация чиқиш жойлари назарда тутилиши керак.

Эшитиш ва сўзлаш аъзоларида нуҳсони бор болалар учун мактабгача гуруҳларни иккинчи қаватга жойлаштириш мумкин; бунда эвакуация чиқиш жойларини умумий типли муассасалардаги каби жойлаштирилади.

Гуруҳлар ячейкаларига кириш эшиклари притвори зичланиб ёпилувчан бўлиши керак. Ташқаридан кириш тамбурлари кенглиги ва бўйлама чуқурлиги 1.6 м дан кам бўлмаслиги шарт.

2.132. Битта қўшилган бинода мактабгача муассаса, бошланғич (ёки кам комплектлашган) мактаб, ҳамда ходимлар учун турар-жой хоналари блоки бўлса ҳар бирдан, мактабгача муассасадан, мактабдан ва турар-жой блокларидан алоҳида ташқарига чиқиш жойи кўзда тутилиши шарт. Мактабгача бўлим гуруҳлари хоналари орқали бошқа хоналардан эвакуация чиқиш йўллари назарда тутилишига йўл қўйилмайди.

2.133. Ёғочга ишлов берадиган мактаб устахоналари ва металл ҳамда ёғочга ишлов берадиган қўшма устахоналардан қўшимча тамбур орқали ёки синф, ўқув кабинети ва тажрибахоналардан чиқиши бўлмаган устахоналарга ёндош ички йўлаклардан чиқиш жойлари кўзда тутилиши зарур.

2.134. Вақтинчалик яшовчилар сони нормаланган (жумладан болаларнинг, ота-оналар болалари билан) жамоат биноларини лойиҳалашда турар-жой (ётоқ) гуруҳлари ёки блоклари мустақил эвакуация йўллари – алоҳида зинапоялар ва ташқарига чиқиш жойлари билан таъминланиши зарур.

2.135. Болалар мактабгача муассасалари, мактаблар ва болалар дам олиш

муассасаларида ойнали эшиклар қўллашга йўл қўйилмайди. Дам олиш муассасалари ва санаторияларда ота-оналарнинг болалари билан яшайдиган блокларида ойнали эшиклар арматураланган ва уларга баландлиги 1.2 м ли ҳимоя панжараси ўрнатилган бўлиши керак.

2.136. Болалар мактабгача муассасалари биноларида қиялиги 45° дан ошиқ ва бошқа жамоат биноларида қиялиги 60° дан ошиқ очик зинаполярдан бинонинг иккинчи қаватидан иккинчи эвакуация чиқиш жойи сифатида фойдаланиш мумкин (жисмоний ва ақлий нуҳсонлари бор болаларнинг мактабгача муассасалари, даволов муассасаларининг стационарлари бундан мустасно). Кўрсатилган ташқи зинаполяр эвакуация қилинувчилар сонига ҳисоб-китоб қилинади, кишига (дан кўпмас):

70 -	оловбардошлик даражаси I ва II бўлган бинолар,		
50 -	"-	III	"-
30 -	"-	IV	"-

Эвакуация зинаполяри кенглиги 0.8 м дан кам, уларнинг поғоналари яхлит сирти кенглиги – 0.2 м дан кам бўлмасликлари шарт.

Ташқи очик зинаполярга ясси том устидан (жумладан фойдаланилмайдиган) ёки ташқи очик галереялардан ўтиш йўлакларининг юк кўтарувчи конструкциялари оловбардошлик чегараси REI 30 дан кам бўлмаган классификацияси РП 1 бўлган ашъёлардан лойиҳаланиши зарур.

2.137. Эвакуация йўлларини ажратувчи ички девор ва перегородкалар (жумладан ёруғлик ўтказувчан ашъёлардан қурилганлари) ёнғинга қарши EI 45 типли ва НГ гуруҳидаги ёнмас ашъёлардан бажарилиши шарт.

2.138. Даволаш-профилактика ва ижтимоий муассасаларнинг стационарлари биноларида, ҳамда зиналардан мустақил ҳаракатлана олмайдиган ётиш ҳолатида бўлган касаллари ва кресло-аравачали ногиронлари бор санаторияларда ва одамларни эвакуация қилиш норматив вақтини таъминлаш мумкин бўлмаган жойларда кутқарувчилар ёрдамида юқоридаги мустақил ҳаракат қилолмайдиган одамларни эвакуация қилиниши учун ёнғиндан хавфсиз зоналар кўзда тутилиши шарт. Ёнғиндан хавфсиз зоналарнинг ўлчамлари лойиҳа бўйича касал одамларнинг транспорт воситалари билан (ғилдракли крават, кресло-аравача) ва ёрдам берувчи кишиларнинг биргаликда жойлашувларида хавфсизлик таъминлана олинмайдиган ҳисобий сонларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (ҳисоб-китоб бирлигига зарурий майдонни ҳисобга олиб, м²).

Ёнғиндан хавфсиз зоналар бошқа хоналардан ва ёндош ички йўлаклардан, конструкция ва ашъёлари ШНК 2.01.02 талабларига жавоб берадиган, ёнғинга қарши тўсиқлар билан ажратилиши шарт. Ёнғиндан хавфсиз зоналарга кириш, ўзи притворларига зич ёпилиб қолувчан ёнғинга қарши эшиклар орқали бўлиши керак.

Ёнғиндан хавфсиз зоналарга ёнғин тутуни кирмайдиган бўлиши керак. Ёнғин пайтида унинг ичида керагидан ортиқ босим юзага келтирилиши шарт (20 дан 40 Па гача). Ёнғиндан хавфсиз зоналар тик коммуникациялар яқинида кўзда тутилиши зарур. Ёнғиндан хавфсиз зоналар таркибига ёндош лоджия ёки балкон майдончалари қўшилиши мумкин (кенглиги 1.5 м дан кам бўлмаган).

Ёнғиндан хавфсиз зоналарга чиқиши бор лифт шахталарига, ҚМК 2.04.05 талабларини ҳисобга олган ҳолда, ҳаво бериш (подпор) ташкил қилиниши керак.

Эслатма: Ёнғиндан хавфсиз зоналар қурилмаси бўйича тадбирлар ёнғин хавфсизлиги органларининг талаблари бўйича кўрсатилади.

2.139. Баландлиги 28 м дан юқори бўлган биноларда зинаполя катаклари ёнғин тутуни кирмайдиган қилиб лойиҳаланиши шарт. Иккита зинаполя катагидан бири ёки

зинапоя катаклар кўп бўлган ҳолда уларнинг 50% и Н1 типли қилиниб, уларга кириш ташқи очиқ ёнғин тутини киритилмайдиган ўтиш – очиқ балкон ёки ойналанмаган очиқ лоджия типли йўлаги орқали бўлиши керак. Қолган зинапоялар катаги ёнғин тутини киритилмайдиган Н2 ва Н3 типли бўлиши мумкин. Тутин киритилмайдиган Н1, Н2 ва Н3 зинапоя катаклари, қоида бўйича, табиий ёруғлик тушиб турадиган бўлиши шарт (очилмайдиган дераза ёки фрамуга ўринли).

Н2 ва Н3 зинапоя катакларининг ёнғин тутинига қарши ҳимояси ҚМҚ 2.04.05 га асосан таъминланади.

Ёнғин тутини киритилмайдиган зинапоя катакларига кириш тўғридан тўғри қаватлараро лифт холлидан лойиҳаланишига йўл қўйилмайди.

Қаватлараро чиқиш эшикларидан ёнғин тутини киритилмайдиган зинапоя катакларига кириш жойигача ўқлар оралиқ масофаси 2.5 м дан кам бўлмаслиги шарт.

Очиқ ҳаво зоналари орқали Н1 типли зинапоя катагига ўтиш йўлагини ёнғин тутини киритилмайдиган қилиб таъминлаш ҳажмий-режа ва конструктив ечимлар орқали амалга оширилади. Очиқ ҳаво зонасига чиқиш ва 1-типли ёнғин тутини киритилмайдиган зинапоя катагига кириш жойларидаги иккита бурилиш бурчаклари йиғиндиси 180 градусдан кам бўлмаслиги керак.

Н1 типли ёнғин тутини киритилмайдиган зинапоя катакларидан 1-қават хоналарига алоқасиз, ёки у хоналарга алоқаси ташқи очиқ ҳаво зоналари орқали, тўғридан тўғри ташқарига чиқиш жойи бўлиши шарт. Ёнғин тутини киритилмайдиган зинапоя катакларини бинонинг ташқи деворлари ички бурчагида жойлаштирилиши мумкин эмас.

Н1, Н2 ва Н3 типли ёнғин тутини киритилмайдиган зинапоя катакларининг эшиклари ўзи притворларига зич ёпилиб қолувчан, оловбардошлик чегараси ЕІ 30 дан кам бўлмаслиги керак. Ташқи ҳаво зонасидан ёнғин тутини киритилмайдиган зинапоя катагига кириш эшиги арматураланган ойнали бўлиши мумкин.

2.140. Н2 типли зинапоя катакларини (ёнғин пайтида ҳаво бериладиган), НГ гуруҳидаги ёнмас ашёлардан, REI 60 бўлган қават баландлигида яхлит қурилмалар билан қисмларга ажратиш, тепа қисмдан паст қисмга ўтиш, зинапоя катаги ҳажмида жойлашмаган, ёнғин тутини киритилмайдиган ҳаво зоналари орқали амалга оширилиши керак. Бундай зинапоя катакларининг ёнғин тутунига қарши ҳимояси ташқаридан ҳавони тепа ажратилган қисмга бериш орқали таъминланади. Битта очиб қўйилган эшик ҳолатида зинапоя катагининг пастки ажратилган қисмида қўшимча босим 20 Па дан кам бўлмаслиги, тепа ажратилган қисмида 150 Па дан кўп бўлмаслиги керак.

Вентиляторлар, шахта кесими ва клапанларнинг иш унумдорликлари ҳисоб-китоб билан аниқланади.

Ташқаридан ҳаво бериладиган зинапоя катаклари деворларининг ташқи деворда дераза ва эшик қўйилиш жойлари, ҳамда ҳаво беришни таъминлайдиган технологик тешиклардан бошқа тешиклари бўлмаслиги шарт.

Н2 ва Н3 ёнғин тутини киритилмайдиган зинапоя катаклари тўғридан тўғри ташқарига чиқиш жойлари билан ва биринчи қават билан алоқаси ёнғин пайтида ишлатиладиган ҳаво бериш қурилмаси бор тамбур-шлюз орқали назарда тутилиши керак. Тамбур-шлюз эшиклари ўзи притворларига зич ёпилиб қолувчан ва оловбардошлик чегараси ЕІ 30 дан кам эмас бўлиши керак.

2.141. Ёнғин тутини киритилмайдиган зинапоя катакли баландлиги 28 м дан юқори биноларда ҳар бир қаватдаги ички йўлак ва қаватлараро холлардан, жумладан табиий ёруғлик тушадиганларидан ҳам, ёнғин тутунини чиқариб ташлаш қурилмаси

кўзда тутилиши керак. Ушбу ички йўлакларни 60 м дан кўп бўлмаган масофаларда 2-типли ЕІ 45 бўлган ёнғинга қарши перегородкалар билан ажратиш зарур. Бу перегородкалардаги эшиклар притворларига зич ўзи ёпилиб қолувчан бўлиши керак. Оловбардошлик чегараси ЕІ 30 бўлган ойнали эшиклар ўрнатилиши мумкин. Фойдаланишда ушбу эшиклар очик ҳолда бўлиши зарур бўлса ёнғин пайтида улар ёпилиш ва эвакуация қилинаётгларнинг қўли билан очилиш имкониятлари яратадиган автомат қурулмалар билан таъминланиши шарт.

Хоналарни ёритиш, қуёш нурларидан ҳимоялаш, шамоллатиш, уларга қуёш нурлари тушуриш

2.142*. Табиий ва сунъий ёритиш ҚМҚ 2.01.05 га асосан лойиҳаланиши керак. Одамлар доимо бўладиган хоналарни табиий ёритиш ва шамоллатиш очиладиган тавақаси ва фрамугаси бор деразалар орқали амалга оширилади. Ички рекреация йўлакларини ва 50 киши ва ундан ортиқ эвакуация қилинувчиларга мўлжалланган ички йўлакларни тавақаси очиладиган деразалардан табиий ёритиш шарт.

Энергия тежамкорлиги мақсадида ички йўлаклар, холларни ёритиш “иккинчи ёруғлик” - ойналанган перегородкалар орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ; бу ҳолда ишчи кабинетлар, хоналарнинг кўриниб туришлигини олдини олиш бўялган ойна ёки тарам - тарам юзали ойна қопламалар орқали таъминланиши шарт.

Табиий ёритишсиз ертўла қаватларида жойлаштирилган хоналарга ва куйидагиларга рухсат этилади:

- мактабгача муассасаларнинг буфетлари, ходимлар хоналари, овқатланиш блокларнинг ошхона идиш-товоғини ювиш хоналарига;

- спорт иншоатларининг томоша, спорт-томошагоҳ, спорт-кўрғазма заллари, сирпаниб учуш заллари, тренер-тарбиячи хоналарига;

- санитар кўриги ўтказиш хонаси, хожатхоналар (мактаблар, интернат-мактаблар ўрта махсус ва олий ўқув юртлари қаватлараро хожатхоналари бундан мустасно), кийим-кечак алмаштириш хоналари ва душлар, буғхоналар, жумладан хоммом қуруқ иссиқхоналари, массаж хоналари, қуёш ваннаси процедура хоналарига;

- даволаш муассасаларининг ходимлари комнаталари, буфет ва идиш-тавоқ ювиш, наркоз, операция қилиш олди, секцион ва секцион олди, аппарат, торозу, термостат хоналари, микробиологик бокслар, функционал ва рентгенодиагностика, терапия ва шунга ўхшаш бошқа хона ва кабинетларга (0231 сонли СанПиН ва лойиҳа топшириқларини ҳисобга олган ҳолда).

Табиий ёритиши бўлмаган хоналарни, асосийларига боғлиқ бўлмаган манбалардан, авария ҳолати учун сунъий ёритиш ва зарурий шамоллатишни таъминлаш зарур (амалдаги нормалар бўйича).

Хоналарнинг тепа сатҳларидан, юқорида санаб ўтилган хоналарда (табиий ёритиш бўлмаслиги мумкин хоналар), ҳамда кийим-кечак алмаштириш хоналарида, кутиш хоналарида, бокс ва изолятор қабулхоналарида, кўрикдан кейин пациентларнинг вақтинчалик дам олиш хоналарида табиий ёритишни ташкил этишга рухсат этилади.

2.143. Зинапоя катаклари 2.100 бандини ҳисобга олган ҳолда ёритилишга эга бўлиши керак. Ҳар бир қаватнинг ташқи деворларида Л1 типли зинапоя катаклари нур тушувчи тирқишларининг (дераза) майдони 1.2 м² кам бўлмаслиги шарт (тирқиш баландлиги 1.5 м дан кам бўлмаслиги керак.) Л2 типли зинапоя катаклари тепа қават қопламасидан ойналанган ёки очик тирқишли жойлар орқали табиий ёруғлик олиши керак (тирқиш майдони 4 м² дан кам бўлмасин); маршлар оралиқ тирқиши баландлиги

0.7 м дан кам бўлмаслиги даркор.

Ёнгин тутуни киритилмайдиган зинапоя катакларининг деразалари очилмайдиган бўлиши керак.

Эслатма: Ф2, Ф3 ва Ф4 классдаги бинолар учун ёнгин тутуни киритилмайдиган, нур тушувчи тирқишлари йўқ, зинапоя катакларини қўллаш ШНК 2.01.02 га асосланган ҳолда йўл қўйилади.

2.144. Болалар мактабгача муассасаларининг гуруҳлари хоналарида, ўқув билим юр்தларининг ўқув кабинетлари ва тажрибахоналарида, маъмурий йўналишдаги ишчи хоналарда, кутубхона ва архивлар ўқув залларида, маиший хизмат корхоналарининг ўқув устахоналарида чап томондан тушиб турувчи табиий ёруғлик тарқалишини кўзда тутиш лозим; буни иложи бўлмаган ҳолларда қўшимча табиий ва сунъий ёритиш назарда тутилиши лозим.

2.145. Болалар мактабгача муассасалари, мактаблар бошланғич синфлари гуруҳ ва ўқув хоналарининг деразалари, қоида бўйича, Ж, ЖШқ, Шқ ларга қаратилган бўлиши шарт.

Ўқув юр்தлари биноларида деразалар қаратилиши тавсия этилган йўналишлар: умумтаълим кабинетлари - Ж, ЖШқ, Шқ; Чизмачилик, расм, информатика кабинетлари – шимолий йўналишларга, кутубхоналарнинг ўқув заллари Ш, ШШқ, Шқ, ЖШқ ларга.

Даволов муассасаларининг хоналари деразаларининг нур тушиш томонларига қаратилиши 12-жадвал бўйича қабул қилинади.

12-жадвал

Хоналари	Йўналиши
Операция, реанимация заллари, секцион, туғдириш	Ш, ШШқ, ШФ
Юқумли ашъени қабул қилиш ва уни таҳлил қилиш бактериологик текширув тажрибаси, ёриш	Ш, ШШқ, ШФ, ЖШқ, Шқ
Сил ва юқумли касалликлар платаси	Ж, ЖШқ, Шқ, ШШқ*, ШФ*
Тезкор терапия палатаси	Ғарбга ва жанубий ғарбга қарашига йўл қўйилмайди
Ясли ва мактабгача ёшдаги болалар бўлими палатаси, болалар бўлимидаги ўйинлар хонаси	Ж, ЖШқ, Шқ
* Бўлимдаги қўйкалар умумий сонининг 10% дан ошмаганда йўл қўйилади. Эслатма: Ҳаддан зиёд куёш нури тушишидан ҳимоя маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда, 2.147 бандни ҳисобга олиб, назарда тутилиши керак.	

2.146*. Болалар мактабгача муассасаларининг гуруҳлари хоналарида, интернат-мактаблар ётоқларида, умумтаълим мактабларининг 50% ўқув хоналарида (аввалом бор, бошланғич синфлар) 22 март (22 сентябр), санитар-гигиеник нормаларларда кўрсатилган кунига 3 соат узлуксиз куёш нури тушиши таъминланиши шарт. Кўрсатилган хоналарга узлуксиз бўлмаган ҳолда куёш тушишига йўл қўйилади, қачонки кун бўйи тушадиган нур вақти йиғиндиси нормадан 0.5 соатга кўп бўлса.

Юқорида кўрсатилмаган хоналарга куёш нури тушиши давомийлиги лойиҳа топшириғига асосан белгиланади.

2.147*. Куёш радиатсиясидан, ортиқча куёш нури тушишидан ва қўшни бинолар юзасидан акс этадиган ёруғлик шуласидан ҳимоя хоналарни оптимал жойлаштириш ва йўналтириш, олд сахнларни кўкаламзорлаштириш, куёш нуридан ҳимоя воситаларини қўллаш (СЗУ), жумладан ҳимоя қатламли дераза ойналарини қўллаш орқали амалга оширилади; куёш нуридан ҳимоя тадбирлари маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Куёш нуридан химоя қурилмалари ҚМҚ 2.01.04-97* га мос лойиҳаланиши шарт. Куёш нуридан химоя қурилмалари йилнинг иссиқ даврида куёш радиациясидан иссиқлик тушишини камайтиришни таъминлаши ва йилнинг совуқ даврида хона томонидан куёш энергиясини тутиб қолишга қаршилик кўрсатмаслиги зарур. Бир ва икки қаватли биноларнинг куёш нуридан химоясини кўкаламзоллаштириш воситалари орқали таъминлашга йўл қўйилади.

Баландлиги 5 ва ундан кўп қаватли биноларнинг куёш нуридан химояси қурилмалари ёнмас ашёлардан бажарилиши керак, бунда куёш нуридан кўчмас химоя конструкциялари ёнғин ўчирувчиларни (асбоб-ускуналари билан) ҳар қайси қаватга киришларига ва у ердан инсонларни эвакуация қилишларига тўсиқ бўлиб қолиши мумкин эмас.

2.148*. Одамлар доимо бўладиган хоналарнинг ҳар бир деразаси тепа қисмида, яхлит ойналанган томонларида – переплет тепа қаторининг ҳар бир 3-4 м ида очилувчан тавақачаси ёки пастга осилиб очиладиган фрамугаси бўлиши зарурлиги хоналарга йилнинг совуқ ва унга ўтиш даврларида тоза ҳаво киришига асосдир. Бутунлай очилган тавақача ёки фрамуганинг кесими ички майдони 0.15-0.2 м² ни ташкил этиши керак. Тавақача ва фрамугалардан фойдаланишда қулайлик таъминланиши ва фрамугаларнинг оралик ҳолатлари учун фиксаторлар ўрнатилиши шарт.

Одамлар доимо бўладиган хоналарга дераза очик тавақаларидан елвизак, бурчак бўйича ва бир томонлама шамоллатиш назарда тутилиши керак, технологик талабларга асосан ташқаридан ёки қўшни хоналардан ҳаво киришига йўл қўйилмайди..

2.149. Ҳавоси чанг-тўзонли ва ҳавода юқори чанг миқдори бўлган туманларда хоналарни чангдан химоя тадбирлари ёруғлик нури тушувчи тирқишларни оптимал томонга йўналтирилган ҳолда ва махсус ҳажмий-режа ечимлари, химоя экранлари, жалюзлар, бошқа қурилмалар, техник воситаларни қўллаш, жумладан ҳавони кондитсиялаштириш орқали амалга оширилиши шарт.

2.150*. Жамоат бинолари хоналарида ва улар олди очик майдонларида ҳар хил кўринишдаги сунъий ёритиш турларини қўллаш 20-иловага мос кўзда тутилиши шарт. Сунъий ёритиш амалдаги нормаларга мос, лойиҳаланиши зарур. Ёритиш даражасини кўрсатувчи датчиклар назарда тутилиши тавсияланади, уларнинг кўрсаткичлари бўйича сунъий ёритиш ёқилади ва ўчирилади

Энергия сарфини камайтириш мақсадида, қоида бўйича, бир неча даражадаги сунъий ёритиш қўлланилиши зарур, жумладан “навбатчи режим” даражаси. Ёритишнинг тўлиқ куввати зарурият бўйича иш жойларида қўлланилиши шарт. Қоида бўйича, электр энергияни чўғланма лампалардан кам ютадиган светодиод ёки люминесцент ёритгичлар назарда тутилиши зарур.

Лифтлар

2.151. Йўловчи лифтларининг пастки даҳлиз сатҳидан энг тепа қават пол сатҳи орасидаги масофа (техник қават мустасно) 13.2 м ва ундан кўп бўлса, яъни 4 қаватдан баланд биноларда кўзда тутилади. Зарурият бўйича ногиронлар коляска-аравачаларида 2 - ва юқори қаватларга чиқишлари учун, ҳамда оширилган ва юқори камфортли талабларни таъминлаш учун 2 қаватли ва ундан юқори биноларда лифтлар қўлланилиши мумкин.

Касалхона лифтлари 2 қават ва ундан юқори даволаш-профилактика йўналишидаги биноларда, стационарларда, санатория корпусларида, ижтимоий ва

реабилитация биноларида кўзда тутилиши шарт.

Бино ва иншоотларда йўловчи ва касаллар учун лифтлар бўлмаса коляска-аравачадаги ногиронлар қаватлардаги зарурий хоналарга чиқишлари учун махсус кўтариб-туширувчи қурилмалар назарда тутилиши даркор (ЎЗР ногиронлар жамияти билан келишилган ҳолда).

Эслатма: Лифт кабинаси ўлчамлари ШНК 2.07.02 талабларига мос бўлиши керак (ногиронларнинг коляска-аравачаси сиғиши ҳисобга олинган ҳолда).

2.152. Йўловчи лифтларининг сони ҳисоблаб аниқланади, аммо, қоида бўйича, иккитадан кам бўлмаслиги керак. Бинодаги битта йўловчи лифти (йўловчи ёки юк ташувчи) кабинаси бўйлама чуқурлиги 2100 мм дан кам бўлмаслиги керак, чунки одамни замбилда транспортировка қилиш заруратида имконият бўлиши учун.

Агар ҳисоб бўйича бинода йўловчилар учун битта лифт етарли бўлса, иккинчи лифт юк ташишга мўлжалланиши керак. Юк ташувчи лифтлар технологик талаблардан келиб чиққан ҳолда кўзда тутилади.

Баландлиги 28 м дан юқори бўлган биноларда лифтлардан бири ёнғин ўчирувчи бўлинмани ташиш учун мўлжалланган бўлиши керак.

2.153. Энг узоқ жойлашган хона эшиги олдидан йўловчи лифти эшигигача оралик масофа 60 м дан ошиб кетмаслиги зарур.

2.154. Йўловчи лифтларидан чиқиш лифт холлари орқали лойиҳаланиши керак. Хона эшиклари, қоида бўйича, тўғридан тўғри лифт холларига қараб очилмаслиги зарур.

Лифт холлари кенглиги қуйидаги миқдорлардан кам бўлмаслиги шарт:

- лифтларни бир томонлама жойлашувида – лифт кабинасининг бўйлама чуқурлигининг 1.3 баравари (яъни 1.82 м ва ортик);

- икки томонлама жойлашувида – кабинанинг энг кичик бўлган бўйлама чуқурлигининг икки баравари (яъни 2.8 м дан кам эмас ва қоида бўйича, 5 м дан кўп эмас.

Бўйлама чуқурлиги 2100 мм бўлган лифтлар олд қисми лифт холлининг кенглиги 2.5 м дан кам бўлмаслиги керак.

Баландлиги 28 м гача бўлган маъмурий-бошқарув йўналишидаги биноларда, агарда уларда келувчилар қабули назарда тутилмаган бўлса, лифтлардан чиқиш (иккитадан ошмаган) тўғридан тўғри зинапоя майдончасига бўлиши мумкин (майдонча кенглиги 1.6 м дан кам бўлмаслиги керак).

Сақлашга ва қайта ишлашга мўлжалланган ёнувчан ашъёлар омборча хоналаридан тўғридан тўғри лифт холларига чиқиш кўзда тутилиши мумкин эмас.

Ёнғин тутуни киритилмайдиган зинапоя катакли биноларда лифт шахталарига ёнғин пайтида ҳаво бериш қурилмаси бўлиши шарт. Ушбу шахталардан чиқиш лифт холлари орқали бўлиб, бошқа хоналар ва ички йўлаклардан ёнғинга қарши 1- типли ЕІ 45 бўлган перегородкалар, притворларига ўзи зич ёпилиб қолувчан 2-типли ЕІ 30 бўлган эшиклар билан ажратилиши шарт. Бу ҳолда лифт шахтасида ёнғинга қарши эшик қўйилиши шарт эмас.

2.155. Цокол ва ертўла қаватларида лифт шахталаридан чиқиш ёнғинга қарши 1- типли ЕІ 45 бўлган перегородкалар билан ажратилган холл ёки тамбур-шлюзларга бўлиши керак.

Холл ва тамбур-шлюзларнинг эшиклари ёнғинга қарши, притворларига зич ёпилиб қолувчан бўлиши шарт, лифт шахтаси томонидаги эшик ёнувчан ашъёдан бўлиши мумкин (ойналанмаган).

2.156. Лифтларнинг машина ва шахталари одамлар доимо бўладиган хоналарга

ёндош бўлмаслиги керак.

Ўқув, илмий-текшириш йўналишидаги биноларда, даволаш ва амбулатория-поликлиника муассасаларида, қаердаки инсонлар учун комфорт шароит яратилиши керак бўлса, лифтнинг шахта ва машина бўлимларининг хоналари ва кўтариб-тушурувчи қурилмалари асосий хоналардан 6 м дан кам бўлмаган узокликда жойлашган бўлиши керак.

Чиқинди чиқаргич ва чанг тозалагич

2.157. Чиқиндилардан тозалаш тизими, чиқиндини чиқариб ташлаш йўллари, маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, лойиҳа топшириғига асосан назарда тутилади (суткада йиғилиб қоладиган ҳажмни ҳисобга олган ҳолда).

Бинода чиқинди чиқаргич бўлмаса биринчи қаватда чиқинди йиғувчи камера, майдонда махсус чиқиндиларни йиғувчи контейнер учун қаттиқ қопламали майдонча кўзда тутилиши зарур.

Озиқ-овқат чиқиндилари учун уларни вақтинчалик сақлаб туришга совутгич камераси назарда тутилиши керак.

2.158. Чиқинди чиқаргичлар, қоида бўйича, 5 қаватдан юқори биноларда, даволашга мўлжалланган 200 ва ундан ортиқ кўйқаси бор стационар биноларида ва 200 ва ундан ортиқ ўринли меҳмонхоналарда эса кам қаватлиларда ҳам назарда тутилиши керак.

2.159. Чиқинди чиқаргич қурилмаси кувири қурилиш конструкцияларидан ҳаво ва шовқин ўтказмайдиган бўлиши керак; у одамлар доимо бўладиган хоналарга ёндош бириктирилган бўлмаслиги шарт.

Чиқинди йиғиш камераси (ички сатҳлари баландлиги 1.9 м дан кам бўлмаслиги керак) тўғридан тўғри чиқинди чиқаргич кувири остида жойлашган ва бинога кириш жойидан яхлит девор билан ажратилган, ташқарига очиладиган кириш эшиги, ҳамда перегородка деворлари ёнғинбардошлиги EI 45 ва тепа қопламаси REI 45 бўлиши керак.

Чиқинди йиғувчи камеранинг пол устки сатҳи тротуар ёки келиб туташган транспорт йўлагидан, қоида бўйича, 0.1 м баланда бўлиши шарт; камерани бошқа сатҳларда жойлаштириш учун чиқинди чиқаргични механизатсия қурилмаси билан таъминлаш зарур.

2.160. Марказлашган ёки бирга қўшилган вакуумли чанг тозалагич тизими лойиҳа топшириғига асосан санитария-гигиения талаблари кучайтирилган биноларда кўзда тутилади (томоша заллари, музейлар, кутубхоналар, савдо марказлари, универмаглар, статсионар касалхоналар, санаториялар, меҳмонхоналар ва 200 ва ундан ортиқ ўринли пансионатлар ва бошқаларда).

Қолган ҳолларда хоналардан чанг чиқаргич сифатида маиший ҳаво сўргичлардан фойдаланилади.

Эслатма: 1. Чанг чиқаргич тизимлари йўқ бўлганда ҳаво сўргич филтрларини тозаловчи камералар лойиҳа топшириғига асосан кўзда тутилади.

2. Бирга қўшилган вакуумли чанг тозалагич тизимини лойиҳалашда битта қабул қилувчи клапан билан хизмат кўрсатиш доираси 50 м дан ошмаслиги даркор.

Энергия тежами*

2.161*. Жамоат биноси, ҚМҚ 1.03.09-97* га асосан лойиҳалашга интеграл ёндошув қўлланилиб, энергиятежамкор қилиб лойиҳаланиши шарт. Иситишга,

вентиляцияга ва кондициялаштиришга энергиянинг ҳисобий солиштирма сарфи ҚМҚ 2.01.18-2000* талабларига мос келиши зарур.

2.162*. Энергия тежами, энергия самарадорликларини лойиҳалашнинг барча босқичларида кўзда тутиш зарур: қурилиш майдонлари ва участкаларда бинони(иншоатларни) жойлаштиришда, оптимал ҳажмий-режавий ечимлар қабул қилишда ва лойиҳани тўлиқ ишлаб чиқишда конкрет лойиҳа қарорларини аниқлашларда.

2.163*. Бинони қурилиш майдонига жойлаштиришда имконият қадар бинонинг бўйлама тарзини жанубий ёки унга яқин томонларга қаратиш зарур.

Бинонинг қурилиш ҳажми бирлигига тўғри келадиган ташқи тўсиқ конструкциялари юза майдони мумкин қадар кам бўлишига эришган ҳолда бинони кўпинча компакт қилиб лойиҳалаш зарур. Бинонинг компактлигига йўл қўйиладиган чегараларда корпус энини ва қаватлар сонини ошириш, табиий ёруғлик ва табиий шамоллатиш талаблари ҳисобга олинган ҳолда бино хоналарининг рационал блокировкалаш ҳисобларига эришилади.

2.164*. Одамлар кўпроқ бўладиган ва оргтехникалардан кўпроқ иссиқлик ажраладиган асосий хоналар бино тарзининг шимолий йўналишига қараган тарафига жойлаштирилиши зарур. Эксплуатация режими бўйича кўпроқ “илиқ ва нам” бўлиб турадиган хоналар бинонинг ички деворларига шундай туташган қилиб жойланиши керакки, мумкин қадар у хоналарнинг деворлари ичида ташқи тўсиқ девори бўлмасин.

Ҳажмий – режавий ечимлар ишлашда бино бурчакларидаги майдонлари 40 м² гача бўлган хоналардаги икки ташқи томонларга бирваракайига дераза қўйишдан воз кечиш керак.

2.165*. Тагидан автоулов йўлакчалари бор ҳажмлар (блоклар), бино асосий ҳажмидан “туртиб чиққан” ҳажмлар ва блоклар, бино бурчакларида жойлаштирилган икки томонлама ташқи деворлари бор хоналар, мансард қават хоналарининг иссиқлиги эффектив ҳимояланишини таъминлаш зарур.

Иситилмайдиган айвонлар, ёзги ётоқлар, олд қурилмалар иситиладиган хоналардан ташқи эшикли ташқи девор билан ажратилиши шарт, иситилмайдиган хоналарни иситиладиган хоналар таги ёки устки қисмида жойлаштирилганда горизонтал оралиқ қопламаларининг иситгич ашёлари ҚМҚ 2.01.04-97* га мос назарда тутилиши зарур.

Ташқи ҳаво худудига туртиб чиқиб турувчи бино конструктив элементларини (карниз, парапет ва бошқалар), “совуқлик кўприкчаси” вазифасини бажариши олдини олиш мақсадида, иситиш изоляциялари билан таъминланиши тавсияланади.

2.166*. Жамоат биносининг иссиқлик ҳимоя даражаси лойиҳанинг таълуқли бўлими ишланишида қабул қилиниши керак, аммо объектларнинг энергия эффективлигини ошириш мақсадида ўзгартиришлар киритилган лойиҳалаш нормалари ҚМҚ2.01.04-97* ва лойиҳа топшириғи талабларидан кам бўлмаган ҳолда.

Қурилиш конструкцияларининг иссиқлик ҳимояси ва теплофизик параметрлари ҚМҚ 2.01.04-97* талабларига мос бўлиши шарт.

2.167*. Ижтимоий йўналишдаги объектларга энергия тежами ва энергия эффективлиги бўйича оширилган талаблар қўйилиши шарт: даволаш-профилактика муассасаларининг бинолари, даволаш муассасаларига мослаштириладиган бино ва иншоатлар, болалар боғча-ясли бинолари, мактаблар, лицейлар, коллежлар, интернатлар (интернат уйлар, интернат мактаблар) шулар жумласидандир. Кўрсатиб ўтилган объектларни лойиҳалаш иккинчи даражадаги иссиқлик ҳимоясидан кам бўлмаган ҳолда ҚМҚ 2.01.04-97* га мос бўлиши шарт.

2.168*. Иссиқлик химояси, иситиш тизими, вентиляция ва кондициялаштиришларнинг ҳисобий ички параметрлари 4 бўлимнинг жадваллари бўйича нормаланган даражада қабул қилиниб лойиҳаланиши шарт. Ички параметрларнинг чегаравий ёки оптимал миқдорларини иккинчи ёки учинчи даражадаги иссиқлик химоясидаги бинолар учун лойиҳа топшириғига асосан қабул қилишга йўл қўйилади.

2.169*. Табiiй ёруғлик тушиши норматив кўрсаткичларини таъминлаган ҳолда йўналишидан ва ойналаниш конструкцияларидан йўл қўйиладиган иссиқлик йўқотилишларини ҳисобга олган ҳолда биноларнинг оптимал ойналаниши назарда тутилиши зарур.

Шимолга қараган бино тарзи ойналаниш майдони минимал етарли қилиб таъминланиши шарт. Бино бўйича барча ёруғлик тушиши дарчалари майдони йиғиндиси ташқи деворлар майдони йиғиндисининг 25% идан ошиб кетмаслиги шарт.

Шаффоф ёруғлик берувчи тўсиқлар майдонини оширишга бинонинг “жануб” тарзига қуёш нуридан химоя қурилмалари қўлланилганда ва ушбу лойиҳалаш нормаларининг 2.147 ва 2.148 бандлар талабларига риоя қилинганда йўл қўйилади.. Ғарбий тарзлар ойналаниши 40% дан ошиб кетмаслиги зарур.

2.170*. Бинолар юқори шовқин фонли ҳудудларда жойлаштирилганда эффектив шовқин ва иссиқлик химояси хусусиятлари бўйича дераза конструкцияларини – иккитали ва учтали ойнапакетли, иссиқлик ўтказишга нормадан юқорироқ қаршилиги бўлган эффектив шаффоф ойна тарз тўсиқли (ораси ғовакли, ёруғлик қайтарувчи қопламали) қилиб қўллаш тавсияланади.

2.171*. Ташқи кириш эшикларидан совуқ ҳаво киришини камайтириш мақсадида уларни пружинали эшикни ёпиб қўйувчи ускуналар билан жиҳозлаш зарур.

Одамлар катта оқими кириб келадиган биноларда кириш эшиклари автомат равишда очиладиган ва ёпиладиган ёки автоматлаштирилмаган тўртта тавақали айланиб очиладиган бўлиши шарт.

Кириш эшикларига олд қурилма шаклида иситилмайдиган даҳлизча енгил конструкциялардан жиҳозланиши тавсияланади, жумладан шаффоф ёруғлик берувчи ашёли элементлари билан.

2.172*. Жамоат биноларининг иситиш тизими, вентиляция ва кондициялаштирилиши объектларнинг энергия эффективлигини ошириш мақсадида ўзгартириш киритилган ҚМҚ 2.04.05-97* лойиҳалаш нормалари талабларига мос бўлиши шарт.

Хоналарда микроклимат параметрлари автоматик ёки қўлда тартибга солиб бошқариладиган бўлиши зарур. Жамоат биноларида иш вақтидан ташқари вақтларда иситиш тизими иссиқлик истеъмолини камайтириб қўйиш қурилмалари билан жиҳозланиши зарур.

2.173*. Биноларда сув сарфи тежамкорлик билан бўлишини таъминлаш мақсадида сув қувурлари жумраги ричагли ёки босиб очиладиган қуриламалар ва икки режимли унитазлар назарда тутилиши тавсияланади.

2.174*. Бинонинг муҳандислик жиҳозларига, арматураларига, муҳандислик тизимларининг анжомларига ва уларнинг уланиш нуқталарига қулай яқинлашиш, кўздан кечириш, техник хизмат кўрсатиш, ўз вақтида таъмирлаш ва алмаштириш имкониятлари бўлиши шарт.

2.175*. Бинода ҳар хил ташкилотларга ёки мулкдорларга таълуқли бир неча хоналар гуруҳи ва марказлашган совуқ ва иссиқ сув, электр энергияси, газ ва иссиқлик таъминотлари бўлганда ҳар бир гуруҳ хоналар энергия, газ ва сувга ўзларининг шахсий

ҳисоб-китоб анжоми билан таъминланишлари шарт.

2.176*. Биноларнинг (иншоотларнинг) максимал энергия сарфи эффективлигига эришиш учун экологик тоза қайта тиклантирилувчи энергиялардан, биринчи навбатда қуёш энергиясидан, пассив ва актив гелиотизимларни қўллаш йўли билан, фойдаланиш тавсияланади.

Пассив гелиотизимларни йилнинг совуқ даврида хоналарда дераза ойнаси ва тепа атриум бўшлиғи ва пассажларнинг ойнаси орқали тушадиган қуёш нурини тутиб қолишга имкон берадиган ҳажмий-режавий ечимларни назарда тутган ҳолда амалга ошириш зарур. Энг яхши эффектга ойналанган тўсикни жануб томонга қаратган ҳолда эришилади. Пассив гелиотизимни қўлаганда ёз даврида хоналарни қизиқ кетишини олдини оладиган лойиҳа ечимлари кўзда тутилиши лозим.

Қуёш энергиясидан фойдаланишни хоналарнинг табиий ёритилиши ва инсоляциясини ошириш, йилнинг илиқ даврида табиий шамоллатишни яхшилаш ишлари билан бирга қўшиш мақсадга мувофиқ.

Пассив гелиотизимни амалга оширишда у ёки бу ҳажмий-режавий ечимларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини бинонинг функционал мўлжалланганлигини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш зарур.

2.177*. Йилнинг илиқ даврида иссиқ сув таъминоти мақсадлари учун иссиқ сувнинг “қуёш нури” коллектор-гелиогенераторларини том тепасига ўрнатиб актив гелиотизимларни қўллаш тавсияланади. Иссиқ сув ҳосил қилиш учун қуёш нури қурилмаларини лойиҳалашни ҚМҚ 2.04.16 га мувофиқ амалга ошириш зарур.

Актив гелиотизими учун бинонинг тарзи фойдаланилганда махсус қуёш нури коллекторлари ўрнатилиши назарда тутилиши шарт.

У ёки бу гелиогенераторларни (қуёш нури қурилмаларини, коллекторларини) қўллаш, уларни том тепасига, тарзларга, ер сатҳига ёки қандайдир бошқа иншоотларга жойлаштириш ўрнини танлаш лойиҳа топшириғига асосан маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши лозим.

2.178*. Экспериментал ва уникал бинолар учун энергия тежами ва энергия эффективлигини ошириш бўйича лойиҳа ечимлари, энергия тежамкорлиги тадбирларини жорий қилиш учун, икки босқичли олдиндан таҳлил қилинган ҳолда ва энг мақсадга мувофиқини танлаб олиб ишлаб чиқилиши зарур.

3. ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИНГ АСОСИЙ ХОНАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Мактабгача муассасалар

3.1. Болаларнинг мактабгача муассасалари – умумий ва соғломлаштириш типли ясли-боғчалар, қоида бўйича, 300 ўрндан кўп бўлмаган сиғдираолишлик миқдорда бўлиши керак. Яслиларда гуруҳларни тўлдириш 15 нафардан кўп бўлмаслиги (3 ёшгача бўлган болалар) ва 20 нафар ўрин – мактабгача ёшдаги гуруҳларларда 3 ёшдан 6-7 ёшгача бўлган болалар учун.

Умумий типли болалар мактабгача, соғломлантириш ва жисмоний ҳамда ақлий ривожланишида нуҳсонлари бор болалар учун, махсуслаштирилган муассасаларини лойиҳалашда ушбу нормалар қатори амалдаги санитар норма ва қоидалари ҳам ҳисобга олиниши шарт.

жисмоний ҳамда ақлий ривожланишида нуҳсонлари бор болалар учун махсуслаштирилган муассасалар сони камайтирилган гуруҳли қилиб лойиҳаланиши керак - санитар нормаларига ва ШНК 2.08.07 га асосан 12 ўрндан ошмаган ҳолда.

Болалар ясли-боғчаси гуруҳларининг ячейкалари хоналари 13-жадвал кўрсаткичларига мос ҳолда лойиҳаланиши шарт (юқорида кўрсатилган ҳисобий тўлдиришларни эътиборга олган ҳолда).

Давлат қарамоғида бўлмаган, гуруҳларни тўлдирилиши қисқартирилган, болаларнинг умумий ва соғломлаштириш типдаги муассасаларида – 10-12 болага гуруҳ хонаси майдони 30 м² дан кам бўлмаган, ётоғи 20 м² дан кам бўлмаган, ечиниш хонаси 12 м² дан кам бўлмаган, хожатхонаси 10 м² дан кам бўлмаган микдорларда бўлиши шарт.

Болалар соғломлантириш типдаги ясли-боғчаси умумий типдаги ясли-боғчадан қўшимча соғломлаштириш хоналари борлиги билан фарқ қилади (лойиҳа топшириғига кўра).

Болалар муассасаларининг барча типларида асосий бино олдида кичик ёшдаги болалар учун ёзги хона-айвонча бир ўринга 2 м² ҳисобидан, аммо 20 м² дан ошмаган ҳолда кўзда тутилиши керак.

Болалар ясли-боғчасини турар-жой уйлари ҳажмига киритиб-бириктириб жойлаштиришга ШНК 2.08.01 нинг қўшимча талабларини ҳисобга олган ҳолда рухсат этилади.

Эслатма: Болаларнинг очик ҳавода ўйнаб-кулишлари учун ҳар бир гуруҳга 36-40 м² тепа копламали соябон ва очик жиҳозланган майдончалар кўзда тутилиши керак.

13-жадвал

Гуруҳли ячейка хоналарининг номланиши	1 болага хона майдони, м ²		
	Умумий, соғломлантириш типлилар		Махсуслаштирилган
	ясли	боғча	
Қабул қилишда кийим-кечак алмаштириладиган хона	1,0	0,8	1,5
Гуруҳ хонаси (жумладан жойлар: овқатланиш ва шуғулланиш, ҳаракатли ўйинлар, сокин дам олиш)	2,7-3,0 (40-45 м ²)	2,5-3,0 (50-60 м ²)	4,5 (54 м ²)
Ётоқ (ётоқ айвони)	2,0	2,0	2,4
Хожатхона (15-16 м ²)	1,0	0,8	1,2
Ногирон болалар реабилитацияси учун махсус машғулотлар хонаси (20-30 м ²)	-	-	2,5-3,0
Буфет хонаси 5-6 м ²	+	+	+

3.2. Ясли гуруҳини биринчи қаватларда жойлаштириш ва алоҳида кириш жойлари бўлиши керак, катта ясли ёшидагилар гуруҳлари учун битта иккитасига кириш жойи бўлишга рухсат этилади.

Мактабгача ёшдагилар гуруҳларининг 3-4 тасига битта кириш жойи назарда тутилиши мумкин (2.109 банди, 8-жадвал ва 2.131 банди лар талабини ҳисобга олган ҳолда). Мактабгача ёшдагилар гуруҳларни иккинчи қаватга жойлаштирилганда кийим-кечак алмаштириш хоналарини биринчи қаватга киравериш яқинида кўзда тутиш мумкин.

Эслатма: 1. Кириш жойи яқинида ясли гуруҳидагилар учун коляскалар жойи бўлиши керак.

2. Ташки кириш жойларидаги тамбурлар 1.6 м дан кам бўлмаган кенглик ва узунликда бўлиши керак.

3. Махсуслашган болалар муассасалари учун ШНК 2.08.07. талаблари эътиборга олинishi шарт.

3.3. Ясли гуруҳи хожатхонаси битта хонадан иборат бўлиб 15 м² дан иборат (суяқлик чиқариш кабинаси жойлаштирилиши билан); мактабгача гуруҳлар учун юз-кўл ювиш хонаси (8 м²) ва хожатхона (8 м²) бўлиши керак; катта ва тайёрлов гуруҳлари учун (5-7 ёшдаги болалар) хожатхоналар ўғил болалар ва қизлар учун алоҳида бўлиши

керак (кенглиги 0.8 м бўлган очик кабиналар ва улар орасида баландлиги 1.2 м ли тўсиқлар жойлаштирилиши керак).

3.4. Мусиқа ва жисмоний тарбия машғулоти учун умумий заллар 3-6 та мактабгача гуруҳларга ва бир нафар шуғилланувчига 4-5 м² майдон бўлиши ҳисобларига асосан кўзда тутилиши керак (20 нафар болаларга).

Мактабгача гуруҳлар сони 6 тадан ошса жисмоний тарбия ва мусиқа заллари алоҳида назарда тутилиши шарт; бу ҳолда жисмоний тарбия (гимнастика) заллари, қоида бўйича, 9х9 м (81 м²) дан кам эмас, мусиқа билан шуғилланувчилар заллари - 55 м² дан кам бўлмасликлари зарур (1 нафар шуғилланувчига 2.8-3.0 м² майдон ҳисобидан).

Заллар ажратилган тартибда фойдаланишга ҳисобланиши ва у ердан кесиб ўтиш таъқиқланган бўлиши шарт.

Мактабгача гуруҳларнинг сони 3 тадан кам бўлиб 60 нафардан ошмаган мактабгача ёшдагилар учун умумий заллар кўзда тутилмаслиги мумкин.

Эслатма: Заллар таркибида инвентар-омборчалар кўзда тутилиши керак.

3.5. Болалар ясли-боғчасида назарда тутилувчи хоналар: тиб хонаси (12 м²) олдида муолажа хонаси (12 м²), логопед хонаси - 12 м² (8 та гуруҳлилардан бошлаб). Ясли-боғчаларда 115 ўринлигача 14 м² дан кам бўлмаган майдонли битта тиб хонаси, ундан кўпида иккита ёндош тиб хонаси бўлишига руҳсат этилади (ҳар бири 12 м² дан кам эмас).

Изолятор хонаси болалар муассасасининг сиғдираолишлик миқдорининг 1.5-2% ини ташкил этиши, аммо икки палатадан кам бўлмаслиги шарт (икки хил юкумли касаллик учун).

Ўрни сони 100 тагача бўлган болалар муассасаларида майдони 5 м² бўлган иккита изолятор хонаси кўзда тутилиши керак, палаталар олдида хожатхона ва буфет бўлиши зарур. Ўрни сони 100-150 гача бўлганда иккитадан кам бўлмаган 3 ўринлидан бўлиши керак. Изолятор олдида ташқарига чиқиш жойи бор келувчилар тамбури, хожатхона ва ҳамшира хонаси (6-8 м²) бўлиши шарт.

Соғломлантириш ва даволашга мўлжалланган хоналарга қўшимча хоналар (массаж, физотерапия, ингалятсия, сув муолажалари ва бошқа хоналар) лойиҳа топшириғи бўйича кўзда тутилади.

3.6. Жисмоний ва ақлий ривожланишида доимий нуҳсонлари бор болалар учун мўлжалланган махсус болаларнинг мактабгача муассасаларининг лойиҳаланиши, қоида бўйича, 6-10 гуруҳга ҳисобланган бўлиб, ҳар бир гуруҳнинг тўлдирилиши ижтимоий-педагогика ва тиб асосларига мос бўлиши керак (10-12 нафар болалар).

Гуруҳ хоналарининг таркиби ва майдони 13-жадвалдан қабул қилинади. Махсуслашган мактабгача муассасалар ШНК 2.08.07 га асосан лойиҳаланиши керак ва ушбу нормаларда санаб ўтилган хоналардан ташқари таркибига реабилитация мажмуалари ва болаларнинг касалланиши йўналишлари бўйича хоналарни киритиш зарур (лойиҳа топшириғига асосан).

Кўриши, ҳамда таянч-ҳаракати функцияларида ва ақлий ривожланишида нуҳсонлари бор ногирон болалар боғчалари бинолари бир қаватли, эшитиши ва нутқида ҳасталиклари бор болалар учун икки қаватли лойиҳаланиши шарт.

3.7. Хизмат-маиший хоналарининг таркибида назарда тутилиши зарур: кириш даҳлизи – холл (12-18 м²), мудир кабинет (12 м²), хўжалик мудир кабинет (8 м²), методика кабинет (18-20 м²), хўжалик омборчаси (6-8 м²), кир ювиш хонаси (10-12 м²), дазмоллаш хонаси (10-12 м²), тоза кийим-кечак хонаси (6 м²), ходимлар учун кийим-кечак алмаштириш хонаси, душхона ва хожатхона. Ўрни 100 дан ортиқ бўлган

ҳолатларда таъмирлаш устахонаси назарда тутилади (15-20 м²).

Овқатланиш блоки кириш олдидаги ташқи юк тушириш хонаси билан лойиҳаланиши керак (6-9 м²). Овқатланиш блокада кўзда тутилиши керак: ошхона овқат тарқатувчи хонаси билан (20-30 м²), ошхона идиш-товоғини ювиш хонаси (6 м²), гўшт-балиқ ва сабзавот ишлов цехи (2 та 8 м² дан), сабзавот ва қуруқ маҳсулотлар омборчаси (2 та 6-8 м² дан), музлатиш камералари (6-8 м²), ходимлар хонаси (8-10 м²), ходимларнинг душ ва хожатхонаси.

Гуруҳлар ячейкалари ва овқатланиш блоклари хоналари киравериш қаршисида кир ювиш хонасига кириш жойини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Гуруҳлар хоналарининг тағ қаватида овқатланиш блоки ва кир ювиш, дазмоллаш хоналарини жойлаштиришга руҳсат этилмайди.

Хизмат-маиший хоналари, овқатланиш ва кир ювиш хоналарини алоҳида блокда жойлаштириш мумкин.

Эслатма: Юқорида кўрсатиб ўтилган хизмат-маиший хоналари ва овқатланиш блоки таркиби ва майдонлари, жумладан тайёрлов, пишириш, гўшт-балиқ ва сабзавот цехлари, музлатиш камералари, омборча хоналари, бошқа хоналарнинг майдони сиғдираолишлик миқдорига, штат жадвалига, овқатланиш блокларининг ишлаб-чиқариш ҳажмига асосан лойиҳа топшириғида белгиланади. Ўрни 120 тагача бўлганда музлатиш камераси ўрнига музлатгич жиҳозларини қўллаш мумкин.

3.8. Болалар боғчаси ва бошланғич мактабни битта қўшма бинода жойлаштирилган ҳолатларда боғча ва мактаб учун бўлак кириш ва эвакуация жойлари кўзда тутилиши зарур. Мактабгача ёшдаги гуруҳларнинг ва ўқув хоналарининг хоналари таркибини ва ўқувчилар учун рекриация жойларини амалдаги лойиҳалаш нормаларига асосланиб қабул қилиш керак. Болалар муассасалари ва мактаблари учун жисмоний тарбия ва мусиқа машғулоти заллари, тиб ва соғломлантиришга мўлжалланган маъмурий-хўжалик хоналарининг блоклари умумий биргаликда назарда тутилади.

3.9. Болаларнинг 12 нафар кичик гуруҳига мўлжалланган кичик чўмилиш бассейни ўлчамлари, қоида бўйича, 3x7(6) м дан кам бўлмаслиги шарт (чуқурлиги 0.6-0.7 м гача); бассейнчани майдони 50 м², баландлиги 3.6 м бўлган залга жойлаштириш кўзда тутилади. Бассейнчага чиқиш душхона орқали чуқурлиги 0.1 м бўлган оёқ ваннасидан ўтиладиган қилиб, бассейнчага тушиш учун 1.2 м кенгликда зинапоя назарда тутилиши керак (қўл ушлагичлари билан). Ванна атрофида баландлиги 0.15 м, кенглиги 0.3 м бўлган узлуксиз супача кўзда тутилиши керак, айланиб ўтувчи йўлакча кенглиги 0.75 м, кириш томонидагиси 1.5 м бўлиши керак. Бассейнча залида жисмоний тарбия билан шуғилланадиган майдонча ҳам назарда тутилиши тавсия этилади.

Ўғил болалар ва қизлар ечиниш хоналари олдида 1 та унитазли хожатхона ва 2 та шохчали душхона назарда тутилиши керак. Ечиниш хоналари 0,75-1,0 м²/болага ҳисобидан, лекин 9 м² дан кам бўлмаган миқдорларда бўлиши шарт. Бассейнча олдида ҳамшира хонаси (8 м²), спорт инвентар хонаси (6 м²), экспресс- лаборатория (8-12 м²), сувни хлорлаш ва илитиш учун техник хоналар кўзда тутилиши керак (хоналар таркиби лойиҳа топшириғига асосланиши керак).

Болаларнинг 15-20 нафарини сузишга ўргатиш бассейни ўлчамлари, қоида бўйича, 6x12 м дан ва чуқурлиги 0.8 м дан кам бўлмаган ҳолда бўлиши шарт. Тайёрланиш машғулоти раининг майдони, қоида бўйича, 60 м² дан кам бўлмаслиги зарур.

Бассейнлар лойиҳаланишида амалдаги қурилиш нормаларининг талаблари ҳисобга олиниши шарт.

3.10. Турар-жой биноларида мактабгача ёшдаги болаларнинг 10-12 нафардан иборат гуруҳи учун вақтинчалик хоналар таркиби: гуруҳлар хонаси 30 м²; кийим-

кечак алмаштириш - қабул хонаси 12 м², буфет-пиширик хонаси 6 м², болалар хожатхонаси (4 м²), ходимлар учун кийим-кечак алмаштириш хонаси ва душли хожатхонаси, тозалаш инветарлари учун хоналар (4 м²) кўзда тутилиши керак.

Илова: Овқатлантириш ва кундузги ухлатиш ишларини ташкил этиш назарда тутилмайди.

Ўқув муассасалари

3.11. Умумтаълим 9 йиллик мактабларнинг лойиҳаланиши бир сменали машғулотларга ҳисобланиб, синфда ўқувчилар сони 35 нафардан ошмаган ҳолда, келажакда 30 нафарга мўлжалланган бўлиши керак. Мактабнинг сиғдираолишлик миқдори синфлар сони бўйича 1 дан 4-синф ва 5 дан 9-синф патокларининг сонини ҳисобга олган ҳолда аниқланади, патокларнинг ҳар хил нисбати кўзда тутилиши мумкин (маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда). Мактабнинг ҳисобий энг катта сиғдираолишлик миқдори, қоида бўйича, 36 синф/1260 ўқувчи дан ошмаслиги шарт. 1-4-синфлар таълими учун бошланғич мактаблар базавий 9 йиллик мактабдан алоҳида жойлаштирилиши мумкин.

Бошланғич мактабларни болалар муассасалари билан бирлаштирилган ҳолда лойиҳалаш мумкин (ушбу нормаларнинг 2.26, 3.8, 3.13 ва 3.14 бандларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда).

Асосланган ҳолларда синфлар тўлдирилишлиги камайтирилган мактабларни лойиҳалашга рухсат этилади: 9 йиллик – синфда 20-24 нафар ўқувчига, бошланғич (4 йиллик) синфда 10-12 нафардан 20-30 нафаргача ўқувчига. Давлат маблағи ҳисобига қуриладиган мактабларни лойиҳалашда катталаштиришлик мақсадга мувофиқлиги ҳисобга олиниши керак; бунда синфлар тўлдирилишлиги камайтирилган мактаблар камайтирилганлик сони битта паток ўқувчилар сонидан ошиб кетмаслиги зарур.

Умумий типдаги ва қобилиятли болалар учун интернат мактаблар 1 дан 9-синфгача ўқувчилар сони синфда 20-24 нафар қилиб битта ёки иккита патокка мўлжаллаб лойиҳаланади.

Махсуслаштирилган мактаблар ва жисмоний, ҳамда ақлий ривожланишида нуҳсонлари бор (эшитиш ва нутқида, кўриш, таянч-ҳаракатлантирувчи органларида нуҳсонлари бор, ҳамда ақлий қолоқлик, эслаш қобилияти нуҳсонли) болаларни ўқитиш учун интернат мактаблар ШНК 2.08.07 га асосланган ҳолда лойиҳаланиши шарт.

3.12. Умумтаълим мактаблари ва интернат мактабларнинг таркиби ва хоналарининг майдонлари ўқув дастурларини, ўқитиш ва тарбиялашнинг ижтимоий-педагогика ва технологик талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг лойиҳалашда идоравий қурилиш нормаларига асосланиб қабул қилинади.

3.13. Мактаб ва интернат мактабларнинг ўқув хоналари майдони 14-жадвал кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши зарур.

Ўқув хонасининг 10-12 нафар ўқувчига мўлжалланган майдони 36 м² дан, 15-20 нафар ўқувчига мўлжалланган майдони 40 м² дан кам бўлмаган миқдорларда бўлиши керак.

Ўқув-тўгарак машғулотлари ва узайтирилган кун учун универсал хоналар, интернат мактабларда ўйинлар учун хоналар майдони 30 м² дан кам бўлмаслиги керак. Хоналар сони мактабнинг сиғдираолишлик миқдорига асосланиб лойиҳа топшириғи бўйича қабул қилинади.

14-жадвал

Хоналарнинг номланиши	Майдони, м ²
-----------------------	-------------------------

	ҳисобий бирликка	хоналар
1	2	3
Умумтаълим типли синф ва ўқув кабинетлари:		
- синфда 30 ўқувчига	2,0	60
- синфда 35 ўқувчига	1,7	60
- ўрта махсус ўқув муассасаларида гуруҳда 30 нафар ўқувчи бўлганда	2,0	60(54)*
- жумладан , $\frac{1}{2}$ гуруҳ (15 ўқувчи)	2,6	40
- олий ўқув юртида, малака ошириш институтларида - 24-25 талабага (эшитувчига)	2,2-2,4	54-60
- жумладан, $\frac{1}{2}$ гуруҳ (12 талаба)	3,0-3,3	36-40
Мақтабларда табиий фанлар тажрибахонаси, чизмачилик ва расм кабинетлари:		
- 30 ўқувчига	2,2-2,4	66-72
- 35 ўқувчига	1,9-2,0	66-72
Махсус касбий-техник йўналишли лаборатория ва кабинетлар:		
- ўрта махсус ўқув муассасаларида ўқувчилар гуруҳлари	2,2-2,4	66-72
- жумладан $\frac{1}{2}$ гуруҳлар	4,4-4,8	66-72
- олий ўқув юртларида $\frac{1}{2}$ гуруҳ ҳисобида	5,0-6,0	60-72
Лингафон кабинетлари:		
- Ҳамма ўқув муассасаларида $\frac{1}{2}$ гуруҳга (синфга) ҳисоблаганда	3,0-3,3	50
- олий ўқув юртларида $\frac{1}{2}$ гуруҳ ҳисобида	3,0-5,0	50-60
Ахборот технология кабинетлари $\frac{1}{2}$ синфга, гуруҳга группы	-	60-72
Курс ва диплом лойиҳаларининг заллари (хоналари) $\frac{1}{2}$ гуруҳга		60-72
Мақтабларнинг устахоналари ($\frac{1}{2}$ синф ҳисобидан):		
- металлга, ёғочга ишлов бериш, меҳнатнинг техник тури бўйича универсал, металл ва ёғочга ишлов бериш комбинациялаштирилган устахоналар	4,5-6	76-100
- овқат тайёрлашга ва матоларга ишлов берувчи	3,0-4,5	50-60
Аудиториялар ўрин сони:		
15-20	2,5-2,0	40
25-30	2,2	54-60
60	1,5	90
75-80	1,2-1,3	90-100
100	1,2	120
* қавс ичида руҳсат этилган майдон миқдори. Эслатма: 1. Ўқувчилар сони 20 -24 нафар ҳисобида ўқув кабинетлари (синфлар) майдони 40 м ² дан, тажрибахона ва информатика кабинетлари 50-54 м ² дан, металл ва ёғочга ишлов берувчи устахоналар 72 м ² дан кам бўлмаслиги шарт. 2. Ушбу жадвалда берилмаган хоналарнинг майдон миқдори лойиҳа топшириғида берилиши керак. 3. Тажрибахона ва устахоналар учун жиҳозлар габарити ва нормаланган технологик ўтиш жойлари ҳисобга олинishi даркор. 4. Ўқув хоналарида ва аудиторияларда ҳавони кондициялаштириш тизими бўлмаган ҳолатларда ҳаво муҳити ҳажми 5 м ³ /киши дан кам миқдорни ташкил этмаслиги шарт.		

3.14. Бошланғич мактаб хоналарининг ўқув сексиялари - I-IV синфларники, бошқа ёшдаги гуруҳлар ўқувчилари ўтиб юрмайдиган, алоҳидалашган бўлиши шарт; қуйи синфлар ўқув секциялари (I-II синфларники) биринчи қаватга жойлаштирилиши зарур; III-IV синфларнинг хоналарини иккинчи қаватга жойлаштирилишига йўл қўйилади.

3.15. Меҳнат таълими устахоналари, жумладан металл ёки ёғочга ишлов берувчи, матога ишлов берувчи хоналар ва овқат тайёрлашга ўргатувчи хоналар, 14-жадвал кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, $1/2$ синф ҳисобидан қабул қилинади.

3.16. Ўрта махсус таълим муассасалари – уч йил ўқитиш муддатли академик лицей ва касб-хунар коллежлари (мактабнинг 9-синфини тамомлагандан сўнг) бир сменали, ўқув гуруҳида 30 ўқувчили, машғулотлар учун лойиҳаланиши шарт. Академик лицей ёки касб-хунар коллежлари сиғдираолишлик миқдори, қоида бўйича, 12 гуруҳ/360 ўқувчидан кам бўлмаган ва 30 гуруҳ/900 ўқувчидан кўп бўлмаган ҳисобда лойиҳаланади.

Ўрта махсус таълим муассасаларининг таркиби ижтимоий-педогогика ва технологик талаблардан, ўқув дастурларидан, амалдаги ЎзР ОЎМТВ нинг ЎМКХТМ (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази) идоравий қурилиш нормаларига асосланиб аниқланади.

Ўрта махсус, касб хунар таълими муассасаларининг ўқув хоналари 14-жадвалга асосланиб қабул қилинади.

Эслатма: Касб-хунар коллежларининг ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарини ЎзР ОЎМТВ ЎМКХТМ идоравий қурилиш-технологик нормалари, саноатда технологик лойиҳаланиш тармоқ нормалари, тармоқ санитар нормаларига асосланиб лойиҳалаш даркор.

3.17. Умумтаълим мактабларида ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида фаоллар заллари ўқувчилар сонининг 25-35% ига, интернат мактабларда эса 50% ига етарли бўлишига мўлжаллаб кўзда тутилиши керак. Мактабнинг 9 синфига мўлжалланган зал, қоида бўйича, 90 м² дан кам бўлмаслиги шарт. 100 ўринга мўлжалланган зал майдони 120 м² дан, 150 ўринга мўлжалланган зал майдони 160 м² дан кам бўлмаслиги керак. Ўрни 200 ва ундан ортиқ заллар амалдаги нормалар бўйича томошабинлар зали учун ҳисобланади. Фаоллар залида инвентар хонаси билан эстрада (30-36 м²), артистлар хонаси, техник марказлар (диктори билан радиоузел, аппарат таъмири хонаси) кўзда тутилади. Залларни катта экранли видеопроекция билан жиҳозлаш кўзда тутилиши зарур.

Фаоллар залининг баландлиги технологик талаблардан келиб чиққан ҳолда белгиланади (аммо 4.5 м дан кам эмас).

3.18. Мактаб биноларида умумий йўналишдаги спорт заллари, қоида бўйича, 12x24 м дан кам бўлмаган, керакли қўшимча хоналари билан, спорт заллари учун норматив талабларга мос кўзда тутилиши шарт.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари биноларида 30x18 м ўлчамли спорт заллари қўлланиши шарт.

Спорт заллари, қоида бўйича, биринчи қаватга жойлаштирилади.

Эслатма: 1. Спорт заллари таркибида қўшимча хоналар кўзда тутилади – омборхоналар, инвентар хоналари, душхонаси билан ечиниш хоналари.

2. Ечиниш хоналари майдони бир кишига 1 м² дан каммас, аммо ҳар бир хонаси 15 м² дан кам бўлмаган ҳисобда қабул қилинади (синф тўлдирилишлиги қисқартирилган мактабларда - 12 м² дан каммас); ҳар бир ечиниш хонаси қошида хожатхона ва душхона бўлиши керак (2 та шоҳли).

3.19. Мактабларда ва ўрта махсус ўқув муассасаларида ахборот кутубхона-марказлари зоналарни ўз ичига олиши шарт: абонемент, каталог ва адабиёт берувчи, ўқиш зали, китоблар сақлаш хонаси, дарсликларни сақлаш ва таъмирлаш хоналари. Ўқиш залида ўриндиқлар сони кам бўлмаслиги зарур: 9 йиллик мактабларда - 20 ўрин, а ўрта махсусларда – 30 ўрин, бунда майдонлар бир ўриндиққа 2.5-3.0 м², персонал компьютер жиҳозли ўрин учун 4-6 м². Китоблар сақлаш хонаси майдони қуйидаги ҳисоблар бўйича назарда тутилади: очиқ келиш жойи борларида 5 м² 1000 та китобга ва ёпиқ сақланадиган китоблар учун 2,5 м² 1000 китобга.

Кутубхона фондида 25 минг сақлаш бирлигида сақланадиган китоблар битта хонага жойлаштирилиши мумкин.

Кутубхоналар қошида бир синф ёки гуруҳ ўқувчиларига мўлжалланган маънавият ва маърифат ўқув кабинетлари назарда тутилиши зарур (майдони 50-60 м²).

Эслатма: Ахборот-ресурс маркази умумий майдони – кутубхонанинг мактабларда битта ўқувчи ҳисобидан 0.15-0.3 м², ўрта махсус ўқув муассасаларида - 0,5-0,6 м²; бунда 19-жадвал кўрсаткичлари ҳисобга олиниши тавсияланади.

3.20. Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ошхоналари уларнинг сиғдираолишлик миқдорларининг 20-30% ига ҳисобланади (технологик асосланган ҳолатларда лойиҳа топшириғи бўйича аниқланади). Овқатланиш заллари майдони мактабларда бир ўринга 0,7-0,8 м², академик лицей ва касб-хунар коллежларида - 1,3 м² ҳисобида кўзда тутилади (технологик ҳисоб-китоб орқали аниқлик киритиш даркор).

Овқатланиш блоклари таркиби ва майдонлари ишлаб чиқариладиган овқатлар ҳажми ва технологиясига асосланиб ҳисобланади (амалдаги лойиҳалаш нормалари бўйича).

Соғлиқни сақлаш муассасалари билан келишилган ҳолда ёрдамчи хона – идиш-тавоқ ювиш, электр плита ва музлатгичи бор буфетлар кўзда тутилиши мумкин; буфет зали майдони 20 м² дан кам эмас, ёрдамчи хона эса 6 м² дан кам бўлмаслигига рухсат этилади.

Эслатма: Интернати (ётоқхонаси) бор ўқув муассасаларида ошхоналар овқатланишни ташкил этиш технологик асосларига кўра санитар-гигиеник нормаларни ҳисобга олган ҳолда назарда тутиладилар.

3.21. Мактаб қошидаги интернетларда ётоқ хоналари бир ўринга 4,5-6 м² ҳисобидан кўзда тутилади. Ётоқ хоналари (майдони 12-24 м²) яшовчи болалар сони 24-36 нафардан секцияларга гуруҳланади, зарурий санитар-маиший хоналар билан таъминланади (юз-қўл ювиш хонаси, хожатхона, душхона, кир ювиш хонаси). Навбатчи тарбиячи комнатаси (8 м²) битта турар-жой секцияси ҳисобида кўзда тутилади.

Дам олиш ва дарс тайёрлаш учун хоналар, интернатда яшовчи 50% ўқувчилар сони ҳисобида бир кишига 1,25 м² майдон бўлишидан келиб чиққан ҳолда назарда тутилади; бунда ҳар бир хонанинг майдони 20 м² дан кам бўлмаслиги керак.

3.22. Мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежи ўқувчилари сони 600 нафаргача бўлганда битта тиббиёт хонаси (14-16 м²) бўлиши мумкин, ўқувчилар сони 600 нафардан кўп бўлганда муолажа хонаси (14 м²), терапевт-шифокор кабинети (12 м²), тиш шифокори кабинети (14 м²) хоналари бўлиши шарт.

Мактаблар интернатида (ётоқ корпусларида) ва ўрта махсус ўқув муассасаларининг ётоқхоналарида изоляторлар кўзда тутилиши зарур (100-200 ўринга – 2 та койка, 200-300 ўринга –3 та койка).

3.23. Мактабларда, интернат-мактабларнинг ўқув блокида, ўрта махсус ўқув муассасаларида рекреация хоналари бир ўқувчига 0.6 м² ҳисобидан кўзда тутилиши зарур. Ички йўлак-рекреация кенглиги ўқув хоналари бирёқлама жойлашганда, қоида бўйича, 2.4 м дан кам эмас (2.8 м тавсия этилади), ўқув хоналари икки ёқлама жойлашганда 2.6-2.8 м ва кўпроқ, 3.2-4.0 м “зал” рекреация жойи тавсия этилади.

3.24. Ўқув биноларида санитар ускуналарининг сони умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув муассасаларининг лойиҳалаш нормаларида келтирилган ҳисобий кўрсаткичларга асосланиб қабул қилиниши шарт.

3.25. Олий ўқув юртларининг сиғдираолишлик миқдори, таркиби ва майдонлари бир вақтда шуғулланувчи талабалар, магистрлар ва аспирантларнинг сонига

ҳисобланиб ЎзР ОЎМТВ нинг идоравий қурилиш нормаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади; бошқа ўқув муассасалари – малака ошириш институтлари, ўқув комбинатлари технологик асосланиб лойиҳаланади.

Ўқув хоналарининг майдони: кабинет ва лабораториялар, чизмачилик заллари, курс ва диплом лойиҳалаш заллари, поток аудиториялари 14-жадвал кўрсаткичларини ҳисобга олиб белгиланади (технологик асослаш бўйича ўқиш дастурига мос).

3.26. Ўқитишда аудионигоҳ воситалари билан жиҳозланган, ўрни 50 ва ундан ортиқ маъруза заллари, катта габаритли жиҳозлар тажрибахоналари, ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш хоналарининг икки қаватли китоб қўядиган китоб сақлаш хоналарининг баландлиги технологик асосланиб қабул қилинади.

3.27. Амфитеатрли аудиторияларда кўргазма столи бор бўлса, пол сатҳи бўр билан ёзиладиган девор тахтадан иккинчи қатор ўриндиқларигача горизонт чизиғи бўйича бўлиши шарт. Бўр билан ёзиладиган девор тахтадан кўргазма столигача бўлган масофа миқдори 1.6 м дан кам бўлмаслиги керак.

Ўқув кабинетларда ва ўрни 50 тагача бўлган аудиторияларда кўргазма столдан олдинги қатор ўқув столларигача масофа, қоида бўйича, 1.8-2.0 м, кўргазма столи бор тажрибахоналарда ва поток аудиторияларида эса 2.55 м дан кам бўлмаслиги керак. Поток аудиториялари ва маъруза залларида экрандан биринчи қатор ўриндиқлари суянчиғигача масофа 3.0 м бўлиши керак.

Маъруза заллари қошидаги препарат хоналарининг тўғридан тўғри аудиторияга ва ички йўлакка чиқадиган жойи бўлиши шарт. Препарат хоналарининг майдони улардаги жиҳозларни ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади (аммо камида 18 м²).

Эслатма: кўргазма столи ва видеопроекция экрани кўринишлиги шарти технологик талаблар бўйича аниқланади.

3.28. Ахборот-ресурс марказлари – олий ўқув юртларининг кутубхоналари таркибига аванзал, кўргазма фонди ва каталог хоналари, абонемент, ўқиш зали, китоб сақлаш ва янги келган китобларга ишлов бериш хоналарини олади. Ўқиш заллари 10-12% ўқувчи кишиларга (талабалар, аспирантлар ва дарс берувчиларга) бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатилишига ҳисобланиши керак; залда персонал компьютерлардан фойдаланиб шуғилланадиган жойлар назарда тутилиши керак (1 ишчи жой учун камида 4 м²). Кутубхона майдонидан ўқув муассасасининг бошқа хоналарига кесиб ўтилиш имконияти бўлишига йўл қўйилмайди. Хоналар умумий майдони, қоида бўйича, ОЎЮ сиғдираолишлик миқдорининг бирлигига камида 1,0 м² зарурлиги ҳисоби бўйича аниқланади. Ахборот-ресурс марказларининг хоналари – кутубхоналарнинг 19-жадвални ҳисобга олиб аниқланади.

3.29. Ректорат, деканат, кафедралар, ўқув қисмлари, илмий бўлим, ҳамда илмий-текшириш бўлимларининг хоналари лойиҳа топшириғига асосан 1 нафар штат ходими учун майдон 4-8 м² ҳисобидан қабул қилинади; маъмурий блок хоналари маъмурий биноларга қўйиладиган талабларни ҳисобга олиб лойиҳаланади.

3.30. Олий ўқув юртларининг ўқув биноларида рекреация жойлари, қоида бўйича, 1 талабага 0.5 м² майдон, хожатхоналар эса - маъмурий бинолар нормалари бўйича назарда тутилади.

Мақтадан ташқари муассасалар

3.31. Мақтадан ташқари муассасалар – ижод ва бўш вақтни ўтаказиш уйлари (марказлари), санъат (бадий, мусиқавий) мақтаблар, ёш техниклар, табиатшунослар станциялари, болалар бадий ижод студиялари клуб-тўғарак ва студия хоналарининг

шуғулланиш учун ўринлари сони бўйича, спорт заллари ва бассейнларнинг маълум вақт ичидаги ўтказувчанлик имкониятлари бўйича ҳисобланади. Хоналарнинг таркиби ва майдонлари ижодий машғулот турларини ҳисобга олган ҳолда клуб муассасаларининг амалдаги лойиҳалаш нормаларига асосланиб аниқланади (технологик асосларни ҳисобга олиб). Тўғарак хонасининг майдони бир нафар шуғулланувчига 2,5-6,0 м² майдон, аммо қоида бўйича, 6-10 кишилик гуруҳга камида 30 м² қабул қилинади. Индивидуал машғулотлар учун студия ва синфлар тарбиячи билан 12-18 м² майдонли бўлиши керак (жиҳозлар ва мусиқа асбобларининг типларига боғлаб). Хореография, рақс, аэробика хоналарида бир нафар шуғулланувчига камида 6 м², спорт-тренажор залларида эса камида 5-6 м² майдон бўлиши шарт.

Кўшимча хоналар технологик асосланиши ва амалдаги нормалар бўйича қабул қилинади.

Хореография, рақс, жисмоний тарбия, спорт хоналари қошида ечиниш хонаси, хожатхона, душ хоналари бўлиши шарт (шуғулланувчилар сони бўйича ҳисобланади).

Экскурсия-туризм станциялари туристлар базасида вақтинчалик яшовчилар сони бўйича ҳисобланади, хизмат кўрсатиш ва ўлка мутахассис инструктори машғулотлари хоналарини ўз ичига олади (таркиби технологик асосланиши орқали аниқланади).

Эслатма: Мактабдан ташқари муассасаларни лойиҳалаш ЎзР Халқ таълими вазирлигининг болалар ижодий уйлари, мусиқа мактаблари, санъат мактаблари, спорт мактаблари, ёш техниклар станциялари ва шунга ўхшаш муассасалар учун чиқарган низомларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

3.32. Болалар учун спорт заллари ва спорт иншоатлари, болалар кутубхоналари, кинотеатрлари ва театрлари биноларнинг мос типлари учун нормалар талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланади.

Даволаш-профилактика муассасалари

3.33. Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалашда СанПиН № 0231 талаблари ва ушбу нормалар талаблари ҳисобга олиниши зарур.

Амбулатория-поликлиника муассасаларининг хоналари таркиби ва майдонлари лойиҳа топшириғи бўйича бир сменада келувчиларга технологик ҳисоб қилиниб, 15-жадвал кўрсаткичлари ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.

Шифокорлар кабинетлари 3 тадан кўп амбулатория ва поликлиникаларда умумий даҳлиздан ташқари алоҳида болалар бўлими учун, тезкор ва кейинга суриб бўлмайдиган ёрдам бўлимлари, аёллар консултацияси ва бошқа бўлимларга кириш жойи назарда тутилиши керак.

15-жадвал

Хоналар	Хоналар майдони, м ²
Даҳлиз (клубчига 0,35 м ² ҳисобидан)	12 ва ортиқ
Регистратура, 1 регистраторга	10
Уйга шифокорни чақириш хонаси	12
Шифокор-мутахассислар қабули кабинетлари:	
- терапевт, невропатолог, эндокринолог, алерголог, гематолог	12-14
- хирург-стоматолог, травматолог-ортопед	14-18
- педиатор, кардиолог, психиатор	15

- офтальмолог (қоронғи кабинаси билан)	26 (18+8)
- дерматолог-венеролог, онколог, гинеколог, уролог (сууқлик чиқариб ташловчи кабинаси билан)	18(14+4)
- логопед, отоларинголог, фтизиатр	18
- иглотерапия, физиотерапия	20
Муолажа-боғлаб кўювчи хона	12-18
Кичик операция , операция олди хоналари (хирург кабинети билан ёндош жойлаштирилсин)	22+8
Стерилизация	10
Массаж 1 столли	15
Кўриб қабул қилиш бокси алоҳида кириш жойи билан	14
Уколхона шифокор кабинети билан	20+10
Эмизик болаларни овқатлантириш хонаси	12
Эслатма: 1. Кутиш жойи (йўлакда) аниқланиши бир вақтда кутиб турувчилари сони ҳисобидан: хар бир хонага (ёки муолажа хонасига) 4 киши ва бир кишига 1.2 м ² майдон. 2. Хожатхоналар аниқланиши бир вақтга келувчилар сони бўйича: 1 та сан. анжом 10 аёлга, ва 1 та -15 эркакка; аёллар шахсий гигиенаси кабинаси хожатхона таркибда (3 м ²). 3. Кундузги стационар палата хонаси 12-18 м ² майдонли қабул қилинади (катталар учун 1 ўринга 6 м ² , ёш болалар учун - 4,5 м ²).	

3.34. Тиб пунктлари, даволовчи пунктлар бир шифокор ва ҳамширага: кабинет (12 м²), муолажа-боғлаб кўювчи (14-18 м²), санитар комнатаси (4 м²), хожатхона, душ хоналарини ўз ичига олиши керак.

Изолятор бир койкага 6-7 м² ҳисобидан лойиҳаланади. Изолятор қошида хожатхона душхонаси билан, ҳамшира пости назарда тутилади. Изолятор хоналари блокдан ташқарига чиқиш жойи бўлиши шарт.

3.35. Рентген кабинетларининг муолажа хонасини ва нур билан даволовчи хоналарни, ишнинг классификацияси I ва II бўлган радиоизотоп тажрибахоналарини болалар ва ҳомиладор аёлларнинг палаталарига чегарадош (горизонт ва тик сатҳларда) қилиб жойлаштириш мумкин эмас.

Флюорография хонаси камида 20 м² майдонли бўлиши шарт.

Рентгенадиагностика кабинетини битта протсекура столи учун 30-35 м², иккитаси учун 45-48 м² майдонли бўлиши керак.

3.36. Бўлим ва поликлиниканинг физиотерапевт хонаси, муолажа хоналари муолажа жойлари сони бўйича ҳисобланади (битта кушеткага 6-9 м²). Массаж, электр токи билан даволаш хоналари камида 14 м² бўлиши шарт.

Даволаш души, ваннаси ва балчиқ билан даволашлар учун муолажа ва технологик ўтиш йўлаклари бор бўлган зал хоналари кўзда тутилиши шарт; индивидуал кабиналар қошида битта ваннага ёки битта кушеткага ечинадиган жой, зарурат бўлганда душхона назарда тутилиши керак (балчиқ билан даволовчи муассасаларда).

3.37. Касалхоналар палатали бўлимларининг, стационарларнинг асосий хоналари майдони 16-жадвалда келтирилган. Палатали сециялар, палаталар типлари (койкалар сони бўйича, майдони бўйича) СанПиН № 0231 га асосланган ҳолда технологик талаблар бўйича аниқланади. Палаталар хожатхонаси билан бўлиши зарур, 1-2 койкали палаталар тавсия этилади.

Бир койкали палаталар камида 10 м² майдонли, уйларда касал ҳолидан хабар олувчиси ва доимий қаровчиси бўлганда бир койкали палата, қоида бўйича, камида 14 м² бўлиши керак.

Касалларнинг кундузи бўлишлари ва яқинлари билан учрашишлари учун холл-

меҳмонхонаси бир койкага 0,3-0,35 м² майдон ҳисобидан, умумий майдон камида 15-20 м² бўлиши кўзда тутилади.

Палаталар қошида, ҳамда холлар яқинида маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, лойиҳа топшириғига асосан ёзги хоналар назарда тутилади.

16-жадвал

Палата ва палатали бўлимлар хоналари	Майдони, м ²	
	1 койкага	Хоналар
1	2	3
1. Юқмайдиган касаликлар палаталари: - катталар учун - болалар учун - жумладан, оналарнинг кундузги келишига - жумладан, оналарнинг кеча-кундузги келишига	7-7,5 6 8 10	Бир койкали - 10 - - 12
2. Юқумли ва сил касалликлар билан оғриганлар учун: - катталар учун - болалар учун (оналар учун жойсиз)	8,0 6,5	Бир койкали – 12 -
3. Куйиб қолган касаллар, ортопед-травмотология ва нейрохирургия бўлимлари, тиклаш давоси, радиология палаталари: - катталар учун - оналари доимо ёнида бўлиши мумкин бўлган болалар учун	10 13	12 13
4. Катталар ва болалар психоневрология, наркологи- ка касалликлари палаталари: - умумий типли - қаровчили ва инсулинли касаллар учун	6-7 7-8	бир койкали – 10 12
5. Интенсив терапия, операциядан сўнг палаталари	10-13	однокоечные - 14-15
6. 1 ёшгача бўлган болалар палаталари: - бокслаштирилган, 1 ўринга - жумладан, оналари келиши мумкин бўлган - интенсив терапияли	3-4,5 9 7	- 13 -
7. Изоляцияланган палаталар: - 1 койкага шлюз орқали ёки яримбокс 1 койкага (ваннали) - бокс 1 кўйкага	12 20-22	12-14 20-22
8. Изоляцияланган палаталар: - 1 кўйкага шлюз билан ёки яримбокс 1 кўйкага (ваннали)	12	12-14
9. Ҳамшира пости (комнатаси)	-	6
10. Шифокор кабинети	-	12
11. Овқат қабул қилиш комнатаси	-	14
12. Буфет 1 секцияга (30 койкали)	-	15 дан каммас
Эслатма: Палаталар 1,2 ва 3 (4) кўйкали қилиб кўзда тутилади. Интенсив терапия хоналарида койкалар сони лойиҳа топшириғига асосан белгиланади.		

3.38. Клиник-диагностикаси тажрибахоналари лойиҳа топшириғининг технологик талабларида берилиб СанПиН № 02 ва ҚМҚ 2.08.06 талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланади.

3.39. Стационарларда операция хонаси, қоида бўйича, 2 та столга камида 40 м² майдонли қилиб назарда тутилади; столи битта кичик операция хонаси камида 24 м² майдонли бўлиши керак. Операция олд кириш хонаси камида 15 м², тез ёрдам кўрсатиш бўлимида эса камида 18 м² майдонли бўлиши керак.

3.40. Бўлимнинг ва касалларни тузалганидан сўнг кузатиш қабулхоналари ҳар бир бўлим учун алоҳида бўлиши керак (юқмайдиган, акушерлик, юқимли ва бошқа касалликлар қабулхоналари). Сиғдираолишлик миқдори 35 ўрингача бўлганда касаллар ва келувчилар учун умумий кириш жойини жойлаштириш мумкин, юқумли касалликлар бўлими бундан мустасно. Юқумли касалликлар бўлими учун касалларни қабул қилиш жойи ва тузалганлар учун кузатиш жойлари алоҳида бўлишини таъминлаш шарт. Қабул қилиш бўлимлари ўз ичига кутиш даҳлизини (камида 9 м²), кўриқдан ўтказиш хонасини (9-12 м²), хожатхона, санитар комнатасини (8-12 м²), нарсаларни ва тоза кийим-кечакни сақлаш хонасини (15-16 м²), тузалганларга чиқариш хужжатини ёзиб бериш комнатасини (6-9 м²), ходимлар учун хоналарни (маиший, кийим-кечак алмаштириш хоналари, хожатхона, душхона) олади.

3.41. Овқатланиш блоки хоналарининг таркиби ва майдонлари, касаллар сонини ва ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, технологик ҳисоб-китоб орқали аниқланади (умумий майдон бир койкага 0,35-0,5 м² ҳисобидан қабул қилинади). Овқатланиш блокни юқмайдиган касалликларни даволаш корпуси ҳажмига кирган хоналарга алоҳида кириш жойи билан жойлаштириш мумкин.

3.42. Патологоанатомик бўлимларни палата ва даволов-диагностика корпусларида, ҳамда овқат тайёрлаш блоклари ва бинолари олд қисми қурилмаларида жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Бўлим таркибида даҳлиз (9-10 м²), секцион хонаси (22м²), шифокор кабинети, қўшимча хоналар, хожатхона душхона билан жойлаштирилади (хоналар таркиби технологик талаблар бўйича аниқланади).

3.43. Юқумли касалликлар ва болалар касалхоналари ва бўлимлари, ҳамда туғириқхоналар ходимлари учун санитар ўтказиш жойларини ўз ичига олиши керак: битта душ 10-12 нафар ходимга ажратилган ечиниш ва кийиниш хоналари билан.

3.44. Асосий хоналарнинг кенглигини камида қуйидагича қабул қилинади(м):

- даволаш хоналари - 3,2;
- палаталар - 2,4;
- палаталар йўлаги - 2,2;
- кутиш жойисиз йўлаклар - 2,0, кутиш жойи бор йўлаклар - 2,4÷2,8;
- тез ёрдам кўрсатиш, оператсия ва реанимация блоклари йўлаклари - 2,4÷2,8 (ва ортик);
- боғлаб қўйувчи ва кичик операция хоналари, кабинетлари: гинекология, урология, ортопедия, онкология, офтальмология ва отолорингология хоналари - 3,2-3,6 (жиҳозлари турига қараб);
- хирургия операция хонаси - 5,0;
- хожатхона қўл ювиш жиҳози билан (касаллар учун) - 1,65, ювиниш жойи билан қўшилган хожатхона - 2,2, хожатхона шлюзи - 1,4.

Эслатма: Параметрлари технологик талабларга қараб тўғирланади.

3.45. Палаталарда, изоляторларда, боксларнинг тамбури ва шлюзида, туғиш олди ярим бокс хоналарида, муолажа, боғлаб қўйувчи, операция хоналари ва ванна комнаталарида эшикларининг кенлиги камида 1.1 м бўлиши шарт.

3.46. Хоналарнинг горизонтал чуқурлиги:

- кўпи билан 6 м – бир томонлама нур тушувчи даволаш-диагностика ва палаталарда;

- камида 4 м – боғлаб қўювчи, шифокор-мутахассислар кабинетлари (терапевт хонасида 3 м га йўл қўйилади);

- 4,6-5,0 м (ёки ортиқроқ) хирургия операцияси хоналарида (технологик талаблар бўйича тўғирлаш керак).

3.47. Юқумли касалликлар бўлими асосий хоналари баландлиги, қоида бўйича, камида 3,3 м, а рентген бўлими, сув-балчиқ билан даволаш заллари ва овқатланиш блокининг пишириш цехларида эса камида 3,6 м бўлиши шарт.

3.48. Болаларнинг сутли ошхоналари овқат бериш пунктлари ўз ичига: кутиш даҳлизини 10 м², музлатгич ва идиш-товоқ ювиш жиҳозлари бор ёрдамчи хонаси билан овқат бериш жойини 15 м², хожатхонани, ходимлар кийим-кечак алмаштириш хонасини, омборчани олади.

3.49. Тиб асосий хоналарининг девор, перегородка ва шиплари юзаси силлик, сувли тозалашга ва хоналарни дезинфекция қилишга йўл қўядиган бўлиши шарт.

Операция, наркоз бериш, операция олди ва бошқа махсус хоналарнинг поли суюқлик ўтказмайдиган, енгил тозаланадиган ва дезинфекция эритмаси билан тез-тез тозалаб туришга ярайдиган бўлиши керак. Операция ва наркоз бериш хоналарининг поли статик электрланиб қолмайдиган бўлиши шарт.

Рентген кабинетлари ва электр ёруғлик билан даволаш кабинетларининг девор, перегородка ва полларининг пардозини керамик плиткалардан бўлмаслиги шарт.

3.50. Аптека ўз ичига: савдо зали, тайёр дори-дармонларни сақлаш, дориворлар ва дори маҳсулотлари хоналари, дори-дармон тайёрлаш хоналари (ассистент, расфасовка, стерилизация, идишларни ювиш хоналари), хароратга чидамсиз дори-дармонлар музлатгич камераси бор омборчалар, кислота ва дезинфекция воситаларининг омборчаси, ходимларнинг маиший ва санитар-гигиеник хоналари, распаковка хоналарини олади. Хоналарнинг таркиби ва майдонлари технологик талабларга асосланиб тузилган лойиҳа топшириғи бўйича тайинланади.

Тайёр дори-дармон маҳсулотлари учун кичик дорихоналар ўз ичига: савдо залини (12-15 м²), омборчани (6-8 м²), маъмурий-маиший хонани (8 м²), хожатхонани олади.

3.51. Ўз ичига биохимик ва бактериологик тажрибахонасини, ҳамда санитар-эпидемиологик хизмати хонасини оладиган тиб маркази ва мажмуаларини лойиҳалашда қўшимча ҚМҚ 2.08.06 талабларини ҳисобга олиш шарт.

Даволов-соғломлаштириш ва реабилитация йўналишидаги марказлар ва биноларни лойиҳалашда қўшимча ШНК 2.08.03 талабларини ҳисобга олиш зарур.

Санатория-курорт ва соғломлантиришга, дам олишга ва туризмга мўлжалланган муассасалар

3.52. Санатория ва санатория-профилактика биноларини, реабилитация марказлари ва муассасаларини лойиҳалашда ушбу нормалар қатори СанПиН № 0231 ва ШНК 2.08.03. талабларини ҳам эътиборга олиш шарт. Кўрсатилган муассасалар яшаш, тиклаш, профилактика ва соғломлантиришга мўлжалланган маданий-маиший хизмат кўрсатиш, ҳамда маъмурий-хўжалик ва техник хоналарини ўз ичига олади.

3.53. Дам олиш муассасалари, жумладан болалар (ўсмирлар) ва ёшларнинг соғломлантириш оромгоҳлари, пансионатлар, дам олиш базалари ва уйлари, туристлар учун базалар, бошпанали манзиллар, кемпинглар, овчилар (балиқчилар) базалари дам олувчилари ва туристларга яшаш ва хизмат кўрсатиш хоналарини (овқатланишларини, бўш вақтларини ўтказиш ва соғломлантиришни ташкил этиш хоналари), ҳамда маъмурий-хўжалик ва техник йўналишларга мўлжалланган хоналарни ўз ичига олади. Хоналарнинг сигдираолишлик миқдори, таркиби ва майдонлари, комфорт даражаси

лойиҳа топшириғига асосан тайинланади.

3.54. Санатория, дам олиш ва туризм муассасаларининг яшаш хоналарини овқатланиш, маданий-оммавий, даволаш-диагностика ва жисмоний тарбия-спортларга мўлжалланган хоналардан бутунлай ажралиб турадиган блокларда жойлаштириш зарур.

Яшаш (ётоқ) корпуслари кириш даҳлизини, навбатчи хонасини, қаватларда меҳмон хоналарини, кирхоналарни, инвентар хоналарни ўз ичига олади; ёзги хоналар маҳаллий шароитлар бўйича қабул қилинади.

Болали оилалар яшаши учун хоналар, қоида бўйича, алоҳида секция ва блокларда (қисмларда), 3-қаватдан юқори бўлмаган сатҳларда, эвакуация учун алоҳида зинапоя катаги таъминланган ҳолда жойлаштирилиши керак.

Яшаш учун хоналар 17-жадвал кўрсаткичларини ҳисобга олиб кўзда тутилади. Дам олиш муассасаларининг яшаш хоналари ва санатория палаталари, меҳмонхона номерлари типи муайян жиҳозлар билан таъминланиши бўйича, жумладан хожатхоналар билан, ҳар хил комфортли қилиб кўзда тутилади. Яшаш номерлари кўпинча 1-2 одамга, болали оилалар учун 3-4 ўринга мўлжалланган қилиб назарда тутилади.

17-жадвал

Муассасалар	Майдони, м ² (камида)	
	1 ўринга	хонанинг
Катталарнинг дам олиши учун, болали оилалар учун санаториялар, санатория-профилакториялар, пансионатлар ва бошқалар, туристлар учун меҳмонхоналар, мотеллар	6,0-8,0	1 кишига - 10 2 кишига – 12-16
Болалар учун соғломлантириш оромгоҳлари- дам олиш базалари	4,5-6,0	18
Болалар учун санатория оромгоҳлари	6,0	18
Ёзда фаолият кўрсатадиган болалар соғломлантириш оромгоҳлари	4,0-4,5	18
Туристлар кўними манзиллари, овчилар ва балиқ овловчилар базалари, кемпинглар, мотеллар (сув юзида дам олишга мўлжалланган лагер-турар жойи)	4,5-5,0	9-12
Илова: 1. Комнаталар сони, уларнинг майдонлари, жиҳозланиши, жумладан санитар-техник жиҳозлар билан, лойиҳа топшириғи бўйича ўрнатилади. 2. Комнаталар кенглиги камида 2.4 м, узунлиги кўпи билан 6 м бўлиши зарур.		

3.55. Дам олиш ва туризм муассасаларида яшаш хоналарининг гуруҳига ёки қаватга (ёки бинонинг биринчи қаватида) жойлаштириладиган умумий хожатхоналарини, ёзги дам олиш муассасаларида кўриниши алоҳида блоклар ювиниш, хожат ва душхоналари канализациялаштирилган ҳолларни, тавсиявий 6-илова кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, кўзда тутилади.

3.56. Санаториялар, дам олиш ва туризм муассасаларида қуйидаги хоналар назарда тутилиши керак: регистратура, маъмурият, тибпункт изолятори билан, ҳамда даволаш-соғломлантиришга мўлжалланган хоналар, овқатланиш, бўш вақт ва дам олишни, спорт-тренировка машғулотларини ташкил қилиш учун хоналар, оммавий тадбирлар зали, концерт ва кинокўрсатиш хоналари. Кўрсатиб ўтилган хоналарнинг майдонлари 5-тавсиявий иловада келтирилган.

Барча муассасаларда, қоида бўйича, камида 2 койкали изолятор кўзда тутилиши шарт.

Эслатма: 1. Томоша залларини 60-70% дам олувчиларга мўлжаллаб ҳисоблаш тавсия этилади, клуб ва ўйинлар хоналари майдони камида 30 м² бўлиши керак.

2. Ёзги киноконцерт, рақс майдонлари, ўқиш хонаси, ўйин-кулги, спорт иншоотлари маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда назарда тутилади.

3.57. Болалар соғломлантириш ва санатория оромгоҳида ётоқ корпуслари яшаш секциялари ёки блоклари асосида тузилиб отрядга ёки гуруҳга 30-35 бола бўлиши ҳисобидан кўзда тутилади; таркибида яшаш ва санитар-маиший йўналишларга мўлжалланган хоналар назарда тутилиши керак (хожатхоналар, душхоналар, шахсий буюмлар омборчалари, маиший комнаторлар); ҳар бир яшаш гуруҳига тарбиячи комнатораси назарда тутилади.

Болалар соғломлантириш оромгоҳларининг – дам олиш базаларининг корпуслари мавсумдан бошқа вақтларда катталар, болали оилаларни қулай жойлаштириш имконини ҳисобга олиб лойиҳаланиши даркор.

Болаларнинг ёзги оромгоҳлари учун бир қаватли ётоқ павильонларини ва алоҳида жойлаштирилган хожатхона ва ювиниш хоналари учун санитар блокларини 2 та отрядга (60-70 бола) мўлжалланиши ҳисобидан лойиҳаланиши мумкин. Душхоналар ва кир ювиш хоналари оромгоҳ учун, қоида бўйича, марказлаштирилган ҳолда назарда тутилади.

3.58. Ошхоналар хоналарининг таркиби ва майдонлари овқатлантиришни ташкил қилиш технологик талаблари бўйича (сменаликни ҳисобга олган ҳолда) лойиҳа топшириғига асосан тайинланади.

Овқатланиш залларининг майдони ушбу нормаларнинг 3.140 бандини ҳисобга олиб қабул қилинади. Ҳар бир залнинг сигдираолишлик миқдори 250 ўриндан ошмаслиги шарт.

Болалар дам олиш муассасаларида овқатланиш заллари бир сменали хизмат кўрсатишга ҳисобланади, бунда болалар ўринлари 200 дан ошмаслиги зарур.

Эслатма: 1. Ёзда фаолият кўрсатадиган дам олиш муассасаларида овқатланиш заллари майдони бир ўринга 1,0-1,2 м² ҳисобидан, овқатланиш блоклари залдаги бир ўринга 0,95-1,4 м² майдон тўғри келиши ҳисобидан қабул қилинади.

2. Ёзги ошхоналарнинг залларини террасаларда (тентлар, тепа қопламали жойлар) кўзда тутиш мумкин.

3.59. Ўрни 250 гача дам олиш уйлари ва туристик базаларда кўп функцияли – баландлиги 4.2 м бўлган ошхона-клуб залларини кўзда тутиш мумкин.

Жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари

3.60. Ёпиқ ва очиқ спорт иншоотлари, жумладан спорт заллари, ареналар ва манежлар, сунъий яхмалакли сирпаниш учоқгоҳлари, бассейнлар, стадионлар ва шу каби бошқалари спорт майдонларининг технологик параметрларини, жиҳозларни жойлаштириш талабларини, томошабинлар ўриндиқларини, спортчиларга ва томошабинларга хизмат кўрсатиш талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши зарур. Спорт заллари асосий типларининг қурилиш ўлчамлари ва маълум вақтда фойдаланиш қуввати 7- тавсиявий иловада келтирилган.

Кўп функцияли фойдаланишга мўлжалланган универсал катта ўлчамли спорт заллар-ареналар ва спорт манежлари, томошабинли спорт заллари технологик ечим вариантларини ишлаб чиқиш натижаси бўйича лойиҳаланади.

3.61. Спорт иншоотларини лойиҳалашда спорт тури ва томошабинларни жойлаштириш технологик афзалликларини, киритиб қурилган ва турғин бўлмаган жиҳозлардан (жиҳозлар рўйхати бўйича) юкни ҳисобга олиш шарт. Оғир ва енгил атлетика, футбол заллари биринчи қаватга жойлаштирилиши керак. Енгил атлетика ва футбол заллари-манежларига автомашина кира олишини таъминлаш шарт.

Ўриндиклари 300 ва кўп трибунали томоша-спорт залларида зал-арена пол сатҳи ер устки иккинчи қават пол сатҳидан юқори бўлмаслиги шарт.

Трибуналар жойлаштирилаётганда томошабинлар биринчи қатори рўпарасида тўсиқ бўлиши керак, ўйин майдонигача ён ва кўндаланг томонлардан масофа томошабинлар хавфсизлигини ҳисобга оладиган технологик талаблардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

3.62. Спорт заллари қошидаги снаряд ва инвентар хоналари, қоида бўйича, залларга ёндош ва алоқаси тирқишлар орқали бўлиши керак. Снаряд-инвентар хонаси поли сатҳи зал поли сатҳи билан битта даражада бўлиши шарт (порогсиз). Снаряд ва инвентар хоналари майдони технологик талаблар бўйича аниқланади (ўлчами 12x24 м ли заллар учун камида 16 м², 30x18 м ли заллар учун камида 21 м²).

3.63. Томошабинлар ўриндиклари сони 1000 ва ундан ортиқ универсал спорт-томошагоҳ залларида (ареналарда) спорт ўйинлари учун ва мусобақа олдидан машқ қилиб олиш учун спорт заллари кўзда тутилиши керак. Ўқув-тренировка заллари, тренажор хоналари, индивидуал куч ишлатадиган тайёрланиш хоналари сони ва ўлчамлари лойиҳа топшириғида кўзда тутилади.

3.64. Универсал спорт-томошагоҳ зал-ареналарда, манежларда, сунъий яхмалак залларида майдонни ўзгартириш (спорт ва томоша турларини ҳисобга олган ҳолда), эстрада жойлаштириш ва бошқа имкониятлар лойиҳалашда назарда тутилиши керак.

3.65. Ёпиқ ва очиқ ўқув-тренировка бассейнларининг асосий ҳисобий параметрлари 8-тавсиявий иловада келтирилган.

Сузишни билмайдиганларни сузишга ўргатиш учун ва болалар учун ванналар, қоида бўйича, ҳар бир, ваннаси 50x25 м ваннали, бассейн биносида кўзда тутилиши керак.

Бассейнларнинг ҳовуз зали баландлиги, томошабинлар ўриндигисиз (ҳовуз атрофида юриш йўлаги сатҳидан кейин) ва сувга тепадан сакраш жойисиз бўлганда камида: ҳовуз узунлиги 50 м лида 6 м ва ҳовуз узунлиги 25 м лида 5.5 м бўлиши керак; ўқув-тренировка ва соғломлантириш машғулотлари ўтказиладиган 25 м ли залларда 4.2 м, ҳовуз узунлиги 18 м дан ошмайдиган залларда 3.6 м рухсат этилади.

Универсал ва махсус ҳовузли заллар баландлиги, жумладан сувга тепадан сакраш ва томошабинлар жойлари бўладиган заллар баландлиги технологик талаблар бўйича белгиланади.

3.66. Ҳовузи узунлиги 25 м ва ундан ортиқ бассейнлар таркибида тренировка ва тайёргаллик машғулотлари учун спорт заллари кўзда тутилиши шарт.

Ҳовузи 25x8.5м ва ундан кам бўлган, ҳамда очиқ бассейнларда тайёргаллик кўрадиган заллар кўзда тутилмаслиги мумкин; аммо ҳовуз яқинида тайёргаллик кўриш учун камида 70 м² ли очиқ майдонча бўлиши керак.

3.67. Ҳовуз таги нишаби, бўйлама ён деворлари профили, йўлакчалари ўқларини ўлчамланиши, сув остини кузатиш тирқиши (иллюминаторлари) технологик талаблар бўйича қабул қилинади.

Ҳар бир бўйлама деворларида узинлиги 50 м ли ҳовузларда учтадан, 50 м дан камларида иккитадан зинаполяр кўзда тутилиши керак; ҳовуз майдони 100 м² дан кам бўлса битта зинапоя ўрнатиш мумкин.

3.68. Ванна деворлари ва ости конструкциялари суёқлик ўтказмайдиган ва кимёвий реагентларга бардошли бўлиши керак. Ҳовуз ости ва деворларининг юзалари ёруғ тонли бўлиши керак. Ҳовуз деворлари ва ости сирғанчиқ бўлмаслиги шарт. Бассейнлар ҳовузларининг кўндаланг деворлари сув устки қисмлари 0,3 м баландликда тик ва бир-бирига параллел бўлиши керак.

Ҳовуз узунлиги 50 м ли ёпиқ бассейнларда техник қараб туриш ва таъмирлаш учун ҳовузнинг ташқи томонларида имконият кўзда тутилиши керак.

3.69. Бассейн ҳовузининг периметри бўйича айланиб юриш йўлакчаси ёпиқлари учун камида 1.5 м, очиклари учун 2 м бўлиши керак; йўлакча ташқи чегарасидан ўриндиқлар жойлаштирилиши зарур.

Айланиб юриш йўлакчаси сирғанмас ва трап томонга 0.01-0.02 нишабли бўлиши шарт.

Болалар ҳовузи учун (сузишни билмайдиганлар учун) айланиб юриш йўлакчаси кенлиги уч томони қирғоғи бўйича 0.75 м, йўлакча сатҳи қирғоқдан паст, қирғоқдаги тўсиқ баландлиги 0.9-1.0 м бўлиши шарт.

Эслатма: 1. Ёпиқ бассейнларда айланиш йўлакчалари иситиладиган қилиб назарда тутилади.

2. Старт тумбаси, трамплин, сакраш тепалиги бор борти бўйича йўлакчанинг кенлиги технологик талаблардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

3.70. Ечиниш хоналари (эркак ва аёлларга алоҳида) тўғридан тўғри хожатхоналарга ва душхоналарга тамбур орқали туташган бўлиши керак.

Шуғулланувчилар учун ечиниш хонасининг спорт зали билан алоқаси тўғридан тўғри, йўлак орқали ёки фақат улар учун ишлайдиган зинапоя орқали амалга оширилиши керак.

Жамоа кўринишида бўладиган спорт ўйинлари ўтказиладиган иншоатларда, қоида бўйича, камида тўртта ечиниш хоналари бўлиши керак, уларнинг майдони кўп залли спорт иншоатларининг ечиниш хоналари умумий ҳисобий майдонига киритилади.

Ечиниш хонаси бир нафар ечинувчига камида 1 м² майдон ҳисобидан назарда тутилади; ечиниш хонасида кийим жавонлари (0,3x0,5 м, ўриндиқлар, оёқ ваннаси, қўл ювиш жиҳози, кўзгу, пол усти тарозиси бўлиши шарт).

Бассейнларда ечиниш хоналари айланиб юриш йўлакчаси билан бир сатҳли ва улар алоқаси душхона орқали, а спорт зал ёки тайёрғалик машғулотлари хонаси билан эса душхонани айланиб ўтадиган бўлишлиги шарт.

Енгил атлетика спорт ўйинлари учун спорт залларининг қошидаги ва универсал спорт-томоша залларидаги, ҳамда очик спорт иншоатларидаги (очик бассейнлар бундан мустасно) ечиниш хоналари зал билан (майдон билан) тўғридан тўғри алоқада бўлиши ва шуғилланувчилар билан томошабинларнинг йўллари кесишмаслиги шарт билан, алоқада бўлмаслиги мумкин.

Эслатма: 1. Спорт залларида шуғулланувчилар учун ечиниш хоналари, қоида бўйича, бир сменада шуғулланувчиларнинг 200% ига, бассейнларда эса бир сменада шуғулланувчиларнинг 250-300% ига ҳисобланади (тўлишининг бир ҳил бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда).

2. Спортнинг ҳар хил кўринишда мусобақа ва ўқув-тренировка машғулотлари ўтказиладиган заллари бор кўп функцияли спорт иншоатларида ечиниш хоналарининг жойлари сони технологик ҳисоб китоб билан аниқланади.

3.71. Спорт иншоатларининг санитар бўғинларидаги санитар жиҳозлари технологик ҳисоб китоб бўйича, 9-тавсиявий илова кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, қабул қилиниши керак.

Шуғулланувчиларнинг душхонаси ечиниш хонаси билан, тренер ва инструкторлар жамоаси учун душхоналар инструкторлар хонаси билан, ходимлар душхонаси ходимлар маиший хоналари билан тўғридан тўғри алоқада бўлиши керак.

Бассейнларда шуғилланувчиларнинг душхоналари (эркак ва аёлларники) айланиб юриш йўлакчаси билан бир сатҳда бўлиши шарт. Душхоналар очик кабинали ва ораларида ўтиш йўлакчи бўлиши керак; ўтиш йўлаги кенлиги - 1.6 м. Душхонадан айланиб юриш йўлагига чиқиш жойида ёки сузиб чиқиш жойида чуқурлиги 0.1 м поддон оёқ ванна-души бутунлай кенлиги бўйича назарда тутилади.

Ечиниш хоналари қошидаги хожатхоналар ечиниш хоналари билан ёндош жойлаштирилиши зарур (тамбур-шлюз орқали). Хожатхонадан душхонани четлаб бассейн ҳовузига киришга йўл қўйилмайди.

Болалар ечиниш хонаси, душхонаси ва хожатхоналари (ўғил болалар ва қизлар учун алоҳида) катталарникидан алоҳида жойлаштирилиши шарт.

3.72. Ҳовузга сузиб чиқиш жойлари – каналлар кенлиги 1.8 м ва чуқурлиги камида 0.5 м; старт тумбачаси йўқ ҳовузларга сузиб чиқиш канали ваннанинг кўндаланг биқинига жойлаштирилади.

3.73. Бассейнларнинг техник хоналари, хлорлаш хоналари ва хлор омборларига алоҳида махсус кириш жойи бўлиши керак. Хлорлаш ва хлор омборининг хоналарини бинога ёпишган ер сатҳидан пастга жойлаштириш мумкин эмас.

3.74. Очиқ иншоатларнинг қўшимча хоналари (ечиниш, хожатхона, душхоналари), қоида бўйича, иншоатдан 200 м дан узоқда жойлаштирилмасликлари керак, очиқ бассейнлар бундан мустасно, чунки уларнинг ечиниш, хожатхона ва душхоналари бевосита бассейн ҳовузига бирикиши зарур.

Санитар жиҳозлар 9-тавсиявий иловани ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

3.75. Қўшимча хоналар баландлиги тавсияси (тоза ҳолда, пастга чиқиб турувчи конструкциягача):

2,7м – даҳлизларда, ечиниш хоналарида, массаж хоналарида, шуғилланувчиларнинг дам олиши хонасида, савдо ва қўшимча хоналарда, тренер-инструктор хоналарида, методика хонасида, тиб хизмати хонасида, навбатчи ва ёнғин пости хоналарида, омборхоналарда, инвентар хоналарида, қурол-яроғ тозалаш ва сақлаш хоналарида:

2,4 м – судялар хоналарида;

2,2 м – устки кийим алмаштириш жойида (ёпиқ тўсиқ орқасида), тренировка кийимларини алмаштириш хонасида, кийим ва оёқ-кийим қуриштириш хонасида, тоғ чанғи трассаси старт ва финиш қошиларидаги кичик уйча ва павильонларда, кассахоналарда.

3.76. Томошабинлар учун қўшимча хоналар келувчилар томоша залларига тўлиқ бўлган ҳолатга ҳисобланади (томоша залининг норматив кўрсаткичларини ҳисобга олиб).

3.77. Буфетхона ёки кафетериялар лойиҳа топшириғи асосида қабул қилинади.

Маъмурий бошқарув , идора, офис, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари муассасалари

3.78. Маъмуриятга мўлжалланган хоналар – бошқарув, вазирлик, суғурта ва молия, лойиҳа ва илмий-тадқиқот ташкилотлари муассасаларининг ходимлари учун ишчи хоналар ва кабинетлар битта штат ходимига камида 6 м² майдон тўғри келиши ҳисобидан лойиҳаланади. Бунда кўп ўринли ишчи хоналарида бир ходимга тўғри келадиган майдонни 4-5 м² гача қабул қилиш мумкин.

Бир нафар хизматчи кабинети камида 9 м² майдонли, келувчиларни қабул қилиш кўзда тутилган бўлса камида 12 м² майдонли бўлиши керак.

Рахбарлар кабинети зарурий келувчилар учун ўриндиклар жойлаштириш сонига ҳисобланиб қабул қилинади (бир ўринга 1.5-2.0 м² майдон ҳисобидан).

Рахбар қабулхонаси камида 12 м² майдонли, иккита кабинетга хизмат кўрсатадиган қабулхона камида 16 м² майдонли бўлиши шарт.

Рахбарлар, инструкторлар, депутатлар ва бошқа кўп келувчилари бор кабинетлар қабулхонаси қошида кутиб туриш жойлари назарда тутилиши зарур; кўп келувчилари бўлмаган ва йўлак кенлиги 2.4 м дан кам бўлмаган ҳолатларда кутиб турувчилар жойи

кўзда тутилмаслиги мумкин.

3.79. Кўргазмалар ва намойиш заллари, йиғин ва келувчилар билан суҳбат ўтказадиган хоналар, кутубхона ва архивлар, нусха-кўпайтириш хизмати хоналари, экспедиция, рухсат ёзиш хоналари, ҳамда хизмат кўрсатувчи хоналар: кийим-кечак алмаштириш, жиҳозлар таъмири устахоналари, омборчалар, жамоат овқатланиш хоналари, тибпунктлари, ходимлар учун маиший хоналар ва шу кабилар технологик талаблар бўйича кўзда тутилади.

3.80. Даҳлизлар бир нафар ходимга устки кийим ечиш жойисиз камида $0,17 \text{ м}^2/\text{киши}$, кийим ечиш жойи билан $0,25 \text{ м}^2/\text{киши}$ миқдорларида кўзда тутилиши керак. Кийим-кечак алмаштириш хонаси майдони бир ўринга (илгакка) $0,08 \text{ м}^2$ ҳисобидан қабул қилинади. Даҳлиз ўлчамлари (майдони) бинодан одамларни эвакуация қилиш талабларига жавоб бериши шарт; қоида бўйича, даҳлиз майдони 12 м^2 дан кам бўлмаслиги шарт.

3.81. Ходимлар учун хожатхоналар лойиҳаланиши қуйидаги ҳисоблар бўйича бўлиши керак: 1 та унитаз ва 1 та писсуар 30 эркакка; 1 та унитаз 20-25 аёлга ва 1 та шахсий гигиена кабинети 70-75 аёлга. хожатхоналар (эркаклар, аёллар учун) бир қават оралатиб жойлаштирилиши мумкин, аммо ишчи хоналардан узоклиги 75 м дан ошиб кетмаслиги керак.

3.82. Кутубхоналар ва техник архивлар китоб фонди ва иш хужжатларини сақлашга, ҳамда ходимлар ва келувчилар учун зарурий иш майдони ҳисобларидан аниқланади. Фондни очик сақлаш майдони 1 та сақлаш бирлигига $4,5 \text{ м}^2$ майдон ҳисобидан, ёпиқ сақлаш эса майдони сақлаш бирлигига $2,5 \text{ м}^2$ майдон ҳисобидан қабул қилинади. Бир нафар архив ходими ёки кутубхона ходими учун иш майдони 6 м^2 ҳисобидан кўзда тутилади. Кутубхона фонди китоблари 25 минггача бўлганда кутубхонани бир хонага жойлаштириш мумкин.

Архивга кирувчиларнинг бир нафарига ёки ўқиш залида бир ўқувчига 3 м^2 майдон, компьютер қўлланилишига $4-6 \text{ м}^2$ майдон кўзда тутилиши керак.

3.83. Нусха-кўпайтириш ва нашриёт хизматлари учун хоналар бир ходимга камида 6 м^2 , аммо ҳар бир хона камида 12 м^2 майдонли бўлиши шарт.

3.84. Конференс-заллар ҳар хил мўлжалланган йўналишини, сиғдираолишлик миқдорини ва ҳар хил жиҳозлар билан таъминланишини ҳисобга олган ҳолда назарда тутилиши керак; бу ҳолатларда зал майдонлари қабул қилинади:

- 100 ўрингача бўлган заллар учун $1,3-2 \text{ м}^2$ стол атрофидаги бир ўринга;
- 100 дан кўп 150 ўрингача залларда столда китоб қўювчи мосламасиз $1-1,1 \text{ м}^2$ бир ўринга, мосламаси бор ҳолда - $1,25 \text{ м}^2$ бир ўринга;
- 150 ўриндан кўп залларда столда китоб қўювчи мосламасиз - $0,9-1,0 \text{ м}^2$ бир ўринга.

3.85. Томошалар заллари ўриндиклари 200 ва ундан кўп бўлган заллар бир ўринга $0,7 \text{ м}^2$ ҳисобидан томошагоҳ заллар нормалари бўйича лойиҳаланиши шарт.

Эстрада қошидаги президиум учун хона камида 12 м^2 бўлиши керак. Томоша заллари қошида кулуарлар ($0,3 \text{ м}^2$ залдаги бир ўринга), чекиш ва хожатхоналар кўзда тутилади (томоша заллари нормалари бўйича).

3.86. Тибпункти ва ошхоналар, қоида бўйича, 200 ва ундан ортиқ ходимларга ҳисобланади, кам ўринликлар эса маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда назарда тутилади.

Сиғдираолишлик миқдори 50 ўрингача муассасаларда чой қайнатиш ва идиш-товоқ ювиш жиҳози ўрнатилган тўсиқли жойлар назарда тутилади.

Эслатма: 1. Тибпункт ўз таркибига бир ёки бир неча майдони камида 12 м^2 бўлган хоналарни олади (жумладан муолажа, массаж, физатерапия хоналари ва бошқалар).

2. Овқатланиш блоки билан ошхоналар бир неча муассасага ва “ташқаридан келувчиларга” хизмат кўрсатадиган қилиб кўзда тутилиши мумкин. Хоналарнинг таркиби ва майдонлари технологик асослар ва ушбу нормалар талабларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

3.87. Қишлоқ бошқарув маъмурий биноларида, идораларда хоналар бир ходимга 8-9 м² майдон тўғри келадиган қилиб, аммо хона майдони 12 м² дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилинади. Йиғилиш ўтказиладиган хона майдони, қоида бўйича, камида 30 м² майдонли бўлиши керак. Маъмурий бинода ЗАГС (15-20 м²), препарат хонаси билан қишлоқ агрокимё лабораторияси (жами 25-30 м²), алоқа бўлими жойлаштирилиши мумкин.

Ҳуқуққа оид муассасалар

3.88. Ҳуқуққа оид муассасалар: прокуратуралар, ЗАГСлар, ҳуқуқий маслаҳат, нотариал корхоналари маъмурий биноларга қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланади. (3.78-3.86 бандлар).

Судлар судьялар сони ва суд мажлислари залларининг сиғдираолишлик миқдорига қараб, судларнинг маъмурий хоналари маъмурий муассасалар майдони кўрсаткичлари бўйича назарда тутилади.

Ҳуқуққа оид муассасалар хоналарининг таркиби ва майдони лойиҳа топшириғига асосан ўрнатилади.

3.89. Суд мажлислари залининг майдони залда бир ўринга, м² :

- кичик 25-40 ўрин	- 1,7
- шундай, ўрин олди столи билан	- 2,0
- 80 дан 100 ўрингача	- 1,3
- 100 дан 200 ўрингача	- 1,1-0,9
- 200 ўриндан ортиқ	- 0,7

Эслатма: Суд мажлиси заллари қошида судья ва судланувчилар учун қўшимча хоналар, келувчилар учун кулуарлар, ашъевий далилларни сақлаш учун омборчалар ва хожатхоналар назарда тутилади.

3.90. ЗАГСлар ходимларнинг иш хоналарини, архивни, қўшимча хоналарни ўз ичига олиши керак; регистрация заллари майдони камида 24 м² бўлиши керак; тантанавор никоҳ регистрацияси учун заллар майдони 40-60 м² ли тавсия этилади. Келувчиларни қабул қиладиган иш хоналари камида 12 м² майдонли бўлиши керак. ЗАГС таркибида келувчилар учун хоналар кўзда тутилади: хожатхона, холл-меҳмонхона, куёв ва келин хонаси, қўшимча хоналари билан банкет зали. Хоналар таркиби ва майдонлари лойиҳа топшириғи бўйича белгиланади.

Қишлоқ жойларда иш майдони – ЗАГС хоналари камида 24 м², жумладан регистрация хонаси камида - 15 м² бўлиши керак.

Архивлар

3.91. Турли йўналишдаги архивлар қуйидаги хоналарни ўз ичига олади: қабулхона, ишлов бериш хонаси, ҳужжатларни комплектлаш ва сақлаш хоналари; даҳлиз ва келувчилар учун хона, ҳужжатларни нусхалаш хонаси, реставрация ва экспертиза қилиш хоналари, бошқа ишчи ва маиший хоналар. Хоналарнинг таркиби ва майдонлари лойиҳа топшириғи бўйича белгиланади. Ходимлар учун иш хоналари маъмурий бинолар учун берилган кўрсаткичлар бўйича қабул қилинади, келувчилар учун хоналар бир иш ўрни 3,0-6,0 м² майдонли бўлишидан келиб чиққан ҳолда кўзда тутилади.

Архивнинг сақлаш хонаси сақланадиган ҳужжатлар ҳажми бўйича сақлашнинг бир мингта шартли бирлигига 2,5 м² майдон ҳисобидан аниқланади.

Эслатма: Даҳлиз, хожатхоналар маъмурий бинолардаги каби қабул қилинади.

Банк муассасалари

3.92. Банк муассасалари операция кассалари сони, касса операциялари ҳажми бўйича ҳисобланади; Банкларни лойиҳалашни идоравий технологик талаблардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш керак.

Банк таркибида мижозларни қабул қилиш ва банк оператсиялари заллари, маъмуриятнинг ишлаш хоналари, касса узеллари, жумладан резерв фонди ва айланма касса омборлари, кечки касса, айланма ва кечки кассалар кассирлари кабиналари, пул санаш кабиналари, операция кассаси кабиналари, мижозлар учун пул санаш хонаси кўзда тутилади; хоналарнинг таркиби ва майдонлари технологик талаблар бўйича ўрнатилади. Касса узелларини шундай жойлаштириш керакки, қоида бўйича, биринчи қаватга, бошқа тизим булинмаларидан ажратилган ҳолда, аммо ҳисобга олиш-операция хужжатларини банкнинг керакли бўлинмалардан олиб келиш қулай бўлсин. Касса узелларидан инкасатор машинасидан қабул қилиш бокси хонасига алоқа бўлиши шарт. Омборча ва кассир кабинасидан иборат бўладиган кечки касса пул санайдиган касса, ҳамда инкасатор машинасидан қабул қилиш бокси хоналари билан қулай алоқада бўлиши шарт.

Ходимларнинг маъмурий ишлаш хоналари, санитар-маиший хоналар маъмурий муассасаларнинг типи бўйича назарда тутилади.

3.93. Операция ва касса заллари майдонлари технологик асосланиш бўйича касса операциялари ҳажмини ва 18-жадвал кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади.

18-жадвал

Хоналар	Залнинг битта тирқишига ҳисобий майдон, м ² , ишчи тирқишлар (кассалар) сони бўйича			
	Қишлоқ учун		Шаҳар учун	
	1	3	2-3	5-10
Операция зали	20-24	12	15	12-15

Кутубхоналар

3.94. Кутубхоналар китоб фондини сақлаш бирлигининг ва залларида ўқиш жойларининг сонлари бўйича ҳисобланади. Кутубхоналарнинг хоналари таркиби ва майдонлари технологик талаблар бўйича уларнинг мўлжалланган йўналиш, ихтисослашишлари ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади; таркиб ва майдонларини аниқлаш учун асосий кўрсаткичлари 19-жадвалда келтирилган.

Келувчилар учун даҳлиз ва хожатхоналар клублар муассасаларининг мос ҳисобий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда назарда тутилади. Даҳлизлар қошида устки кийим сақлаш жойи (залнинг 100% сиғдираолишлик миқдори бўйича) ва қўл ҳалта сақлаш хонаси, нусха кўчириш хизмати ва переплет-жилдлаш хоналари кўзда тутилади.

Китоб сақлаш хоналари битта ярус ёки кўп ярусли сўриларда сақлашга бўлган технологик талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланади.

19-жадвал

Хоналар	Ўлчови	Ҳисоблаш кўрсаткичи, м ²
1	2	3
Библиографик-маълумот бўлими	Бир ўқиш жойи	0,1

Хоналар	Ўлчови	Ҳисоблаш кўрсаткичи, м ²
1	2	3
Аванзал (ўқувчи кишилар учун 15-20% ўрин ҳисобидан)	-,-	1,5
Ўқиш заллари: - катталар учун умумий ва илмий-гармоқ - болалар, ёшлар - маҳсус бўлимлар - изография, нот, картография - компьютердан фойдаланиб аудиовизуал хизмат	-,- -,- -,- -,- -,-	2,4-3,0 2,0-2,5 3,0-3,5 3,5-5,0 4-6 (10-20% ўқиш ўринларига)
Абонемент (ўқувчи кишилар учун)	Бир ўқиш жойи	1,8
Кутубхоналар абонемент, комплектлаш бўлими	Хизматчининг бир иш ўрни	6,0
Хизмат ва ишлаб чиқариш	1 хизматчи	5-8
Китоб сақлаш: - ёпиқ сақлаш - очик , фонд қошига бориш мумкин ҳолда сақлаш	1000 сақлаш бирлигида шундай	2,5 5,0 (кичиклари - 4,5)
<p>Эслатма: 1. Каталоглар хонаси қуйидаги ҳисобда қабул қилинади: 1 та китоб жавони 20 минг сақлаш бирлигига (1000x500x1450 мм) 48 та яшикли -3.5 м².</p> <p>Шунингдек каталогларни электрон нусхада сақлаш учун бир компьютер иш ўрнига 4-6 м² майдон ҳисобидан жой кўзда тутилади.</p> <p>2. Суратларни тиклаш, ксеронусҳаси, фотонусҳа, переплет-жилдлаш лабораторияларини қабул қилиш: 1000 та сақлаш бирлигига - 2,0 м²; ҳар бир хона камида 12 м²; гигиеник ишлов ва реставратсия лабораториялари камида 15 м² (ҳар бирига).</p>		

3.95. Аванзал каталоглар билан ишлаш жойини, адабиёт кўргазма стенди, улашиш кафедраси ва ўқиш залига бериладиган адабиёт ишчи фонддини вақтинчалик сақлаш жойларини ўз ичига олади; аванзал майдони, қоида бўйича, камида 30 м² бўлиши шарт.

Абонемент худуди улашиш кафедраси ва китоб қабул қилиш кафедрасини ўз ичига олади, бу худуд ўқиш залидан доимий бўлмаган перегородка билан ажратилади; бўлим майдони камида 20 м² бўлиши керак.

Библиограф-маълумот бўлими: ўқувчи кишилар учун жойларни, навбатчи библиограф-маслаҳатчи жойини, китоб кўргазмаси худудини ўз ичига олиб умумий майдон камида 20 м² бўлиши керак.

3.96. Комплектлаш ва ишлов бериш бўлимида худудлар назарда тутилади: хизмат каталоглари, ходимларнинг ишлаш жойлари, китобларга ишлов бериш ва комплектлаш жойлари.

Ходимлар учун хизмат ва маиший хоналар маъмурий бинолар ҳисобий нормалари бўйича назарда тутилади.

3.97. Маҳсус ўқиш заллари ноталар, ноёб китоблар, патентлар, санъат альбомлари ва бошқа фондлар сақланадиган тегишли бўлимлар қошида жойлаштирилади; заллар майдони конкрет шароитлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Залларда компьютерлар, видеоқўриш, мусиқа ёзувларини эшитиш кабиналари жойлаштирилиши кўзда тутилади.

Кутубхоналар қошида қўшимча зал-аудиториялар, концерт заллари, фонотека, кўргазма ва музей заллари, интернет-кафе заллари ва бошқа шунга ўхшашлар назарда тутилади.

Музей ва кўргазмалар заллари

3.98. Музей ва кўргазмалар заллари экспозициялар ва вақтинчалик кўргазмалар

учун зарурий майдонларга ҳисобланади; асосий, қўшимча ва хизмат кўрсатиш хоналарининг таркиби ва майдонлари лойиҳа топшириғида берилади.

Қўшимча хоналарга қуйидагилар киради: коммуникация ва рекреация, ахборот ва маданий-оқартув йўналишига мўлжалланган (кинонутқ ва ўқиш заллари, клуб-тўғарак, кутубхона) хоналар, маъмурият ва илмий ходимлар ишлаш хоналари, экспонатларни сақлаш омборчалари, лабораториялар, устахоналар (макет, қолип, реставрация, бадиий ва бошқа хоналар).

Хизмат кўрсатиш хоналарига қуйидагилар киради: даҳлиз, устки кийим сақлаш жойи, хожатхоналар, чекиш хоналари, буфетлар, хўжалик ва техник хоналар.

3.99. Экспозиция залларини, қоида бўйича, учинчи қаватдан юқори бўлмаган қаватларда жойлаштирилади. Залларнинг режаси экспозицияларни кўришга қулай ва залларнинг шаклан ўзгартириш вариантларини бўлиши ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши шарт. Экспозиция заллари келувчиларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш хоналари, ҳамда экспонатларни экспозицияга тайёрлаш, фонд сақлаш хоналари билан қулай боғланган бўлиши керак.

3.100. Экспозиция майдони ва зал габаритлари экспонатлар габаритлари ва уларни қулай кўриш бўйича, залга келувчиларнинг сони бўйича ўрантилади. Кичик габаритли экспонатлар учун бир келувчига 6-8 м² майдон ҳисобидан 36-50 м² майдонли заллар кўзда тутилади, ўртача габаритли экспонатлар учун эса камида 60 м² майдон талаб этилади. Бош ёки “йўналтирувчи” экспонатлар қошидаги бўш майдон 6-15 м² бўлиши керак. Заллардаги ўтиш йўлаклари, қоида бўйича, камида 2.4 м кенгликда бўлиши шарт.

Кичик габаритли экспозициялар заллари баландлиги 3-3.6 м, катта габаритли суратлар галереяси заллари баландлиги 4.5 м ёки кўпроқ қабул қилинади.

3.101. Фонд сақлаш хоналари ўз ичига экспонатларни қабул қилиш, ишлов бериш ва сақлаш, илмий ходимлар ва келувчилар учун хоналарни олади. Фонд сақлаш хоналари экспонатларни сақлаш технологиясини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланади ва алоҳида секция ва ҳар хил сақлаш режимли хоналарга бўлинади.

Экспонатларни қабул қилиш хонаси вақтинчалик ва доимий сақлаш жойлари билан, изолятор ва кимёвий ишлов бериш дезокамералари билан, реставрация тажрибахоналари билан қулай боғланган бўлиши керак.

3.102. Даҳлизлар, устки кийим сақлаш жойлари, фойе, буфетлар, маълумот ва маданий-оқартув йўналишига мўлжалланган хоналар, хожатхоналар томошагоҳлар мажмуасининг ҳисобий нормаларини назарда тутган ҳолда, бир вақтда максимал келувчиларнинг 25-50% ига ҳисобланади.

3.103. Ходимлар учун маъмурият ва хизмат кўрсатиш-маиший хоналар маъмурий биноларнинг ҳисобий нормалари бўйича қабул қилинади.

Реставрация устахоналари ва лабораториялари технологик талаблар бўйича лойиҳаланади ва реставратор иш жойларини, тадқиқот ўтказиш ва экспонатларни вақтинчалик сақлаш жойларини ўз ичига олади.

Клублар, клуб-тўғарак ва студия хоналари, бўш вақтни ўтказиш марказлари

3.104. Клублар, маданият (бўш вақтни ўтказиш) уйлари ва марказлари клуб-тўғарак ва бўш вақтни ўтказиш хоналарида машғулотлар учун келувчилар ўринлари сони бўйича, томоша залларида ўриндиқлар сони бўйича ҳисобланади. Қишлоқ посёлкалари ва шаҳарларнинг клуб муассасаларида клуб-тўғарак ва студия машғулотлари, дам олиш ва ўйин-кулги хоналарининг бир вақтда сиғдираолишлик

миқдори 30-50 дан 300-500 ўрингача қабул қилинади; томоша залларининг сигдираолишлик миқдори 100-800 ўрингача.

Маданият ва бўш вақт ўтказиш марказлари клуб-студия хоналари қатори ўз ичига ҳар хил йўналишга мўлжалланган томоша залларини олади: нутқ сўзлаш, конференц-заллар, кинозаллар ва театр учун (кичик ва катта), ҳамда кўргазма ва музей мажмуалари, клуб-студия хоналарини.

3.105. Дам олиш ва ўйин-кулгилар учун хоналар, клуб-тўғарак ва студия машғулотлари учун хоналар, ахборот йўналишига мўлжалланган хоналар бир нафар шуғулланувчига ҳисоблаш майдони бўйича қабул қилинади, жумладан:

- 1 кишига стол — 3 м², компьюттери билан- 4-6 м²;

- 1 кишига, ҳайкалтарош, мусиқа ва хореография синфида, аэробика билан шуғулланувчига - 5-6 м², машғулотларнинг айрим кўринишлари учун - 7-8 м²;

Машғулотлар учун студиялар 9-12 м², педагог билан машғулотлар учун 12-15 м², иккита роялда машғулотлар учун камида - 18 м².

10-15 кишига меҳмон ва тўғарак хоналари камида 30 м², оркестр, рақс, хореография машғулотлари хоналари 50-60 м² ва кўп бўлиши шарт.

Хореография, аэробика, шейпинг, рақс заллари баландлиги камида 4.2 м, акробатика и цирк машғулотлари залларининг баландлиги – 6-8 м бўлиши шарт. Заллар қошида душхонаси билан ечиниш хоналари бўлиш керак.

Рассомлик, ганч, ҳайкалтарошлик, керамикани куйдириб ишлаш хоналари тегишли технологик жиҳозланган бўлиши зарур

3.106. Клуб мажмуаларининг даҳлиз гуруҳидаги хоналарининг таркиби ва майдонлари бир нафар келувчи ва залдаги бир ўриндиқларга ҳисобланиб, тавсиявий 10-жадвал кўрсаткичлари ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.

Маъмурият ва хизмат кўрсатиш хоналари штат кундалиги бўйича бир ходимга 6 м² майдон ҳисобидан назарда тутилади.

3.107. Клубларнинг томоша заллари 3.109 бандини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши керак. Зал, эстрада ёки сахна габаритлари лойиҳа топшириғида берилиши лозим.

100 ўринли заллардаги эстрада камида 27 м² майдонли, 150-200 ўринлилардаги залларда камида 36 м² майдон бўлиши шарт. Эстрада қошида президиум ва артистлар хоналари кўзда тутилади (15 м² дан).

Фойе ва рақс залларидаги, кичик аудитория-залларда эстрада майдони камида 12 м² (4x3 м) бўлиши керак.

3.108. Клуб, концерт ва театр залларининг томошабинлар учун хоналари томошагоҳ муассасаларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши зарур.

Томошагоҳ муассасалар – кинотеатрлар, театрлар, концерт заллари, цирклар

3.109. Театрлар, кинотеатрлар, клублар, концерт-филармонияларнинг томоша заллари 20-жадвал кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланади.

Балконли, ложали, поғонали залларнинг майдони ажратиб турувчи конструкциялар чегарасида аниқланади, жумладан: кинотеатрлар учун - эстрадани кўшган ҳолда, театрлар, концерт заллари, универсал заллар учун – эстраданинг ёки авансахнанинг олди чегарасигача (ёки оркестр чуқурлиги тўсиғигача).

Томоша залларининг ўлчамлари сахнадан яхши кўриниш ва эшитиш технологик талабларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Томоша залининг узунлиги драматик ва мусиқа-драматик театрларда сахнанинг қизил чизигидан охириги қаторгача бўлган узунлик узоклашуви - 25-27м, опера-балет театрларида 30-35 м қабул қилинади.

20-жадвал

Залларнинг номланиши	Залдаги бир ўрин ҳажми, м ³	Залдаги бир ўрин майдони, м ²
----------------------	---	---

1	2	3
Аудиториялар, конференц-заллар	4-5	1,0-1,5 дан 1,8-2,0*гача
Кинотеатрлар	4-6	0,7-1,0
Универсал ва клуб заллари, концерт заллари	4-6	0,7(0,65)* - 0,8
Драматик театрлар	4-5	0,7
Муסיқа-драматик театрлар; муסיқа комедия	5-7	0,7
Опера ва балет театрлари	6-8	0,7
* Сифдираолишлик миқдори ва столлар билан жиҳозланишига боғланган ҳолда. Қавс ичида йўл қўйиладиган параметрлар. Эслатма: Кўрсатилган катталиклардан залнинг солиштирма ҳажми кўрсаткичлари оғиши 20% га камайиш томонига - вентиляция, кондициялаштириш ҳисобларига мумкин бўлади.		

3.110. Киноэкранли томоша залларининг параметрларига талаблар тавсиявий 11-иловада келтирилган. Томошабиннинг кўриш нури йўналиши олди томонида ўтирган томошабиннинг кўзидан кўтарилиш баландлиги камида 0.06 м бўлиши керак.

Томоша залида пол нишаби (ўтиш йўлаги пандуслари) кўпи билан 1:7 қилиб қабул қилиш зарур; йўлакни поғонали қилинса поғона баландлиги кўпи билан 0.2 м бўлиши шарт.

3.111. Силжимас суянчиқли креслолар ўрнатилган томоша залларида ўтиш йўлаги кенглиги камида 0.8 м бўлиши шарт; кенгликни 0.65 м гача камайтириш 300 ўрингача бўлган кичик залларда, ҳамда ложада, балконларда, ёзги киноконцерт залларида йўл қўйилади.

Креслолар оралиқ кенглиги (суянчиқ тепа ўқлари оралиғи) камида 0.52 м, стул ва ўриндиқ кенглиги – камида 0.45 м бўлиши шарт.

3.112. Томоша залида тепа сатҳ ёки балконлар лойиҳаланишида қаторлар сони учтадан ошмаса, томошабинлар ўрни полидан шипнинг туртиб тушган конструкцияларигача баландлик камида 2.1 м, қаторлар сони учтадан кўп бўлса – камида 3.0 м қилиб белгиланиши зарур.

3.113. Кинотеатрларнинг томоша заллари параметрлари, кинопроектор типлари ва сони, кинопроекцион хоналари таркиби ва майдонлари технологик талаблар бўйича тавсиявий 11-иловани ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Кинопроекцион гуруҳлари таркибида кўзда тутилади: проекцион хонаси перемотка хоначаси билан, киномеханик комнатаси устахонаси билан, радиоузел, хожатхона; кўрсатилган хоналарнинг умумий майдони бўлиши керак: 35 мм ли фильмлар учун - 40-60 м², 70 мм ли учун - 100 м².

3.114. Театр залларида анъанавий калосникали сахналар қатори (сахна кармонлари билан, сахна коробкалари билан, ишчи галереялар ва калосникалар билан) ҳар хил типли эстрада ва сахналар (марказлашган, аренали, панорамали, айланасимон ва бошқа) қабул қилинишлари мумкин. Сахна типлари, унинг параметрлари, сахна ва калосникалар “кармонлари”нинг габаритлари технологик талаблар бўйича аниқланади.

Ўрни 300 гача кичик залларда сахналар кенглиги 12-18 м, бўйлама чуқурлиги 8-12 м, баландлиги 10-13 м қилиб қабул қилинади. Ўрни 400 ва ундан кўп залларда сахналар кенглиги камида 20 м, бўйлама чуқурлиги 12-18 м, баландлиги 18-20 м (тарҳда 6х12 м ли кармонлари ва баландлиги камида 1.9 м ли, тарҳда ўлчамлари сахна ўлчамларига тенг трюмлари билан).

Сахна ва авансахна планшети, арьерсахналар ва кармонларнинг поли бир сатҳли қилиб назарда тутилиши зарур.

Авансаҳна курилиш портали кенглиги чегараларида кўзда тутилади, авансаҳнадан иккитадан кам бўлмаган томоша залига чиқиш йўлаги назарда тутилади.

Саҳнанинг қизил чизиғи саҳна поли текислиги билан саҳна томонидан курилиш портали текисликларининг кесишган чизиғидир.

Саҳнанинг (авансаҳнанинг, эстраданинг) планшети сатҳи баландлиги биринчи қатор поли сатҳидан кўпи билан 1.1 м, 300 ўрингача бўлган кичик сигдираолишлик миқдорли залларда – 0.8 м бўлиши шарт.

Эслатма: 1. Технологик асослар бўйича қия саҳна планшетлари қабул қилиниши мумкин.

2. Намойишларда ёритиш ишларини бошқариш технологиясига мўлжалланган хоналар ва бошқалар лойиҳа топшириғида берилади.

3.115. Киноконцерт залларида, жумладан клублардаги эстрада, курилиш портали, авансаҳна ўлчамлари залнинг мўлжалланган йўналиши бўйича технологик талаблар билан, 3.114 бандни ҳисобга олган ҳолда, аниқланади.

3.116. Томошабинлар комплекси хоналари томошабинларнинг ўрни сони бўйича тавсиявий 10-иловининг кўрсаткичларига мос ҳисобланади.

Кўп залли томошагоҳлар мажмуалари учун хоналарнинг ҳисоби технологик асослар бўйича, заллардан фойдаланиш режими ҳисобга олинган ҳолда, улардан автоном фойдаланиш билан бирга амалга оширилади.

Томошагоҳлар мажмуаси таркибида ахборот ва бўш вақтни ўтказишга мўлжалланган хоналар, кўргазмалар заллари, артистлар хоналари ва бошқалар жойлаштирилиши мумкин.

3.117. Оркестр чуқурлиги параметрлари технологик талаблар бўйича берилган оркестр таркибини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади (бир оркестрантга камида 1,2 м² майдон таъминланиши ҳисобидан). Оркестр чуқурининг кенглиги камида 2.5 м, чуқурлик ўлчами камида 1.9 м бўлиши шарт.

Оркестр чуқурлигининг тўсиғи баръери баландлиги – 0.9 м. Баръердан биринчи қатор жойигача масофа - камида 0.9 м.

3.118. Артистларнинг саҳнага чиқиш олдидан кутиб туриш хонаси саҳнага ёндош жойлаштирилиши ва бир нафар артистга 1.8-2.0 м² майдон тўғри келиши ҳисобга олинishi шарт.

3.119. Артистлар учун грим хоналари қуйидаги майдон кўрсаткичларини ҳисобга олиб кўзда тутилади: хоналарда бир нафарга - 9 м² (балет, цирк артистлари учун 11), икки нафарга - 6 м² дан (балет артистлари учун 7.5 дан), уч нафарга- 4.5-5.0; 4 нафарга – 3.5-4.5; 6 нафарга – 3-3.5; 6 нафардан кўп бўлса - 3 м²/нафар.

Душхонаси билан хожатхоналар солистлар грим хоналари қошида кўзда тутилади, артистлар хоналари қошида хожатхоналар қуйидаги ҳисоб-китоблар бўйича назарда тутилади: 1 унитаз ва 1 душ 3-4 нафар артистга, юз-қўл ювиш жиҳози ҳар бир грим ва хожатхона қошида бўлиши шарт.

3.120. Студия ва репетиция заллари, уларнинг габарити, улар қошидаги қўшимча хоналарнинг таркиби ва майдонлари технологик талаблар бўйича кўзда тутилади. Драматик театрларда икки-учта репетиция заллари, мусиқа-драматик ва опера-балет театрларида учтадан кам бўлмаган репетиция заллари кўзда тутилади. Балет репетицияси ўтказиладиган хоналар баландлиги камида 4.2 м бўлиши шарт.

3.121. Маъмурият ва бадий раҳбарият, техник таъминлаш хоналари 5-6 м²/киши ҳисобидан, алоҳида кабинетлар 9÷12÷18 м² майдонли қилиб кўзда тутилади.

3.122. Технологик ва муҳандислик таъминоти хоналарининг таркиби ва майдонлари, жумладан овоз ва алоқа хоналари техник-муҳандислиги талаблари бўйича қабул қилинади.

3.123. Ишлаб чиқариш хоналарининг таркиби – устахоналарнинг, уларнинг

габаритлари ва майдонлари технологик асослар бўйича аниқланади. Устахоналарнинг баландлиги (ёғочсозлик, чилангар, матоларга чизгилар бериш, жиҳозларга қаровчи хоналари) камида 3.6 м бўлиши шарт; дастгоҳли декарацияни монтаж қилиш учун хона баландлиги сахна кармони баландлигидан кам бўлмаслиги керак. Кичик устахоналар, қоида бўйича, камида 15 м² майдонли бўлиши шарт.

3.124. Жорий репертуарнинг декарацияси омборлари сахна яқинига жойлаштирилиши керак; омборхоналарнинг баландлиги ва майдонлари технологик талаблар бўйича қабул қилинади.

3.125. Трюмларда (баландлиги 2.4 м) йиғма декорация, ёнғинга қарши дарпарда, сахна шити хоналарини жойлаштириш мумкин.

3.126. Цирк манежи (аренаси) диаметри 13 м бўлиши керак ва барьер қўринишидаги тўсиғи баландлиги ва кенглиги 0.5 м бўлиши шарт. Манежга чиқиш ўқлари бўйича тўрттадан кам бўлмаслиги зарур: асосийси артистларники ва ёрдамчилари.

Асосий чиқиш жойи қошида артистларнинг ва ҳайвонларнинг чиқишни кутиб турувчи жойи ёки хонаси кўзда тутилиши шарт (майдони технологик талаблардан олинади).

Эстрада асосий чиқиш жойи тепасига жойлаштирилади. Эстрада қошида оркестр хонаси кўзда тугилади.

Циркнинг манежи (аренаси) тепа купол ости фазоси баландлиги технологик талаблар бўйича қабул қилинади.

3.127. Циркларда ҳайвонларнинг арена қошидаги хоналари арена поли сатҳида аренага чиқиш жойига яқин жойлаштирилиши шарт; хоналар табиий нур тушиб турадиган ва ташқарига алоҳида чиқиш жойи бор ҳолда жойлаштирилиши зарур.

Устахоналар, омборхоналар, маъмурий-хўжалик, ўқув-тренировка хоналари, ҳайвонларни сақлаш хоналари технологик талаблар бўйича лойиҳа топшириғида берилади.

Савдо корхоналари

3.128. Чакана савдо дўконлари савдо залининг майдони бўйича (м²), буюртма қилиш дўконлари – кунига буюртмалар сони бўйича ҳисобланади. Дўконлар мўлжалланиши бўйича фарқланади: озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси, махсус (мол гуруҳлари бўйича), озиқа маҳсулотлари кенг ассортименти бўлган универсал ва ноозиқ-овқат маҳсулотларнинг универсал ассортименти савдоси.

Савдо залида озиқа маҳсулотларини ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини жойлаштириш амалдаги санитар нормаларга мос назарда тутилиши керак.

3.129. Дўконларнинг савдо заллари озиқ-овқатлар ва маҳсулотлар қўйилган жойга эркин бора олинadиган қилиб лойиҳаланади.

Дўконнинг савдо зали, қоида бўйича, камида 30 м² майдонли бўлиши керак. Кичик дўконларнинг блоки савдо марказлари қошида лойиҳаланса унинг савдо зали 15-25 м² майдонли бўлиши мумкин, савдо киоски харидорлар кирмайдиган ҳолларда 4-6 м² майдонли бўлиши мумкин.

Майдони 250 м² гача савдо залларининг баландлиги, сокол ёки ертўла қаватларида жойлаштирилса, тепа туртиб чиққан конструкциясигача 2.5 м бўлиши мумкин. Майдони 650 м² савдо заллари баландлиги камида 3.6 м, 1000 м² лисида – камида 4.2 м бўлиши шарт.

Эслатма: Прилавкали дўконларда прилавка орти бўйлама чуқурлиги, қоида бўйича, камида 2.4 м бўлиши шарт (девор олди жиҳози ўрни билан).

3.130. Дўконлар таркибида савдо зали қатори кўзда тутилади (куввати ва мўлжалланишларига боғлиқ ҳолда):

- хизмат бюроси, бюртма қабули ва улашиш бўлимлари, янги истеъмол молларининг намойиш зали ёки худуди;

- кафетерий-барлар ёки кафе, сақлаш камералари, хожатхоналар, болаларга хоналар ва бошқалар;

- истеъмол молларини сотувга тайёрлаш ва сақлаш хоналари (қабул қилиш ва юк тушириш хоналари, омборчалар, совитгич камералар, кесиш, комплектлаш ва бошқа хоналар);

- қадоқлаш ашёлари ва контейнерларни сақлаш хоналари, инвентархона, кирхона, жиҳозларнинг таъмирлаш устахоналари, реклама-декорация устахоналари, шиша идишлар қабули пунктлари, ювиш хоналари, чиқиндилар камералари;

- маъмурий ва маиший хоналар (идора, ёнғин-қўриқчи химоя хонаси, маиший кийим-кечак алмаштириш хоналари, душхоналар, хожатхоналар).

Хоналарнинг таркиби ва майдонлари технологик талаблар бўйича лойиҳа топшириғида берилади.

3.131. Омборчаларга кириш жойлари юк тушириш хоналари томонидан (юк қабули) назарда тутилиши зарур.

Савдо зали майдони 100 м² гача бўлган дўконларда омборчаларга юк олиб кириш савдо зали орқали бўлишига рухсат этилади.

Юк қабули-тушириш хоналари битта машина ўринга 16 м² майдон ҳисобидан кўзда тутилади. Механик воситалардан фойдаланиладиган ички йўлак кенглиги камида 1.8 м бўлиши шарт; кичик савдо объектларида 1.5 м бўлишига рухсат этилади.

3.132. Совитиш камералари маҳсулотлар тури бўйича алоҳида-алоҳида кўзда тутилади; камера майдони камида 6 м² (кенглиги камида 2.6 м) бўлиши керак. Совитиш камерасининг баландлиги камида 2.4 м бўлиши шарт.

3.133. Савдо йўналишида бўлмаган биноларнинг савдога мўлжалланган хоналари иккинчи қаватдан юқори бўлмаган сатҳларда жойлаштирилиши керак. Савдо зали майдони 100 м² бўлса, уларга кириш савдо йўналишида бўлмаган бинолар хоналарига кириш даҳлизлари орқали амалга оширилиши мумкин.

3.134. Келувчилар учун савдо-кўргазма салонлари, буюртма қабули ва тарқатиш заллари омборхона ва буюртмаларни комплектлаб ишлаб чиқариш хоналаридан алоҳида жойлаштирилиши мумкин.

Буюртмаларни қадоқлаш ва комплектлаш хоналари, маҳсулот ва истеъмол моллари сақлаш хоналари, маиший-хизмат хоналари технологик талаблар бўйича буюртмаларнинг тайёрлов ҳажмига мос назарда тутилади. Буюртмаларни комплектлаш цехларининг габаритлари қўлланиладиган жиҳозлар ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

3.135. Бозорлар таркибида назарда тутилиши керак:

- йил бўйи савдо қилинадиган савдо заллари ва устқопламаси бор сабзавотлар савдоси майдонлари (1 та савдо жойига, жиҳоз ва ўтиш йўлакларини ҳисобга олган ҳолда, 6-8 м² савдо майдони тўғри келиши зарурлиги ҳисобидан);

- харидорларга хизмат кўрсатиш хоналар (хизмат бюроси, кафетерий, бар, бошқалар);
- сақлаш хоналари: омборчалар (жумладан бокслар), совутгич камералари, совитгич жиҳози ва гўшт чопиш хоналари);

- ветеренар-санитария экспертизаси лабораториялари – гўшт ва сут-мой маҳсулотлари учун алоҳида-алоҳида (кўздан кечириш, лаборатория, изолятор, қайнатиш, совитиш ва бошқалар);

- ёрдамчи хоналар (торози хоналари, касса аппарати, инвентар, махсус кийим-бош, ювиш, таъмир устахонаси хоналари);
- ходимлар учун маъмурий-хизмат ва маиший хоналар (идора, ёнгин-қўриқлаш ҳимояси, маиший кийим-кечак алмаштириш хоналари билан, хожатхоналар, душхоналар);
- тара ва контейнерларнинг сақлаш жойлари, чиқинди ёқигич, бозор ичи транспорти ва тозалаш мошиналари, жамоат хожатхоналари.

Хизмат кўрсатиш элементлари таркиби, хоналарнинг таркиби ва майдонлари технологик асослар бўйича лойиҳа топшириғида берилади (махсулотларнинг сотилиш ҳажми, сақлаш ҳажми ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда).

Лойиҳа топшириғида бозор мажмуаси таркибига ҳар хил қўшимча объектлар киритилади: дўконлар, жамоат овқатланиши корхоналари ва маиший хизмат, меҳмонхоналар (четдан келганлар уйлари), бошқалар.

Савдо жойлари 150-250 та бўлган ўрта қувватлик ёпиқ бозорлар таркиби тавсиявий 13-иловада келтирилган.

3.136. Бозорларнинг савдо заллари ва сабзавотлар савдоси тепа қопламали майдонларининг габаритлари технологик талаблар бўйича савдо жойларини рационал жойлаштиришни, шамоллатиш ва ёритишни, ўтиш йўлакларини ва тележка ёки автотранспорт йўлларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади.

Бозор заллари махсулотлар юк тушириш ва сақлаш жойлари билан қулай боғланган бўлиши керак. Ҳар хил к/х истеъмол моллари савдоси майдонларининг нисбати маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

Ўтиш йўлакларининг кенглиги эвакуация талабларига ва махсулотларни савдо жойларига олиб ўтиш талабларига жавоб бериши шарт. Бозорнинг марказий ўтиш йўлаги кенглиги камида 2.8 м, иккинчи даражали пештахта йўлаклари оралиғи кенглиги камида 1.8 м бўлиши керак; пештахта билан орқа девор оралиғи камида 1.5 м бўлиши шарт.

Ерости ҳосили билан савдо қилинадиган зал (ёки бўлим) асосий залдан алоҳида ва юк тушириш жойига тўғридан тўғри бириктирилган бўлиши зарур.

3.137. Юк тушириш жойи бир машина ўрнига 16 м² майдон зарурлиги ҳисобидан назарда тутилади. Юк тушириш жойи билан омборчаларни ва совитгич камераларни боғловчи йўлак кенглиги камида 1.8 м бўлиши керак.

3.138. Мавсумий сабзавот савдоси ташкил этиш учун қаттиқ пол қопламали ва усти ёпиқ савдо қилиш майдонлари кўзда тутилади. Савдо жойи яқинида сабзавотларни ювиш жойи, қўл ювиш жиҳози ва ичимлик сув фаворачаси кўзда тутилган бўлиши керак. Савдо майдонидаги ўтиш йўлаклари 3.136 бандни ҳисобга олган ҳолда назарда тутилади.

Хожатхоналар, қоида бўйича, алоҳида жойлашган блокларда назарда тутилади.

Жамоат овқатланиши корхоналари

3.139. Жамоат овқатланиши корхоналари ихтисослашуви бўйича фарқланади – ошхоналар, ресторанлар, кафелар, газакхоналар, кафетерийлар, барлар ва бошқалар; сиғдираолишлик миқдори савдо (овқатланиш) залларидаги ўриндиқлар сони бўйича аниқланади; мавсумий сиғдираолишлик миқдорини ошириш ёпиқ террасалар (айвонлар), ободонлаштирилган очик майдонлар (тепа қопламали, тентли ва бошқалар) ҳисобига кўзда тутилади.

3.140. Савдо ёки овқатланиш залининг майдони (овқат улашиш жойидан ташқари) залда бир ўриндиққа қуйидаги кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда

ҳисобланади, м²:

- ресторанларда 1,8, эстрада ва ракс майдончаси кўзда тутилса - 2,0;
- ошхоналарда ва умум типли кафеларда, корхоналарнинг ва олий ўқув юртларининг ошхонасида - 1,6-1,8;
- тезкор хизмат кўрсатувчи корхоналарда, барларда - 1,2-1,3(1,4);
- ўрта-махсус ўқув муассасаларидаги ошхоналарда - 1,3;
- мактаблар (интернат-мактаблар) ошхоналарида - 0,7-0,8;
- болалар соғломлантириш оромгоҳларидаги ошхоналарда - 1,0; санатория оромгоҳларида - 1,4;
- санатория пансионат ошхоналарида - 1,6-1,8;
- туристлар ва дам олиш базалари ошхоналарида - 1,4;
- даволаш ва стационарли ижтимоий муассасалар қошидаги ошхоналарда - 1,8, ногиронлар кресло-аравачаларида қатнайдиған залларда - 2,2-2,5.

Эслатма: Махсулаштирилган залларда ностандарт жиҳозлар қўлланилса, ракс майдони жойлаштирилишида майдон ва баландлик конкрет шарт-шароитлар бўйича ўрнатилади.

3.141. Овқатланиш корхоналарининг заллари баландлиги ҳар бир сигдираолишлик миқдори бирлигига 4-5 м³ ҳаво ҳажми мухити таъминланишини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши шарт.

Ўриндиғи 50 тагача бўлган кичик заллар баландлиги 2.8 м қабул қилиниши мумкин, заллар цокол қаватида жойлаштирилса -2.5 м шипдан пастка туртиб чиқиб турувчи жойгача.

3.142. Жамоат овқатланиши корхоналари таркибида қуйидаги хоналар гуруҳи назарда тутилади:

- мижозлар учун – даҳлизлар ва аванзаллар, савдо заллари, буюртмалар бўлимлари, пишириқлар савдоси бўлимлари, кийим-кечак алмаштириш хоналари ва хожатхоналар;
- ишлаб-чиқариш хоналари – махсулотларни қайта ишлаш цехлари (хом-ашъёга ишлашда) ёки охирги тайёрлов цехлари (полуфабрикатга ишлашда), ювиш хоналари, овқат улашиш жойлари ва бошқалар;
- омборхона-юк тушириш хоналари, омборчалар, совитгич камералари, тара ва инвентарлар камералари, чиқиндилар камераси ва бошқалар;
- маъмурий-маиший хоналар – идоровий ва ходимлар учун маиший, жумладан кийим-кечак алмаштириш хоналари, хожатхоналар гигиена кабинаси билан, душхоналар, кирхоналар ва бошқалар.

Хоналарнинг майдонлари технологик талаблар бўйича тавсиявий 14-илова кўрсаткичлари ҳисобга олинган ҳолда ўрнатилади.

3.143. Мижозлар учун хоналар бошқа ишлаб чиқаришга мўлжалланган хоналарнинг гуруҳидан ҳар томонлама изоляцияланган бўлиши керак. Устки кийим ечиш жойи, хожатхонаси бор даҳлиз ва аванзал залнинг сигдираолишлик миқдорини ҳисобга олган ҳолда назарда тутилади, бу ҳолда даҳлиз (устки кийим ечиш жойисиз), ҳамда аванзал камида 12 м² майдонли бўлиши шарт (ҳар бир хона).

Пишириқлар сотиш дўконларига (ёки бўлимлари), ҳамда ичимлик ва музқаймоқ барларига алоҳида кириш жойи бўлиши шарт.

3.144. Овқат пишириш цехлари хоналарининг баландлиги, қоида бўйича, уларга ёндош савдо заллари хоналарининг баландлигидан кам бўлмаслиги керак.

Даҳлизлар, кийим-кечак алмаштириш хоналари, хожатхоналар, овқат пиширилмайдиган махсулотларни қайта ишлаш цехи, ювиш хонаси, омборхоналар, маъмурий-маиший хоналар, ёрдамчи хоналар баландлигини 2.5 м қилиб белгилаш

мумкин.

3.145. Ўрни 100 ва ундан ортиқ овқатланиш корхоналари биноларида юк жойлаш хонасига кириш жойи ходимлар учун кириш жойидан алоҳида бўлиши шарт.

3.146. Овқатланиш блокларида ички йўлаклар кенлиги камида 1.5 м, механизациялашган воситалардан фойдаланилса камида 1.8 м бўлиши керак.

3.147. Совитиш камералари камида 6 м² майдонли бўлиши керак ва технологик талаблар бўйича сақланадиган махсулотларнинг тури ва ҳажмини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади (баландлиги камида 2.4 м).

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари

3.148. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари иш ўринлари сони (қабул қилувчиларни кўшиб) бўйича ҳисобланади ва қуйидаги хоналарни ўз ичига олади:

- мижозлар учун: даҳлиз, буюртмалар қабули ва улашиш хонаси, саргарошхона салонлари, намоиш ва кўргазмалар заллари, кийиб кўриш хоналари, суратхоналар ва бошқалар;
- ателье ва устахона ишлаб чиқариш (иш) хоналари, бошқалар;
- ёрдамчи-омборхоналар (ашъёлар, инвентарлар, тайёр буюмлар);
- маъмурий ва маиший хоналар: идора, кийим-кечак алмаштириш хоналари ва маиший хоналар, души билан хожатхоналар.

3.149. Даҳлиз ва мижозларнинг қабул қилиш хоналари майдонлари бир нафар қабул қилувчига камида 12 м², қабул қилишни ва буюртмани бажаришни бир хонада амалга оширилса - 15 м² бўлиши шарт.

Кутиб туриш жойлари бир нафар мижозга 2-3 м² майдон тўғри келиши ҳисобидан назарда тутилади. Ательеларда даҳлиз қошида кийиб кўриш кабинасини жойлаштириш кўзда тутилиши керак (1.7x2.0 м).

Саргарошхона ва гўзаллик салони залларида бир иш ўринга камида 6 м², маникюр залида - 5 м², косметика ва педикюр кабинетларида - 8-9 м² ҳисобларидан майдонлар назарда тутилади, бу ҳолда алоҳида хона майдони камида 12 м² бўлиши шарт.

Устахоналар майдони – майда таъмирлаш, тикув хоналари бир иш ўрнига камида 6 м², катта габаритли маиший техника таъмири учун - 8-9 м² бўлиши керак. Устахона майдони, қоида бўйича, камида 15 м² бўлиши зарур.

Хонадонларни таъмирига, мебел тайёрлашга, кийим тикишга, оёқ кийим тикишга, трикотаж буюмларига буюртма олиш бюрolariда 25-30 м² ва ундан кўп бўлган майдонли кўргазмалар залини кўзда тутиш тавсия этилади. Моделларни намоиш этиш учун подиуми бор кўргазма заллари майдони камида 60 м² бўлиши шарт.

Эслатма: 1. Ишлаб чиқариш ва омборхоналар хоналари габарити ва майдонлари технологик талаблар бўйича қабул қилинади.

2. Комплекс хизмат кўрсатиш корхоналари таркиби ва майдонлари технологик талаблар ва ҳисоб-китоб орқали аниқланади.

3. Катта габаритли маиший техника таъмири устахоналари, мебел таъмири ёки тайёрланиши хоналари, транспорт воситалари таъмири ва хизмат кўрсатилиши хоналари ишлаб чиқариш биноларининг норматив талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши зарур.

3.150. Маъмурий-маиший хоналарнинг таркиби, бир сменада банд иш жойлари сонини ҳисобга олган ҳолда, маъмурий муассасаларнинг ҳисобий нормаларига мос, ишлаб чиқариш цехлари учун ШНК 2.09.04 ни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

Ҳаммомлар ва хаммом-соғломлантириш мажмуалари

3.151. Ҳаммомлар ва хаммом-соғломлантириш мажмуалари ювиниш-душхона ва буғли, ҳамда индивидуал хоналардаги жойлар сони бўйича ҳисобланади. Ҳаммомлар

ва ҳаммом-соғломлантириш мажмуалари хоналари таркиби ва майдонлари технологик асослар бўйича 21-жадвални ҳисобга олган ҳолда лойиҳа топшириғида берилади; таркибига ҳар хил типли буғли хоналар (миллий, туркча, финларники, русларники), соғломлантириш душлари ва ванналари (миниралли, игнабаргли, бошқалар), массажхона, гўзаллик салони, сарторошхона, бадан қорайтириш, чой ичиш, фитобар ва бошқа хоналарни олади.

Ўз ичига соғломлантириш душларини, ванналарни, массажхоналарни, сауналарни, бассейнларни оладиган соғломлантириш бўлимларининг хоналари технологик талаблар бўйича амалдаги лойиҳалаш нормаларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланади.

Эслатма: 1. Ечиниш хонаси, ювиниш хонаси (ёки душхона), ва буғли хона ўзаро нисбатлари технологик ҳисоб-китоблар бўйича аниқланади (нотекис фойдаланишликни ҳисобга олган ҳолда).

2. Сиғдираолишлик миқдори 20 ва ундан ортиқ жой бўлган ҳаммомлар, қоида бўйича, икки бўлимли бўлиши керак (эркак ва аёллар бўлимлари); 20 тагача жойли ҳаммомлар бир бўлимли навбат билан фойдаланиладиган бўлиши мумкин (аёллар ва эркалар учун).

- 21-жадвал

Хоналарнинг номланиши	Ўлчаниши	Майдони, м ²	
		Ҳисобий бирлигига	Жами, м ² , камида
1. Кийим-кечак алмаштириш хоналари билан дахлиз	1 ўринга	0,35 (50 ўрингача 0,45)	12
2. Гигиеник хоналар:			
- ечиниш	“	0,75-0,8(1,0)	12
- ювиниш	“	2,4-2,2	15
- душхоналар (очиқ кабиналар)	“	2,2-2,5 (кабина 1,1x1,1)	15
- ваннли кабинлар (ёпиқ)	1 кабинага	4,8	
- ёпиқ ечиниш хонаси билан душ кабинлари	шундай	(кабина 2,5x1,35)	
3. Сауна-буғли хона	хона	4,0-10,0	-
<p>Эслатма: 1. Ечиниш хоналари қошида хожатхоналар жойлаштирилиши шарт (20 ўринга битта сан жихоз, аммо ҳар бир ечиниш хонаси қошида биттадан кам эмас).</p> <p>2. Сауна хоналари таркиби ва майдонларига талаблар 3.156 бандида келтирилган. Кўп ўринли буғли хоналарнинг (финларники, русларники, туркларники) габаритлари ва майдонлари технологик шартлар бўйича қабул қилинади.</p> <p>3. Ванна ва души бор алоҳида кабиналар қошида кабина-сауналар назарда тутилиши мумкин; бунда ечиниш хонаси майдони камида 6 м² (дам олиш жойи билан) бўлиши шарт.</p> <p>4. Қўшимча ва ёрдамчи хоналар, жумладан омборчалар, инвентар хоналари, кирхоналар, ходимлар учун хожатхона ва душхонаси билан маиший хоналар барча типдаги ҳаммомларда бўлиши шарт (таркиби технологик асослар бўйича аниқланади).</p> <p>5. Тезкор кир ювиш хоналари камида 50 ўринли ҳаммомларда бир ўринга бир сменада 1.0-1.5 кг курук кир тўғри келиши ҳисобидан кўзда тутилиши мумкин; ечиниш хонасидан кир кийимни кир ювиш хонасига узатиб юбориш жойи назарда тутилиши мумкин. Кир ювиш хонасининг қуввати, хоналарининг таркиби лойиҳа топшириғида берилади.</p>			

3.152. Умумий буғли, ювиниш, душхона ва хожатхоналарга кириш жойлари ечиниш хоналаридан тамбур орқали назарда тутилиши шарт. Буғли хонага кириб чиққандан сўнг ечиниш хонаси майдонида дам олиш жойи ташкил этилиши мумкин (умумий майдони камида 12 м², индивидуал ечиниш хонасида камида 6 м²).

3.153. Санитар ўтказиш хоналари сифатида фойдаланиладиган, сиғдираолишлик миқдори 50 ва ундан ортиқ жойли, ҳаммомларни лойиҳалашда назарда тутилиши зарур:

- ювиниш ва душхоналарда аёллар ва эркалар бўлимлари орасида қўшимча

эшиклар;

- ювиниш хонасида махсус чайиниш душлари–ўриндиқлар ораси ўтиш йўлагига;
- ювиниш ва душхонадан санитар ўтказиш ечиниш хонасининг тоза ярмига чиқишда – қўшимча чайиниш душли қурилмалари;
- хоналарни ва жиҳозларни даврий дезинфекция қилиш учун қурилмалар;
- жойи 200 ва ундан ортиқ ҳаммомларда – стационар дезинфекция камералари;

кир кийимларни қабул қилиш ва ювилганларини улашиш хоналари, мос равишда, ечиниш хоналарига ёндош жойлаштирилиши шарт.

3.154. Намлик режимида фойдаланиладиган хоналарни бошқа режимда фойдаланиладиган хоналар уст қисмига жойлаштириш мумкин эмас. Тўсиб турувчи конструкциялар намликдан ишончли изоляция билан таъминланиши шарт. Нам ва ҳўл хоналарнинг дераза тирқишлари ост қисми пол сатҳидан камида 1.2 м баландликда бўлиши шарт.

“Ҳўл” (нам) фаолиятли хоналарнинг поллари ва пардози сувга бардошли, нам олмайдиган ва биочидамли ашъёлардан назарда тутилиши зарур.

3.155. Соғломлантириш муолажалари учун хоналар амалдаги лойиҳалаш нормаларини ҳисобга олган ҳолда назарда тутилади.

Соғломлантириш души ва ванналари хоналари 21-жадвални ҳисобга олган ҳолда ва ШНК 2.08.03 га асосан қабул қилинади.

Бадан қорайтириш ва массаж хоналари камида 14 м², косметика кабинети камида 12 м², шифокор-маслаҳатчи кабинети - 12-16 м², даволаш бадан - тарбия кабинети (тренажор хонаси) – камида 20 м² майдонли бўлиши керак.

Аёллар ва эркаклар залларини, маникюр ва педикюр кабинетларини ўз ичига олувчи гўзаллик салони, сарторощхоналарнинг майдонлари нормаларни ҳисобга олган ҳолда назарда тутилади. Фитобар 1,2-1,3 м² майдон бир мижоз ўринига ҳисобланиб кўзда тутилади; фитобар қошида сув тушиш жиҳози бор ёрдамчи хона бўлиши шарт. Кафетериялар, чойхоналар амалдаги нормалар бўйича лойиҳаланади.

3.156. Сауна хоналарининг мажмуаси таркибига, қоида бўйича, қуйидаги хоналар назарда тутилади: ечиниш хонаси, дам олиш хонаси, душхона, хожатхона, буғли-сауна, бассейнли хона (хоналарнинг майдони – технологик асослар бўйича). Битта хонада дам олиш худудини ва микробассейнни жойлаштиришга йўл қўйилади. Буғли-сауна қурилмасига бўлган талаблар 2.77 бандида.

Буғли-саунада поғоналар ёғочдан, деворлар ёғоч ашъёсидан (қайин, жўка, тоғтерак, тилоғоч) бўлиши керак.

3.157. Майдони 25-30 м² и ундан кўп бассейнларнинг ванналари баландлиги камида 3.6 м бўлган залларга жойлаштирилиши шарт; Ванналар ихтиёрий шаклда ва чуқурликда бўлиши мумкин. Бассейн ваннасининг периметри бўйича камида кенглиги 1 м ли айланиб юриш йўлакчаси кўзда тутилади. Бассейн хонасига кириш жойи буғли, ювиниш ва душхона яқинида тамбур орқали жойлаштирилади; бассейн хонасига ўтиш йўли оёқ ваннаси орқали бўлиши керак.

Ўлчами 6x10 м ва ундан ортиқ ванналар соғломлантириш машғулотлари учун бассейнларга қўйиладиган норматив талабларни ҳисобга олган ҳолда, ёрдамчи ва техник хоналарни қўшиб лойиҳаланиши шарт.

Кир ювиш ва кийимларни кимёвий тозалаш хоналари

3.158. Кир ювиш хоналари қуввати бўйича – бир сменада ювиладиган кирлар сони (кг) бўйича ҳисобланади.

Кир ювиш хоналари тақибда назарда тутилади: кир қабули, ювиш цехи, қуритиш

ва дазмоллаш, тахлаш ва қадоқлаш, тоза кийимларни сақлаш ва топшириш, омборчалар хоналари, (жумладан ювиш воситаларини сақлаш), ходимлар учун маъмурий-маиший хоналар (жумладан хожатхона душхонаси билан), таъмирлаш-механик пункти. Мижозлар учун хона камида 12 м² бўлиши шарт. Ташқи кириш жойлари кир топшириш ва тоза кийимларни қайтариб олиш учун алоҳида бўлиши керак, бунда тоза ва кир кийимлар потоки кесишмаслиги зарур.

Хоналарнинг тахминий умумий майдонлари қуйидаги ҳисоб-китоб бўйича қабул қилинади: бир сменада 125 кг гача кир ишлаб чиқариш унумдорлиги бўлганда - 0,8 м²/кг , 250 кг гача - 0,5 м²/кг ишлов бериладиган кирларга.

Бир сменада 125-250 кг кир ишлаб чиқариш унумдорлиги бўлганда ювиш цехи баландлиги камида 3.6 м , сменада 500 кг кирга – камида 4.2 м бўлиши шарт.

Лойиҳалашда жиҳозларни жойлаштиришга технологик талаблар, ҳамда ишлаб чиқариш биноларига қўйиладиган қурилиш нормалари ҳисобга олинади.

3.159. Кимёвий тозалаш корхоналари ва пунктлари қабулхоналари сменада ишлов бериладиган кийимлар ҳажми бўйича кг га ҳисобланади. Қабул қилиш пунктлари таркибида: қабул қилиш ва кийимлар қайтарилиши худудлари билан даҳлиз, ходимлар учун маъмурий-маиший хоналар (жумладан хожатхона души билан), кийим сақлаш хоналари, инвентар хоналари бўлади. Мижозлар учун хона майдони камида 12 м² бўлиши керак.

Кийимларни кимёвий тозалаш корхоналарининг ишлаб чиқариш хоналари технологик талаблар бўйича назарда тутилади; тахминий умумий майдон ҳисоб-китоб бўйича қабул қилинади: қуввати сменада 50 дан 150 кг гача кийимлар 1.4 м² бир кг га, 150 кг дан кўп бўлса - 1,0 м² бир кг га, омборчаларнинг майдонлари 1 кг га 0.1 м² майдон ҳисобидан назарда тутилади.

Илова: Корхона классификацияси Ф 5.1 ва Ф 5.3 бўлганда ишлаб чиқариш корхоналари учун амалдаги нормаларга мос (портлаш-ёнғин хавфи категориясини ҳисобга олган ҳолда).

Меҳмонхона корхоналари

3.160. Меҳмонхона бинолари, мотеллар, кемпинглар вақтинчалик яшаш учун жойлар сони бўйича ҳисобланади.

Комфорт яшаш ва комфорт хизмат кўрсатилиши бўйича разрядланишни ҳисобга олган ҳолда меҳмонхона корхоналарининг асосий типлари (хизмат кўрсатиш ва жиҳозланиш таркиби бўйича) 22-жадвалда келтирилган.

Яшаш шароитини разрядланиши бўйича номерлар типлари 23-жадвалда берилган. Бунда бир бинода яшаш шароитининг комфорт даражаси ҳар хил бўлган номерлар қабул қилиниши мумкин.

Меҳмонхона корхоналарининг сигдираолишлик миқдори ва разрядланиши, жумладан ҳар хил комфортлилик даражаси нисбатлари, маданий-маиший хизмат элементлари таркиби, технологик таъминланиши лойиҳа топшириғида берилди; бунда меҳмонхоналарни ҳалқаро классификациялаш бўйича тахминий кўрсаткич ва тавсифларидан фойдаланиш мумкин – “юлдуз” лар сони бўйича (тавсиявий 16-иловага қаранг).

Олий разрядли меҳмонхоналарни асосий кўрсаткичлари ва тавсифлари бўйича 5-4 “юлдузли” га, I разрядли меҳмонхоналарни 4-3 “юлдузли” га, II разрядли меҳмонхоналарни 3-2 “юлдузли” га яқинлаштириб лойиҳалаш тавсия этилади.

Сигдираолишлик миқдори 200 ва ундан кўп ўринли меҳмонхоналар, қоида бўйича, олий разрядли, яшаш comfortи юқори даражада бўлиши шарт – хизмат кўрсатиш элементлари таркиби оширилган ҳолда; 100 ўринга - I разряддан қуйи

бўлмаган, 50 ўринга - II разряддан кам бўлмаган ҳолда.

III разрядли корхоналарда яшаш комфорти 23-жадвалга мос ҳолда таъминланади, хизмат кўрсатиш таркиби маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади, IV разрядли корхоналарда умумий хожатхона ва душхоналар бино қаватларида ёки алоҳида турувчи санитар блокларда жойлаштирилиши мумкин, минимум хизмат кўрсатиш турлари таркиби кўзда тутилишига йўл қўйилади, жумладан ошхона блокларида мижозларнинг ўзлари таом тайёрлашлари мумкин.

22-жадвал

Корхона типлари	Разрядлари
Умумий типли, курортдаги, туристик меҳмонхоналар	Олий (люкс), I, II, III
Автотуристлар меҳмонхона корхоналари - мотеллар	I, II, III, IV
Кемпинглар (кўпроқ автотуристлар учун мавсумий “лагер-машина кўноқлари”)	III, IV
Эслатма: Разрядланиш яшаш комфортини ва маданий-маиший хизмат элементларининг таркибини акс эттиради. Меҳмонхоналарда, мотелларда ва кемпингларда яшаш учун ҳар хил разрядли, ҳар хил яшаш комфорти даражали номерлар кўзда тутилиши мумкин.	

23-жадвал

Разряд	Номердаги жойлар сони	Номердаги комнаталар сони	Номернинг яшаш майдони, м ² *	Санитар-техник жиҳозлари
Олий (люкс)	1	1	16-18	Ванна, юз-қўл ювиш, унитаз, бидэ, сочиқ қуритиш
	2	1	18-20	
	2	2	30-40	
	2	3	40-60	
I	1	1	14-16	Ванна (ёки душ), юз, унитаз, сочиқ қуритиш
	2	1	16-20	
	2	2	25-35	
II	1	1	9-12	Душ, юз-қўл ювиш, унитаз
	2	1	12-14	
	2	2	22	
	3	2	25	
III	1	1	9	Душ, юз-қўл ювиш, унитаз
	2	1	12-14	
	3	1	15-18	
IV	1	1	9	Душ, юз-қўл ювиш, унитаз (номерлар гуруҳига рухсат этилади)
	2	1	12-14	
	3	1	15-20	

* Яшаш комнатаси майдони жавон қўйилган жойни ҳисобга олмаган ҳолда берилган.

Эслатма: номернинг яшаш майдони, комнаталар сони, хожатхоналар жиҳози ва кириш жойи лойиҳа топшириғида берилади.

3.161. Даҳлиз хоналари гуруҳи таркибига киритилади: регистрация худуди, маъмурият ва порте хоналари, швецар ва юк ташувчи хоналари, юк сақлаш, хужжатлар ва қимматбаҳо нарсаларни сақлаш, хожатхона ва бошқа хоналар киради. Даҳлизларда қабул қилиш ва маълумотлар худудчалари, дам олиш ва кутиш жойлари, валюта айирбошлаш пунктлари, алоқа пунктлари, транспорт ва туристик агентлиги пунктлари, газета, журнал, китоблар, сувинирлар, парфюмерия ва бошқалар учун киосклар назарда

тутилади.

Даҳлиз хоналари гуруҳларининг умумий майдони 24-жадвал кўрсаткичларидан аниқланиши мумкин.

24-жадвал

Меҳмонхона корхоналари типлари	Майдони, м ² , ўринлар сони бўйича								
	15	25	50	100	200	300	400	500	800
Меҳмонхоналар ва мотеллар	2,35	1,8	1,5	0,9-1,2	0,9-1,2	1,2-1,3	1,25	1,15-1,23	1,0-1,2
Кемпинглар	2,0	1,5-1,6	1,0	0,8-0,6	0,4-0,5	0,3	0,25	0,22	
Эслатма: хоналарнинг таркиби ва майдонлари технологик асослар бўйича лойиҳа топшириғида берилади.									

3.162. Яшаш учун хоналар – яшаш номерлари “шовкин” режимли (ресторанлардан, кафедан, конгресс-залдан, томоша хоналаридан, бассейнлардан ва бошқа) хоналардан функционал алоҳидалаштирилган ҳолда жойлаштирилиши шарт.

Яшаш хонаси кенглиги камида 2.4 м, бўйлама чуқурлиги – кўпи билан 6 м бўлиши керак. Бир кишига мўлжалланган яшаш хонасининг майдони камида 9 м², тавсия этилиши 10-12 м², икки кишилик учун – камида 12 м².

Кириш олди жойи кенглиги, қоида бўйича, камида 1.2 м бўлиши шарт. Номерга кириш эшиклари кенглиги камида 0.9 м зичланиб ёпиладиган притворли бўлиши керак.

Олий комфортли номерлар бир неча қаватли жойлаштирилиши мумкин, бунда ички зинапоялар назарда тутилади (квартира ичи типиди), дам олишга мўлжалланган фойдаланиладиган том ости қисмларига чиқиш жойи назарда тутилиши мумкин.

Ҳар хил комфортли номерлар қошида ошхона-бурчаги (электр плитали) кўзда тутилиши мумкин.

Номерлар қошида ёзги хоналар маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда кўзда тутилади.

IV разрядли меҳмонхона корхоналари учун қаватдаги яшаш хоналари гуруҳига умумий хожатхоналар ва душхоналар кўзда тутилиши мумкин.

Эслатма: 1. Кўзгалмас жавон ўрнатилган номерлар жиҳозланиши маҳаллий шароитлар бўйича кўзда тутилади.

2. Кресло-аравадаги ногиронларни жойлаштириладиган номерлар ўлчамлари ва майдонлари, жиҳозлари ШНК 2.07.02 га мос бўлиши керак.

3. Кемпинг номерлари, қоида бўйича, бир-икки қаватли блок-биноларда назарда тутилиб, жойларнинг қисмида трейлерлар, палаткалар кўзда тутилади.

3.163. Яшаш блокларининг қаватларида ёрдамчи хоналар кўзда тутилади: дам олиш ва суҳбатлашиш холлари, буфет-кафетерий, кир жавони бўлган ходимлар комнатаси, кийимларни тозалаш ва дазмоллаш хонаси, инвентар хона, кир ювиш хонаси (таркиби технологик асослар бўйича).

Эслатма: 1. Холлар, қоида бўйича, ҳар бир қаватда бўлиши керак.

2. 60-100 та номерга ёрдамчи хоналар (6-10) ҳар бир қаватда ёки қават ташлаб назарда тутилади; умумий майдони камида 50 м² бўлиши мумкин (холлар ҳисобга олинмаган ҳолда).

3.164. Жамоат овқатланиш корхоналарининг – ресторанлар, барларнинг умумий сиғдираолишлик миқдори, қоида бўйича, меҳмонхонанинг сиғдираолишлик миқдоридан кам бўлмаслиги шарт.

Жамоат овқатланиш корхоналарининг – ресторанлар, барлар, кафелар, кафетерийларнинг умумий сиғдираолишлик миқдори ва типлари маҳаллий шароитлар бўйича аниқланади; лойиҳаланиши технологик асослар ва амалдаги нормалар бўйича амалга оширилади.

Эслатма: шаҳарда (аҳоли пунктида) яшовчиларга мўлжалланган кафе, ресторанлар ва барларнинг кўча томондан кириш жойлари бўлиши керак (мос равишда устки кийим ечиш жойи бор дахлизи, хожатхонаси назарда тутилади).

3.165. Ўз ичига сарторошхонани ёки гўзаллик салонини, кимёвий тозалаш ва кир ювиш хоналарини, кичик тезкорликда оёқ кийим, кийим-бош, чармгалантерияси ва соат таъмирлаш хоналарини, фото ишлар буюртмаси хонаси, туристик инвентар прокати хонаси, соғломлантириш хизматлари кўрсатиш хоналарини (саунали хоммом-соғломлантириш, массаж, бадан қорайтириш, бассейн ва бошқалар) оладиган маиший хизмат кўрсатиш хоналари технологик асослар бўйича, сиғдираолишлик миқдорларининг бирлигига тахминий умумий майдон кўрсаткичи камида 0,3-0,5 м² бўлишини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади.

Маданий-ахборот ва ўйин-томоша йўналишларига мўлжалланган хоналар таркиби: ахборот маказлари, кутубхона-ўқиш хоналарини, интернет-кафеларни, конференс-залларни, артистлар хонаси бўлган киноконцерт залларини, бильярд хоналарини, кегли ўйини учун хоналарни, дискотекларни ва бошқаларни ўз ичига олади. Кўрсатиб ўтилган хоналарнинг умумий майдонлари сиғдираолишлик миқдорининг бирлигига камида 1,55-1,8 м² тўғри келиши ҳисобидан қабул қилиниши мумкин.

Мавсумий фойдаланиладиган кемпингларда маданий-маиший хизмат хоналарини ёзги павильонларда, очик майдончаларда жойлаштирилиши мумкин.

3.166. Асосий гуруҳлар ёки блоклар хоналари орасида очик алоқа бўлишини назарда тутиш мумкин; жумладан мотелларда ва кемпингларда алоҳида санитар-техник блокларини жойлаштиришга рухсат этилади (хожатхоналар, юз-қўл ювиш хоналари, душхоналар) ва бошқалар.

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш пунктлари таркиби ва майдонлари лойиҳа топшириғида берилади (технологик асослар ва амалдаги лойиҳалаш нормалари бўйича).

Турар-жойдан фойдаланиш хизмати ташкилотлари

3.167. Турар-жойдан фойдаланиш хизмати ташкилотлари (квартирали турар-жойларга хизмат), жумладан турар-жой мулкдорлари ширкати идоралари, маъмуриятга ва жамоага мўлжалланган хоналарни ўз ичига олади (уйга оид хоналар, болалар учун клубларни, оммавий тадбирлар, мажлислар залларини, ҳамда муҳандис-техника хизмати хоналарини (устахоналар ва омборхоналар). Хоналарнинг таркиби ва майдонлари турар-жой биноларига хизмат кўрсатиш фондини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий шароитлар бўйича лойиҳа топшириғида кўрсатилади (1 минг кишига камида 18 -25 м² ҳисобидан).

Турар-жой идораларининг хоналари майдони камида 12 м², оммавий тадбир ва мажлислар зали майдонини камида 30 м², жамоага мўлжалланган хонани (тўгарак-клуб) – камида 20 м²; хоналар таркибида қўл ювиш жиҳози бор хожатхона бўлиши керак (ёки иккита хожатхона – аёллар ва эркеклар учун).

Маъмурий-жамоат хоналари турар-жой мавзейларининг маҳаллий марказлари таркибига киради – “маҳалла”; бунда хоналарнинг таркиби ва майдонлари маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони бўйича, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш, хизмат кўрсатиш функцияларининг ривожланиш даражаси бўйича 1 минг кишига камида 30-60 м² майдон ҳисобидан ўрнатилади.

Ёрдамчи хўжаликка оид ва техник йўналишига мўлжалланган хоналар – омборчалар ва таъмир устахоналари маҳаллий шароитлар бўйича ҳисобланади ва алоҳида блокларда, ёртўла хоналарида жойлаштирилиши мумкин.

Эслатма: Маъмурият ва жамоатга мўлжалланган хоналарнинг майдонларининг ҳисобий нормалари ШНК 2.07.01 да келтирилган – яшаш жойи бўйича турар-жойдан фойдаланиш хизмати объектлари ва жамоага мўлжалланган хоналар.

Санитар гигиенага мўлжалланган хоналар

3.168. Жамоат биноларида ва иншоатларида, жумладан спорт ва савдо марказлари, бозорлар, кўрғазмалар марказлари, автовокзаллар, темир йўллари вокзаллари, аэровокзаллар таркибида хожатхоналар одамлар бўладиган энг узоқ жойлашган хоналардан узоқлиги 75 м дан ошиб кетмаган масофада жойлаштирилиши зарур.

Ҳар хил йўналишга мўлжалланган очиқ иншоатлар мажмуаларининг, жумладан шаҳар ва қишлоқ марказлари таркибидаги савдо-бозор, оммавий-бўш вақтни ўтказиш жойлари, паркларнинг жамоавий худудларининг мижозлари учун жамоа хожатхоналаригача масофа, қоида бўйича, 150-200 м атрофида бўлиши керак.

3.169. Ҳар хил йўналишга мўлжалланган бино ва иншоатларда ишловчилар (ҳодимлар) учун санитар жиҳозларнинг сони маъмурий муассасалардаги каби қабул қилинади.

Ҳар хил хизмат кўрсатиш корхоналари ва муассасаларининг мижозлари учун санитар жиҳозларининг сони назарда тутилиши: эркаклар учун – 1 та унитаз 50-60 кишига, 1 та писсуар 40-60 кишига, 1 та қўл ювиш жиҳози 4 та унитазга (лекин хожатхонада биттадан кам бўлмаслиги керак), аёллар учун – 1 та унитаз 25-30 нафарга, 1 та қўл ювиш жиҳози 3-4 та унитазга (аммо бир хожатхонада биттадан кам эмас).

Транспорт хизмати объектларида, жумладан автостанция, автовокзал, темир йўл вокзали, аэровокзаллар таркибида санитар жиҳозлар қуйидаги ҳисобларда қабул қилинади: 1 та унитаз 75-100 нафар аёлларга, 1 та унитаз ва 2 та писсуар 150-200 нафар эркакларга (конкрет шароитлар бўйича аниқлик киритилади); кўрсатиб ўтилган транспорт объектларининг маъмурият ва хизмат кўрсатиш хоналарида ишловчилар учун хожатхоналар маъмурий муассасаларнинг ҳисобий нормалари бўйича қабул қилинади.

Очиқ иншоатлар мажмуаларининг жамоат хожатхоналарида санитар жиҳозларнинг сони ва таркиблари технологик ҳисоб-китоб билан мижозларнинг сонини, эркак ва аёлларнинг нисбатини, бошқаларни ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади; 1 та кўзга (1та унитаз) тахминан ҳисобий кўрсаткичлар 300-500 киши учун.

Хожатхоналар қошида кресло-аравадаги ногиронлар учун кабиналар ШНК 2.07.02 талабларини ҳисобга олган ҳолда назарда тутилиши керак.

3.170. Умумий типдаги хожатхоналар (бир неча жиҳозга) табиий ёруғлик тушадиган ва шамоллатиш имконияти қилиб назарда тутилиши тавсия этилади.

Жамоат хожатхоналари 1 та кўзга ёки унитазга камида 1.25 м² майдон ҳисобидан, ҳар бир писсуарга (ёки ҳар бир 0.75 м лоток узунлигига) камида 1 м² майдон ҳисобидан назарда тутилади. Хожатхонага кираверишда қўл ювиш жиҳози бор тамбур назарда тутилиши керак.

Хожатхона кабиналарининг эшиклари ўзи ёпилиб қолувчан эшикли, кабина ўлчамлари камида 1.0x1.25 м, перегородқаси баландлиги камида 1.25 м бўлиши керак. Хожатхона қошида ходимлар хонаси, тозалаш инвентарлари ва дезинфекция воситалари кабинаси билан назарда тутилиши шарт.

Алоҳида турувчи хожатхона блоклари хоналари баландлиги камида 2.4 м бўлиши шарт.

Жамоат хожатхоналарини ШНК 2.07.02 талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш зарур (пандуслар, кресло-аравачалар йўлаги кенглиги камида 1.6м,

кабиналар габаритлари ва жиҳозлари ва бошқалар).

Деворлар, шип ва поллар отделкаси нам (хўл) ҳолда тозалаш талабларини ҳисобга олган ҳолда (шланка билан ювишни), поллар трапли қилиниб бажарилиши шарт.

4. МУҲАНДИСЛИК ЖИҲОЗЛАРИ

4.1. Муҳандислик жиҳозлари тармоқлари ушбу бўлим ва бошқа амалдаги нормалар ва қоидаларнинг талабларини қониқтириши шарт.

Санитар-техник ва иситиш жиҳозлари ва уларга уланадиган қувурўтказгичлар жамоат муассасасининг контингенти томонидан фойдаланишда механик таъсир этилиш эҳтимолига чидамли бўлиши керак ёки тўсиқлар билан ҳимояланиши шарт.

4.2. Жамоат биноларида овқат пишириш электр қуввати билан амалга оширилиши керак. 4.106 бандида назарда тутилган ҳолатларда овқат пишириш газ жиҳозларида амалга оширилиши мумкин.

4.3. Ишлашида шовқин ва вибрация чиқарадиган муҳандислик жиҳозларини жойлаштириш ва ўрнатиш, хизмат кўрсатиладиган бинонинг хоналарига ва бино олди худудларига нормаланган виброакустик таъсирни таъминлаб беришни ҳисобга олган ҳолда, ҚМҚ 2.01.08 га мос назарда тутилади.

Иссиқлик таъминоти, иситиш, вентиляция ва кондициялаштириш

4.4. Жамоат биноларининг хоналарида метерологик параметрларнинг, чегаравий ёки оптимал иссиқлик комфорти бўйича, нормаланишини таъминлаш учун иситиш ва вентиляциялашни ёки кондициялаштиришни лойиҳалаш зарур. Кондициялаштириш микроклимат параметрларининг чегаравий ёки оптимал ҳолатини яратиш учун қабул қилинади, агарда у ҳолатларни вентиляциялаш йўли билан таъминлаб бўлмаса.

4.5*. Бутунлай ҳавонинг рециркуляциясига ишловчи автоном кондиционерларни жамоат биноларида хонага ташқи ҳавони санитар нормадан кам бўлмаган миқдорда киритиб берадиган вентиляция бўлганда қўллаш мумкин.

4.6. Бекор қилинди.

4.7*. Биноларда узлуксиз 8 соат фойдаланилмайдиган иситиладиган хоналар ҳароратини ушбу вақтда нормадан кам қилиб ушлаб туриш керак, лекин қуйидаги даражалардан кам эмас:

15 °С – яшаш хоналарида;

12 °С – жамоат хоналарида;

5 °С – жамоат овқатланиш корхоналарининг пиширув цехлари, енгил конструкцияли чакана савдо қилувчи дўконларнинг хоналари, ёпиқ бозор заллари ва савдо пассажларида.

Ҳароратнинг норма ҳолатини хоналардан фойдаланиш бошланиши вақтига таъминлаш зарур.

4.8. Йилнинг иссиқ, оралиқ ва совуқ даврлари учун нормаланган, чегаравий ёки оптимал иссиқлик комфорти миқдорларига тўғри келадиган, жамоат бинолари хоналарининг хизмат кўрсатиш худудчаларининг ҳисобий параметрларини (ҳарорат, нисбий намлик, ҳаво оқими тезлигини) 25-жадвалдан қабул қилиш зарур. Нормаланган, чегаравий ёки оптимал иссиқлик комфорти миқдорларини таъминлаш зарурияти лойиҳа топшириғида берилади.

Жамоат бинолари хоналарининг хизмат кўрсатиш худудчаларининг ҳисобий ҳароратлари нормаланган ҳароратлардан йилнинг иссиқ даврида кўп бўлмаслиги ва совуқ даврида кам бўлмаслиги шарт.

25 -жадвал

Йил даврлари	Пара-	Ҳисобий ҳарорат, °С	Нисбий намлик, %	Ҳаво оқими
--------------	-------	---------------------	------------------	------------

	метр- лари	I зона	II зона	III зона	Ҳамма кли- матик зона- лар учун	тезлиги, м/с, дан кўпмас
1	2	3	4	5	6	7
Иссиқ	Н	дан кўрмас 33	дан кўрмас 33	дан кўрмас 28	дан кўрмас 65	0,5
	Ч	25-28	24-26	23-26	65-30	0,5
	О	26-27	24-26	24-25	60-30	0,3
		25-26	23-25	23-24	60-30	0,2
Оралик	Н	-	-	-	65-30	0,3
	Ч	20-28	16-23	-	65-30	0,2
	О	23-26	18-22	-	45-30	0,2
Совуқ	Н	Бино типларининг мос жадвалларига қаранг			65 гача	0,3
	Ч				65-30	0,2
	О				45-30	0,2

Эслатма: 1. Н - нормаланган йўл қўйиладиган параметрлар; Ч ва О – иссиқлик комфортининг чегаравий ва оптимал параметрлари.

2. Хонада 2 соатдан кўп бўладиган инсонлар учун ўрнатилган параметрлар.

3. Бази хоналарда ҳисобий параметрлар технологик талаблар бўйича қабул қилиниши мумкин (компьютер хоналари ва шунга ўхшаш).

4. одамлар устки кийим билан бўладиган хоналар учун совуқ даврда хона ҳарорати камида 14°C бўлиши керак.

5. Йилнинг иссиқ даврида 2 қаватгача бўлган биноларда , ҳамда кўп қаватли бинолар ҳажмида бир вақтда 5 кишидан ошмаган ва ҳар бир кишига камида хона ҳажмининг 15 м³ тўғри келадиган хоналар учун ҳаво параметрларини нормаламасликка йўл қўйилади. Кўрсатилган хоналардан фарқ қиладиган хоналар учун йилнинг иссиқ даврида ташқаридан ҳаво киритишни нормаланган (рухсат этилган) параметрларини таъминлаш мумкин бўлмаган ҳолларда, ташқи ҳавони хоналарга киритишни санитар нормаларини сақлаган ҳолда, ҳавони совитишнинг буғланиб кетиш, билвосита-буғлантириш ёки сунъий усулларини қўллаш, жумладан автоном кондициялаштириш зарур. Бунда йилнинг оралик даври учун ҳисобий ҳарорат нормаланмайди.

4.9*. Хоналар учун ҳавонинг ҳисобий ҳароратини ва ҳавоалмашувининг қарралигини ташқи ҳаво бўйича ушбу бўлимнинг бандларига мос қабул қилиш керак, маълумот бўлмаган ҳоллар учун таълуқли биноларнинг лойиҳалаш нормалари ёки санитар-гигиеник ва технологик талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳа топшириғига асосан қабул қилинади.

4.10. Жамоат биноларида ҳаво алмаштириш даврийлиги миқдорларининг ҳисобини инсонлардан, технологик жиҳозлардан, қуёш радиациясидан, электр ёриткичлардан ва бошқа манбалардан чиқадиган иссиқликларни қўшилиб кетиши шарти бўйича, зарурият бўйича корбонат концентрациясини ва бошқа зарарли чиқиндиларни чегаравий миқдорларини текширган ҳолда, амалга ошириш шарт. Хизмат ва ёрдамчи хоналарда ҳаво алмаштиришни фақат даврилиқ миқдорларининг ҳисоби бўйича амалга ошириш мумкин.

4.11*. Ички йўлаклар ёки қўшни хоналарга нисбатан талаб қилинадиган ҳаво зичланиши (ҳаво сийракланиши) бўйича жамоат биноларининг хоналари типларга бўлинади (киритиладиган ҳаво ҳажми хона ҳаво ҳажмидан ошиб кетса зичланиши ҳолати юзага келиб тоза ҳаво кирмай қўяди, киритиладиган ҳаво ҳажми хона ҳажми ҳавосидан кам бўлса сийракланиши ҳолати юзага келади, ташқаридан ҳаво кириши имконияти пайдо бўлади):

P1 – ҳар бир эшик орқали қўшни хоналардан 50 м³/соат миқдорида ҳаво киришини таъминлайдиган, сийракланиши талаб этилади (3 ва 4 хавфлилик классдаги зарарли моддалар чиқарадиган хоналар, кам миқдорда хид чиқарадиган нам режимли хоналар);

Р2 - ҳар бир эшик орқали қўшни хоналардан 100 м³/соат миқдорида ҳаво киришини таъминлайдиган, сийракланиши талаб этилади (1 ва 2 хавфлилик классдаги зарарли моддалар чиқарадиган хоналар ёки ўткир ёқимсиз ҳид чиқарадиган хоналар);

П1 - ҳар бир эшик орқали қўшни хоналарга 50 м³/соат миқдорида ҳаво чиқаришни таъминлайдиган, подпор талаб этилади (қўшни хоналарга киритиладиган ҳаво ўзи орқали ўтказиладиган хоналар, бошқа хоналардан ҳаво киришига йўл қўйилмайдиган хоналар, кўп миқдорларда шамол эсадиган туманларда ҳавосини кондициялаштириладиган хоналар);

П2 - ҳар бир эшик орқали қўшни хоналарга 100 м³/соат миқдорида ҳаво чиқаришни таъминлайдиган, зичланиш талаб этилади (алоҳида тоза хоналар);

Б – қўшни хоналар билан тенг босим таъминланишини талаб этади (зарарли моддалар чиқарадиган, ишлов берилмаган ҳаво киритилишига йўл қўйилмайдиган хоналар);

Д – ҳар бир эшик орқали кўпи билан 50 м³/соат миқдорида ҳаво оқимини ушбу хонага ташқаридан кириш ҳавоси берилаётганда (киритиляётганда) катта бўлмаган зичланишга (қўшни хонага ҳаво чиқиши билан) ёки разряжениега (агар ушбу хонадан чиқариладиган ҳаво киритиладиган ҳаводан кўпроқ бўлса) йўл қўйиладиган хоналар.

Хоналарнинг типи бўйича ҳар хил кўринишдаги вентиляциянинг қабул қилинишининг тавсиявий доираси 17 – иловада берилган.

Майдони 35 м² дан кам бўлган ишчи хоналардан ҳавони чиқариб ташлашни ҳаво оқиб чиқадиган вентиляция решёткалари орқали ёки эшик зихлари тирқишларидан ички йўлакка назарда тутишга йўл қўйилади.

4.12. Тирқиш, фрамуга ёки бошқа қурилмалардан, жумладан вентиляторлар билан иситмасдан ёки қисман илтиб хоналарни вентиляция қилишда иссиқлик тизими киритиляётган ҳавони илтиш учун ортиқ иссиқлик миқдори билан таъминлаб бера олиши шарт. Иситиш жиҳозларидан ортиқ иссиқлик миқдорини бир суткада киритиляётган ҳавони иситиш иссиқлик миқдори билан хоналарда инсонлар бўлган соатларда чиқарадиган иссиқлик миқдорларининг айирмасига тенг қилиб қабул қилиш зарур.

4.13*. Аёлларнинг гигиена хоналаридан, хожатхоналардан, душхоналардан, юз-қўл ювиш хоналаридан, ванна комнаталаридан, чекиш хоналаридан, зарарли моддалар чиқарадиган хоналардан, ҳамда сўриб олиш жавони ва зонтларидан сўриб чиқариш вентиляция тизимларини жамоат биносининг бошқа хоналаридан сўриб чиқариш тизими билан қўшиб юбориш мумкин эмас.

Совуқ, илиқ ва очик бўғотли жамоат биноларида ҚМҚ 2.03.10-95* бўйича санаб ўтилган тизимлардан чиқариш ҳавосини атмосферага йўналтириш бўғот ташқарисида бўлиши шарт.

4.14. Жамоат бинолари таркибига кирувчи, кўпроқ тарқалган ёрдамчи ва санитар-гигиеник йўналишга мўлжалланган, хоналарда, иқлим зонасидан қатъий назар, совуқ давр учун ҳисобий ҳаво ҳароратини ва ҳаво алмашишининг даврийлиги миқдорларини 26-жадвал бўйича қабул қилиш зарур.

26-жадвал

Хоналар	Ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С	1 соатда ҳаво алмаштириш даврийлиги, камида	Хоналар типи*
1	2	3	4
Даҳлиз	16	2	П1
Кулуарлар, фойелар**	18	1,5	

Кийим-кечак алмаштириш хонаси	16	2	P1
Буфет	16	Ҳисоб бўйича, аммо хонанинг 3 каррали ҳавоалмаштириш даврилигидан каммас	д
Хожатхоналар	16	100 м ³ /ч 1 та унитазга и 50 м ³ /ч 1 та писсуарга	P2
Юз-қўл ювиш хонаси	16	Ҳаво чиқариб ташланиши хожатхоналар орқали	P2
Душхоналар	25	5	P2
Душхоналар қошидаги ечиниш хонаси**	20	Душхоналардан сўриб олинадиган ҳаво ҳажмида	
Чекиш хоналари	18	10	P2
Шахсий гигиена комнаталари	23	5	P2
Тиб пунктлари, шифокор кабинетлари	21	2	П1
Инветар, канцелярия ва жиҳозлар омборчалари	16	1	P1
шулар, аммо хизмат ходимлари узоқ вақт бўладиган	18	2	P1
Иситиш-вентилияция қилиш жиҳозлари хонаси	16	ҚМҚ 2.04.05 бўйича	
Совитиш станциялари	16	5	P1
Насос-филтирлаш хоналари	15	3	P1
Ишқорли аккумулятор ва электролит сақлаш аккумуляторлар хоналари	15	3	P1
Кислотали аккумуляторлар аккумулятор хоналари	15	10	P1
Ахлат камералари (иситилмайдиган)	-	1	P1
<p>*Хоналарнинг типини - 4.11.бандига қаранг.</p> <p>** Қўшни хоналар билан ҳаво мувозанати сақланиш шарти билан ҳаво киритиш назарда тутилади..</p> <p>Эслатма: 1. Мўлжалланиши бўйича, тирқишлар орқали ёки ёпилмас ўтиш жойлари орқали боғланган хоналар ҳисобий ҳароратлари бир хил қабул қилинади. Ҳавони кондициялаштиришда ёки сунъий ҳаво киритиш - чиқариш вентилияцияси бўлган ҳолатда ҳаво киритишни бинода ҳаво баланси таъминланиши шарти бўйича ҳисоб-китоб билан назарда тутилади.</p> <p>2. Табиий ҳаво чиқариб ташлаш вентилияцияси бўлган биноларда ташқи ҳавони киритиш вентилияциясини назарда тутмаслик мумкин.</p>			

4.15. Биринчи климатик зонада барпо этиладиган ва сунъий вентилиятсия жиҳозлари билан таъминланадиган, одамлар доимо бўладиган жамоат биноларида ҳаво киритилишининг миқдори ҳаво чиқариб ташланишининг миқдоридан ошиқлиги, бутун бино учун, камида 10% қилиб назарда тутилиши шарт.

4.16. Болалар мактабгача муассасаларида совуқ давр учун ҳисобий ҳаво ҳароратини ва ҳаво алмашишининг даврийлиги миқдорларини 27-жадвал бўйича қабул қилиниши зарур.

27-жадвал

Хоналар	Пара-метрлар	Ҳисобий ҳарорат, °С	1соатда ҳаво алмашиши
---------	--------------	---------------------	-----------------------

1	2	I зона	II зона	III зона	даврийлиги, камида
1	2	3	4	5	6
Гуруҳлар, кичик ёшдаги 2-гуруҳ ва 1-кичкиналар ечиниш хоналари, ётоқлар	Н	20	20	21	1,5
	Ч	20-23	20-23	21-24	1,5
	О	21-22	21-22	22-23	1,5
Гуруҳлар, 2- кичкиналар ечиниш хоналари	Н	20	20	20	1,5
	Ч	20-23	20-23	20-23	1,5
	О	21-22	21-22	21-22	1,5
Ўрта, катта ва мактабгача ёшдагилар хоналари	Н	19	19	19	1,5
	Ч	19-22	19-22	19-22	1,5
	О	20-21	20-21	20-21	1,5
Хожатхоналар: ясли гуруҳлариники	Н	21	20	21	1,5
	Ч	21-24	20-23	21-23	1,5
	О	22-23	21-22	22-23	1,5
мактабгача ёшдагиларники	Н	20	19	19	1,5
	Ч	20-23	19-22	19-22	1,5
	О	21-22	20-21	20-21	1,5
Буфетлар	Н	16	16	16	1,5
	Ч	-	-	-	1,5
	О	-	-	-	1,5
Музиқа ва жисмоний тарбия машғулотлари заллари	Н	18	18	18	1,5
	Ч	18-20	18-20	18-20	1,5
	О	19	19	19	1,5
Сайл қилиш айвонлари	Н	12	-	-	-
	Ч	12-14	-	-	-
	О	12-13	-	-	-
Болаларни сузишга ўргатиш бассейнларининг заллари	Н	30	30	30	Ҳисоб китоб бўйича камида 50 м ³ /ч болага
	Ч	30-32	30-32	30-32	
	О	30-31	30-31	30-31	

Эслатма: 1. Н – нормаланадиган миқдор, Ч и О – иссиқлик комфорти чегаравий ва оптимал параметрлари.
2. Талб қилинган ҳаво алмашишини табиий сўриб чиқариш вентилятсияси орқали таъминланиши зарур.
3. Бассейнлар залларининг вентиляциясини спорт иншоатларининг вентиляциясига қўйиладиган талаблар бўйича лойиҳалаш зарур.

4.17. Мактаб ёшигача бўлган болалар доимо бўладиган хоналардаги қиррали иситиш жиҳозлари, тозаликни сақлаб туриш учун, осон ечиб олиннадиган, ёғоч решеткали ҳимоя воситаси билан тўсилиши шарт.

Мактабгача муассасаларнинг гуруҳлари хоналаридаги, дераза остки қисмига ўрнатиладиган, радиаторлар остки сатҳи билан пол сатҳи ораси камида 50 мм бўлиши зарур.

4.18. Биринчи қаватда жойлаштириладиган барча типдаги болалар мактабгача муассасаларининг гуруҳларида, ҳамда ечиниш ва ётоқхоналарида, таянч-ҳаракатида нуҳсонлари бор болаларнинг муассасаларида пол юзасидаги ҳарорат полни иситиш ҳисобига 23 °С атрофида бўлиши шарт. Ушбу хоналарни иситиш даврида 20 °С дан кам бўлмаган ҳарорат билан таъминланадиган ертўла, цокол ёки техник хоналарнинг устига жойлаштирилганда полни иситиш шарт эмас.

4.19. Болалар мактабгача муассасаларининг бурчакли шамоллатиладиган ётоғидан ҳавони чиқариб ташлаш хоналар гуруҳлари орқали амалга оширилиши мумкин.

Овқатлантириш блокидан ҳаво сўриб чиқарадиган ҳавоқувирлари гуруҳлар ёки ётоқлар хоналари орқали ўтиши мумкин эмас.

4.20. Умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар ва ўрта махсус ўқув муассасаларининг биноларида, ҳамда мактабдан ташқари ўқув муассасаларида совуқ давр учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳаво алмашиши даврийлигини 28-жадвалдан қабул қилиш керак.

28-жадвал

Хоналар	Пара-метрлар	Ҳисобий ҳарорат, °С			1 соатда ҳаво алмаштириш даврилиги, камида	Хоналарнинг типлари*
		I зона	II зона	III зона		
1	2	3	4	5	6	7
Синф хоналари, ўқув кабинетлари, тажрибахоналар, мусиқа ва кўшиқ синфлари, кутубхоналарнинг ўқишга хизмат кўрсатиш худудлари	Н Ч О	20 20-23 21-22	20 20-23 21-22	21 21-24 22-23	Ҳисоб китоб бўйича, аммо 1 кишига 20 м ³ /с дан кам эмас.	Д
Ўқув устахоналари	Н Ч О	17 17-19 17-18	17 17-19 17-18	17 17-19 17-18	Ҳисоб китоб бўйича, аммо 1 кишига 20 м ³ /с дан кам эмас.	Д
Фаоллар зали – маъруза аудиторияси, эстрадали фаоллар зали (сахнали), жумладан киноқурилмаси бор	Н Ч О	19 19-21 19-20	19 19-21 19-21	20 20-22 20-21	Ҳисоб китоб бўйича, аммо 1 кишига 20 м ³ /с дан кам эмас.	Д
Клуб-тўғарак хоналари, дам олиш ва ўйингоҳ комнаталар, рекреация хоналари	Н Ч О	18 18-21 19-20	18 18-21 19-20	19 19-22 20-21	1,5 1,5 1,5	Д
Интернат –мактаб ва мактаб қошидаги интернатлар ётоқ хоналари	Н Ч О	18 18-21 19-20	18 18-21 19-20	18 18-21 19-21	1,5 1,5 1,5	Д
Мактаб кутубхоналарининг фонди ва каталогларини сақлаш хоналари	Н	18	18	18	2	Д

* Хоналар типлари - 4.11 бандига қаранг.
Эслатма: Н – нормаланадиган миқдор, Ч ва О – исқлик комфорти чегара ва оптимал параметрлари.

4.21*. Ўқитиш хоналарида механик равишда ҳаво киритиш ва марказлаштирилмаган ҳаво киритиш вентиляциясини лойиҳалашда соатига камида бир карра алмаштириш ҳисоби бўйича табиий ҳаво чиқариш вентиляциясини назарда тутилиши шарт. Қолган ҳаво ҳажмини чиқариб ташлаш рекреация хоналари, хожатхоналар ва кимё тажрибахоналаридаги сўриб чиқариб ташлаш жавонлари орқали амалга оширилади.

Мактаб ва ўрта махсус ўқув муассасаларининг биноларида рециркуляцияни қўллашга йўл қўйилмайди. Ўрни 250 гача бўлган мактабларда ҳаво киритиш вентиляцияси қурилмалари механик равишда бўлмаслиги мумкин.

Умумтаълим ва махсуслаштирилган мактабларда, ҳамда ўрта махсус ўқув муассасаларида ҳаво билан иситишни қўллаш таъқиқланади.

4.22. 100 нафар одамларни сиғдираоладиган фаоллар ва спорт залларида табиий ҳаво киритиш ва чиқариб ташлаш вентиляциясини назарда тутиш мумкин.

4.23. Ўқув муассасалари овқатлантириш блокининг ишлаб чиқариш хоналарига

ҳаво киритиш овқатланиш зали орқали назарда тутилиши шарт. Киритиладиган ҳаво ҳажми ошхона технологик жиҳозларидан иссиқлик чиқаришини қоплашни ҳисобга олган ҳолда ва овқатланиш залидаги бир ўринга камида $20 \text{ м}^3/\text{с}$ берилиши зарурлиги бўйича ҳисобланиши керак.

4.24. Олий ўқув юртларининг (ОЎЮ) хоналарида совуқ давр учун ҳаво ҳисобий ҳарорати ва ҳаво алмаштириш карралилиги 29 - жадвал бўйича қабул қилиниши керак.

29-жадвал

Хоналар	Пара-метр-лар	Барча климатик худудларда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С	1 соатда ҳаво алмашиш карралиги, камида	Хоналар тип*
1	2	3	4	5
Аудиториялар, ўқув кабинетлари, лабораториялар, курс и диплом лойиҳалаш заллари, ўқиш заллари, хизмат хоналари	Н О	19 20	Ҳисоб китоб бўйича, аммо 1 кишига $20 \text{ м}^3/\text{с}$ дан кам эмас	Д
Зарарли радиактив моддалар чиқарувчи лабораториялар ва бошқа лаборатория қошидаги ҳаво сўриб чиқаргич жавонли ювиш хоналари, юқори аниқликда ишлайдиган ускуналар лабораториялар	Н О	19 20	Ҳисоб китоб бўйича технологик топшириққа асосан	
Ҳаво сўриб чиқаргич жавони бўлмаган лабораториянинг идишлар ювиш хонаси	н	18	6	Р1
* Хоналарнинг тип* - 4.11 бандга қаранг. Эслатма: Сигдираолишлик миқдори 30 кишигача бўлган хоналарда табиий чиқарувчи вентилятсия назарда тутилиши мумкин.				

4.25. Ўқув муассасалари, илмий тадқиқот институтлари ва бошқа жамоат биноларининг таркибига кирувчи ўқув-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш устахоналарининг лаборатория ва ишлаб чиқариш бинолари ва хоналарининг иситиш, вентиляция ва бошқа муҳандислик тизимлари билан жиҳозланишини лойиҳалаш амалдаги ишлаб чиқариш биноларининг норматив ҳужжатлари бўйича амалга оширилиши керак.

4.26. Камида 4 та ва ундан кўп аудиторияларга хизмат қилувчи ёки аудиторияларда 100 ўридан кўп жой бўлса вентиляция тизимининг ишлаш унумдорлигини аниқлашда аудиторияларнинг тўлмаслигини ва уларнинг ишлаши бир вақтга тўғри келмаслиги 0.75 коэффицент билан ҳисобга олишга йўл қўйилади.

Ҳаво сўрувчи жавонлардан ҳавони чиқариб ташлаш умумий тизим билан бир ёки бир неча хоналардан назарда тутилиши мумкин, шарти шуки портлаш хавфсизлиги талаблари таъминланиши керак.

4.27. Театр, клуб, кинотеатр, видеосалон, концерт ва кўргазмалар томошабинлар залларининг томошабинлар жойлаштириладиган худудларида йилнинг совуқ даврида ҳаво параметрлари 30-жадвалга мос таъминланиши шарт. Йилнинг иссиқ даври учун кондициялаштириш тизими ёки совитиб ҳаво киритиш вентиляциялари назарда тутилиши лозим. Қўшимча тунги ҳаво алмаштириш имкониятлари кўзда тутилиши мумкин. Сеанс бошланишидан олдин ёки танаффусларда зални тайёрлаш имконияти назарда тутилиши мумкин (иситиш, совитиш ёки шамоллатиш).

Хоналар	Пара-метрлар	Барча климатик хуудларда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С	1 соатда ҳавонинг ҳаво алмаштириш қарралиги, камида	Хоналар типид*
1	2	3	4	5
Эстрадали ва сахнали томоша зали: - томошабинлар учун устки кийим сақлаш жойи бўлмаган кинотеатрларда; - видеосалаонларда, концерт ва кўргазмалар залларида, томошабинлар учун устки кийим сақлаш жойи бор клуб ва театрларда	Н	16	Ҳисоб китоб бўйича, аммо 1 кишига 20 м ³ /ч дан кам эмас Шундай	Д
	Н	20		Д
Сахна, аръерсаҳна, кармон	Н	22	-	
Кинотеатрларнинг фойе ва кулуарлари	Н	16	Ҳисоб китоб бўйича, аммо 1 кишига 20 м ³ /ч дан кам эмас	Д
Кинопроексион хоналари	Н	18	Ҳисоб китоб бўйича, аммо учқаррали ҳаво алмаштирилишлик	Р1
Кассирлар, навбатчи администраторлар, дикторлар, таржимонлар кабиналари, артистларнинг шуғулланиш хоналари	Н	20	3	Д

* Хоналар типид- 4.11 бандига қаранг.

Эслатма: 1. Йилнинг совуқ даврига иситишни лойиҳалашда кинотеатрлар учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати: +14°С, клублар ва театрлар учун: +16°С (устки кийим ечиш жойи бор клублар, театрлар, кўргазмалар ва концерт заллари учун: +20°С); нисбий намлик: ташқи ҳавонинг Б параметлари бўйича ҳисобий ҳароратида 40-45%.

Йилнинг иссиқ даврида томошабинлар залларида ҳисобий ҳарорат–кўпи билан 28°С (кинотеатрларда – кўпи билан 29°С), аммо ташқаридаги ҳаво ҳисобий ҳароратидан фарқи кўпи билан 12°С бўлиши керак; нисбий намлик: ташқи ҳавонинг Б параметлари бўйича ҳисобий ҳароратида 50-55%.

2. Кичик аҳоли пунктларида, туманларда ва қишлоқ жойларда сигдираолишлик миқдори 150 ўрингача бўлган кинотеатрлар ва клубларнинг томошабинлар залларида йилнинг иссиқ даври учун ҳаво параметрларини нормаламасликка йўл қўйилади.

4.28. Йилнинг иссиқ даврида сутканинг кечки вақтларида фаолият кўрсатувчи маданий-томоша муассасалари учун вентиляция ёки кондициялаштириш тизимларини ҳисоблашда ташқи ҳаво параметрлари соат 19-00 га қабул қилиниши мумкин.

4.29. Клублар, кинотеатрлар ва театрларнинг томошабинлар заллари учун ҳаво иситиш тизими вентилятсия ва кондициялаштириш тизимлари билан қўшилган ҳолларида киритиладиган ҳаво ҳароратини иккита режим учун қабул қилиш керак – томошабинлар билан ва томошабинларсиз. Бу ҳолда ички ҳавонинг рециркуляциясига йўл қўйилади.

4.30. Чуқур колосника сахнали клуб ва театрларнинг томошабинлар залларида чиқариб ташланадиган ҳаво сарфи киритиладиган тоза ҳавонинг 90% ини ташкил

этиши керак, 10% ҳаво залда зичланишни таъминлайди: сахна орқали залдан умумий сарфнинг 17% идан кўп бўлмаган ҳаво чиқариб ташланиши керак.

4.31. Киноаппарат ва аккумулятор хоналари учун вентиляция тизимининг мустақил чиқариб ташлаш ва киритиш тизимлари назарда тутилиши шарт. Кинопроексион хонасининг ҳаво чиқариб ташлаш тизимини бошқа тизимлар билан қўшишга (перемотка қилиш, таржимон кабинаси ва дераза кучайтиргич жавонидан ҳаво чиқариб ташлаш тизимлари бундан мустасно) ёки бошқа тизимларнинг проексион хоналаридан ҳаво қувурларини транзит қилиб ўтказишларга рухсат этилмайди. Томошабинлар заллари 100 ўрингача бўлган биноларнинг кинопроексион хоналарига тоза ҳаво киритиш вентиляциянинг умумий тизимидан амалга оширишга рухсат этилади.

4.32*. Музей ва кўргазмалар экспозиция залларида, музейларнинг нодир китоблар ва қўлёзмалар сақланадиган хоналарида, ҳамда 1 млн. ва ундан кўп бирлик ҳажмдаги кутубхона сақлаш хоналарида, ва I гуруҳдаги архивларнинг сақлаш хоналарида кондициялаштириш назарда тутилиши шарт. Музейлар, кутубхоналар ва архивларда йилнинг совуқ даври учун ҳаво ҳисобий ҳарорати ва ҳаво алмаштириш қарралиги 31-жадвал бўйича қабул қилиниши керак.

31-жадвал

Хоналар	Пара- метрлар	Барча климатик худудларда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С	1 соатда ҳавонинг ҳавоалмаштириш қарралиги, камида	Хоналар типи*
1	2	3	4	5
Музейлар ва доимо фаолият кўрсатувчи санъат асарларининг намойиши экспозиция заллари	Н	22	Ҳисоб китоб бўйича, аммо 1 кишига 20 м ³ /с дан кам эмас.	Д
Музейлар, кутубхоналар ва фотохужжат ва микрофильм архивларининг сақлаш хоналари	Н	22	Ҳисоб китоб бўйича	П1
Ҳисобга олиш хужжатлари, хизмат каталоглари сақландиган хоналар	Н	18	1	
Кўргазмалар заллари, ўқишга хизмат кўрсатиш худудчалари (жумладан нутқ сўзлаш ва ўқитиш заллари)	Н	20	Ҳисоб китоб бўйича, аммо 1 кишига 20 м ³ /с дан кам эмас.	Д
Фондларнинг жавобгар сақловчиларининг хоналари	Н	20	2	П1
Репродуксион-нусхалаш лабораториялари	Н	18	3	Р1

* Хоналар типи - 4.11 бандига қаранг.

Эслатма: 1. Музейлар, доимий фаолият кўрсатувчи санъат асарларининг намоёниши экспозицион залларида, фонди ҳажми 1 млн. бирликда ва ундан кўп сақлаш хоналарида, 1 гуруҳ архивларида ва музейларнинг сақлаш хоналарида ҳароратни ва ҳавонинг нисбий намлигини хоналарда йил давомида доимо ушлаб туриш шарт. Йил давомида ҳавони кондициялаштиришда ҳароратнинг рухсат этиладиган тебраниши $\pm 2^{\circ}\text{C}$ дан ошмаслиги, нисбий намлик эса $\pm 3\%$ ошмаслиги шарт. Технологулар билан келишилган ҳолда йил давомида кондициялаштиришда музейлар ва доимий фаолият кўрсатувчи санъат асарларининг намоёниши экспозицион залларида ҳароратни ва нисбий намликни йил давомида ёки йилнинг иссиқ даврида ушбу жадвалдаги миқдорлардан 2° кўп бўлган миқдорларда ушлаб туришга рухсат этилади.

2. Фонди 1 млн. сақлаш бирлигигача бўлган кутубхоналарнинг сақлаш хоналарида ва 2 ва 3 гуруҳдаги архивларда йилнинг иссиқ даврида хоналарнинг ҳаво ҳарорати 25-жадвалда келтирилган миқдорлардан ошиб кетмаслиги шарт.

3. 4.34 бандда кўрсатилган биноларда йилнинг иссиқ даврида ҳаво параметрларини нормалаш шарт эмас.

4.33. Ўқиш, нутқ сўзлаш залларида ва фонди 200 минг ва кўп сақлаш бирлигидаги кутубхоналар сақлаш хоналарида, музейларнинг экспозиция ва сақлаш залларида, сиғдираолишлик миқдори 300 минг сақлаш бирлигидан кўп архивларнинг сақлаш хоналарида, қоида бўйича, ҳаволи иситишни ҳаво киритиш вентиляцияси ёки ҳавони кондициялаштириш тизими билан қўшилган ҳолда қўллаш зарур, ҳаво чиқариб ташлаш вентиляциясини табиий уйғонувчан қилиб лойиҳаланиши зарур. Сувли иситишни ушбу биноларнинг бошқа хоналари учун назарда тутиш мумкин.

4.34. Ўқиш жойларини бир хонада китоб фонди билан жойлаштириладиган сақлаш бирлиги 50 минггача бўлган оммавий кутубхоналарда, ҳамда 300 минг бирликгача сақлаш бирлигидаги архивларда табиий вентиляция қурилмалари бир қарра ҳаво алмаштиришдан кам бўлмаган ҳисоб билан назарда тутилиши мумкин.

4.35. Сақлаш бирлиги 200 минг ва кўп кутубхоналарнинг сақлаш, нутқ сўзлаш ва ўқиш залларида, ҳамда сиғдираолишлик миқдори 300 минг бўлган архивларнинг сақлаш хоналарида ҳавонинг рециркуляциясини назарда тутиш лозим. Ташқи ҳаво сарфини ҳисоб китоб билан аниқлаш шарт. Сақлаш биноларининг хоналарида у умумий киритиладиган ҳаво сарфининг 10% идан ошиб кетмаслиги шарт.

4.36. Музейлар, кутубхоналар ва архивларнинг сақлаш хоналарини ташқаридан кирадиган чангдан тозалаш ва технологик топшириқда бериладиган ҳаво ресиркуляциясини йўл қўйиладиган чегаравий концентрациягача бўлиши назарда тутилиши шарт.

Музей, кутубхона ва архив биноларида ҳавонинг нисбий намлиги 50-55% қилиб қабул қилиниши шарт.

4.37. Чакана савдо корхоналарининг хоналарида совуқ давр учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳаво алмаштириш қарралиги, жумладан алоҳида жойлашган ва киритиб қурилган ҳар хил мутахассислашган дўконлар, ярим очикли йўловчилар жойи бор савдо расталари қаторлари, 150 ўрингача бўлган сабзавот бозорлари учун 32-жадвалдан қабул қилиниши лозим.

32-жадвал

Хоналар	Пара-метр-лар	Барча климатик худудларда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °C	1 соатда ҳавонинг ҳаво алмаштириш қарралиги, камида	Хоналар типид*
1	2	3	4	5
Майдони 250 м ² ва камроқ савдо залли магазинларда: озик-овқат	Н О	12 14-16	1 по расчёту	Д

ноозиқ-овқат	Н О	15 16-18	по расчёту	Д
Майдони 250 м ² кўп савдо залли магазинларда: озик-овқат	Н О	12 14-16	по расчёту по расчёту	Д
ноозиқ-овқат	Н О	15 16-18	по расчёту по расчёту	Д
Алоҳида жойлашган енгил конструкцияли дўконлар, ёпиқ сабзавот бозорлари	Н	8	1	Д
Юк тушириш хоналари	Н	10	по расчёту	Д
Молларни сотувгв тайёрлаш, қадоқлаш, қабул қилиш, экспедиция хоналари, кўздан кечириш заллари	Н О	16 17-18	2	П1
Намойиш қилиш заллари	Н	18	по расчёту	Д
Дазмоллаш хоналари	Н	16	по расчёту	Д
Бўлақларга кесиш хоналари	Н	10	3	П1
Омборчалар: а) бакалея, нон, кондитер махсулотлари	Н	16	0,5	Р1
б) гастрономия, балиқ, сут, мевалар, вино, пиво, ичимликлар, сабзавот, тузланган махсулотлар хоналари	Н	8	1	Р1
в) оёқ кийим, парфюмерия, маиший кимё моллари ва бошқа моллар	Н	16	2	Р1
г) бошқа моллар	Н	16	0,5	Р1
Таралар, қадоқлаш ашёлари ва инвентарлар учун хоналар	Н	12	1	Р1
Кирхоналар	Н	18	0,5	Р1
Устахоналар	Н	18	3	Р1
Экспедициялар ва шиша таралари қабул пунктлари, буюртма қабул ва улашиш хоналари	Н	18	1	Р1
1	2	3	4	5
Совитиш камералари: а) гўшт, полуфабрикатлар, гастрономия б) балиқ	Н Н	0 -2	- -	
в) мевалар, сабзавот, кондитер махсулотлари, ичимликлар	Н	4	4 (в сутки)	Б
г) музқаймоқ, чучвара ва шунга ўхшашлар	Н	-12	-	
д) овқат чиқиндилари	Н	-2	10	Р2

* - Хоналари тури - 4.11 бандга қаранг.

Эслатма: Н - нормаланадиган параметрлар, О – иссиқлик комфорти оптимал параметрлари.

4.38*. Алоҳида жойлашган ва киритиб қурилган дўконлар учун, ҳамда ярим очикли йўловчилар жойи бор савдо расталари қаторлари хоналари учун иссиқлик берувчи юзасида ҳарорат 110 °С дан ошмаган сувли, буғли ва электр иситиш, ҳамда ҳаволи иситиш тизимлари назарда тутилиши мумкин.

Тим ости савдо майдонлари учун бундан ташқари, юқори ҳароратли кўринмас нурланувчи юзаси 250 °С ҳароратдан ошмаган ва 2,5 м баландликда жойлаштириладиган электр ва газли иситгичлар қўлланилишига йўл қўйилади.

Енгил ўт олувчан суюқликлари бор қайта ишлов бериш ва сақлашга мўлжалланган хоналар ва дўконларнинг савдо заллари учун иситиш тизимлари категориялари А, Б ва В бўлган ишлаб чиқариш хоналарининг талабларига мос бўлиши керак.

4.39*. Дўконлар ва ёпиқ бозорларда ташқари ҳаво билан ҳаво алмаштириш савдо залининг ҳар бир квадрат метрига камида 10 м³/соат ҳисобида бўлиши керак.

Савдо майдони 600 м² ва кўп бўлган дўконларда йилнинг иссиқ даври учун совутилмаган ташқи ҳаволи вентиляция билан бирга кондициялаштириш ёки рециркуляцияли ҳавосовутгичлардан фойдаланиш назарда тутилиши лозим.

Савдо майдони 250 м² гача бўлган дўконларда ва савдо майдони 600 м² гача бўлган ёпиқ бозорларнинг залларида вентиляцияни лойиҳалаш фақат табиий уйғонишли бўлиши мумкин.

4.40. Маиший кимё моллари 50% ва кўп бўлган савдо залларида марказлаштирилган ҳавони рециркуляцияси қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

4.41. Кимёвий, синтетик ёки бошқа хид чиқарадиган моддалар омборчаларида ва молларни жойлаштириш ва сотувга тайёрлаш омборчалар майдонларига ташқи ҳавони киритиш 1 иш ўрнига камида 60 м³/соат қилиб назарда тутиш шарт.

4.42. Савдо майдони 250 м² ва кўп бўлган дўконларнинг ва ёпиқ бозорлар учун - 800 м² ва кўп бўлганда ташқи ҳаво ҳарорати минус 15°С ва кам (Б параметрлари) бўлганда харидорлар кириш тамбурлари иссиқ ҳаво тўсиқлари билан жиҳозланиши шарт.

4.43. Спорт иншоатлар ва соғломлантириш ҳаммомлари мажмуалари хоналарида йилнинг совуқ даври учун ҳисобий ҳаво ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳаво алмаштириш қарралигини 33-жадвалдан қабул қилиш зарур.

33-жадвал

Хоналар	Пара- метрлар	Барча климатик худудларда		1 соатда ҳавонинг ҳаво алмаштириш қарралиги, камида	Хонала р типи*
		Ҳавонинг ҳарорати, °С	Нисбий намлиги		
1	2	3	4	5	6
Спорт заллари, томошабинлар жойлари бор ёпиқ сирпаниб учуш заллари	Н Ч О	18 18-20 19-20	30-60	Ҳисоб китоб бўйича, аммо бир шуғилланувчига ташқи ҳаво 80 м ³ /соат дан кам эмас ва 1 томошабинга 20 м ³ /соат дан кам эмас	Д

Томошабинлар жойлари йўқ ёпиқ сирпаниб учиш заллари	Н Ч О	14 14-16 16	30-55	Шундай	Д
Томошабинлар ўринлари бўлмаган спорт заллари	Н Ч О	16 16-18 17-18	30-60	Шундай	Д
Бассейнларнинг ҳовузлари учун заллар	Н Ч О	27 27-30 28-29	50-60	Шундай	Д
Бассейнларда тайёргаллик учун заллар, хореографик синфлар, жисмоний тарбия- соғломлантириш машғулоти хоналари	Н Ч О	18 18-20 19	30-60	Шундай	Д
Ечиниш хоналари**	Н Ч О	22 22-25 23-25	30-60	3	
Совунли хоналар	Н Г О	26 26-30 28	60-75		
Буғлихоналар (нам буғли)	Н	40	75-85	1	Р1
Буғлихоналар (қуруқ буғли), сауналар	Н	120	-	мижозлар йўқлигида даврий фаолият кўрсатувчи	
Душ кабиналари, ванна кабиналари, соғломлантириш ванна ва душхоналари	Н	25	60-75	5	Р1
Массаж, дам олиш комнаталари, сауна қошидаги хоналар	Н	22	30-60	3	Р1
<p>*Хоналар типи 4.11бандига қара.</p> <p>**Ҳаво киритилиши қўшни хоналар билан ҳаво баланси бўлиши шартдан назарда тутилади.</p> <p>Эслатма: 1. Н - нормаланадиган параметрлар; Ч и О – иссиқлик комфортнинг чегаравий ва оптимал параметрлари. Нисбий намликнинг пастки чегараси йилнинг совуқ даври учун келтирилган.</p> <p>2. Йилнинг иссиқ даврида спорт залларида ҳаво ҳарорати ташқи ҳаво ҳисобий ҳарорати Б параметрлари бўйича бўлганда 27°С дан ошмаслиги шарт.</p> <p>3. Томошабинлар ўрни бўлмаган спорт заллари учун ёки уларнинг сони 100 тагача бўлганда, ҳамда 50 ўрингача ҳаммом – соғломлантириш мажмуаларида йилнинг иссиқ даври учун ҳаво параметрларини нормалаш зарур эмас ва соатига бир каррали ҳаво алмаштириш табиий киритиш ва чиқариш вентиляциясини назарда тутиш мумкин.</p> <p>4. Бассейнларнинг ванналари учун залларда ҳаво ҳароратини ваннадаги сув ҳароратидан 1-2° юқори олиш мумкин.</p> <p>5. Ёпиқ душ кабиналарида ҳаво алмаштириш карралигини 2 марта ошириш мумкин.</p>					

4.44. Жисмоний тарбия – соғломлантириш иншоатларида шуғулланувчилар бўладиган ҳудудчаларда ҳаво силжиши, м/с , ошиб кетмаслиги шарт:

0,2 – бассейнларнинг ванна залларида;

0,3 – кураш, стол тенниси, ёпиқ сирпаниб учиш ва эшакли бассейн спорт залларида;

0,5 – бошқа спорт залларида, бассейнларда ва жисмоний тарбия-соғломлантириш машғулоти учун тайёргаллик кўриш залларида.

Бассейнларнинг ванналари залларидаги тўсувчи конструкцияларнинг теплотехник ҳисоб китобида ҳавонинг нисбий намлигини 60%, ҳароратини 29°C қилиб қабул қилиш даркор.

4.45. Нам ва ҳўл режимли хоналарда ташқи деворларда иситиш асбоблари ўрнатиш учун чуқурчалар назарда тутилишига йўл қўйилмайди.

Ҳаммомларда ва бассейнларда ечиниш хоналари ва бассейн атрофи йўлакчаси полларини иситиш ёки пол қопламасини иссиқликни кам ютувчан ашёлардан назарда тутиш тавсияланади. Пол ва йўлакчалар юзаси ҳарорати 31°C ошиб кетмаслиги шарт.

4.46. Томошабинлар ўриндиклари бор сунъий яхлик ёпиқ сирпаниб учиш универсал залларида ҳаво алмаштириш ҳисоб китобини қуйидаги фойдаланиш режимлари учун амалга ошириш зарур:

яхмалақдан ва томошабинлар учун жойлардан фойдаланиш;

томошабинлар учун жойлардан яхмалақсиз фойдаланиш;

яхмалақдан томошабинлар учун жойларсиз фойдаланиш.

Сунъий яхмалақсиз ва томошабинлар жойлари бор бассейн ванналари спорт залларида ҳаво алмаштириш ҳисоб китоби иккита режим учун амалга оширилади – томошабинлар билан ва уларсиз.

4.47*. Ёпиқ сирпаниб учиш ва спорт залларида ҳаволи иситиш агрегатларини ўрнатиш мумкин.

Бассейн залларда ҳаво алмашувини камайтириш мақсадида ҳавони қуритувчи рециркуляция қурилмаларини ўрнатиш тавсияланади.

4.48. Ҳавонинг вентиляцияси ва кондициялаштириши билан қўшилган бассейнлар ва спорт залларининг ҳаволи иситиш тизимларида ҳавони рециркуляциясига йўл қўйилади.

4.49. Умумовқатланиш корхоналарида, жумладан газакхона (паловхона, кадобхона, лағмонхона, кафе-чойхона ва чойхоналарда) йилнинг совуқ даври учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорат ва ҳаво алмаштириш карралиги 34-жадвалдан қабул қилиниши керак.

34-жадвал

Хоналар	Пара-метрлар	Барча климатик худудларда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °C	1 соатда ҳавонинг ҳаво алмаштириш карралиги, камида	Хоналар тип*
1	2	3	4	5
Овқатланиш зали, улашиш жойи	Н Ч О	18 18-21 19-20	Ҳисоб китоб бўйича	P1
Буфет ¹	Н Ч	16 17-18	Ҳисоб китоб бўйича камида 3	P1
Дўкон ёки пишириқларни ва ярим тайёр маҳсулотларни сотиш учун	Н О	16 16-18	2	Д
Ошхона – пишириш цехи ²	Н	5	Ҳисоб китоб бўйича	P2
Ун цехи	Н Ч О	16 16-20 18-19	2	P1

Гўшт-балиқ, сабзавот, совуқликлар цехи	Н Ч О	16 16-20 18-19	4	Р1
Ювиш хонаси	Н	20	Ҳисоб китоб бўйича, аммо камида 6	Р2
Қуруқ маҳсулотлар, ичимликлар омборчалари	Н	12	2	Р1
Сабзавотлар, тузламалар, карам тузламалари таралар кунлик запаси омборчалари	Н	5	2	Р1
Маъмурий хоналар, ходимлар хоналари	Н Ч О	20 20-23 21-22	1	Д
Инвентар омборчалари	Н	12	2	Д

* - Хоналарнинг типи 4.11 бандига қаранг.

Эслатма: 1. одамлар устки кийимлари билан бўлган ҳолларига хизмат кўрсатувчи буфетлар учун ҳароратни 14°С қабул қилиш мумкин.

2. Навбатчи иситишни ва ишдан ташқари вақтни ҳисоблаш учун ҳарорат.

3. Н - нормаланадиган параметрлар, Ч и О - иссиқлик комфортнинг чегаравий ва оптимал параметрлари.

4.50. Ўриндиқлари сони 50 тагача бўлган жамоа овқатлантириш корхоналарида вентиляцияни табиий уйғонувчан қилиб лойиҳалаш мумкин.

4.51. Ҳаво сўриб чиқарувчи вентиляция тизимларини бўлак лойиҳалаш қуйидаги хоналар гуруҳи учун зарур:

а) ошхона билан ёндош бўлмаган овқатланиш заллари ва мижозлар учун бошқа хоналаридан, пишириш цехлари ва ювиш хоналаридан;

б) ишлаб чиқариш (пишириш ва ювиш цехлари мустасно), омборхоналар ва маъмурий хоналардан;

в) маҳсулотларни сақлаш учун совутиш камераларидан;

г) овқат чиқиндиларини сақлаш учун камералардан.

4.52. Пишириш цехларида, кондитер пишириқлари ва нон-бўлка маҳсулотлари учун хоналарда ва ювиш хоналарида ҳаво сўриб чиқариш камида ушбу хоналарнинг икки карра ҳажмига ҳавони киритишдан ошиб кетмаслиги шарт, сўриб чиқаришни компенсациясини эса овқатланиш заллари орқали назарда тутиш лозим.

4.53*. Сиғдираолишлик миқдоридан қатъий назар ресторанларнинг овқатланиш залларида совутилмаган ташқи ҳаволи вентиляция билан бирга кондициялаштириш ёки рециркуляцияли ҳавосовутгичлардан фойдаланиш назарда тутилиши лозим.

4.54. Меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинглар, санаториялар, дам олиш муассасаларининг хоналарида йилнинг совуқ даври учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳаво алмаштириш қарралигини 35-жадвалдан қабул қилиш лозим.

35-жадвал

Хоналар	Пара- метрлар	Барча климатик худудларда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С	1 соатда ҳавонинг ҳаво алмаштириш қарралиги, камида	Хоналар типи*
1	2	3	4	5
Қабул-дахлиз гуруҳи хоналари, меҳмонлар холлари	Н Ч О	18 18- 21 19-20	Ҳисоб китоб бўйича, аммо камида 2	Д

Меҳмонхона номерлари, яшаш гуруҳларининг қўшимча хоналари, санаторияларнинг ётоқ хоналари	Н Ч	20 20-23	Ҳисоб китоб бўйича, аммо кишига камида 30 м ³ /соат	Д
	О	21-22		
Маъмурият ва хизмат кўрсатувчи ходимлар хоналари	Н	20	Ҳисоб китоб бўйича, аммо камида 3	Д
	Ч	20-23		
	О	21-22		
Маданий-оммавий йўналишга мўлжалланган хоналар, меҳмон-музыка салонлари, бильярдхона- лар, ўйин-кулги хоналари	Н	18	Ҳисоб китоб бўйича, аммо камида 2	Д
	Ч	18-21		
	О	19-20		
Балчиқ билан даволовчи кабиналар, даволов ванналари хоналари, сув ости массажи-души, даволаш муолажаси ²	Н	25	5	Р1
Таъмирлаш устахоналари, техник хоналар	Н	18	Ҳисоб китоб бўйича, аммо камида 1.5	Д
Омборлар, марказий кирхоналар	Н	16	1	Р1
Кир ювиш ўз-ўзига хизмат	Н	18	5	Р1
Саргарошхоналар	Н	20	3	Р1
* - Хоналар типи - 4.11 бандига қаранг. Эслатма: 1. Н - нормаланадиган параметрлар, Ч и О - иссиқлик комфортининг чегаравий ва опти- мал параметрлари 2. Кумушводород суви ва балчиқ ишлатилганда ҳаво алмаштиришни кумушводороднинг концентрацияси рухсат этилган норма чегарасига келгунича ҳисобидан аниқланади.				

4.55*. Олий ва биринчи разрядли меҳмонхона ва мотелларда яшаш хоналари, номерларида совутилмаган ташқи ҳаволи вентиляция билан бирга кондициялаштириш ёки рециркуляцияли ҳавосовутгичлардан фойдаланиш назарда тутилиши лозим.

2-3 разрядли ва камроқ номерларда, ҳамда бир-икки қаватли меҳмонхона ва мотеллар биноларида, разрядидан қатъий назар, табиий уйғонувчан вентиляцияни қўллаш мумкин.

4.56. Хожатхонаси бор меҳмонхона номерлари ва санаториялар ётоқ комнаталаридан ҳавони чиқариб ташлаш хожатхоналар орқали амалга оширилиши керак, хожатхоналар бўлмаганда яшаш хоналаридан вентилятсия каналлари орқали амалга оширилади.

4.57. Мотел ва кемпинглар қошидаги техник хизмат кўрсатиш станциялари учун алоҳида иситиш ва вентиляция қилиш тизимлари, ҳавонинг алмашиши карралиги ҳисоб китоб бўйича бўлиб, лойиҳаланиши шарт.

4.58*. Олий разрядли, ҳамда 1 ва 2 разрядли меҳмонхоналарнинг ресторанлари, кафелари ва овқатланиш залларида кондициялаштиришни кўзда тутиш лозим ёки

совутилмаган ташқи ҳаволи вентилятсия билан бирга рециркуляцияли ҳавосовутгичлардан фойдаланиш назарда тутилган ҳолда.

4.59. Бошқарув муассасалари, хокимиятлар, маҳалла марказлари, жамоат ташкилотлари, лойиҳа, конструкторлик, юридик фирмалар, ҳар хил йўналишдаги юридик идоралар, банк муассасалари, агентликлар, юридик фирмаларнинг биноларида совуқ давр учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳаво алмаштириш қарралиги 36-жадвалдан қабул қилиниши керак.

36-жадвал

Хоналар	Пара- метрлар	Барча климатик худудларда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С	1 соатда ҳавонинг ҳаво алмаштириш қарралиги, камида	Хоналар типи*
1	2	3	4	5
Майдони 35 м ² гача ишчи хоналар ва кабинетлар	Н Ч О	20 20-23 21-22	3,5 аммо камида кишига 60 м ³ /соат	Д
Майдони камида 35 м ² ишчи хоналар ва кабинетлар	Н Ч О	20 20-23 21-22	Ҳисоб китоб бўйича, аммо камида кишига 60 м ³ /соат	Д
Кабинетлар қошидаги қабулхоналар, хокимиятлар қабулхоналари	Н Ч О	20 20-23 21-22	3	Д
ПК да ёзиш ва печатлаш хоналари	Н Ч О	20 20-23 21-22	Ҳисоб китоб бўйича, аммо камида 3,5	Д
Конференц-заллар, мажлислар заллари	Н Ч О	18 18-21 19-20	Ҳисоб китоб бўйича, аммо камида кишига 20 м ³	Д
Мижозлар учун кутиш хоналари, жамоат ташкилотлари ва экспедициялар хоналари, маҳалла марказлари хоналари	Н Ч О	18 18-21 19-20	3,5	Д
Нусха-кўпайтириш хизмати хонаси: а) электрографик нусхалаш бўлими	Н Ч О	18 18-21 19-20	5	Д
б) переплет-жилдлаш бўлимлари	Н Ч О	18 18-21 19-20	3	Р1
в) тезкор офсет печатлаш бўлими	Н Ч О	18 18-21 19-20	2	Б

г) редакция-расмийлашти-риш хизмати	Н	20	2	Д
	Ч	20-23		
	О	21-22		
д) печатлаш формаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқиш	Н	18	5	Б
	Ч	18-21		
	О	19-20		
е) печатлаш	Н	18	3	Б
	Ч	18-21		
	О	19-20		
* - Хоналар типи - 4.11 бандига қаранг. Эслатма: Н - нормаланадиган параметрлар, Ч и О - иссиқлик комфортининг чегаравий ва оптимал параметрлари.				

4.60. Муассасалар, хокимиятлар, бюролар, лойиҳа ва конструкторлик фирмалари таркибига кирувчи нусха-кўпайтириш хизмати, техника таъмири устахоналари, ошхоналари, буфетлари, киноаппарат хоналари, аккумулятор хоналари ва бошқа ишлаб чиқариш хоналари учун мустақил ҳаво сўриб чиқарувчи вентиляция тизимлари лойиҳаланиши зарур.

4.61*. Йилнинг иссиқ даврида ишчи хоналарда ва ходимлар учун кабинетларда , конференц залларда, қўшимча хизмат хоналарида кондициялаштириш тизимини ўрнатган ёки совутилмаган ташқи ҳаволи вентиляция билан бирга рециркуляцияли ҳавосовутгичлардан фойдаланишлар ҳолда ҳаво муҳитини оптимал ёки иссиқлик comfortи чегаравий параметрларини назарда тутиш тавсияланади.

4.62. Муассасалар, бошқармалар, хокимиятлар, бюролар, офислар, лойиҳа ва конструкторлик фирмалари, банк ва юридик муассасалар, тижорат ва туристик агентликлар ва фирмаларнинг биноларида ходимларнинг ишчи хоналарида ва кабинетларида, даволаш – профилактика муассасаларида ҳавони марказлаштирилган рециркуляциясига йўл қўйилмайди.

4.63. Касалхоналар, касаллар доимо бўладиган корпуслар, туғириқхоналар, диспансер ва стационарли ижтимоий муассасалар, болаларнинг сутли ошхоналарини иссиқлик билан таъминлаш ишончлилигини 1 категорияга, бошқа муассасаларни эса 2 категорияга таалукли деб билиш зарур.

4.64*. 1 категориядаги иссиқлик истеъмолчилари учун бир бирига боғлиқ бўлмаган иккита кириш манбаидан ёки 1 категорияли иссиқлик манбаидан таъминланувчи ҳалқаланган иссиқлик магистралидан назарда тутилади ёки электр энергиясидан фойдаланиб резерв иситиш ва иссиқ сув таъминотларини назарда тутиш керак. Иссиқликнинг битта кириши бўлганда кимётозалагич ва аккумулятор бакларисиз сув иситиш қозони бор резерв қозонхона назарда тутилиши мумкин.

4.65. Даволаш муассасаларининг асосий хоналарида ҳисобий ҳароратни ва ҳаво алмаштириш қарралигини 37-жадвалдан қабул қилиш лозим. Бошқа хоналар учун ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг бошқа типдаги бинолари учун уларни амалдаги лойиҳалаш норматив ҳужжатлари ва қўлланмаларига мос равишда қабул қилиш керак.

4.66. Даволаш муассасаларининг иситиш тизими иститгич ускуналари силлиқ юзали бўлиши шарт ва, қоида бўйича, улар деразалар остига нишасиз ўрнатилади. Асосланган ҳолатларда уларни ички тўсиш конструкцияларига илиш мумкин.

Даҳлизларда, зинапоя катаклариди ва оширилган санитар – гигиеник талаб қўйиладиган хоналарнинг атрофида бўлмаган ички йўлақларда пўлат конвекторлар қўлланиши мумкин.

Зинапоя катакларини ва даҳлизларни иситгич жавонлари билан иситилишига йўл

қўйилмайди.

4.67. Қурилиш конструкцияларига киритиб қурилган иситгич ускуналарини 37-жадвалнинг 5-11 бандларида санаб ўтилган хоналарда қўллаш зарур, ҳамда касалхоналарнинг электрнур даволови ва психатрия бўлимларида.

Асептик шароитларни таъминлаб берувчи талаб қўйиладиган хоналарда қувурўтказгичлар ва арматуралар ёпиқ ҳолда ўтказилади.

4.68. Касалхона биноларидаги вентиляция ҳаво оқимини “ифлос И” худудчалардан (хоналардан) “тоза Т” ва “жуда тоза ЖТ” худудчаларга ўтиб кетишини чеклаши шарт. Бўлимларнинг (хоналарнинг) худудчаларга мос равишда категориялари 37-жадвалда кўрсатилган.

Бир биридан ҳаво оқими ўтишига йўл қўйилмайдиган бўлимлар ёки хоналар гуруҳи шлюз хоналари билан ажратилиши даркор. Шлюзга бериладиган ёки ундан чиқариб ташланадиган вентиляция ҳавоси сарфи ҳисоб китоб билан аниқланади.

37-жадвал

№ № тб	Хоналар	Хоналарда а ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С	Хоналарда ҳаво алмашиши қарралиги, 1 соат		Хоналарнинг г тозалик бўйича категорияси	Табиий вентиляция да ҳаво чиқариб ташлаш қарралиги
			киритиш	чиқариш		
1	2	3	4	5	6	7
1.	Катта ёшли касаллар учун палаталар, болалар бўлимининг оналар учун хоналари, гипотермия хоналари	Н 20 Ч 20-27 О 24-26	80 м ³ /ч 1 койкага Ҳисоб китоб бўйича, аммо койкага 80 м ³ /соат дан кам эмас Шундай		Т	2
2.	Сил касаллиги палаталари (катталар ва болалар)	Н 20 Ч 20-27 О 24-26	Койкага 80 м ³ /соат		И	2
3.	Гипотериоз касаллар палаталари	Н 24 Ч 24-27 О 24-26	Шундай		Т	2
4.	Тиреотоксикоз касаллари палаталари	Н 15 Ч 15-25 О 20-23	Шундай		Т	2
5.	Операция, операция-но-диализация, наркоз, туғиш бокслари хоналари	Н 22 Ч 22-27 О 22-23	Ҳисоб китоб бўйича, аммо камида соатига 10-та алмашув		ЖТ	Йўл қўйилмайди
6.	Операциядан сўнг палаталар, реанимация заллари, интенсив терапия палаталари, куйган касаллар палаталари	Н 22 Ч 23-27 О 24-26	Шундай		ЖТ	Шундай
7.	Чала туғилган гўдаклар, янги туғилган ва лат еган гўдаклар палаталари	Н 25 Ч 26-28,5 О 27-28	Шундай		ЖТ	Шундай
8.	Туғанлар палаталари, болалар палаталари, барокамера заллари	Н 22 Ч 22-27 О 23-25	Шундай		Т	Шундай

9.	Бокслар, яримбокслар, фильтр -бокслар, бокс қошидаги хоналар	Н 22 Ч 22-28	2,5 (100% йўлакдан берилади)	2,5	И	2,5
10.	Юқумли касалликлар бўлими палата секциялари	Н 20 Ч20-28 О 23-26	Койкага 80 м ³ /соат		И	-
11.	Туғиш олди, филтрлар ва қабул-кўрув бокслари, қаров, боғлаб қўйиш, манипуляция, операция олди, муолажа хоналари, 1 ёшгача болаларни боқиш хоналари, эмлаш хоналари	Н 22 Ч 22-28 О 23-26	2,2	2,2	Т	2
12.	Операция хонаси қошидаги стерилизация хоналари (септик бўлимлар) Шундай (асептик бўлимлар)	Н 20	-	3	И	2
		Н 20	3	-	Т	2

Эслатма: 1. Н - нормаланадиган параметрлар, Ч и О - иссиқлик комфортининг чегаравий ва оптимал параметрлари

2. 5-7 бандларда санаб ўтилган хоналар учун стерилланган ҳаво берилиши назарда тутилади. Операция, наркоз бериш хоналарига 100% ҳаво берилиб 80% ҳаво чиқариб ташлаш ҳисобига ҳаво зичланиши назарда тутилиши керак.

3. 5-7 бандларда санаб ўтилган хоналар учун нисбий намликни 55-60% да ушлаб туриш, ишчи худудчада ҳаво оқимини кўпи билан 0,15 м/с да, инсонлар доимо бўладиган барча қолган хоналар учун нисбий намликни 35-55%, а ҳаво оқими кўпи билан 0,2 м/с бўлиши шарт.

4. Қишлоқ аҳоли пунктларида қуриладиган касалхоналарнинг палата бўлимларини лойиҳалашда ҳаво киритиш вентиляция қурилмалари ва кондициялаштиришдан киритиладиган ҳавони намлаш зарурий эмас.

4.69. Даволаш муассасаларининг асосий биноларида, қоида бўйича, механик уйғотиладиган ёки аралаш вентиляциялаш назарда тутилади.

37-жадвалнинг 5-7 бандларида санаб ўтилган хоналарга кондициялаштириш ўрнатилиши керак.

Алоҳида жойлашган 3 қаватдан ортиқ бинолар учун табиий вентиляцияга, 37-жадвалнинг 5-7 бандларида санаб ўтилган хоналар мустасно қилинган ҳолда, рухсат этилади.

Палата бўлимларида йўлақларнинг икки томонида қурилмалар бўлган ҳолатларда елвизак шамоллатишга йўл қўйилмайди.

Эслатма: Радиологик бўлимларнинг вентиляциясини радиоактив моддалар билан ишлаш ва нурланишнинг ионизациялашадиган бошқа манбалари асосий қоидаларига, ҳамда радиацион хавфсизликнинг амалдаги нормалари ва улар асосида ишланган тармоқ ҳужжатларига мос лойиҳалаш зарур.

4.70. Аралашган тузилмалари ва ҳар бир хоналар гуруҳига ҳар хил санитар-гигиеник талаблар қўйилган бинолар учун, ҳамда ҳар хил давомли иш вақти бўлганда ҳар бир гуруҳ хоналар учун алоҳида вентиляция тизимини назарда тутиш лозим.

Операция блоклари учун алоҳида ҳаво киритиш ва чиқариш вентиляциялари тизимини назарда тутиш керак (асептик ва септик бўлимлар учун алоҳида); реанимация заллар ва интенсив терапия палаталари учун (кўчадан келувчи ва касалхона бўлимларидан тушувчилар учун алоҳида); туғриқхона, касалхоналарнинг ва

туғириқхоналарнинг акушерлик бўлимлари палаталарида, янги туғилган, чала туғилган ва шикастланиб туғилган гўдаклар палаталарида - физиологик ва обсерватория бўлимлари учун алоҳида.

4.71. Микробиологик, биохимик лабораториялар ва аптекалар, нопатоген ашъели стерил боксларнинг вентиляциясини қуришда ҳаво зичланиши назарда тутилиши лозим; патоген ашъели бокслар учун – ҳавонинг сийракланиши.

4.72. Юқумли касалликлар касалхонасида (бўлимларида) бокслашган палаталарга ҳаво берилиши шлюз орқали амалга оширилиши шарт, у ерда палатага ҳаво киришини зич ёпилмайдиган эшик притвори орқали бўлишини таъминлайдиган ҳаво зичланиши ҳосил қилган ҳолда.

4.73. Лаборатория хоналарида маҳаллий сўриб олиш ва умум алмашув ҳаво чиқарилишларни битта вентиляция тизимига қўшиш мумкин.

Родонли лабораторияда ҳаво сўриб ташқарига чиқарувчи жавон механик чиқаришдан ташқари сўриб олувчи вентилятор тўхтатилганда ишга тушириладиган табиий вентиляцияли бўлиши керак.

4.74. Маиший хизмат, ателье, кир ювиш (ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи кир ювиш корхоналари мустасно), кимёвий тозалаш, оёқ кийим таъмири, кийим, маиший техника устахоналари ва шунга ўхшаш ишлаб чиқиш корхоналарида ҳаво ҳисобий ҳарорати ва ҳаво алмашишини амалдаги лойиҳалаш нормаларига ва техник топшириққа мос қабул қилиш даркор.

Ҳавонинг ҳарорати ва ҳаво алмашиши карралиги тавсиялари 38-жадвалда келтирилган.

38-жадвал

Хоналар	Пара-метрлар	Барча климатик худудларда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С	1 соатда ҳавонинг ҳаво алмаштириш карралиги, камида	Хоналар тип* [*]
1	2	3	4	5
Буюртма қабули ва улашиш, маданий-маиший мўлжалидаги предметлар прокати, фотография, ювелир ва гравер ишлари, овоз ёзиш студиялари хоналари	Н	18	Ёндош хоналар билан баланси бўйица, аммо камида 2	Д
Кийим, бош кийим тикиш ва таъмири, оёқ кийим ва чарм галантерияси ясаш ва таъмири, метал ва пластмас буюмлар, соат, оптика, мусиқа асбоблари таъмири, жилдлаш ишлари хоналари	Н	18	Ҳисоб китоб бўйица, аммо камида 3	Р1
Радиоаппаратура ва телевизор таъмири хоналари	Н	18	Ҳисоб китоб бўйица, аммо камида 5	Р1
Ашъёларга ишлов бериш хоналари	Н	18	Ҳисоб китоб бўйица, аммо камида 10	Р1
Кимёвий тозалаш	Н	18	Ҳисоб китоб бўйица	Р1
Кир ювиш хоналарида	Н	16	5	Р1

қабул қилиш, сортларга ажратиш и кир кийимларни сақлаш хоналари				
Кир ювиш хоналари	Н	16	По расчету, но не менее 13	Р2
Қуритиш ва дазмоллаш хоналари	Н	16	По расчету, но не менее 6	Д
* - Хоналар типлари - 4.11бандига қаранг. Эслатма: Ўринлари 5 тагача бўлган корхоналарда маҳаллий сўриб олувчи тизими бўлмаса табиий уйғонувчан ҳаво чиқариб ташлаш вентиляциясини назарда тутиш мумкин.				

Сув таъминоти ва канализация

4.75. Жамоат биноларида хўжалик-ичимлик, ёнғинга қарши ва иссиқ сув таъминоти, канализация ва сув кетказиш тизимларини назарда тутиш лозим, улар амалдаги норматив хужжатларга асосланган ҳолда лойиҳаланиши керак.

Аҳоли яшаш пунктларининг канализацияси бор тумаларида бунёд этиладиган барча типдаги жамоат биноларида ички сув таъминоти ва канализацияси тизимларини назарда тутиш шарт.

4.76. Барча типдаги жамоат биноларида ички сув қувури тизимини қуришда тозалаш инвентарлари сақлаш хоналаридаги, шахсий гигиена комнатасидаги, душхонадаги, хожатхоналардаги, тиб пунктларидаги, ошхона, буфет, кафетерийлардаги ювиш, юз-қўл ювиш ёки қўл ювиш жиҳозларига ва бошқа лойиҳа топшириғига асосан хоналардаги жиҳозларга совуқ ва иссиқ сувларни тартиб бориш назарда тутилиши керак.

4.77. Иссиқ сув ҳарорати жўмрақдан тушишида иссиқ сув таъминоти тизимидан қатъий назар 50°C дан кам эмас ва 75°C дан кўп бўлмаган қилиб қабул қилинади, бундан болалар мактабгача муассасалари хоналаридаги душ ва юз-қўл ювиш жиҳозлари жўмрагидан тушадиган иссиқ сув ҳарорати мустасно, уларда ҳарорат 37°C дан ошмаслиги шарт.

4.78. Ёнғинга қарши ички водопровод КМК 2.04.01 га ва 18-иловага мос назарда тутилиши керак.

4.79. Чакана савдо корхоналарининг маҳсулотларни сотувга тайёрлаш хоналари юз-қўл ювиш жиҳозлари билан таъминланиши шарт.

4.80. Озиқ-овқат дўконлари ва умумовқатланиш корхоналаридаги овқат чиқиндилари учун камераларнинг шлюзи бачокларни ювиш учун ювиш жиҳозлари ва юз-қўл ювиш жиҳозлари билан таъминланиши даркор.

4.81. Ҳаммомларда ва кир ювиш хоналарида водопроводнинг иккита тизими назарда тутилиши мумкин: хўжалик – ичимлик – ташқи тармоқдан, ишлаб чиқариш – балансловчи баклардаги кўшимчадан. Ишлаб чиқариш тизими водопроводини контраст микробассейнларига ва совунли, буғли, душ ва ваннали хоналарга ўрнатиладиган санитар жиҳозларга улаш мумкин, қолган жиҳозлар хўжалик-ичимлик тизимига уланади.

4.82. Хожатхоналарни, душхоналарни, совунли, буғли ҳаммомларни, очиқ ва ёпиқ бассейнлар ҳовузлари атрофидаги йўлакчаларни, ҳаммомларни, балчиқ билан даволаш хоналарини, трибуналарни, очиқ спорт иншоатлари ва кинотеатрларининг томошабинлар ўтирадиган жойларини, кир ювиш хоналарини ювиш ва тозалаш учун совуқ ва иссиқ сув уланган сув қуйиш кранлари ўрнатилиши лозим. Операция олди хоналари, туғдиришга тайёрлаш хоналари, ваннахоналари, икки ва ундан кўп унитазлар билан жиҳозланган хожатхоналари, клизмахоналари, юқимли касалликлар

бўлимларининг бокс ва яримбокслари хоналари, клёнкаларни ювиш ва қуритиш хоналарида совуқ ва иссиқ сув қуйиш кранлари ва траплар ўрнатилиши назарда тутилмоғи лозим.

4.83. Бассейнлардаги сув ҳисобий ҳарорати уларнинг мўлжалланган йўналиши бўйича қабул қилинади, аммо барча ҳолларда улар ҳарорати камида 24 °С ва кўпи билан 30°С бўлиши керак. Сауна қошидаги бассейнлардаги сув ҳарорати 18°С дан камроқ бўлиши мумкин.

Бассейн ҳовузларига қуйиладиган сув ҳарорати 37°С дан ошиб кетмаслиги шарт. Қишда очик бассейнларга қуйиладиган сув ҳарорати санитар назорати органлари билан келишилган ҳолда оширилиши мумкин.

4.84. Бассейнлар ванналарини тўлдириш вақти 24 соатдан ошмаслиги, сувини чиқариб ташлаш 12 соатдан ошмаслиги зарур. Тўлдириш ва чиқариб ташлаш оралиғидаги вақт ваннани ва жиҳозларни тозалаш санитар ишлов беришга сарфланади.

Бассейн ваннасидаги сувни алмаштириш бассейннинг йўналиши бўйича, аммо бир ойда бир мартабадан кам бўлмаслиги шарт.

4.85. Бассейнлардаги сув алмаштириш суткада сувнинг рециркуляцияси билан ва ҳовуз ҳажмининг 10% идан кам бўлмаган тоза сув киритиш йўли билан амалга оширилади. Бунда тўлиқ сув алмашишига кетадиган вақт 12 соатдан ошиқ қабул қилинмаслиги зарур.

Дезинфекциялаб рециркуляциясиз тинимсиз тоза сув билан таъминлашга (бир марта фойдаланадиган) йўл қўйилади.

4.86. Бассейнларнинг ҳовузларидаги циркуляция сувини тозалаш сув таъминоти ташқи тармоғи ва иншоатларини лойиҳалаш бўйича амалдаги норматив ҳужжатларга мос олдиндан коалгуляцияланган фильтрлар билан амалга оширилади.

4.87. Бассейнларда ванна сувини дезинфекция қилиш назарда тутилиши зарур. Дезинфекция санитар назорат органлари руҳсат этган моддалар ва воситалар билан амалга оширилиши керак. Дезинфекция моддалари рециркуляция тизими қувурларига филтрдан олдин, тинимсиз ҳовузга сув киритилишида эса – сув киритиш жойида қўшилади.

4.88. Бассейнларни лойиҳалашда сув сарфи ва йиллик иссиқлик юки иккита режимга ҳисобланиши зарур: бассейн ванналарини тўлдиришда ва берилган ҳароратни сақлаб туриш учун сувни иситишни ҳисобга олган ҳолда фойдаланишда.

4.89. Канализацияси йўқ ҳудудларда ички сув таъминоти тизимини қуришда маҳаллий тозалаш иншооти билан ички канализация тизимини назарда тутиш лозим.

Ички канализация тизими йўқ бўлганда ички сув қувури тизимини қуриш мумкин эмас.

4.90. Аҳоли яшаш пунктлари ва қишлоқ жойлардаги канализацияси йўқ ҳудудларда алоҳида жойлаштирилган ерга қазилган типдаги хожатхоналар билан қуйидаги бино ва иншоотлар жиҳозланиши мумкин (баландлиги, қоида бўйича, 2 қаватдан кўп эмас):

- жойи 90 гача бўлган болалар мактабгача муассасалари - чиқиндиларини олиб кетишни ташкил қилган ҳолда;

- мактаблар ва интернат-мактаблар, касб хунар коллежлари (ошхона, шифокор кабинети ва кимё хоналари учун сув қувури ва ўйикқа тушириладиган канализация қурилиши шарт билан);

- савдо майдони 250 м² гача бўлган дўконлар, ёпиқ бозорларнинг савдо заллари - 250 м²;

- ўрни 50 тагача бўлган жамоа овқатланиши корхоналари (чойхоналар, кафелар,

газакхоналар, кабобхоналар);

- бошқарув органлари, ҳар хил йўналишдаги идоралар, офислар, фирмалар, бюролар бинолари (баландлиги 2 қаватдан ошмаган);

- баландлиги 1-2 қават 50 ўрингача меҳмонхоналар, мотеллар ва кемпинглар;

- болалар ёзги оромгоҳлари, дам олиш базалари, сиғдираолишлик миқдори 240 ўрингача туристлар базалари ошхоналаридан чиқинди сувлар учун ер кудуғига чиқариш билан;

- сиғдираолишлик миқдори 500 ўрингача кинотеатрлар и клублар;

- тирларнинг отиш галереялари ва алоҳида жойлашган очиқ тирлар;

- очиқ текис иншоатлар, жумладан томошабинлар учун 300 ўрни борлари;

- спорт иншоатларининг старт майдонлари - трамплинларнинг, тоғ чанги трассаларининг ва бошқа;

- бир сменада 25 ходимгача бўлган маиший хизмат корхоналари;

- норматив актлар ёки вазирлик, қўмита ёки таъсис йўналиши бўйича идораларнинг қарорларига мос бошқа ўринлари кўп бўлмаган жамоат муассасалари.

4.91. Бошқа йўналишга мўлжалланган ёки уларга олд қурилган савдо, жамоат овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг канализация тизими ушбу биноларнинг канализация тизимидан ажратилган ҳолда назарда тутилиши шарт.

4.92. Маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар учун ички канализация тизимини, жумладан ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кир ювиш хоналарининг, лойиҳалаш маиший ва ишлаб чиқариш чиқиндилари сувлари учун қўшилган ҳолда амалга оширилиши мумкин, лойиҳаланиши амалдаги нормалар бўйича бўлган кимёвий тозалаш, ҳаммом ва кир ювиш хоналари канализациялари бундан мустасно.

4.93. Жамоат биноларининг вентиляция ва кондициялаштириш тизими жиҳозларидан чиқувчи сувни чиқариш маиший канализация тармоғига ёки ирригация тармоғига уланиши лозим.

4.94. Ўтиш оёқ душлари ва ванналаридан, тошиб чиқадиган тарновлардан ва бассейнларнинг бўшатиш ва ювиш сувларини чиқариб ташлаш маиший канализация ёки ирригация тармоғига лойиҳаланиши шарт. Ванналарни канализация тармоғига улашда тармоқдан ваннага сув қайтиб кириш эҳтимоли олди олиними керак.

4.95. Ишлаб чиқариш чиқинди сувларини чиқаришда ёғ тутиб қолувчи қурилмалар қуйидаги жамоат овқатланиш корхоналарида назарда тутилиши зарур:

- хом ашёга ишловчи – залларида ўриндиқлар 200 дан кўп; ярим тайёр маҳсулотларга ишловчи – ўриндиқлари сони 500 дан кўп;

- марказлашган иссиқ сув таъминоти бўлмаган сиғдираолишлик миқдори 600 ўқувчидан кўп ўқув биноларининг овқатланиш блокларида.

Болалар мактабгача муассасалари овқатланиш блоклари ёғ тутқичлар билан жиҳозланмайди.

4.96. Сменада ишлаб чиқариш унумдорлиги 1 тоннадан кўп сабзавот цехлари бор жамоат овқатланиш корхоналари учун бинодан ташқарида ифлос тиндиргич ва пўстлоқ тутгич қурилмалари назарда тутилиши шарт.

Электротехник қурилмалар

4.97. Жамоат биноларида электржиҳоз, электрёритгич, шаҳар телефон алоқалари қурилмаси, симли эшиттириш ва телевидение назарда тутилиши лозим. 10 кишидан кам ишловчи ходими бўлган айрим жамоат биноларида асосланган ҳолда телефон алоқаси қурилмаси ва телевидение назарда тутилмаслиги мумкин, болаларнинг мактабгача муассасалари, умумтаълим ва махсуслашган мактаблар, ўрта махсус

муассасалар, меҳмонхоналар, бошқарув органлари ва аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш бинолари, банк муассасалари бинолари, суғурта агентликлари бинолари бундан мустасно.

Лойиҳа топшириғига, идоравий қурилиш нормалари талабларига ёки бино комфортлиги классига асосан айрим бинолар ва хоналар маҳаллий (ички) телефон алоқаси, маҳаллий симли эшиттириш ва телевидение, нутқнинг овоз кучайтиргичи, синхрон таржимаси қурилмалари, сигнализация, ёнғин ҳақида хабар берувчи тизим, газ чиқиши ҳақида хабар берувчи сигнализация, тутун ва сув тошиши сигнализатсиялари, муҳандислик қурилмалари автоматизация ва диспетчиризация тизимлари ва бошқа қурилмалар турлари билан, ҳамда электр пасттокли тармоқлари билан жиҳозланиши мумкин.

Автоматик ёнғин сигнализацияси тизимлари (АЁСТ) ва ёнғин ўчиргич автоматик қурилмалари (ЁЎАҚ) ЎзР ИИВ ЁХББ нинг 21 - мажбурий иловада келтирилган рўйхати бўйича назарда тутилади. АЁСТ ва ЁЎАҚ билан жиҳозланиши шарт конкрет хоналарнинг рўйхати объект лойиҳа топшириғида берилиши лозим.

Ёнғинни автоматик ўчириш учун ёниш бўлмаганда ишлаб кетадиган ёки зарари ёнғинда бўладиган зарарга яқин қимматли товар-ашъёларга ва хоналарга шикаст етказадиган қурилмаларни ўрнатмаслик мумкин.

4.98. Жамоат биноларининг электр қабул қилувчилари электр таъминотининг ишончилигини таъминлаш даражаси бўйича 19-иловадаги мос категорияларга таалукли бўлиши шарт. Категорияси янада юқори электр қабул қилувчиларнинг электр таъминоти ишончилигига талаблар кичик категориядаги электр қабул қилувчилар таалукли бўлиши мумкин эмас.

4.99. Бино қаватлигига боғлиқ электр таъминотининг ишончилиги бўйича категориясини аниқлашда қаватлар сонига барча ер устки қаватлари, жумладан мансарда, техник қават, ҳамда цокол қават, агарда унинг тепа қопламаси ернинг режавий сатҳидан 2 м дан кам бўлмаган баландликда бўлганда, киритилади.

Бинонинг қисмларида ҳар хил қаватли қисмлар бўлса ҳар бир қисм учун қаватлик алоҳида аниқланади.

4.100. Ёнғинга қарши қурилмаларнинг ва қўриқлаш сигнализацияси электр қабул қилувчилари, жумладан ўт ўчирувчиларни ташийдиган лифтларнинг ҳам, ҳар хил киришларнинг ишончилиги категориясига боғлиқ бўлмаган ҳолда таъминланиши шарт, а битта кириш жой бўлганда – ушбу кириш жойидан иккита линия билан. Бунда бошқа истеъмолчиларни ўчириш ёнғинга қарши қурилмаларнинг электр қабул қилувчиларини ўчириш билан боғланган бўлмаслиги керак.

4.101. Бино ва хоналарнинг қўриқлаш сигнализацияси жиҳозлари лойиҳа топшириғига асосан назарда тутилади.

4.102. Банк бинолари, омонат кассалари, офислар ва бошқа жамоат биноларида пул билан, қимматбаҳо қоғозлар билан, қимматли метал буюмлар билан операция амалга оширувчи хоналардаги иш жойлари тревога сигнализацияси билан жиҳозланиши шарт. Комутатор қурилмаси жойи лойиҳа топшириғида берилади.

4.103. Яшинқайтаргич РД 34.21.122-87 асосида жамоат биносининг мўлжалланган йўналиши ва унинг жойлашган худудида момақалдироқ бўлиш интенсивлигини, ҳамда телевизор антеналари ва телефон алоқаларининг тик қувурлари борлигини ҳисобга олган ҳолда назарда тутилиши керак. Яшинқайтаргич ўрнатилиши зарур бўлмаган ҳолатларда антеналарни ва тик қувурларни ерга симлаш атмосфера электрини ерга ўтказиб юбориш учун зарур.

4.104. Механик умумий вентиляцияси бор биноларда автоматик ёнғинга қарши

сигнализация ва автоматик ёнғинўчиргичлар ишлаганда автомат ҳолда вентиляция ўчирилиши назарда тутилиши керак, агар ёнғинга қарши қурилмалар ва автомат ўчиргич бўлмаса марказлаштирилган жойдан вентиляцияни ўчириш зарур.

4.105. Жамоат биноларида ҳимоя ўчиргичи қурилмасининг ишлаши ток кучи 30 мА дан кўп бўлмаслиги, ишлаб кетиш вақти -100 мс гача бўлиши шарт.

Газ таъминоти

4.106. Табиий газда овқат тайёрлаш учун жиҳозлар ошхоналарда, ресторанларда, кафеларда, газакхоналарда ва маъмурий бошқарув органлари бинолари, идоралар, офислар, илмий-тадқиқот ташкилотлари, лойиҳа-конструкторлик бюрolari, маҳалла турар-жой - фойдаланиш ташкилотлари, юридик ва банк муассасалари, санатория-курорт йўналишидаги муассасалар, дам олиш ва туризм, ҳаммом ва ҳаммом-соғломлантириш мажмуалари, кир ювиш хоналари, жисмоний тарбия – спорт бинолари ва иншоатларининг буфетларида рухсат этилади.

Киритиб қурилган, олд қисмига қурилган, том қисмига ва алоҳида қурилган иситиш қозонхоналарида газдан фойдаланиш мумкин, ертўла қисмда жойлашган қозонхоналар бундан мустасно.

Технологик мақсадлар учун асосий бинода ёки унинг олд қисмига жойлашган тиш даволаш поликлиникаларида марказлашган газ таъминотига рухсат этилади.

Жамоат овқатланиши, овқатланиш блоклари, ошхоналар, аптекалар, лабораторияларнинг ва бошқа асосий жамоат биносининг кўшимча хизматига киритиладиган марказий тайёрлаш хоналарида, ҳамда ахлат ёкиш учун печларда марказлашган газ таъминотига йўл қўйилади.

Жамоат биноларининг газ таъмини тизимларини КМК 2.04.08 га, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давтехназоратида тасдиқланган газ хўжалигида хавфсизлик қоидаларига мос лойиҳалаш зарур.

1-ИЛОВА
Мажбурий.**ЖАМОАТ БИНОЛАРИ ВА ИНШОАТЛАРИНИНГ АСОСИЙ
ФУНКЦИОНАЛ-ТИПОЛОГИК ГУРУҲЛАРИ РЎЙХАТИ**

